

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ Ф.Г.

«ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИ»
фанидан замонавий педагогик технология асосида тайёрланган
ўқув – методик мажмуа

Гулистон– 2017

Ф.Шарипов. «Ўзбек тили услубияти» фанидан ўқув-услубий мажмуа. (ўқув қўлланма). - Гулистон. 2017. – 192 б.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа 5220100-филология (ўзбек тили) таълим йўналишида ўқиётган бакалаврларга танлов ва қўшимча фанлар доирасида ўқитишга мўлжалланган бўлиб, маъруза матнлари, амалий машғулотлар, амалий дарс ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, муаммолар ва ақлий хужум саволларни ўз ичига олади.

Маърузалар замонавий педтехнология талабларига мос равишда тайёрланиб, унда ўқув мақсадлари, мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган. Шунингдек, унда маърузага оид илмий муаммолар, назарий топшириқлар ва яқуний хулосалар ўрин олган. Ҳар бир мавзу бошида фанни ўқитиш технологияси, мавзу охирида мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Ўқув – методик мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан (30 август 2017 йил, 1-баённома) нашрга тавсия қилинган.

Қайта ишланган, тўлдирилган нашри ГулДУ “ЎМК нинг 30.08.2017 йилда ўтказилган 1-йиғилиши баённомаси билан тасдиқланиб, чоп этишга тавсия қилинган”

Масъул муҳаррир: проф. Ё.Тожиев

Такризчилар: Ҳ.Ёдгоров, филология фанлари номзоди. (ГулДУ)

Systematic curriculum on subject Kholbekova M. K. “The stylistics of modern uzbek language”. –Gulistan, 2017. - 192 page. This curriculum intends for the students who studying in bacholar for Uzbek language includes texts lecturies, working outs the tasks for independence study, questions and brain storms.

Lectures prepared according modern technology. Includies study aims problems questions and self independent works. So it includes science problems, tasks, and summaries. The methodic curriculum recommend to the Athority of high and secondary specialized ministry and colleges.

Шарипов Ф.Г. Учебно-методический комплекс по предмету «Стилистика современного узбекского языка».-Гулистан, 2010. - 192 с.

Данное пособия передназначено для студентов учащихя в бакалавриате по направлению 5220100-филология (узбекский язык) и включает себя тексты, разработки, практических занятий, задания для самостоятельных работ и вопросы для мозгового штурма. Тексты лекций подготовлены по требованиям современных педтехнологий. В начале каждой темы даны технологии преподавания предмета, в конце задания для самостоятельных работ.

Учебно-методический комплекс рекомандовано к печати координационным Советом при Министерстве Высшего и средно специального образования (протокол под №1 от 10.10.2017).

Кириш

Бўлажак муаллим ёки адибнинг нутқ маданияти ва маҳоратини, касбий малакасини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан бири услубиятдир. Чунки муаллим маърифатчи, ташвиқотчи ва тарғиботчи сифатидаги ижтимоий вазифасини тил воситасида амалга оширади. Услубият уларнинг умумий ва касбий нутқ маданиятини оширишга, тилга онгли муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга, ижодий маҳоратини оширишга, тасаввурларини бойитишга, амалда содда ва таъсирчан, жонли ва тушунарли қилиб ёзишга одатлантиришга хизмат қилади. Турли нутқ услубларига оид матнларни бадиий нуқтаи - назардан тўғри баҳолашга ўргатади. Бу ўринда “Ўзбек тили услубияти” фани ўрганиш зарур бўлган фанлардан биридир.

Олий таълим муассасаларининг 5220100-филология (ўзбек тили) таълим йўналиши 4- курс талабаларига танлов фани сифатида «Ҳозирги ўзбек тили услубияти» фани ўтилиши режалаштирилган. Мажмуа ўз ичига маъруза, амалий машғулот ва мустақил топшириқларни қамраб олган. Мажмуа янги педагогик технология асосида яратилган бўлиб, асосий эътибор талабанинг мустақил фикрлашига, ўзлари назорат топшириқларига жавоб топишларига қаратилган. Бу ҳолат талабанинг маълум даражада ўз устида ишлашга, манбаларга мурожаат қилишга етаклайди. Чунки мажмуада баъзи мавзуларга қўйилган илмий муаммолар талабадан қиёслаш усулини талаб қилади.

Ушбу услубий қўлланмани тайёрлашда Э. Қиличев, Қ.Самадов, Ё.Тожиев, А.Шомақсудов, И.Расулов Р.Қўнғуров, Х.Рустамов И.Тошалиев ва А.Рустамов сингари олимларнинг назарий ишларидан фойдаландик. Шоир, ёзувчиларнинг бадиий асарларидан намуналар тўғри танлашга ҳаракат қилдик.

Мажмуага асос қилиниб 2001 йилда тайёрланган «Ҳозирги ўзбек тили услубияти фанидан маърузалар тўплами» ва 2002 йилда ишлаб чиқилган «Ҳозирги ўзбек тили услубияти фанидан амалий ва семинар машғулотларини ўтказишга оид методик кўрсатмалар» олинди.

Маърузалар курси замонавий педтехнология талабларига мос равишда қайта ишланиб, унда мавзуга оид муаммолар, ўқув мақсадлари, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган. Маърузалар курсини тайёрлашда «таълимнинг илмийлиги» ёки «илм орқали билим эгаллаш» тамойили асосида шу соҳага оид монографиялар, журналлардаги илмий мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллардан кенг фойдаланилди. Ҳар бир мавзудан кейин шу масалага тегишли илмий адабиётлар рўйхати берилган бўлиб, талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотларни олиши мумкин.

Мажмуанинг ҳар бир мавзуси охирида якуний хулосалар, билимини синаб кўриш учун назорат саволлари, тегишли адабиётлар рўйхати ва фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар мавзулари келтирилган.

Мазкур ўқув - методик мажмуада баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларига муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Манзилимиз: 707012. Гулистон шаҳри, IV мавзе, Университет,
«Ўзбек тилшунослиги» кафедраси.

I. «ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Фаннинг **мақсади:** филология факультетининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга (бакалавр) тил воситаларини танлаш ва қўллаш, тилдан фойдаланиш малакасини эгаллашларига, тил унсурларини маъно ва услуб жиҳатидан тўғри баҳолашга ва мақсадга мувофиқ қўллашга ўргатишдан иборат.

1.2. Фаннинг **вазифалари:** Ҳозирги ўзбек адабий тили услубларини, уларнинг лисоний ва нолисоний аломатларини тасвирлаш. Нутқ услубларининг ҳар бирига хос асосий услубий белгилар, уларга ихтисослашган тил воситалари ва жанр услубий кўринишлари билан таништириш.

1.3. Фаннинг якунида талаба билимига **қўйиладиган талаблар**: Тил воситаларини танлаш ва қўллашнинг нутқ шариоти, мақсади, мазмуни, жанри кабилар билан боғлиқлигини тасаввур эта олиш ва турли матнларни шу омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қила олиш. Матндаги турли хил нуқсонларни белгилай олиш ва уларнинг турини, табиатини ва юзага келиш сабабларини тўғри изоҳлаб беришга ўргатиш.

1.4. Фанни ўрганишда “Ҳозирги ўзбек адабий тили курси” ўзбек тили услубияти учун **назарий асос** ҳисобланади. Лексикология ва грамматиканинг назарий маълумотларисиз тил воситаларининг услубий жиҳатидан тўғри ва тўлиқ тавсифлаш қийин. Ўз навбатида услубият адабиётшунослик, нутқ маданияти, мантик, педагогика-психология, оммавий ахборот назарияси ва бошқа фанлар билан ҳам боғлиқ.

2. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

GULISTONDAVLATUNIVERSITETI

O'ZBEKTILIVAADABIYOTIKAFEDRASI

“TASDIQLAYMAN”

GulDU prorektori

_____ **N.Barakayev**

_____ **2017-yil**

O'ZBEK TILI USLUBIYATI

fanibo'yicha

ishchio'quvdasturi

Bilimsohasi: 5200000 – Gumanitarfanlarvasan'at
Ta'limsohasi: 5220000 – Gumanitarfanlar
Ta'limyo'nalishi: 5120101 – Filologiyavatillarnio'qitish
(o'zbektili)

Umumiyo'quv soati – 96

Shujumladan:

Ma'ruza – 16

Amaliyot mashg'ulotlari – 20

Seminarmashg'ulotlari –20

Mustaqilta'limsoati – 40

Fanning ishchi o'quv dasturi namunaviy o'quv dasturi va o'quv rejasiga muvofiq ishlab chiqildi.

Tuzuvchi: Sharipov F. – “O'zbektilivaadabiyoti” kafedrasida dotsentv.b., filologiya fanlari nomzodi, _____ (imzo)

Taqrizchi: Pardayeva I. – GulDU “O'zbek tili va adabiyoti” kafedrasida dotsenti _____ (imzo)

Fanning ishchi o'quv dasturi “O'zbek tili va adabiyoti” kafedrasining 2016 yil “___” _____ dagi ___ - sonli majlisida ko'rib chiqilib, fakultet Ilmiy-uslubiy Kengashida ko'rib chiqish uchun tavsiya qilindi.

Kafedra mudiri:

dots. Sharipov F.

Fanning ishchi o'quv dasturi fakultet Ilmiy-uslubiy Kengashining 2017 yil “___” _____ dagi “___” - sonli majlisida tasdiqlandi.

FakultetIlmiy-uslubiy
Kengashiraisi:

Kelishildi:

O'quv ishlari bo'yicha prorektor **N.R.Barakayev**

KIRISH

Bo'lajak muallim yoki adibning nutq madaniyati va mahoratini, kasbiy malakasini oshirishda zarur bo'lgan asosiy fanlardan biri uslubiyatdir. Chunki muallim ma'rifatchi, tashviqotchi va targ'ibotchi sifatidagi ijtimoiy vazifasini til vositasida amalga oshiradi. Uslubiyat ularning umumiy va kasbiy nutq madaniyatini oshirishga, tilga ongli munosabatda bo'lish hissini tarbiyalashga, ijodiy mahoratini oshirishga, tasavvurlarini boyitishga, amalda sodda va ta'sirchan, jonli va tushunarli qilib yozishga odatlantirishga xizmat qiladi. Turli nutq uslublariga oid matnlarni badiiy nuqtai - nazardan to'g'ri baholashga o'rgatadi. Bu o'rinda "O'zbek tili uslubiyati" fani o'rganish zarur bo'lgan fanlardan biridir.

Oliy ta'lim muassasalarining 5220100-filologiya (o'zbek tili) ta'lim yo'nalishi 3- kurs talabalariga tanlov fani sifatida «O'zbek tili uslubiyati» fani o'tilishi rejalashtirilgan. Majmua o'z ichiga ma'ruza, amaliy mashg'ulot va mustaqil topshiriqlarni qamrab olgan. Majmua yangi pedagogik texnologiya asosida yaratilgan bo'lib, asosiy e'tibor talabaning mustaqil fikrlashiga, o'zlari nazorat topshiriqlariga javob topishlariga qaratilgan. Bu holat talabaning ma'lum darajada o'z ustida ishlashga, manbalarga murojaat qilishga etaklaydi. Chunki majmuada ba'zi mavzularga qo'yilgan ilmiy muammolar talabadan qiyoslash usulini talab qiladi.

Ushbu uslubiy qo'llanmani tayyorlashda E.Qilichev, Q.Samadov, Yo.Tojiev, A.Shomaqsudov, I.Rasulov R.Qo'ng'urov, X.Rustamov I.Toshaliyev va A.Rustamov singari olimlarning nazariy ishlaridan foydalandik. Shoir, yozuvchilarning badiiy asarlaridan namunalar to'g'ri tanlashga harakat qildik.

Majmuaga asos qilinib 2011 yilda tayyorlangan «O'zbek tili uslubiyati fanidan ma'ruzalar to'plami» va 2012 yilda ishlab chiqilgan «O'zbek tili uslubiyati fanidan amaliy va seminar mashg'ulotlarini o'tkazishga oid metodik ko'rsatmalar» olindi.

Ma'ruzalar kursi zamonaviy pedtexnologiya talablariga mos ravishda qayta ishlanib, unda mavzuga oid muammolar, o'quv maqsadlari, nazorat savollari va mustaqil ish topshiriqlari keltirilgan. Ma'ruzalar kursini tayyorlashda «ta'limning ilmiyligi» yoki «ilm orqali bilim egallash» tamoyili asosida shu sohaga oid monografiyalar, jurnallardagi ilmiy maqolalar hamda internetdan olingan materiallardan keng foydalanildi. Har bir mavzudan keyin shu masalaga tegishli ilmiy adabiyotlar ro'yxati berilgan bo'lib, talabalar o'zlarini qiziqtirgan savollar bo'yicha qo'shimcha ma'lumotlarni olishi mumkin.

Majmuaning har bir mavzusi oxirida yakuniy xulosalar, bilimni sinab ko'rish uchun nazorat savollari, tegishli adabiyotlar ro'yxati va fanda echimini kutayotgan ilmiy muammolar mavzulari keltirilgan.

Mazkur o'quv - metodik majmuada ba'zi juz'iy kamchiliklar, munozarali qarashlar va atamalar uchrashi mumkin. Shunga ko'ra qo'llanma haqidagi fikr-mulohazalarini bildirgan hamkasblariga muallif o'z minnatdorchiligini bildiradi.

I.« O'ZBEK TILI USLUBIYATI» FANINING MAQSADI VA VAZIFALARI

1.1. Fanning **maqsadi**: filologiya fakultetining o'zbek filologiyasi yo'nalishi bo'yicha tahsil olayotgan talabalarga (bakalavr) til vositalarini tanlash va qo'llash, tildan foydalanish malakasini egallashlariga, til unsurlarini ma'no va uslub jihatidan to'g'ri baholashga va maqsadga muvofiq qo'llashga o'rgatishdan iborat.

1.2. Fanning **vazifalari**: Hozirgi o'zbek adabiy tili uslublarini, ularning lisoniy va nolisoniy alomatlarini tasvirlash. Nutq uslublarining har biriga xos asosiy uslubiy belgilar, ularga ixtisoslashgan til vositalari va janr uslubiy ko'rinishlari bilan tanishtirish.

1.3. Fanning yakunida talaba bilimiga **qo'yiladigan talablar**: Til vositalarini tanlash va qo'llashning nutq sharoiti, maqsadi, mazmuni, janri kabilar bilan bog'liqligini tasavvur eta olish va turli matnlarni shu omillarni hisobga olgan holda tahlil qila olish. Matndagi turli xil nuqsonlarni belgilay olish va ularning turini, tabiatini va yuzaga kelish sabablarini to'g'ri izohlab berishga o'rgatish.

1.4.Fanni o'rganishda "Hozirgi o'zbek adabiy tili kursi" o'zbek tili uslubiyati uchun **nazariy asos** hisoblanadi. Leksikologiya va grammatikaning nazariy ma'lumotlarisiz til vositalarining uslubiy jihatidan to'g'ri va to'liq tavsiflash qiyin. O'z navbatida uslubiyat adabiyotshunoslik, nutq madaniyati, mantiq, pedagogika-psixologiya, ommaviy axborot nazariyasi va boshqa fanlar bilan ham bog'liq.

II.Fanning mazmuni

2.1. Ma'ruza mavzulari, ko'riladigan masalalar va vaqti.

№	Mavzu	Umumiy soat	Ma'ruza	Amaliy	Seminar	Mustaqil ta'lim
1	Uslubiyatning umumiy masalalari.	4	1	1		2
2	Orfografik va orfoepik uslubiyat	5	1	1	1	2
3.	Leksik va fraezologik uslubiyat	5	1	1	1	2
4.	So'z yasalihi va so'zlarning tuzilish uslubiyati.	7	1	2	2	2
5.	So'z turkumlarining uslubiy xususiyatlari.	7	1	1	1	4
6.	Sifat va sonning uslubiy xususiyatlari	5	1	1	1	2
7.	Olmosh va ravishning uslubiy xususiyatlari	5	1	1	1	2
8.	Fe'lning uslubiy xususiyatlari	9	1	2	2	4
9.	Yordamchi va alohida olingan so'zlarning uslubiy xususiyatlari	5	1	1	1	2
10.	Sintaktik uslubiyat.	5	1	1	1	2
11.	Gap bo'laklarning uslubiy hususiyatlari	5	1	1	1	2
12.	Gap tuzilishining uslubiy xususiyatlari. Sodda gaplar.	5	1	1	1	2
13.	Qo'shma gaplarning uslubiy xususiyatlari	9	1	2	2	4
14.	Murakkab qo'shma gaplarning uslubiy xususiyatlari	9	1	2	2	4
15.	Tinish belgilarning uslubiy xususiyatlari	10	2	2	2	4
	Jami:	96	16	20	20	40

1. Ўқув материаллари мазмуни Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Uslubiyatning umumiy masalalari.

Uslubiyatning umumiy masalalari. Uslublar. Til vositalarining nutqda qo'llanilishi. Fonetik uslubiyat

Orfografik va orfoepik uslubiyat

Fonetik hodisalarning leksik frazeologik va grammatik xususiyatlari. O'zak va qo'shimchalar imlosi, qo'shib yozish, ajratib yozish, chiziqcha bilan yozish va bosh harflar imlosining uslubiy xususiyatlari

Leksik va fraezologik uslubiyat

Badiiy tasvir vositalari va ularning turlari. So'z qo'llash. Shakldoshlik. Ma'nodoshlik. Ziddiyalar. Faol va nafaol so'zlar. Arxaik va tarixiy so'zlar. Neologizmlar. Frazeologik iboralar. Ko'p ma'noli iboralar. Shakldosh iboralar. Ma'nodosh iboralar. So'z va ibora ma'nodoshligi. Ijobiy va salbiy bo'yoqlar. Og'zaki va yozma nutqqa oid iboralar. Hikmatli so'z va iboralar. Maqol va matallar.

So'z yasalihi va so'zlarning tuzilish uslubiyati

Morfemika. Morfologik, sintaktik, juftlab, takrorlab va qisqartirib so'z yasash usullari. Sodda, qo'shma, juft vatakroriy so'zlarning uslubiy xususiyatlari

Soʻz turkumlarining uslubiy xususiyatlari

Soʻz turkumlariga ajratish. Ot. Otlarning grammatik kategoriyalari. Otlarda modal, tuzilishi va maʼno jihatdan turlari. Sintaktik xususiyatlari.

Sifat va sonning uslubiy xususiyatlari

Sifat va sonning grammatik kategoriyalari. Sifat va sonlarda modal, tuzilishi va maʼno jihatdan turlari. Sintaktik xususiyatlari

Olmosh va ravishning uslubiy xususiyatlari

Olmosh va ravishning grammatik kategoriyalari. Olmosh va ravishlarda modal, tuzilishi va maʼno jihatdan turlari. Sintaktik xususiyatlari

Feʼlning uslubiy xususiyatlari

Feʼlning grammatik kategoriyalari. Feʼllarda modal, tuzilishi va maʼno jihatdan turlari. Sintaktik xususiyatlari

Yordamchi va alohida olingan soʻzlarning uslubiy xususiyatlari

Yordamchi va alohida olingan soʻzlarning turlari. Sintaktik xususiyatlari

Sintaktik uslubiyat

Soʻzlarning bogʻlanish yoʻllari, soʻz birikmasi va unga oʻxshash hodisalar

Gap boʻlaklarning uslubiy xususiyatlari

Bosh (ega va kesim) va ikkinchi (toʻldiruvchi, aniqlovchi va hol) darajali boʻlaklar

Gap tuzilishining uslubiy xususiyatlari. Sodda gaplar.

Bir va ikki bosh boʻlakli gaplar. Shaxsi aniq, noaniq, maʼlum, nomaʼlum, umumlashgan, shaxssiz, atov va soʻz gaplar.

Qoʻshma gaplarning uslubiy xususiyatlari

Bogʻlangan, ergashgan va bogʻlovchisiz qoʻshma gaplar.

Murakkab qoʻshma gaplarning uslubiy xususiyatlari

Bir necha bosh gapli qoʻshma gap, bir necha ergash gapli qoʻshma gap, aralash va uyushiq boʻlakli murakkab qoʻshma gaplar

Tinish belgilarning uslubiy xususiyatlari

Nuqta, vergul, ikki nuqta, nuqtali vergul, tire, qoʻshtirnoq, qavs, koʻp nuqta, undov va soʻroq kabi tinish belgilarning ishlatilishi

Talabalar mustaqil taʼlimining mazmuni va hajmi

(Maʼruza, amaliy mashgʻulot va laboratoriya ishlari)

Ishchi oʻquv dasturining mustaqil taʼlimga oid boʻlim va mavzulari	Mustaqil taʼlimga oid topshiriq va tavsiyalar	Bajarilishm uddatlari	Hajmi (soatda)
1. Badiiy uslub	A. Qodiriyning asrlarida fonetik uslubiyat	3-hafta	2
2. Badiiy uslub	Badiiy asarlarda soʻzlashuv uslubiga xos iboralarni aniqlash	4-hafta	2
3. Rasmiy uslub	A. Qodiriyning romanlaridan orfoepik va orfografik	5-hafta	2

1	JN 40 %	Amaliy			4			4			4			4			4			24
		Mustaqil ta'lim				3	3		3			3			3			1		
2	ON 30 %	Yozma og'zaki									9						9			18
		Mustaqil ta'lim								6							6			12
		Jami			4			10			26			30			30			70
3	YN																	30	30	
		Jami			4			10			26			30			30			100

Baho	5	4	3	2
Reyting	86-100	71-85	55-70	< 55
Fanni o'zlashtirish ko'rsatgichlari	90-77	76-63	62-50	0-49

Eslatma: 3-kurs 6- semestrda o'qitiladigan "O'zbek tili uslubiyati fanining o'quv hajmi 90 soatni tashkil etib, bahorgi semestr o'quv hajmi semestr uchun 90 soatni tashkil etadi, fan koeffitsenti esa 0,9 bo'ladi. Fan bo'yicha o'zlashtirishni aniqlashda talaba to'plagan bali 0,9 ga ko'paytiriladi va butungacha yaxlitlab olinadi.

4.2. JNni baholash mezonlari

O'zbek tili uslubiyati tili fani bo'yicha joriy baholash talabaning amaliy va seminar mashg'ulotlaridagi o'zlashtirishini aniqlash uchun qo'llaniladi. JN har bir amaliy mashg'ulotlarida so'rov o'tkazish, savol va javob, taqdimot ishlari topshiriqlarini bajarish va himoya qilish kabi shakllarda amalga oshiriladi. JN har bir seminar mashg'ulotlarida so'rov ya'ni kollokvium o'tkazish, savol va javob, suhbat, hamda hisobot topshirishkabi shakllarda amalga oshiriladi. Talabaga JN da butun ballar qo'yiladi.

Talabaning amaliy mashg'ulotlarni o'zlashtirish darajasi quyidagi mezon asosida aniqlanadi

Baholash ko'rsatkichi	Baholash mezonlari	reyting bali
A'lo, 86-100%	Etarli nazariy bilimga ega. Topshiriqlarni mustaqil bajargan. Berilgan savollarga to'liq javob beradi. Masalaning mohiyatiga to'liq tushunadi. Auditoriyada faol. O'quv tartib intizomiga to'liq rioya qiladi. Topshiriqlarni namunali rasmiylashtirgan.	5
Yaxshi, 71-85%	Etarli nazariy bilimga ega. Topshiriqlarni echgan. Berilgan savollarga etarli javob beradi. Masalaning mohiyatini tushunadi. O'quv tartib intizomiga to'liq rioya qiladi.	4

Qoniqarli, 55-70%	Topshiriqlarni echishga harakat qiladi. Berilgan savollarga javob berishga harakat qiladi. Masalaning mohiyatini chala tushungan. O'quv tartib intizomiga rioya qiladi.	3
Qoniqarsiz 0-54%	Talaba amaliy mashg'ulot darsi mavzusiga nazariy tayyorlanib kelmasa, mavzu bo'yicha masala, misol va savollariga javob bera olmasa, darsga sust qatnashsa bilim darajasi qoniqarsiz baholanadi	2

4.3. ONni baholash

Oraliq nazorat "O'zbek tili uslubiyatidan bir necha mavzularini qamrab olgan bo'limi bo'yicha, tegishli nazariy va amaliy mashg'ulotlar o'tib bo'lingandan so'ng yozma ravishda amalga oshiriladi. Bundan maqsad talabalarning tegishli savollarni bilishi yoki muammolarni echish ko'nikmalari va malakalari aniqlanadi. O'quv yilining 1-semestrda 1-ta ON o'tkazish rejalashtirilgan bo'lib 30 baldan iborat. 2-semestrda 1ta ON o'tkazish rejalashtirilgan bo'lib 30 baldan iborat. ON nazorat ishlari yozma ish va test usulida o'tkazilishi nazarda tutilgan, yozma ish va test savollari ishchi o'quv dastur asosida tayyorlanadi. ON ga ajratilgan balldan 55% dan past ball to'plagan talaba o'zlashtirmagan hisoblanadi. ON ni o'zlashtirmagan talabalarga qayta topshirish imkoniyati beriladi. ON bo'yicha olinadigan testlar kafedra mudiri rahbarligida tashkil etiladi va kafedrada o'quv yilining oxirigacha saqlanadi.

4.4. YaNni baholash

Yakuniy nazorat "O'zbek tili uslubiyatidan barcha mavzularini qamrab olgan bo'lib, nazariy va amaliy mashg'ulotlar o'tib bo'lingandan so'ng yozma ravishda amalga oshiriladi. Bundan maqsad talabalarning fan bo'yicha o'zlashtirish ko'rsatkichlari, ya'ni bilim darajasi yoki muammolarni echish ko'nikmalari va malakalari aniqlanadi. YaN nazorat ishlari test usulida ham o'tkazilishi nazarda tutilgan, test savollari ishchi o'quv dasturi asosida tayyorlanadi. ON va JNlarga ajratilgan balldan 55% dan past ball to'plagan talaba o'zlashtirmagan hisoblanadi va YaNga kiritilmaydi. YaNni o'zlashtirmagan talabalarga qayta topshirish imkoniyati beriladi. YaN bo'yicha olinadigan yozma ish variantlari kafedra mudiri rahbarligida tuziladi va dekanatlarga topshiriladi.

Test usulida YaN ni baholash mezonlari:

YaN test va yozma ish shaklida o'tkaziladi va talabaning javoblari 30 ballik tizimda baholanadi. Bunda testga ajratilgan 10 ball 10 savollar soniga bo'linib, bir savolga qo'yiladigan ball topiladi (1 ball) uni to'g'ri javoblar soniga ko'paytirib, va yozma ishdagi 3 ta nazariy savollarga 10 balldan, jami nazariy savolga 30 balldan baholanib talabaning YaN da to'plagan ballari aniqlanadi.

4.ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

4.1. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонад а мавжуд нусхаси
1.	A.Shomaqsudov, I.Rasulov, R.Qo'ng'urov, H.Rustamov. O'zbektilistilistikasi. - Toshkent «O'qituvchi», 1983.	4
2	Q. Samadov. O'zbek tili uslubiyati. Guliston, 1992 y.	2
3	E.Qilichev. "O'zbek tilining amaliy stilistikasi" (pedagogika oliygohlarining filologiya faqulteti talabalari uchun o'quv-qo'llanma). - Toshkent «O'qituvchi», 1992	-
4.	G'.Abdurahmonov., S.Mamajonov. O'zbek tili va adabiyoti -T.: O'zbekiston, 2002.	20
5.	Toshaliyev. «O'zbek tili uslubiyati» - T. 1996 yil.	-

O'zgartirish va qo'shimchalarni kirituvchilar:

(professor-o'qituvchining I.F.O.)

(imzosi)

Ishchi o'quv dasturga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar "Pedagogika" fakulteti Ilmiy-uslubiy Kengashida muhokama etildi va ma'qullandi.

(_____ yil " ____ " _____ dagi " ____ " - sonli bayonnoma).

Fakultet Ilmiy-uslubiy
Kengashiraisi:

**Ўзбек тили услубияти" фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги янги педагогик
технологиялардан фойдаланиш тавсия қилинади.**

«3 in 1» (учтаси бирда) методи

Бу метод мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда таълимда муваффақият билан кенг қўлланиб келинаётган учта методни бирлаштириб қўллашни назарда тутди. Яъни: аклий ҳужум, форум ва инференс методлари. Дарс жараёнида баъзан биргина методни қўллаш етарсиз бўлади. Талабалар қизиқишини инобатга олиб бошқа методларни ҳам бир дарс мобайнида меъёрни унутмаган ҳолда қўллаш яхши самара бериши мумкин. Маълумки кўпгина методлар мактаб ўқувчилари савиясига мўлжаллаб ишлаб чиқилган. Университет талабалари мактаб ўқувчисидан мустақил фикрлаши, воқеликка танқидий, мантиқий ва шахсий муносабатини билдира олиш ҳамда илмий савияси билан фарқ қилади. Шуларни ҳисобга олиб дарсда турли методларни синтезлаш, самарадор жиҳатларидан эркин ва ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. «3 in 1» методининг яхши тарафи шундаки, дарс материални ҳисобга олиб турли метод элементларини ихтиёрий равишда бирлаштириб қўллаш имконияти мавжуд.

«3 in 1» методининг афзалликлари

- 1.Ўқитувчининг дарс мавзусига мос методларни танлаш ҳуқуқига эгаллиги.
- 2.Ўқув жараёнида қўлланиладиган техник воситаларнинг мавжудлиги ва шароитга мослашишнинг қулайлиги.
- 3.Талабалар тайёргарлиги, мавзуни қай даражада қамрай олишига кўра энг маъқул методларни танлашга қулайлиги.
- 4.Талабалар сонидан келиб чиқиб метод танлаш имконининг мавжудлиги.
- 5.Вақтни ҳисобга олиб мавжуд методларнинг энг муҳим элементларни танлаш имкониятининг мавжудлиги.
- 6.Ўтилаётган мавзуга талабаларнинг эркин муносабат билдира олиши.
- 7.Талабаларнинг воқеликка фарқли жиҳатлардан ёндашиш мумкинлигини англашига ёрдам бериши.
- 8.Ўзиги ишонч билдирилаётганлигини мунтазам ҳис қилиши натижасида талабаларда илмий муносабат билдириш малакасининг шаклланишига ёрдам бериши.

«3 in 1» методнинг камчиликлари

- 1.Ўқитувчи-талаба муносабати ва ўртадаги фарқ сақланиб қолади. Ўқитувчининг хулосаси муҳим бўлиб қолаверади. Муаммолар ечимида ўқитувчи муносабати етакчилик қилади.
- 2.Гуруҳдаги барча талабаларнинг фаоллигини таъминлашнинг имконсизлиги.
- 3.Мунозаралар сабабли юзага келадиган шовқиннинг мавзунинг тушунилишига салбий таъсир кўрсатиши.

«3 in 1» методни қўллаш учун ўқитувчиларга тавсиялар

- 1.Талабани мустақил шахс сифатида эътироф этишингизни билдиринг ва ўзингиз бунга биринчи навбатда амал қилинг.
- 2.Талабанинг заиф томонларини сезганда унга эътиборлироқ бўлинг.
- 3.Талаба фикр билдираётганда уни эътибор билан тингланг ва дастакланг.
- 4.Талабалар масаланинг ечимини топгунича сабр билан кутинг.
5. Талабаларни нотўғри фикри учун жазоламанг, камситманг.
- 6.Таъқиқлашда *нимани қилмасликни эмас нега қилмаслик кераклигини* тушунтиришга ҳаракат қилинг.
- 7.Муваффақиятли ҳаракат ва яхши фикр эгаларини, фаол талабаларни мунтазам рағбатлантириб боринг.
- 8.Талабаларнинг зерикашига имкон берманг.
- 9.Ҳар бир талабанинг фаол иштирок этишига имкон яратинг.
- 10.Ҳеч қачон «сенинг фикринг нотўғри» деманг.
- 11.Дарсдаги муаммонинг ечими ҳақида дарсдан сўнг ҳам мунозара давом этишига эришинг.
- 12.Талабални ҳеч қачон «аълочи» ва «иккичи» каби тоифаларга ажратманг.
- 13.Осон тушуниладиган, адабий раvon тилда сўзланг. Овоз оҳангини мавзуга мос равишда ўзгартириб боринг.
- 14.Хулоса чиқаришга шошилманг.
- 15.Дарсингизни ва талабаларингизни ҳурмат қилинг.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум методи талабаларнинг ўртага ташланган масалага фаол муносабат билдиришларини таъминлашга имкон яратадиган, фойдаланишга қулай методлардан биридир.

Бу метод қўлланилаётган пайтда талабалар ўзларини эркин ҳис қиладилар ва шахсий фазилатларини намоён қиладилар. Бунда аввал мунозара учун танланган мавзу умумий тарзда қисқача изоҳланади ва талабалар ҳукмига ташланади. Талабалар кичик гуруҳларга ажратилиб масала юзасидан ўз муносабатларини ўртага қўядилар. Кичик гуруҳлар томонидан маъқул кўрилган фикрлар доскага белгилаб борилади. Турли қарашлардан иборат умумий фикрлар платформаси ҳосил қилинади. Ҳар бир кичик гуруҳнинг хулосасига алоҳида рағбат кўрсатилади.

Ақлий ҳужум методни қўллаш бўйича саволлар:

1. Нутқий санъатлар кўпроқ қайси услубларда қўлланади? Жавоб вариантлари: 1.Бадиий услубда. Изоҳ. 2. Йўқ, сўзлашув услубида. Изоҳ.

2. Синтактик санъатларнинг матн уюштиришдаги ролини мисоллар ёрдамида тушинтиринг Жавоб вариантлари: 1. Жавоб. Изоҳ. 2. Жавоб: Изоҳ.

3.Лингвистик таҳлил билан лисоний таҳлил тушунчалари ўртасида фарқ борми? Жавоб вариантлари: 1.Бор, биринчиси тил фактларига соф лингвистик ҳодиса сифатида ёндошади, иккинчиси тил фактларига нутқий жараёнда қўлланишига кўра ёндошади. 2. Йўқ, ҳар иккиси ҳам бир сўзнинг икки тилдаги кўриниши. Биринчиси Европа тилларидан ўзлашган, иккинчиси араб тилидан ўзлашган.

ФОРУМ МЕТОДИ

Бу методни ҳам кичик гуруҳлар тарзида амалга ошириш мақсадага мувофиқ. Форум учун аввалдан фаннинг энг мунозарали масалалари бўйича кичик маъруза (5 дақиқа) тайёрланади ва

ўқиб эшиттирилади. Маърузада хулоса берилмайди, ечим кўрсатилмайди. Кичик гуруҳлар ўз доираларида масалани муҳокама қилишади ва мунозара натижалари бутун гуруҳга ўқиб эшиттирилади. «Энг долзарб масала», «Энг фаол кичик гуруҳ», «Энг фаол иштирокчи», «Энг оригинал муносабат», «Энг янги фикр», «Энг равон сўзловчи», «Энг таъсирчан нутқ» каби номинациялар бўйича баҳолаб борилади. Баҳолаш талабалар билан биргаликда ўтказилади.

Форум учун тавсия қилинадиган мавзулар: 1.Услугуносликнинг ўрганилиш муаммолари. 2.Лисоний ва нолисоний белгиларини аниқлаш муаммолари. 3.Абзац матннинг энг кичик бирлиги бўла оладими? 4. Матн компонентларини боғловчи воситалар қайси жиҳатларига кўра тасниф қилинади? 5.Ҳосланган услублар ўртасидаги муносабатларни қандай аниқлаш мумкин? кабилар.

ИНФЕРЕНС МЕТОДИ

«Инференс» инглиз тилида «хулоса» деган маънони билдиради. Ушбу методни ҳар қандай мавзуга қўллаш мумкин. Ўқитувчи мавзунини тушунтириб бўлгач, талабаларга бўш карточка тарқатади. Талаба мавзу бўйича ўзини тушунган нарсани бўш карточкага ёзади. Карточкага ҳеч қандай исм-шариф ёзилмайди. Ўқитувчи учун бу фикрни ким ёзганлиги эмас, мавзунини талабанинг қандай тушунгани ва уни қандай хулосалай олгани муҳим ҳисобланади. Кейинги дарснинг такрорлаш қисмида ўқитувчи талабаларнинг ўтган дарс юзасидан билдирган хулосаларига муносабат билдириб боради.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН МЕТОДЛАР:

ИЛМИЙ МУНОЗАРА МЕТОДИ

Ўтиладиган дарс юзасидан маълум бир муаммони ўқитувчи талабалар эътиборига ҳавола қилади. Ва бу масала юзасидан шу кунгача айтилган фикрлар мутлақ тўғри хулосалар эмаслигини, бирёқлама эканлигини, масала ҳалигача тўлиқ очилмаганлигини айтиб ўтади. Музокара учун вақт ва музокарада иштирок этувчилар учун регламент белгиланади. Фикрлар хилма-хиллигига эътибор берилди. Бунда танланган масалага турли томондан ёндашиш мумкинлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанида илмий мунозара асар тили бўйича журнал ва илмий тўпламларда берилган мақолалар бўйича ўтказилади. Бу метод талабаларнинг илмий мушоҳада малакасини оширишга хизмат қилади.

WORKSHOP МЕТОДИ

Бу метод бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида кенг қўлланиб келинаётган методларидан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, Россия, Америка, Хитой, Туркия ва Исроил давлат университетларида синалган ва юқори баҳоланган метод ҳисобланади.

Бу методда ҳам талабанинг эркинлиги, ҳар қандай қўйма-қотма фикрлардан ҳоли бўлиши, шахсий фикрини тортинмай айтиши инобатга олинади.

Workshop методини қўллашда олдин ишчи гуруҳ ташкил қилинади. Ишчи гуруҳ 4 ёки 5 талабадан иборат бўлади. Улар дарсда ўтилган мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштиришини кузатадилар ва уларнинг муносабатини ўрганадилар. Ишчи гуруҳ ўзига бириктирилган талабалар фикрини умумлаштиради ва муҳокамага олиб чиқади.

ЛИНГВОПОЭТИСТ МЕТОДИ

Бу метод икки этапдан иборат. **Биринчи** этапда талабаларга бадиий асардан маълум бир парча ифодали ўқиб эшиттирилади. Асар муаллифи ва асар номи ҳақида маълумот берилмайди. Имкон қадар нотаниш ёзувчиларнинг асарларидан парча олинса талабаларда субъектив тўсиқлар кам бўлади. Матндаги асосий фикрни аниқлаш ва унга муносабат билдириш талаб қилинади. «Агар сиз ушбу фикрни айтмоқчи бўлсангиз уни қандай ифодалаган бўлардингиз?» мазмунидаги

савол ўртага ташланади. Ҳар бир талаба ўз ифода тарзини ёзма тарзда билдиради ва ўқиб эшиттиради. Муҳокама асосида энг яхши ифода аниқланади, таҳлил қилинади.

Иккинчи этапда эса фикр ўқитувчи томонидан айтилади ва шу асосда матн яратиш талаб қилинади. Фикр бир сўздан иборат бўлиши ҳам, сўз бирикмаси ёки гап шаклида бўлиши ҳам мумкин. Асосий эътибор талаба онгида берилагн сўз ёки гап қандай тасаввурни уйғотгани ва унинг қандай ифодаланганлиги ҳисобланади. Масалан: **ёмғир** сўзи берилди. «Шу сўз сизга нимани хотирлатади?» мазмунидаги саволлар билан талабага кўмак бериш мумкин. Матн тузиш учун маълум вақт белгилаб олинади. Ўқиб эшиттирилган матнлар ичида энг яхшилари аниқланади.

ЭПИСТОЛ МЕТОДИ

Бунинг учун бирор бир машҳур ёзувчининг ҳикояси олинади ва талабаларга ўқиб эшиттирилади. Ҳикоя ҳақидаги муносабатини талаба ёзувчига мактуб шаклида ёзиши керак. Биламизки, ўз яқинларига, ёру биродарларига мактуб ёзаётган одам нисбатан эркин бўлади. Дилидагини, ўйлаганларини иккиланмай ёза олади. Юзма-юз туриб айтолмаган гапларинини бемалол айтиш имконига эга бўлади.

Мактубда талабалар асарнинг муваффақияти, камчилиги, қаҳрамонлар нутки ва қиёфаси, лисоний хусусиятлари каби жиҳатлар ҳақида ўз муносабатларини билдиришлари зарур. Ҳар бир мактуб ўқитувчи томонидан эътибор билан ўқиб унга шахсий фикр жавоб тарзида ёзилади.

Бу метод талабанинг ёзма нутқини шакллантиришга ёрдам бериш билан бирга ўй-кечинмаларини тартибли ифодалаш, ўз фикрини мустақил билдириш малакасини ривожлантиради.

«ТЕЗ ЮРАР» МЕТОДИ

«Тез юрар» методи қуйидагича амалга оширилади: ҳар бир талабага қатори бўйича ўтилган мавзулар асосида тезлик билан саволлар берилади. Уларнинг жавоби ҳам жуда тез бўлиши даркор, яъни топқир бўлишлари ва жавобни 2 секунд давомида топишлари керак. (Агар кимки жавоб топа олмаса, автобусдан тушиб қолади, чунки «Тез юрар» автобус кутиб ўтирмайди). Шундай қилиб, жавобни тез топа олмаганлар тикка туриб қоладилар, жавоб топганлар эса ўтиради. «Тез юрар» методидаги саволга жавоб топа олмаганда тикка туриб қолиши, унинг баҳо меъёри ва уни талаба ўзи билиб туриши, билмаган талаба бошқаларнинг жавобларини эътибор билан тинглаши каби ҳолатлар болаларда қизиқиш уйғотади. Қолаверса, энг асосийси, талаба ҳар бир жавоби билан ўз билимига ўзи баҳо қўйиб боради. Талабалардаги қизиқиш натижасида диққат ортади, бу эса ҳис-туйғуга таъсир қилади, эсда қолдириш жараёни кучаяди. «Тез юрар» методининг яна бир психологик аҳамияти шундаки, такрорлаш натижасида талабаларнинг назарий-амалий билимлари пухталанади. Маълум мавзу ўтилгач, ўша мавзу атрофида 50-60 та саволга жавоб бериш учун талаба уни тўла идрок қилиши керак. Ўтилган дарс бўйича бериладиган саволлардан ташқари аввал ўтилган мавзулар бўйича ҳам 30-40 та саволлар берилади. Янги мавзу ўтилгач, ўша мавзу (ҳар дарсда албатта олдин ўтилган мавзуларга қайтилади) бўйича саволлар аввалги саволларга қўшилган ҳолда берилади. Шу зайлда ҳар дарсда албатта олдин ўтилган мавзуларга ҳам «экспром-экскурс» қилинади. Бу каби такрорлаш хотирада қолдиришнинг пухталигига таъсир қилувчи методлардан саналади. Ушбу методга кўра, талабаларга уч марта савол берилса-ю, бирорта талаба уч марта тикка қолса, у талаба ёмон баҳо олади ёки уч марта жавоб берса «5» баҳо олади. Бу методни дарснинг уй вазифасини сўраш қисмида, янги мавзу ўтилган ёки мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарсларида ўтказиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, бу метод натижасида талаба тез ўйлашга - ҳозиржавобликка ўрганади. «Автобусдан тушиб қолмаслик учун» ҳар доим изланади. Бир талабанинг жавобини бошқалари эшитиб, ўша савол бўйича назарий маълумотлари мустаҳкамланади. Бу метод талабадан ҳам, ўқитувчидан ҳам фаоллик талаб қилади. Дарсда фаоллаштириш йўл-йўриқларидан фойдаланиш жаҳон андозалари талабларидан биридир. «Тез юрар» методида талаба билимини ўзи аниқлайди, ўзини ўзи баҳолайди. Яъни билими қай даражада эканлигига ташҳис қўйилади ва кейинги янги мавзу баёнида шу ташҳис асосида уларга билим берилади. Тажрибалардан маълум бўлдики, «Тез юрар» методини ўтказиш учун бериладиган саволлар :

- а) тушунарли ва аниқ бўлиши ;
- б) қисқа, аниқ жавоб талаб қилувчи бўлиши ;

- в) жавоби «ҳа» ва «йўк» сўзлари билан келмаслиги;
- г) саволлар китобий булмасдан амалиётдан олинган бўлиши;
- д) янги ёки эски ўтилган мавзулар бўйича тайёрланиши;
- е) талабаларни мушоҳада асосида жавоб беришларини таъминлаши керак.

Тадқиқ қилинган «тез юрар» методининг аҳамияти ҳақида фикр юритилар экан, қуйидаги жиҳатлар услубият дарсининг самарадорлигини таъминлашига ишонч ҳосил қилдик .

- а) ҳозиржавобликка ўрганади ;
- б) ҳамма талаба бирдан баҳоланади;
- в) нутқи ривожланади;
- г) талабанинг тафаккур фаолиятини оширади ;
- д) илмий-назарий билимга эга қилади;
- е) талаба билимига ташҳис қўйилади;
- ё) фикрни эркин изоҳлай олади;
- ж) талабалар психологиясига эътибор берилади.

«БУ БИЗНИКИ» МЕТОДИ

«Бу бизники» ёки «бу меники» методини бажаришда биринчи навбатда талабадаги эркинлик туйғусини ривожлантириш, ўз кучига ишончсизликни йўқотиш керак, ўз билимига ишониш туйғусини сингдириш даркор. Бунинг учун талабанинг руҳий эркинлигига шароит туғдириш лозим. Биз танлаган янгича методда талаба ўз ишига кўр-кўрона ёндошишни ҳам, зерикни ҳам, лоқайдликни ҳам йўқотади. Чунки талаба «Бу бизники» ўйин-машқини бажариш давомида «ўзиники» ни кўпайтиришга ҳаракат қилади.

«Бу бизники» методи маълум мавзулар ўтилгач, умумлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш дарсларида ўтказилиши мумкин.

1.Бунда талабаларни маълум гуруҳларга ажратиш асосида уларга топшириқлар берилади. Масалан: «Хосланган услублар» мавзуси ўтиб бўлингач, талабалар 5 гуруҳга ажратилиши ва уларнинг ҳар бирига хос равишда топшириқни бажариш топширилиши мумкин. 1- гуруҳ шартли равишда «Сўзлашув услуби», 2-гуруҳ «Расмий услуб», 3-гуруҳ «Илмий услуб», 4-гуруҳ « Публицистик услуб» ва 5-гуруҳ «Бадий услуб» деб номланади. Ёзув тахтасига 30-40 та қўшимча ёзилади ёки оғзаки ўқиб берилади. Талабалар ўзларига тегишли қўшимчаларни дафтарларига ёзиб борадилар, сўнг ўша қўшимчаларга мисол ва изоҳ берадилар.

«Бу бизники» метод-машғулоти ўтказишда қўйидаги методик талабларга эътибор бериш керак:

- а) дарс жараёнида 15-20 минутни, семестр охирида, йирик бўлимларни кайтаришда эса бутун дарсни ажратиш мумкин;
- б) метод-машғулоти ўтказишдан аввал унга ўқитувчи пухта тайёрланиши керак;
- в) машғулоти ўтказиш учун, аввало, шу мавзуга оид билимни пухта ўргатиш даркор;

Бу хилдаги ноанъанавий методдаги топшириқлар фақат талабаларнинг сўз бойлигини ошириш эмас, балки ёзиш керак бўлган сўзларнинг имлосини ҳам пухта ўрганиб олишга имкон беради .

«Бу бизники» методини тажрибада синаш натижасида қўйидаги афзал томонлар намоён бўлади:

1. Дарсда талабаларнинг фаоллиги ошади;
2. Ҳар бир талаба ўз билимини намоён қилиш учун (ўзиникини топиш учун) фикрлайди, хотирлайди;
3. Грамматик қоидаларнинг бевосита амалиётда қўлланиши текширилади
4. Кўриш орқали талабаларда саводхонлик ошади;
5. Билмаган ўринларни ўртоқларининг жавоблари орқали билиб олади;
6. Талабаларнинг дарсга қизиқиши ортади;

«Бу бизники» ноанъанавий методи билан талабалар олган билимларини хотирада тиклайдилар, умумийликдан хусусийлик томон борадилар.

Бу эса талабаларнинг олган билимларини амалда қўллай олиш кўникмаларини шакллантиради, ривожлантиради . Шундай қилиб, талабалар билимини синаш, уни назорат қилиш билан бирга ривожлантирувчи мақсадлар ҳам амалга оширилади.

Фанни ўқитишда қўлланиладиган метод ва технологиялар, жиҳоз ва воситалар.

Фанни ўқитишда структурал, семантик-функционал, қиёсий, тизимлилик, изчиллик, кўргазмлилик, технологик методлардан ва ноанъанавий интерфаол методлардан фойдаланилади. Айрим мавзулар компьютер синфида ўтказилади.

Ҳар бир мавзунини ўрганишда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион методлар жорий қилинади.

1-Мавзу: Услугиятнинг умумий масалалари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Услугиятнинг умумий масалалари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Услугиятнинг фани шаклланиши ва ҳозирги кундаги ўрни ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентиф ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Услугиятнинг фани юзага келиш тарихини изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Услугиятнинг ҳосланган услубларни тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Услугиятнинг фани предметини тушинтира олади.</p> <p>1.2.4. Услугиятнинг фани тадқиқот методларини тавсифлаб бериш.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Услугия, лингвистика, адабий меъёр, ҳосланган услублар: сўзлашув, илмий, расмий, публицистик ва бадиий.</p> <p>1.4. Дарс шакли: маъруза.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдирот ва видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: слайдлар, расмлар, видеопроректор, электрон қўлланма.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради (Услугиятнинг 1.1) .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Услугият фанининг вазифалари? 	Ўқитувчи, 10 минут

	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбек тили услубларини тўлиқ санаб беринг? • Тилшуносликда услубиятнинг тутган ўрни ва ролига баҳо беринг. • Услубиятнинг объектини изоҳланг. • Стил сўзи қандай маъноларни билдиради? • Адабий меъёр нима? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (Амалий стилистика, 14-бет).</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Услубият фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Услуб сўзининг маънолари. Услуб турлари. Нутқ услубияти ёки тилнинг вазифадош услуб турлари: а) сўзлашув услуби; б) расмий услуб; в) илмий услуб; г) публицистик услуб; д) бадиий услуб.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Услуб.
Нутқ.
Фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликлар.
Эмоционал бўёқ.
Грамматик ходисалар.
Экспрессив воситалар.
Нутқ услублари.
Функционал (хосланган) услублар.
Адабий меъёр .Окказионализм .
Лексик ва фразеологик меъёр
Функционал (хосланган) услублар.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Услубиятнинг текшириш (ўрганиш) объектларидан бири бўлган фонетика ва услубият ўртасидаги ўзаро боғланиш борми ёки йўқми?
2. Лексикология ва услубиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида нима дея оласиз?

1-савол бўйича дарснинг асосий мақсади:

- Услубият ҳақида тушунча бериш.
- Услубиятнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунтириб бериш.
- Услубиятнинг текшириш (ўрганиш) объектлари ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Услубият фанининг мақсад ва вазифалари нима эканлигини айтиб беради.
- Услубиятнинг объектини изоҳлаб беради.
- Услубият фани ҳақида умумий хулоса чиқаради.
- Тилшуносликда услубиятнинг тутган ўрни ва ролига баҳо беради.

1-асосий саволнинг баёни:

1-Мавзу: Услугиятнинг умумий масалалари.

Услугият - тилшунослик фанининг бир бўлими бўлиб, нутқ жараёнида тил ҳодисаларининг мақсадга, шароитга ва муҳитга мос равишда фойдаланиш қонуниятлари билан таништиради.

Услугиятшунослик-стилистика терминининг таржимаси. Стилистика - грекча «stylos» сўздан олинган бўлиб, суякдан қилинган учли таёқча деган маънони билдиради. Қадимги греклар мум суртилган тахтачага шундай учли таёқча билан ёзар эдилар. Бу таёқчанинг тепа томони куракчага ўхшар эди. Хато ёзилган сўзни таёқчанинг куракчага ўхшаган томони билан тахтачадаги мумни текислаш йўли билан ўчирар эдилар ва учли томони билан тўғрилаб ёзардилар.

Стиль сўздан стилбёт – ингичка ҳанжар ва стильо – авторучка сўзлари келиб чиққан.

Қадимданок стиль сўзи «бўғин, нутқ услуги» маъносида қўллана бошланган. Горадийнинг «Агар сен ўқиш учун лойиқ нарса ёзмакчи бўлсанг, услубингни тез - тез алмаштириб тур. Дунёқароши тор одамларни қойил қолдира олмасанг, куйиниб ўтирма, озгина бўлса ҳам тушунган одамлар билан қониқ» деб ёзиб қолдирган жумлалари ичидан «услубингни тез-тез алмаштириб тур» деган ифодаси кейинчалик грекларда мақолга айланиб кетган.

Демак, одамларнинг кўнглига урмайдиган, фойдали маълумот берадиган бирор нарса ёзиш учун услубни тез-тез алмаштириб туриш лозим экан. Услуг сўзининг изоҳли луғатларда бир неча маънолари берилган. 1935-1940 йилларда Д.Н.Ушаков таҳририда нашр этилган «Тольковский словарь русского языка» китобида Услуг сўзининг 4 хил маъноси берилган. Бу маънолар 1981 йилда чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам таржима қилиниб, изоҳланган. Улар қуйидагилар:

Услуг 1 – бирор санъат асарининг, бирор ижодкор, давр, миллатнинг ўзига хос белгилари йиғиндиси. Масалан: Архитектурадаги шарқона Услуг (нақшинкорлик, гумбазли бинолар).

Кўринадики, Услуг сўзининг 1 – маъноси жуда кенг тушунчани ифодалайди, яъни бадиий ифодалар йиғиндиси ёки бадиий ифодаларнинг умумий тизими. Бунда адабиёт назарда тутилмайди.

Услуг 2 – бирор адабий асар, адабий йўналиш, адабий жанр ёки бирор муаллифга хос бўлган ғоя ва тил воситаларининг тизими.

Масалан: А. Қаҳҳор услуги, Ойбек услуги. Поэтик Услуг, романтик Услуг ва ҳ.к.

Бунда фикр ифодалаш стиллари ҳам тушунилади. Масалан: кўтаринки услуб, лўнда услуб ва бошқалар. Ғ.Ғулумнинг «Сен етим эмассан» шеъри кўтаринки услубда ёзилган. А.Қаҳҳорнинг услуги фош қилувчилик хусусиятига эга.

Унинг асарларида заҳарханда иборалар, мақол ва маталлар кўплаб учрайди. Масалан: «Синчалак» қиссасида Арслонбек Қаландаров шундай дейди: «Синчалак деган оёғи ипдай ингичка қуш бор. У кечаси оёғини осмонга кўтариб ётади, осмон тушиб кетса, кўтариб қоламан, деб. Саида эса унга жавобан дейди: “Хўроз ҳам «мен қичқирмасам, тонг отмайди, дер экан.” «Майиз емаган хотин» ҳикоясида фош қилувчи бунга ўхшаган жумлалар жуда кўп. Ёзувчи Ойбекка эса кенг қўламлилиқ хос масалан Ойбекнинг “Навоий” романидан парча:

Шоир “Хиёбон кўчасини ўтиб,”Боғ зағон”нинг катта дарвозасига етиши билан бу ерда тартиб кузатиб турган навкарлар муҳрдорга салом бериб, дарров отнинг жиловидан ушладилар. Шоир уларнинг ёрдамсиз отдан тушди-да,”Боғ зағон”га кирди. Бу –турли қасрлар, кўшқлар ва бошқа гўзал бинолар ва ажойиб хиёбонларга бой ғоят катта боғ эди. Дархтлар оралаб кетган кенг, тоза ва қуёш нурлари билан ола чалпоқ йўлдан бориб, бир неча таноб жойни ишғол этган катта гулзорларга чиқди.Бу ерга гўё бутун дунёнинг гуллари тўпланган эди. Турли-туман ранг ва зиё билан қуёшда яшнаган бу чаман кўзларни қамаштирарди. Навоий гулни, рангни жуда севар эди. Ҳар кунгидек, тўхтаб, завқ билан томоша қилди. Кейин бу чаманзор қаршисидаги қошонага – деворлари, устунлари, эшиклари наққошлар қўли билан ясалган нақш гулзорини товлантирган томон юрди. Олтин куббачалар, ўймакор гуллар билан безанган эшикни очиб, кичикрок, лекин серхашам бир хонага кирди. Бу ерда уни дўсти Хўжа Афзал қарши олди.Бу –паст бўйли, тийрак кўзли, хуш муомала, қарийб ўзи билан тенгдош киши эди.

Услуг 3 – кўчма маънони ифодалайди. Бунда хулқ, ахлоққа хос бўлган хусусиятлар йиғиндиси, фаолият методи, бирор ишни амалга оширишнинг йўл-йўриқлари кабилар тушунилади..

Услуб 4 – бу маъно адабиётга ҳам, тилга ҳам хос эмас. Бу даврга, йил ҳисобига нисбатан ишлатилади. Масалан: мелодий йил ҳисоби, ҳижрий йил ҳисоби.

Услуб сўзининг маънолари билан танишишдан маълум бўлдики, 2 – маъно билан боғлиқ ҳолда услубият фани вужудга келган.

Услубият фанини ўрганиш объекти ҳақида турли қарашлар мавжуд. Академик В.В.Виноградов услубият баҳсида бир – бири билан алоқадор, лекин вазифалари жиҳатдан фарқланадиган 3 та текшириш аспектини кўрсатиш зарурлигини айтади. Улар қуйидагилар:

1. Тилнинг функционал услубларини ўрганувчи услубият. Бу структурал услубият деб ҳам юритилади. Структурал услубиятнинг вазифаси унинг структурал элементлари бўлган расмий, илмий, публицистик, бадиий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода воситаларини ўргатишдир.

2. Турли жанрларнинг (семантик, экспрессив – стилистик) маъно ва тез таъсир қилиш томонларини ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ орасидаги фарқни текширувчи нутқ Услубияти. Унинг вазифаси тилнинг барча услублар тизими билан бирга ёзма ва оғзаки шакллари, адабий ва сўзлашув нутқи кўринишларини текширади. У тил бирликларидан қайси бири ёзма ва оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилиши, фикр ифодалашда тил воситаларининг тўғри танланган ёки нотўғри олинганлиги, шу воситаларни ўрнида ишлатиш йўлларини ўрганади.

3. Адабий йўналишлар, бадиий асар ҳамда ёзувчи услубини тадқиқ этадиган бадиий адабиёт услубияти. Унинг вазифаси бадиий асарларни яратишда ёзувчининг ифода воситаларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида баҳс юритишдир. Услубият фани академик В.Виноградов кўрсатган аспектлардан биринчи ва иккинчиси асосида шаклланган. Учинчиси адабиётшуносликнинг объектидир. Аслини олганда, бадиий адабиёт Услубиятси унинг бир кўринишидир. Бу тушунчанинг алоҳида тур сифатида кўрсатилишига сабаб шундан иборатки, у бошқа нутқ услубларидан анчагина фарқли жиҳатларга эга. Бадиий адабиёт услуби кенг қамровлилиги, яъни барча услубларни ҳам ўзида ифодалаш билан ажралиб туради.

Демак, Услубият икки хил кўринишга эга:

1. Нутқ услубияти. Бу тилнинг вазифадор шакллари деб ҳам юритилади. Бунга сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик ва бадиий услуб киради.

2. Лингвистик, яъни тил услубияти. Унинг турлари:

а) фонетик услубият.

б) лексик услубият.

в) грамматик услубият.

Г) НУТҚ УСЛУБИЯТИ. Бу тушунча адабиётларда функционал услубият ёки функционал услуб турлари деб ҳам юритилади.

Нутқ услублари бир-бирига боғлиқ воситаларнинг тузилишидан ташкил топади. Улар тилнинг вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар нутқ услублари дейилади. Тилнинг вазифаси жамият тараққиёти билан боғлиқ ва унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади.

Нутқ услуби тизимини ташкил этувчи ифодалар фақат бир услуб доирасида чекланиб қолади. Масалан, илмий услубда ишлатиладиган терминлар бадиий, публицистик, расмий ва сўзлашув услубларида ишлатилмаслиги ҳам мумкин. Лекин ҳар бир нутқ услуби ўзининг барча воситалари билан ягона бир мақсад учун бўйсунган муайян тил воситаларининг мажмуасига эга.

Нутқ услублари тил тараққиётининг маълум бир даврида аста-секин шаклланади ва ўзгаришларга учрайди. Масалан, XX аср бошида нашриёт ва вақтли матбуот ишларининг кенгайиб кетиши билан боғлиқ тарзда Ўзбекистонда публицистик услуб вужудга келган.

Нутқ услублари оғзаки ва ёзма нутқ шакллари билан чамбарчас боғлиқ. Демак, ҳар бир нутқ услуби оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланиши мумкин. Масалан, сўзлашув услуби, асосан, оғзаки нутққа хос. Лекин бадиий адабиётда бу услуб ёзма шаклга эга бўлади. Шунингдек, илмий услубнинг оғзаки кўриниши дарс жараёнида маъруза ўқилганда, илмий маърузалар баён қилинганда намоён бўлади, ёзма шакли эса диссертациялар, монографиялар, илмий мақолалар тарзида ифодаланади.

Нутқ услублари ўзига хос белгилари ва фарқларидан қатъи назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга.

Адабий меъёр нима? Адабий меъёр атамасига “Ўзбек тилининг изохли луғати”да шарҳ берилади:

“Адабий меъёр тил товуш тизимини, грамматик кўриниши ва луғат таркибидаги энг ҳаётий ва зарурий воситаларни танлаб олиш демакдир. Адабий меъёр тилнинг энг юксак, ишланган, силлиқланган шаклидир”.

Адабий меъёр тилнинг фақат ёзма кўринишигагина эмас, балки оғзаки шаклига ҳам хосдир. Шунинг учун маъруза ўқиладиганда, радио ва телевидениедаги чиқишларда ҳам адабий меъёрга риоя қилиш талаб қилинади. Шу билан бирга, унинг адабий меъёрдан четга чиқадиган томонлари ҳам мавжуд. Масалан, сўзлашув услубида шевага хос сўзлар ҳам ишлатилади. Бу адабий меъёрга зид, лекин услуб меъёри ҳисобланади, ёки бадий услубда ёзувчи ёки шоир шундай сўзларни яратиши мумкинки, улар ҳали меъёрлаштирилмаган бўлиши мумкин, лекин услуб меъёри сифатида қолаверади. Адабий меъёр билан услуб меъёрининг ўзаро муносабати, яъни муштарак ва фарқли хусусиятлари бўйича диссертациялар яратилган. Масалан, А.Э.Маматов, “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари”, докторлик диссертацияси, Т., 1991 йил. С.Тошалиева, “Ўзбек тилида окказионализмлар”, номзодлик диссертацияси, Т., 1998 йил каби.

Хосланган(функционал) услуб турлари қуйидагилар;

2.Сўзлашув услуби.

3.Расмий услуб.

4.Илмий услуб

5.Публицистик услуб.

6.Бадий услуб.

Услубият ўқитиш асосий вазифаларини қуйидагича белгилаш тақозо этади.

1.Услубиятни тилни аъмолий-нутқий жиҳатдан татқиқ этувчи фан сифатида ўрганиш.

2.Услубиятнинг социолингвистика, психолингвистика,ҳозирги ўзбек адабий тили ва адабиёт назарияси фанлари доирасидаги ўрнини, ўзаро муносабатини кўрсатиш.

3. Ҳозирги ўзбек адабий тили услубларини, уларнинг лисоний ва нолисоний аломатларини тасвирлаш.

4.Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси ва фразеологиясининг функционал-сцилистик ва экспрессив-сцилистик қатламларини, уларнинг сцилистик хусусиятлари билан таништириш, фонетика, морфология, сўз ясалиши ва синтаксиснинг стилистик бойлигини тасвирлаш.

5.Тил воситаларидан семантик-стилистик хусусиятларини маромлилиги ва ижодийлиги жиҳатидан баҳолашга ўргатиш,маънодош қўлланишларининг услубий аҳамиятини изохлаш.

6.Образли воситалар, стилистик санъатлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

7.Услубий таҳлил қилиш йўриғи ва усуллари, адабий таҳрир талқинлари билан ошно қилиш.

8.Амалий машғулотларда ўзбек тили лисоний тизими ва уларни қўллаш қонуниятлари, услублари мажмуига оид назарий билимини мустаҳкамлаш, талабаларнинг турли услубга оид матнлар ижод этиш ва таҳлил қилишга ёрдамлашиш.

Муҳокама учун саволлар:

1.1.Услубият нимани ўрганади?

1.2. Услубият фанининг вазифалари?

1.3. Ўзбек тили услубларини тўлиқ санаб беринг?

1.4.Тилшуносликда услубиятнинг тутган ўрни ва ролига баҳо беринг.

1.5.Услубиятнинг объектини изохланг.

1.6.Услуб сўзи қандай маъноларни билдиради?

1.7.Академик В.В.Виноградов Услубият фанининг вазифаларини нечта аспектга бўлади ва улар қайсилар?

1.8.Услубият неча хил кўринишга эга?

1.9.Нутқ услуби нима?

1.10.Адабий меъёр нима?

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

1. Тил бирликларининг барчасида услубий белги-сифатлар мавжудлигини тушунтириш.
2. Услубиятнинг предметини тушунтириб бериш.
3. Фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликларнинг услубият билан ўзаро боғлиқлик жиҳатларини тушунтириш.
4. Тилнинг роли ва аҳамиятини тушунтириш.
5. Нутқ услублари ҳақида тушунча бериш.
6. Нутқ услубларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча бериш.
7. Нутқ услубининг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Услубиятнинг предметини тушунтириб беради.
- Услубият предметини мисоллар орқали изоҳлайди.
- Услубиятнинг тилшуносликдаги бошқа бўлимлар билан алоқасини кўрсатади ва унинг аҳамиятига баҳо беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Услубиятда услублар, тил воситаларининг нутқда қўлланиш йўллари, фонетик, луғавий, фреазалогик ва грамматик бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари ўрганилади.

Адабий тилнинг ижтимоий вазифасига кўра услубият қуйидаги турларга бўлинади:

Нутқ услублари: оғзаки ва ёзма услуб.

Оғзаки нутқ услубига асосан сўзлашув услуби, ёзма нутқ услубларига эса расмий иш қоғозлари услуби, илмий услуб, оммабоп услуб, бадий услубларни киритиш мумкин.

I. Оғзаки нутқ услуби:

Сўзлашув услуби- умумий сўзлашув услубидир. Бу услубнинг ўз қонун-қоидалари бўлади:

1. Сўзлар таркиби эркин бўлади.
2. Асосий мақсадни ифодаловчи гап бўлаги ажратиб кўрсатилади, фикр сўзга мантикий урғу бериш билан ифодаланади.
3. Жумлалар қисқа ва таъсирли бўлади.
4. Нутқ кўпинча диалогик шаклда бўлади. Икки ёки ундан ортиқ сўзловчи лукмасидан тузилган нутқ диалогик нутқ дейилади.

Сўзлашув услубда кўпинча турли услубий бўёқли сўзлар, грамматик воситалар, товушларнинг тушиб қолиши, орттирилиши кузатилиши мумкин. Масалан: Мазза қилдик.

II. Ёзма нутқ услуби қуйидаги турларга бўлинади: расмий иш қоғозлари услуби, илмий услуб, оммабоп-публицистик услуб, бадиий услуб.

Расмий иш қоғозлари услуби энг кўп тарқалган услублардан бири бўлиб, шахслар билан шахслар, шахслар билан давлат идоралари орасидаги ижтимоий муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади: ариза, тилхат, хат, маълумотнома, ана шундай нутқ услубининг кўринишларидир. Бундай услубнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Сўзлар ўз маъносида ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамаларидан фойдаланилади;
2. Дарак гаплар, қарор, буйруқ кўрсатмалардан фойдаланилади;
3. Гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади;
4. Расмий- идоравий услубдаги ҳужжатлар қисқа, аниқ, барча учун тушунарли қилиб тузилади;
5. Расмий- идоравий ҳужжатларнинг қолип матнлари –тайёр андозаларнинг ишлаб чиқилган.
6. Ёзма нутқ шаклида амал қилинади. Ифода аниқ, ихчам, изчил ва тушунарли бўлади.
7. Тасвирийлик ва маъжозийлик ишлатилмайди.
8. Буюриш ва ундаш оҳанги кучли бўлади.

Мн: Жамоат ишларидаги фаол иштироки ва ўқишдаги ютуқлари учун Назира Юсуповага миннатдорчилик эълон қилинсин.

Илмий услуб –фан-техника услуби:

1. Бу услубнинг асоси атама, таъриф қоида ва қонунлардир. Атамалар бир маънода қўлланади.
2. У фан тили бўлиб, аниқ ва ҳолис илмий ахборот беради. Далилларнинг аниқлиги, мантикийлиги, изчиллиги илмий услуб учун муҳим хусусиятдир.
3. Ҳар бир фан соҳасига оид шартли қисқартмалар ва рамзий белгиларнинг мавжудлиги.
4. Илмий тадқиқотлар ва илмий- оммабоп асарлар, дарслик ва қўлланмалар шу услубда ёзилади.
5. Илмий услубда гап бўлақларининг тушиб қолиши аломати кам учрайди.
6. Шевачиликка йўл қўйилмайди.

Оммабоп-публицистик услуб-энг долзарб масалаларни маълум даражада кўтаринки руҳда таҳлил этиш билан боғлиқ бўлади. Публицистик услубнинг муҳим хусусиятлари:

1. Тасвирийнинг мукамаллиги, кенглиги.
2. Мавзуни далиллар асосида изчил равишда ёритиб бериш .
3. Ахборот бериш ва таъсир этиш, тарғибот юритиш.
4. Асосан ёзма нутқ шаклида юзага келади.
5. Нутқнинг оммабоплиги ва ҳаммабоплиги.
6. Рўзнома тилига хос сўз ва ибораларнинг қўлланилиши.

Бадиий услуб-сўз санъатига, тимсолий фикрлаш соҳасига оид. Мазмун доираси ниҳоятда кенг. Асосий белгилари:

1. Бадиий нутқ-сўз санъати бўлиб, тимсоллар тизими билан иш кўради.
2. Бадиий тўқима ва ёзувчи фантазияси иштирок этади.
3. Назм ва насрнинг ранг-баранг жанрларидан иборат.
4. Тасвирий-таъсирчан воситалар силсиласи ва услубий санъатлар мажмуига эга эканлиги.

Бўлажак муаллим ёки адибнинг нутқ маданияти ва маҳоратини, касбий малакасини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан бири услубиятдир. Чунки муаллим маърифатчи, ташвиқотчи ва тарғиботчи сифатидаги ижтимоий вазифасини тил воситасида амалга оширади. Услубият уларнинг умумий ва касбий нутқ маданиятини оширишга, тилга онгли муносабатда

бўлиш хиссини тарбиялашга, ижодий маҳоратини оширишга, тасаввурларини бойитишга, амалда содда ва таъсирчан, жонли ва тушунарли қилиб ёзишга одатлантиришга хизмат қилади. Турли нутқ услубларига оид матнларни бадиий нуктаи назардан тўғри баҳолашга ўргатади. Услубият фанини ўқитишнинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчиларни назарий билим билан қуроллантиришдан, талабаларнинг тилдан фойдаланиш малакасини эгаллашларига нутқ маданиятини юқори кўтаришга ёрдам беришдан тил унсурларини маъно ва услуб жиҳатидан тўғри баҳолашга, уларни маромлилиги, нутқ мазмуни, шароити, алоқа соҳаси талабларидан келиб чиқиб танлаш ва мақсадга мувофиқ қўллашга ўргатишдан иборат.

Кишилар ҳар қандай шароитда ва фаолиятнинг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразиологик, грамматик ва фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишда бир-бирларидан маълум даражада фарқ қилади. Умумхалқ тили доирасида тил воситаларининг бундай танлаб олиниши нутқнинг хилма-хил кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқнинг бу хилма-хил кўринишлари нутқ услублари деб аталади.

Нутқ услублари-ифода воситалари системасининг муайян алоқа доирасида мақсадга мувофиқ танлаш натижасида тарихан ташкил топган нутқ кўринишларидир.

Нутқ услубларининг ҳар бири алоҳида ягона бир системани ташкил қилади. Нутқ- услубининг ҳар бирига боғлиқ элементлар системасини ташкил қилиши алоқа-аралашув қуроли бўлган тилнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Тўғри, тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат составининг ҳар бири ҳам алоҳида бир системани, тилнинг ўзи эса яхлит ҳолда бутун бир системани ташкил этади. Тилнинг функционал услублари мана шу лексик, грамматик ва фонетик системаларга хос барча воситаларнинг маълум коммуниктив мақсадга кўра уюшиши туфайли бунёдга келади. У фақат муайян ҳодисалар состави билангина эмас, балки уларнинг боғланиши, алоқаси ва муносабатлари билан ҳам характерланади. Демак, нутқ услублари тилнинг вазифаси- функцияси билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар функционал услублар деб юритилади.

Функционал услубнинг умумхалқ тили хазинасидан танлаб олган воситалари айти шу услуб системасини ташкил қилади. Тилдаги бу услубий ҳодисалар тарқоқ характерда бўлмай, балки коммуниктив вазифаси ва умумий услубий бўёғи билан ўзаро алоқадор элементлар системасини ташкил этади.

Адабий тилнинг услубийлик системаси жаргон, маҳаллий, диалект ва шу каби тилдаги бошқа ҳодисалар билан ҳам маълум муносабатда бўлади. Масалан: умумхалқ тилига жаргонлар, кўпинча оддий сўзлашув тили орқали кириб келади. Бадиий нутқ услубида эса баъзи персонажларнинг тилини индивидуаллаштириш учун улардан қисман фойдаланилади.

Диалектал сўзлар ҳам адабий тил услублари системаси билан ҳам оддий сўзлашув ва баъзан бадиий нутқ услуби орқали муносабатда бўлади. Диалектал сўзлар ўз системаси доирасида, одатда, махсус услубий бўёққа эга бўлмайди.

Нутқ услуби тушунчаси – оғзаки ва ёзма нутқ формалари билан узвий боғлиқ. Бир нутқ услуби алоқа формаларининг ҳар иккаласида ҳам ишлатилиши мумкин. Нутқ услублари ўзларига хос белги ва фарқлардан қатъий назар, адабий тил нормалари асосида умумийликка эга. Адабий норма тилнинг товуш системасини, грамматик қурилиши ҳамда унинг луғат составидаги энг типик ҳаётий ва зарурий элементларни танлаб олиш асосида ташкил топади. У тилнинг энг юксак ишланган, силлиқлашган формасидир. Адабий нормалар фақат ёзма адабий тил учунгина тааллуқли бўлмай, у оғзаки адабий тил учун ҳам зарурий ҳолатдир. Шунинг учун адабий тилнинг оғзаки формасида ҳам адабий нормага бўйсунилади, унинг қонун-қоидаларига риоя қилади.

Функционал услуб нутқ кўринишларининг асосий функцияларга мувофиқ қисмларга бўлинишидир. Шунга кўра адабий тилнинг қуйидаги функционал услублари ажратилади. 1) сўзлашув услуб; 2) расмий услуб; 3) илмий услуб; 4) публицистик услуб; 5) бадиий услуб.

Тилнинг бу функционал услублари инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасига мос келувчи умумхалқ адабий тилининг турли хил кўринишларидир. Функционал услубларни номлаш ва аташ ҳам уларнинг қандай алоқа доирасида ишлатилганлигига қараб белгиланади. Чунки бир хил нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фикрлар турли хил услубларда бирдек баён қилинмайди.

Бу фанни ўрганишни асосан талаба эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмалар асосан тубандагилардан иборат.

1. Маданий тил ва маромли нутқ олдига қўйилган асосий талабни яхши билиш.

2. Адабий тилнинг услубларга хос услубий белгилар ва ижтимоий вазиятлар, сцилистик маромлар ва тилдан ижобий фойдаланишнинг имкониятлари ҳақидаги назарий масалалар билан таниш бўлиш.

3. Матндаги турли хил нуқсонларни белгилай олиш, уларнинг турини, табиатини ва юзага келиш сабабини тўғри изоҳлаб беришга ўргатиш.

4. Сцилистик таҳлил йўриқ ва талқинларидан хабардор бўлиш ҳамда илмий иш юритишга оид малака ҳосил қилиш.

Услубият белги - сифатлар тил бирликларининг барчасида мавжуддир. Фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликлар услубиятнинг ҳам предмети ҳисобланади.

Фонетика ва услубият: Фонетика нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракати ва ҳолати- артикуляцияни, товуш ўзгариши қонуниятларини, унинг интонацияси каби масалаларни текширади. Фонетик услуб эса товушларнинг бир-бирига боғланишининг экспрессив услуб имкониятларини, ҳуллас нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганади.

Фонетик услуб нутқнинг таъсирчанлигини ошириш воситаси сифатида нутқ товушларининг услуб имкониятларидан фойдаланиш усуллари билан қизиқади. Нутқ товуш ва оҳангдан фойдаланиш, таъсирчанликни кучайтириш турлари хилма-хилдир.

Лексикология ва услуб: лексикология тилнинг луғат составини, унинг тарихий қатламлари, бойиб бориши ва тараққиёт йўллари, сўзнинг, унинг маъносини, қўлланиши ва шу каби масалаларни ўрганади. Лексик услуб ҳам луғат составини ўрганади, лекин уни сўз ишлатиш, сўздан фойдаланиш қонуниятлари томонидан текширилади. Лексик услуб сўз ёки сўз бирикмаларининг экспрессив томонини ўрганади. Демак, бир хил тил ходисаси лексикология ва услуб таҳлилда турлича ёритилади. Бу нарса лексикология билан услубнинг лексик ходисаларга ёндашишдаги пиринципиал фарқини кўрсатади.

Лексикология сўз маъноси кўчишининг турли типларини ҳам текширади. Лекин лексикология бу ходисаларни тил системасида мустаҳкамланиб, қатъийлашиб қолганлиги жиҳатидан текширади.

Грамматика ва услуб: грамматиканинг гапда сўзларнинг ўзгариши ва бирикиши, сўз шакллари ва гап қурилиши каби ходисалар ҳақида умумий қоидаларни белгилаб бериши назарда тутилса, унинг услуб билан ҳам алоқадор экани аниқ тасаввур қилинади; услуб биринчи гапда фикрни равшан ва аниқ қилиб бера олиш учун грамматика белгилаб берган умумий қоидалардан қайси бирини қандай ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаб беради. Гапда фикрни тушунарли ифодалаш учун фақат грамматика қоидаларига риоя қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди, гапни услубий ҳам тўғри туза олиш керак.

Муҳокама учун саволлар:

2.1.Функционал (хосланган) услубларни санаб беринг.

2.2. Нутқ услубларини таърифланг?

2.3.Услубият фани тилшуносликнинг қайси бўлимлари билан ўзаро алоқада?

2.4. Фонетик услубият нимани ўрганади?

2.5.Нутқ услубларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча беринг.

2.6.Нутқ услубининг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг

«Ўзбек тили услубияти» фанидан 1-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Услубият фикр ифодалаш усуллари ўрганади. Шунга кўра, у кундалик баётигимизда сўз қўллашнинг барча тармоқлари билан боғлиқдир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, фикрнинг ифодаси таъсирчан тарзда барчага баб-баробар етиб бориши ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун бир томондан, воқеъликни чуқур ўрганиб, фикрни меъёрига етказиш. Иккинчи томондан, сўзни

танлаб, саралаб ишлатиш лозим. Йўқса таъсирчанлик юзага келмайди. Навоийнинг фикрича, бундай нутқ ҳаётдан тўхтаган жонсиз танага ўхшаб қолади:

Сўзки, маънисида ишқ ўти бўлмағай

Бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмағай.

Йъни, сўзнинг маъноси ёлқинланиб турмаса, тингловчиларни ўзига жалб этмаса, ҳаракатдан тўхтаган жонсиз танага ўхшаб қолади. Бу эса нутқни таъсир қудратидан маҳрум қилади.

Юқоридагилардан англашиладики, услубият илмида тил воситаларининг ўринли қўлланишига алоҳида эътибор берилади. Чунки фақат ўринли қўлланган восита фикрни аниқ ва тўлиқ юзага чиқара боради.

Назорат саволлари:

1. Услубият нимани ўрганади?
2. Услубият фанининг вазифалари?
3. Ўзбек тили услубларини тўлиқ санаб беринг?
4. Тилшуносликда услубиятнинг туган ўрни ва ролига баҳо беринг.
5. Услубиятнинг объектини изоҳланг.
6. Функционал (хосланган) услубларни санаб беринг.
7. Нутқ услубларини таърифланг?
8. Услубият фани тилшуносликнинг қайси бўлимлари билан ўзаро алоқада?
9. Фонетик услубият нимани ўрганади?
10. Нутқ услубларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча беринг.
11. Нутқ услубининг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг

Маъруза бўйича мустақил таълим материаллари:

1. И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарини таҳлил қилиш (3-20-бетлар).
2. Мавзу бўйича келтирилган саволларга жавоб беринг (5-6-саволлар).
3. Мавзу бўйича 10 та тест саволлари тузиб келиш.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- Ўзбек тилшунослиги ва услубият фанининг ўзаро муносабатини илмий далиллаш.
- Услубият фанининг олдида турган долзарб муаммолар.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент, 1998.
2. Э.Қиличев. «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
3. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов «Ўзбек тили стилистикаси». Тошкент, 1983. 6-13-б.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992. 5-7-б.
5. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент, 1994.
6. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти. Тошкент: Университет, 1996.
7. М. Ҳамроев, Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, Х. Ғуломаова, Ш. Йўлдошева. Она тили. - Тошкент, 2007.

2-Мавзу: Сўзлашув услуби.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

**“Сўзлашув услуби” мавзусида маъруза машғулотининг
технологик харитаси**

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади: 1.Талабаларда сўзлашув услуби ҳақида билим ҳосил қилиш. 2.Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларни мисоллар асосида тушунтира олиш. 3.Сўзлашув услубидаги сўзларнинг лексик хусусиятларини тушунтира олиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сўзлашув услубини тасаввур қилади ва тушунтира олади. 2. Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни мисоллар орқали изоҳлайди. 3. Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларни мисоллар асосида тушунтира олади. 4. Сўзлашув услубидаги сўзларнинг лексик хусусиятларини тушунтира олади. 5. Кўчма маънодаги сўзларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлай олади. 6. Маънодош сўзлардаги бўёқдорликни сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлайди. 7. Ибораларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини тушунтиради. 8. Сўзлашув услубининг грамматик хусусиятларини тушунтира олади. 9. Жонли сўзлашув тилида тўлиқсиз гапнинг кўп учрашини изоҳлайди. 10. Сўзлашув услубида ажратилган бўлақлардан муҳим услубий-грамматик восита сифатида кенг фойдаланилишини изоҳлай олади. 11. Сўзлашув услубининг морфологик хусусиятларини тушунтира олади. 	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар: Адабий сўзлашув услуби. Оддий сўзлашув услуби. Фонетик хусусият. Лексик-фразеологик хусусият. Грамматик хусусият. Талаффуз меъёрлари.</p> <p>Дарс шакли: ноанъанавий. Воситалар: тарқатма материаллар,ўқув қўлланмалари, слайдлар. Метод ва усуллар:тушунтириш, «Тез юрар»,савол-жавоб,баҳолаш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш: -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -талабалар бадиий асарлардан сўзлашув услубига хос сўзларни тўплайдилар.. -сўзлашув услубига хос сўзлар адабий тил билан солиштирилади</p>	
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1.1.Жонли сўзлашув тилига хос бўлган сўзларга мисоллар келтиринг. 1.2. Товуш тушиш ҳодисасига мисоллар келтиринг. 1.3. Товуш орттирилиши ҳодисасига мисоллар келтиринг. 1.4. Товуш алмашиниши ҳодисасига мисоллар келтиринг. 1.5. Сўзлашув услубига хос гап тузинг. 1.6. Айланай, меҳмон, кимдан хафа бўлиб турдингиз? Ўзим гиргиттон бўлай? Ким озор берди? Айтинг. Ушбу гап қайси услубга хос. 1.7. Сўзлашув услубига оид гап ёзинг. 	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>1.8. Кўп маъноли сўзлар, синоним (маънодош) сўзлар ва ибораларни сўзлашув услубида ишлатилишини тушунтиринг.</p> <p>1.9. Сўзлашув услуби учун характерли бўлган отларни ясовчи аффиксларни айтинг.</p> <p>1.10. Қандай сўзлар сўзлашув услубига хос?</p> <p>1.11. Қандай сўзлар сўзлашув услубида қўлланилмайди?</p> <p>1.12. Сўзлашув услубида кенг қўлланадиган феълларни айтинг.</p> <p>1.13. Холинисо, болам, жон болам. Бўйларингдан ўргулай, болам! Мени яна ташлаб кетасанми? Берилган матн қайси услубга хос?</p> <p>1.14. Сўзлашув нутқида ишлатиладиган сўзларни айтинг</p> <p>1.15. Жонли тилда кенг ишлатиладиган қисқартма сўзларни айтинг.</p> <p>1.16. Жонли тилда қайси феъллар кўчма маънода ишлатилади?</p> <p>1.17. Тузламок, йиқилмок, чўзмок феъллари жонли тилда қайси маънода .</p> <p>1.18. Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни топинг.</p> <p>1.19. Сўзлашув нутқида хос ибораларга мисоллар келтиринг.</p> <p>1.20. Қайси услубда тил воситаларидан эркин фойдаланилади?</p>	
5	<p>Умумий ва яқуний хулосалар чиқариш</p> <p>Сўзлашув услубини пайдо бўлиш ўрни жиҳатидан ҳам, кенг қўламлилиги нуктаи назаридан ҳам барча услубларнинг бошланғичи деб қараса бўлади. Чунки сўзлашув услуби бошқа услубларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши учун имкон яратиб беради. Сўзлашув услуби лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам айрим ҳолларда адабий меъёрдан, лисоний қонуниятдан чекинишларга йўл қўяди. Аммо бу сўзлашув услубининг ўзига хослигини, табиийлигини таъминлайди.</p> <p>Сўзлашув услубида фонетик жиҳатдан қуйидагиларни учратамиз:</p> <ul style="list-style-type: none"> - айрим товушлар тушиб қолади; - айрим ҳолатларда бир товуш ўрнига шунга яқин товушларни қўллаймиз; - баъзан ҳис-ҳаяжонни ифодалашда бир товушни икки марта қўллаймиз. <p>Синтактик жиҳатдан қуйидаги ҳолатларни кўраамиз:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сўз тартиби ўзгаришидан кенг фойдаланилади; - диалоглар кўп ишлатилади; - кинояли сўз ва иборалардан фойдаланилади. <p>Морфологик жиҳатдан эса:</p> <ul style="list-style-type: none"> - айрим ҳолларда келишик қўшимчалари ифодаланмай қолади; - айрим ясовчи қўшимчалар янги атамалар яшашда хизмат қилади. <p>Сўзлашув услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири лаҳжа билан чамбарчаслигидадир.</p>	<p>Ўқитувчи, 10 минут</p>

Кўриб чиқилладиган асосий саволлар:

1. Сўзлашув услуби. Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари.
2. Сўзлашув услубининг лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Адабий сўзлашув услуби. Оддий сўзлашув услуби. Паралингвистик воситалар. Фонетик хусусият. Лексик-фразеологик хусусият. Грамматик хусусият. Талаффуз нормалари. Субъектив баҳо – муаллифнинг муносабати. Риторик сўроқ гаплар. Услубий бўёқ. Фраза. Такт.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Сўзлашув услуби адабий тилнинг бойишига манба бўла оладими?

2. Сўзлашув услубида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши ҳақида қандай янги фикр айта оласиз? .

1-савол бўйича дарс мақсади:

- Сўзлашув услубининг оддий сўзлашув ва адабий сўзлашув услуби каби турларга бўлиниши ҳақида тушунча бериш.
- Оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларини тушунтириш.
- Сўзлашув услубига мансуб адабий-норматив шакллардан фаркланувчи фонетик белгилар ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Сўзлашув услубини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни мисоллар орқали изоҳлайди.
- Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларни мисоллар асосида тушунтира олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Сўзлашув услуби алоқанинг норасмий соҳасидир. У кундалик эркин муомалага асосланган. Маълум вазиятда юзага келиб, оғзаки нутқ шаклида намоён бўлади. Кўпинча савол-жавобга асосланган диалогик нутқда қўлланилади. Ҳеч қандай тайёргарликсиз баён қилинади. Тасвирийлик, таъсирчанлик, шахсий баҳолаш хусусияти устивор нутқ. Унда паралингвистик воситалар фаол иштирок этади. Сўзлашув услуби учун фонетик ходисаларнинг хослиги. Унли ва ундош товушлар билан боғлиқ ўзгаришлар. Товушларнинг кучсизланиши, иккиланиши, чўзилиши, тушиши, ўрин алмашиши каби ўзгаришлар кенг йўлга қўйилади.

Оддий муомалага оид сўз ва иборалар, эркалалаш, суйиш, менсимаслик, ҳақорат англатувчи сўзлар, дағал сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар эркин ишлатилади. Инверсия ходисаси, сўз таркибининг эркинлиги, кесимнинг тушиб қолиши, от кесимларнинг ишлатилиши кабилар тез-тез учрайди.

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув усули икки асосий турга ажратилади: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.

Бу услуб нутқнинг диалогик шаклидир. Бу услуб ёзма нутққа қараганда таъсирчанлиги, ҳиссиётга бойлиги, янги сўз қўллашлар мавжудлиги билан ажралиб туради. Бу услубда сўзловчининг барча имкониятлари намоён бўлади. У нутқига ҳиссиётини ҳам қўшиб гапирди. Бунда турли паралингвистик воситалар - имо – ишора ва қўл ҳаракатларидан фойдаланади. Бу воситалар нутқда айтилмай қолиши мумкин бўлган сўз ва ибораларнинг ўрнини тўлдиради ва баён қилинаётган фикрни янада аниқлаштиради. Бу услубда тўлиқсиз гаплар, сўз-гаплар ишлатилади, чунки туширилган қисм бошқа бир репликада ёки бошқа бир нутқ вазиятида ифодаланиши мумкин. Сўзлашув услубининг икки хил кўриниши бор;

1. Адабий сўзлашув услуби.
2. Оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услубида ўқитувчилар, сухандонлар, журналистлар, илмий ходимлар, ёзувчи ва шоирлар, раҳбар ходимлар, артистлар гаплашадилар. Бу услуб дарс жараёнида, сахна нуқтаида, кино санъатида, телефильмлар, ахборотлар, телеочерклар, радиоинценнировкаларда ишлатилади. Адабий сўзлашув услубида жаргон ва шева сўзлари бўлмайди.

Оддий сўзлашув услубида бетакаллуфлик билан эркин муомала қилинади. Бунда шундай сўзлар ишлатиладики, улар адабий тилда бўлмаслиги мумкин. Лекин бундай сўзлар бадиий нутқда айрим персонажлар нутқининг ўзига хослигини таъминлаш учун қўлланиши мумкин. Оддий сўзлашув нутқи диалектал нутқни ҳам акс эттиради. Сўзловчи қайси диалект вакили бўлса, шу диалектда гапириши мумкин. Масалан, *аши, маши, қайдам, қайтайин, шулайми, жсаа, бўпти* кабилар оддий сўзлашув услубига хос.

Ҳар бир услуб тури фонетик, лексик – фразеологик ва грамматик хусусиятларга эга. Шунингдек, сўзлашув услубининг ҳам шундай томонлари бор.

Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари. Бу услубда ҳам адабий тилга, ҳам оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларини кўриш мумкин. Бу услубга хос талаффуз меъёрларини 2 турга бўлиш мумкин:

Биринчиси - актёрлар, ўқитувчилар, суҳандонлар, нотиклар нутқига хос бўлиб, бунда ҳар бир сўз дона – дона талаффуз қилиниши, нутқнинг фонетик бўлаклари: фраза, такт тўғри ажратилиши лозим.

Иккинчиси - оддий сўзлашув нутқига хос бўлиб, адабий талаффуздан фарқланувчи ва унга қарама-қарши бўлган хусусиятлар ифодаланиши мумкин.

Улар қуйидагилар:

1. Сўз бошидаги и товуши жуда қисқа талаффуз қилиниши мумкин; *(и)n, (и)лон, (и)t, (и)ш* каби.

2. Сўз охиридаги қ товуши в тарзида айтилади; *қошиқ-қошув, сўроқ-сўров, ошиқ-ошув* каби. Киши исмлари қисқартириб айтилади: *Муаззам – Муаз, Нозима – Нози, Салима – Сали, Баҳодир – Боҳо, Бахтиёр – Бахти* каби.

3. Сўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши: *қуфламоқ (қулфламоқ), ташамоқ (ташламоқ), кўкартмоқ (кўкартирмоқ), бариккарам (баргикарам), Бўлса–бўса* каби.

4. Сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашиши: *Лаънат – наълат, шарна – шапра, Сарви – Саври, Салтанат – Санталат* каби. : *қийгир- қирғий, ўрпимоқ- ўпирмоқдир.* Булар сўзлашув услубига хос.

5. Сўзларда товушларнинг орттирилиши: *Айвон – ҳайвон, ечмоқ – чечмоқ, янгидан – янгитдан, қамчи – қамчин* каби.

6. Сўзларда бир товуш ўрнига бошқасининг қўлланиши: *нусха – нусқа, қамиш – қамич, мунчоқ – мўнчоқ ёки бўнчоқ, боғламоқ – бойламоқ* каби.

7. Қўшимчалар қўшилиши натижасида ўзак негизларнинг қисқариши: *олибди – опди, келибди – кепти, бўлибди – бўпти* каби.

8. Товуш алмашиниши: *бўқоқ (буқоқ), мўнчоқ (мунчоқ), кўмирчак (кемирчак), кўйнак (кўйлак), танов (тарнов), қамич (қамиш), нусқа (нусха), қалмоқ (қармоқ), қимилламоқ (қимирламоқ), тиқиллатмоқ (тиқирламоқ), бойламоқ (боғламоқ), махтамоқ (мақтамоқ)* ва бошқалар.

9. Қўшимчалар қўшилиши натижасида ўзак-негизларда ҳосил бўладиган қисқартмалар: *опти (олипти), кепти (келибди), опкепти (олиб келибди).*

Талаффузнинг бу усулига хос кўринишларидан бадиий адабиётда оғзаки нутқини акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида фойдаланилади.

Бадиий асарларда бундай ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин.

Адабий сўзлашув усули тилнинг адабий меъёрларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили содда: жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув усули ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий усул ҳисобланади. Тилнинг адабий сўзлашув усули кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади: мактабларда ва ўқув юртларида ўқитиш ишлари шу усулда олиб борилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. қисқаси, адабий сўзлашув усули умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал туридир.

Муҳокама учун саволлар:

1.1. Жонли сўзлашув тилига хос бўлган сўзларга мисоллар келтиринг.

1.2. Товуш тушиш ҳодисасига мисоллар келтиринг.

1.3. Товуш орттирилиши ҳодисасига мисоллар келтиринг.

1.4. Товуш алмашиниши ҳодисасига мисоллар келтиринг.

1.5. Сўзлашув услубига хос гап тузинг.

1.6. Айланай, меҳмон, кимдан хафа бўлиб турдингиз? Ўзим гиргиттон бўлай? Ким озор берди? Айтинг.

Ушбу гап қайси услубга хос.

1.7. Сўзлашув услубига оид гап ёзинг.

1.8. Кўп маъноли сўзлар, синоним (маънодош) сўзлар ва ибораларни сўзлашув услубида ишлатилишини тушунтиринг.

1. 9. Сўзлашув услубининг адабий нутқдан қандай фарқи бор?

1.10. Сўзлашув услубининг кўринишлари қандай?

1.11. Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари деганда нимани тушунаси?

1.12. Риторик сўроқ гаплар, сўроқ мазмунидаги дарак гаплар, ҳис-ҳаяжонли гаплар кўпроқ қайси услубга хос?

1.13. Сўзлашув услубининг лексик хусусиятлари нималардан иборат?

2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Сўзлашув услубида ишлатиладиган актив лексик қатлам ҳақида тушунча бериш.
- Умуми адабий лексикадаги нейтрал сўзлар ва бўёқдор сўзларни характерлаш.
- Оддий сўзлашув тили ҳақида тушунча бериш.
- Кўп маъноли сўзлар, синоним (маънодош) сўзлар ва ибораларни сўзлашув услубида ишлатилишини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Сўзлашув услубидаги сўзларнинг лексик хусусиятларини тушунтира олади.
- Кўчма маънодаги сўзларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлай олади.
- Маънодош сўзлардаги бўёқдорликни сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлайди.
- Ибораларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини тушунтиради.

2-асосий саволнинг баёни:

Сўзлашув услубининг лексик- фразеологик хусусиятлари. Бу услубда ишлатиладиган фаол сўзлар луғат таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Бундай сўзлар уйда, кўчада, ишхонада, бозорда, тўй-томошада ишлатилади. Сўзлашув услубида қўлланадиган асосий сўзлар; *ош, нон, сув, дон, овқат, туз, шакар, гўшт, ер, осмон, қуёш, она, бола, ота* кабилар услубий бўёқсиз бўлгани учун нейтрал сўз ҳисобланади. Лекин бу услубда яна шундай сўзлар ишлатиладики, улар ё ижобий ёки салбий бўёққа эга бўлади. Масалан, *чурвақа, турқ, башара, кеккаймажон, жинқарча, қақажон, ойимтилла, пашишахўрда, итвачча, тирранча* кабилар салбий бўёққа, *жузжук, жижи, табассум, ойим, бегим, полвон, дўндиқча, болатой* кабилар ижобий бўёққа эгадир.

Сўзлашув услубида қўлланадиган жуда кўп феъллар салбий бўёққа эга бўлади: *акилламоқ, мингилламоқ, тўнгилламоқ, валдирамоқ, бобилламоқ, дўгилламоқ, андаваламоқ* кабилар.

Сифатларнинг ҳам сўзлашув услубидагина қўлланадиган вариантлари мавжуд: *пўрим, писмиқ, мумсик, исқирт, сўтак, хомкалла, хумпар, зумраша, қоқбош, гўрсўхта* кабилар.

Шунингдек, *чурқ этмаслик (лом-лим демаслик), калласи говлаб кетди (мияси говлаб кетди), таъби номозиом (таъби хира)* каби иборалар ҳам сўзлашув услубига хос.

Сўзлашув усулида ишлатиладиган луғатнинг асосий қисмини фаол лексик қатлам ташкил қилади. Шунингдек, адабий-нейтрал луғатнинг катта бир қисми кундалик ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни ифодалашга оид бўлиб, улар ҳам асосан, сўзлашув усулида ишлатилади. Масалан: *нон, ош, туз, ер, осмон, қуёш, юлдуз, киши, бола, эр, хотин, ўртоқ, оёқ, қўл, кўз, ота, она, китоб, қалам, халқ ва бошқалар.* Сўзлашув усулидан кишилар фақат кундалик турмуш муомаласидагина эмас, балки хилма-хил шароитларда уйда, кўчада ва иш жойларида ҳам фойдаланадилар. Шунинг учун сўзлашув услубида кундалик турмушга оид луғатдан ташқари, сиёсат, санъат, маданият, спорт ва сўзловчининг касб-ҳунарига мансуб хилма-хил нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи умуми адабий лексика кўплаб ишлатилади.

Сўзлашув усулининг асосини ташкил этувчи умуми адабий лексика «махсуслик» хусусиятига эга бўлмай, балки ҳар қандай нутқ усулида ҳам, турли хил фаолият доирасида ва ижтимоий муҳитда ишлатилиши жиҳатдан усулбуий нейтрал ҳисобланади. Сўзлашув усулини асосан сўзлашув бўёғига эга бўлган лексика характерлайди. Усулбуий бўёқли сўзлашув элементларига оддий сўзлашув ҳамда содда тилга оид лексика киради. Оддий сўзлашув лексикасига, юқорида

айтиб ўтилганидек, адабий тил меъёрларига мос келувчи сўзлашув усулининг оддий сўзлашув турида кўпроқ ишлатиладиган сўзлар киради. Содда тилга эса адабий меъёрга у ёки бу даражада мос келмайдиган лексика киради. Сўзлашув усули салбий ва ижобий муносабатни ифодаловчи экспрессив лексикага жуда бой. Масалан, *бола, фарзанд, жулжул, чурвақа* сўзлари ўзаро маълум семантик муносабатда бўлиб, асосан бир маънони англатади. Булардан **бола** сўзи бетараф, у барча нутқ усулларидан кенг қўлланади. *Фарзанд* сўзи кўпроқ китобий усулга хос. *Жулжул* эса жонли сўзлашувга хос бўлиб, унда эркалаш-суйиш бўёқдорлиги бор. *Чурвақа* сўзида эса усулбий бўёқ жуда аниқ сезилади ва бу сўзда умуман менсимай қараш маъноси мавжуд.

Сўзлашув усулида тасвирий сўзлардан ясалган феъллар ҳам кўп ишлатилади. Масалан: акилламоқ, вовилламоқ, валдирамоқ, дўнғилламоқ, минғилламоқ, пўкилламоқ, тўнғилламоқ, тинғилламоқ каби. Камситиш, менсимаслик, умуман бетакалуф муомалада ишлатиладиган бундай бирликлар товуш ва образ билан боғлиқ бўлган ҳаракатни ифодалайди ҳамда шу ҳаракатнинг бевосита атамаси бўлади.

Сўзлашув усулида кенг тарқалган ҳодисалардан яна бири от туркумидаги сўзларни қисқартириб ишлатишдир. Масалан, қуйидаги қисқартмалар жонли тилимизда кенг ишлатилади: мил-мил (миллион-миллион), кило (килограмм), гидро (гидростанция), фото (фотография), метро (метрополитен), автомат (автомат телефон).

Оддий сўзлашув нутқида умумистеъмолдаги кўпгина адабий-нейтрал сўзлар кўчма маънода ҳам қўлланади. Оддий сўзлашув нутқида хос маъно касб этган бундай сўзлар адабий тилдаги маъно хусусиятларига нисбатан алоҳида образлиқ ва экспрессив бўёққа эга эканликлари билан ажралиб туради.

Сўзлашув тили ҳам ўз тараққиётининг ҳар бир босқичида янги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради. Чунончи, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб то инқилобга қадар оддий сўзлашув нутқида ўз маъноси ва ясашига кўра жуда хилма-хил кўпгина янги сўзлар пайдо бўлди. Буларнинг баъзилари ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган сўзлар воситасида ясалган, баъзилари рус тилидан кирган бўлиб, талаффузи ва ёзилиши жонли сўзлашув нутқида мослаштирилган сўзлардир. Масалан: пата, чипта (йўл билети – масалан, «темир йўл билети» маъносида), чиптачи (темир йўл кассири), пўрим (олифта, олифта кийинишлик), сим қоқмоқ (телеграф орқали хабар бермоқ), шайтон арава (велосипед), закунчи (адвокат, юрист), закун сўқмоқ («закон»-қонунларини билишлиги билан мақтанмоқ, рўқач қилмоқ).

кўшимча эмоционал-экспрессив қиррага эга бўлган синоним сўзларни кўплаб ишлатиш асосан оддий сўзлашув усули учун хос хусусиятдир. Масалан, хунук сўзи маъноси билан бирлашуви *бадбашара, бадбуруш, бадқавоқ, тасқара, тавия, таққос* синонимик қаторда сўнгги икки сўз, асосан оддий сўзлашув усулига хос. *Соқов* сўзи атрофида уюшган *тилсиз, гунг, гунгалак* сўзларидан сўнггиси сўзлашув тилига мансуб. Бечора, шўрлик, бояқиш сўзлари ҳам нутқда ишлатилиши жихатидан ўзаро фарқ қилади. Булардан бояқиш сўзи кўпроқ сўзлашув усулига хос. «Бирор иш-ҳаракатни ўрнига қўймоқ», «қойил қилиб бажармоқ» маъноси билан бирлашган *бопламоқ, дўндирмоқ, ўринлатмоқ* феъллари, асосан, оддий сўзлашув усулида ишлатиши билан фарқланади. *қотирмоқ, ўхшатмоқ* феъллари эса ўзларининг кўчган маъноларида оддий сўзлашув усулига мос касб этади.

Синонимик муносабат сўзлардагина эмас, фразеологик бирикмаларда ҳам мавжуд. Лекин фразеологик синонимлар нутқ кўринишларига хосланганлиги жихатдан у қадар кўп ва ранг-баранг эмас, улар асосан сўзлашув нутқида ва қисман бошқа нутқ кўринишларига хос. Масалан (олдинги қатор иборалар умумнутққа хос, кейингилари сўзлашув нутқида хос иборалар; уларнинг чегараси тире билан ажратилган): «лом-мим» демаслик-чурқ этмаслик; мияси ғовлаб кетди – калласи ғовлаб кетди; таъби хира-таъби номозшом; дунёдан ўтмоқ-жон бермоқ.

УСЛУБ-тил(нутқ)нинг муайян алоқа тури ва фаолият соҳаси эҳтиёжи учун хизмат қиладиган нутқ кўриниши. Нутқ кўринишнинг услуб сифатида шаклланиш хусусияти ва услубий лисоний белгилари. Буларнинг функционалстилистик жихатдан ухшаш тил бирликлари ҳамда уларнинг маъно ва вазифалари муайян мақсадга йуналтириш ва уюштириш орқали юзага чиқиши. Бунда нолисоний омиллар мажмуини етакчи ўрин тутуши. Услубнинг шаклланиши ва ифодаланишида доимий: барқарор стилистик воситалар ҳамда умумуслубий бетараф бирликларни

танлашнинг функционал табиати. Хар бир услубнинг муайян тил воситаларининг узига хос таркибланиш ва тартибланиш хусусиятига эга бўлган уюшган эканлиги. Бу тизимнинг тарихан таркиб топганлик ва ижтимоий фахмланганлик ҳамда умумийлик табиати. Услуб тил унсурларини муайян мақсадда танлаш ва маълум тартибда қўллашга асосланган имконият ҳамда бу имкониятнинг юзага чиқиши. Услубнинг таърифи.

Услуб ва нутқнинг оғзаки, езма шакллари ўртасидаги муносабат ва фарқ. Нутқ контекст ва матн тушунчалари. Нутқ термини маънолари. Нутқ–тил синтагматик тизимини амал қилиш жараёни. Матн–бу жараённинг махсули, асар ҳамда услуб амал қиладиган тузилма–восита эканлиги. Матн ва унинг турлари ҳақида тушунча.

Тил услублари ҳамда нутқ услублари. Тил услуби, нутқ услуби, функционал услуб терминлари ва буларни тушунишда бир хилликнинг йўқлиги. Тил ва нутқ муносабатига мувофиқ тил услублари ва нутқ услубларини фарқланиши. Услуб ҳодисасини нутқда аён тизим, тилда эса имконият сифатида бўлиш. Тил услублари алоқа воситаларини танлаш ва қўллаш тузумлари ҳамда стилистик воситалари имконияти сифатида ҳам тавсифланиши. Нутқ услубларининг тил стиллари базасида таркиб топиши. Унинг тил воситалари қўлланган айни тадрижий тизим эканлиги. Функционал стилларнинг тилга ҳам, нутққа ҳам тегишли ходиса эканлиги.

Адабий тил услубларини белгилашда ва тасниф этишда хилма-хиллик. Услуб тушунчасини тилшунослик ҳамда адабиёт.

Сўзлашув услубининг грамматик хусусиятлари. Бу услубда риторик сўроқ гаплар, сўроқ мазмуни ифодаланадиган дарак гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплар кўплаб ишлатилади. Феълнинг -и(б), -ган қўшимчали шакли -увди, -овди тарзида қўлланди. Масалан, *сўраб эди – сўровди, келиб эди – келувди, қолган эди– қолувди, билган эди – билувди* каби. Аффикслардан *-жон, -хон, -вачча, -тилла* кабилар билан ясалган субъектив баҳо билдирувчи отлар ҳам сўзлашув услубида кўплаб қўлланади; *тирранча, қақажон, ойимтилла, балохўр, кеккаймахон, пашишахўрда, жиннивачча* каби.

-лар қўшимчаси ҳам сўзлашув услубида -ла, -на, -нар шаклида қўлланилиши мумкин: *олийла (олинглар), келийна (келинглар), борингар (боринглар)* каби.

Сўзлашув услуби икки ва ундан ортик одамлар орасида бўладиган мулоқотда ишлатилади. Бунда диалог роль ўйнайди. Шунинг учун, гаплар тўлиқсиз шаклда бўлади. ишлатилмаётган гап бўлақларининг ўрнини нутқ вазияти тўлдириб туради. Масалан, *исмингиз?, келдимми?, кетдикми?, бошланди кабилар сизнинг исмингиз нима?, устоз келдимми?, уйга кетдикми?, кеча бошланди* тарзида тўлиқ бўлади. Нутқ вазияти эса, бу жумлаларни тўлиқ айтмасликни тақозо қилади.

Шунингдек, *гапирган бўлди, овқатдан татиган бўлди, гапга қулоқ солган бўлди* каби ифодалар ҳам сўзлашув услубида ишлатилади.

Сўзлашув услубининг ишлатилиш шароитлари, интонация ва имо-ишора сингари воситалардан фойдаланиш ҳамда фикр ва баённинг асосан кундалик турмуш характериға эга бўлиши, одатда, гап тузишнинг жуда мураккаб грамматик конструкцияларини талаб қилмайди.

Сухбатда (неча киши иштирок этишидан қатъи назар) сўзловчи ва тингловчининг воқеликка муносабати маълум шароитда нутқ вазиятидан, шароитдан билиниб туради. Шароит сухбатдошларнинг нутқиға аниқлик киритади, уни тўлдиради, фикрнинг тўла раеллашувига кўмаклашади. Сўхбатдошлар хоҳ содда, хоҳ мураккаб фикрни ифода этсинлар, улар вақт сухбат шароитига суянадилар. Сўзловчи ўз сухбатдошиға ниманидир кўрсатиши, ниманидир интонация орқали тушунтириши ёки ниманидир мимика, кўз, қўл, бош ҳаракти билан англантиши мумкин. Шундай қилиб, сухбат шароитида намаён бўлувчи шароит сўзлашув нутқи учун характерли хусусиятдир. Бунда паралингвистик воситалар (имо-ишора, кўз, қўл, бош ҳаракатлари кабилар) ҳам алоҳида роль ўйнайди. Сухбат шароитида диалог муҳим рол ўйнайди. Агар диалоглар савол-жавоб характерида бўлса, жавоб тўлиқсиз гап формасида бўлади. Бундай гапларда яширинган муайян бўлак сухбатдошлар нутқидаги олдинги ва сўнги жумлалар мазмунидан англашилиб туради. Умуман, фикрни ихчам ифодалаш мақсадида жуда зарур бўлмаган гап бўлагини такрорламаслик –«тушириб қолдириш» жонли сўзлашув тили учун характерлидир. «Тўлиқсиз гапнинг жонли тилда кўп учрашининг бир сабаби сўзлаш пайтидаги вазиятнинг, шароитнинг,

мимика ва турли имо-ишораларнинг фикрни ихчам англатишга имкон беришидир. Улар айтилмаган ифодаланмаган бўлакнинг компо­н­са­ция­си­ди­р».

Кузатилган мақсаднинг ҳар хиллигига –мақсаднинг йўналишига қараб, сўзлашув усулида дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов гапнинг қисқа ва ихчам кўринишлари, тўлиқсиз шакллари жуда кенг қўлланади. Айниқса, сўроқ гаплар кўп ишлатилади.

Соф сўроқ гаплар таажжуб, шубҳа, гумон сингари турли-туман қирраларга эга бўлади. Бундай сўроқ гаплар таркибида сўроқни билдирадиган сўзлар қўлланмайди, сўроқ гап оҳанги орқали ифодаланади. Масалан: -Хужжатингиз? (Хужжатлар қани?) Исмингиз (Исмингиз нима?). Шунингдек, сўзлашув усулида ундов гаплар ҳам кўп ишлатилади.

Морфологик система миллий тилнинг барча нутқ усуллари учун ягона ва умумий бўлади. Морфология соҳасида сўзлашув усулининг ўзига хос хусусияти жуда оз даражада сезилади. Нутқ усуллари­нинг морфологик жиҳатдан фарқи, асоан, у ёки бу морфологик элементларни ор­тиқ ёки кам ишлатишдагина кўринади. Чунончи, ҳолат оти ясовчи -чилик, -гарчилик мураккаб қўшимчаси сўзлашув усули учун характерли бўлган отлар ясайди. Масалан (қавсдан ташқарида берилган отлар сўзлашув нутқи­га хос, қавснинг ичида берилган шу отнинг адабий тилдаги формаси): хафагарчилик (хафалик), муттаҳамгарчилик (муттаҳамлик), табибгарчилик, табибчилик (табиблик).

Сўзлашув усулининг ўзига хос хусусиятлари феълнинг баъзи шакллари­нинг ишлатилишида ҳам кўринади. Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда феълнинг –**и(б) эди** шакли оғзаки нутқда –**увди, -овди** тарзида талаффуз этилади деб кўрсатилади. Талаффуздаги бу ҳолат тўлиқсиз феълнинг бу шакли оғзаки нутққа хос қилиб қўяди. Мисоллар: эгардан Ирғитиб юборишларига сал-пал қолувди. (Ш.Рашидов).

-**р эди** шаклида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Сўзлашув усулига хос бу шаклдан бадиий асарларда жонли тилни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида кенг фойдаланилади. Булардан ташқари, феъл шакллари қўлланиш частотаси жиҳатидан ҳам бирор услубга хосланган бўлади. Масалан, бўл кўмакчи феълнинг –**ган** қўшимчаси билан ясалган сифатдошларга қўшилиб келиши туфайли ҳосил бўлган: **овқатдан бир оз еган бўлди, бир-икки оғиз гапирган бўлди, у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди** каби шакллари айниқса жонли тилда кўп учрайди. Худди шунингдек, феълнинг иккинчи шахси учун –**нгизлар** ва –**нлар** шакллари қўлланади: бордингизлар ва бординглар (-из ўрнига -лар). Булардан кейинги шакл жонли тилда жуда кўп ишлатилади. Жонли тилда кенг қўлланишига кўра буларни сўзлашув услубига хосланган шакллар дейишимиз мумкин.

Ўзбек тили лексикасида субъектив баҳо ифодаловчи шакллар, яъни кичрайтириш, эркалаш маъноларини билдирувчи қўшимчаларни олган сўзлар, оддий сўзлашув услубида баъзан қўшимчалар ҳолитига келган **жон, хон, хўр (хўрда, хўрак), бачча (вачча), тилла** каби элементларни олган модалликни билдирувчи отлар сўзлашув услубида кенг қўлланилади. Улар орқали сўзловчи бир шахсга нисбатан салбий муносабатини ифодалайди: ойимча, дўндикча, тирранча, керилмажон, қақажон, кеккаймахон, балохўр, кўзахўр, пашшахўрда, мазахўрак, жиннивачча, ойимтилла каби ва бошқалар.

Сўзлашув услубида сифатлардаги модаллик шаклларида (Ойдеккина экансан-у олабайроқ кийимларга бало борми? (С.А.) Феъллардаги ҳаракатнинг миқдорий белгисини ифодаловчи шакллар (-**(и)мсира, -(и)қира**) кенг қўлланади: кулимсирамоқ, йиғламсирамоқ, оқаринқирамоқ, илжайинқирамоқ каби.

Сўзлашув услубининг баъзи морфологик хусусиятларини бошқа сўз туркумлари доирасида ҳам кузатиш мумкин.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Сўзлашув услуби учун характерли бўлган отларни ясовчи аффиксларни айтинг.
- 2.2. Қандай сўзлар сўзлашув услубига хос?
- 2.3. Қандай сўзлар сўзлашув услубида қўлланилмайди?
- 2.4. Сўзлашув услубида кенг қўлланадиган феълларни айтинг.
- 2.5. Холинисо,болам,жон болам. Бўйларингдан ўргилай,болам! Мени яна ташлаб кетасанми?

Берилган матн қайси услубга хос?

- 2.6. Сўзлашув нутқида ишлатиладиган сўзларни айтинг.

- 2.7. Жонли тилда кенг ишлатиладиган қисқартма сўзларни айтинг.
- 2.8. Жонли тилда қайси феъллар кўчма маънода ишлатилади?
- 2.9. Тузламок, йиқилмок, чўзмок феъллари жонли тилда қайси маънода.
- 2.10. Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни топинг.
- 2.11. Сўзлашув нутқига хос ибораларга мисоллар келтиринг.
- 2.12. Қайси услубда тил воситаларидан эркин фойдаланилади?

Г) Модул бўйича якуний машғулот:

Ўзбек тили услубияти фанидан 2-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Сўзлашув услубини пайдо бўлиш ўрни жиҳатидан ҳам, кенг қўламлилиги нуқтаи назаридан ҳам барча услубларнинг бошланғичи деб қараса бўлади. Чунки сўзлашув услуби бошқа услубларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши учун имкон яратиб беради. Сўзлашув услуби лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам айрим ҳолларда адабий меъёрдан, лисоний қонуниятдан чекинишларга йўл қўяди. Аммо бу сўзлашув услубининг ўзига хослигини, табиийлигини таъминлайди.

Сўзлашув услубида **фонетик** жиҳатдан қуйидагиларни учратамиз:

- айрим товушлар тушиб қолади;
- айрим ҳолатларда бир товуш ўрнига шунга яқин товушларни қўллаймиз;
- баъзан ҳис-ҳаяжонни ифодалашда бир товушни икки марта қўллаймиз.

Синтактик жиҳатдан қуйидаги ҳолатларни кўраамиз:

- сўз тартиби ўзгаришидан кенг фойдаланилади;
- диалоглар кўп ишлатилади;
- кинояли сўз ва иборалардан фойдаланилади.

Морфологик жиҳатдан эса:

- айрим ҳолларда келишиқ қўшимчалари ифодаланмай қолади;
- айрим ясовчи қўшимчалар Янги атамалар яшашда хизмат қилади.

Сўзлашув услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири лаҳжа билан чамбарчаслигидадир.

Назорат саволлари:

- 1.1. Жонли сўзлашув тилига хос бўлган сўзларга мисоллар келтиринг.
- 1.2. Товуш тушиш ҳодисасига мисоллар келтиринг.
- 1.3. Товуш орттирилиши ҳодисасига мисоллар келтиринг.
- 1.4. Товуш алмашиниши ҳодисасига мисоллар келтиринг.
- 1.5. Сўзлашув услубига хос гап тузинг.
- 1.6. Айланай, меҳмон, кимдан хафа бўлиб турдингиз? Ўзим гиргиттон бўлай? Ким озор берди? Айтинг. Ушбу гап қайси услубга хос.
- 1.7. Сўзлашув услубига оид гап ёзинг.
- 1.8. Кўп маъноли сўзлар, синоним (маънодош) сўзлар ва ибораларни сўзлашув услубида ишлатилишини тушунтиринг.
- 1.9. Сўзлашув услуби учун характерли бўлган отларни ясовчи аффиксларни айтинг.
- 1.10. Қандай сўзлар сўзлашув услубига хос?
- 1.11. Қандай сўзлар сўзлашув услубида қўлланилмайди?
- 1.12. Сўзлашув услубида кенг қўлланадиган феълларни айтинг.
- 1.13. Холинисо, болам, жон болам. Бўйларингдан ўргулай, болам! Мени яна ташлаб кетасанми? Берилган матн қайси услубга хос?
- 1.14. Сўзлашув нутқида ишлатиладиган сўзларни айтинг.
- 1.15. Жонли тилда кенг ишлатиладиган қисқартма сўзларни айтинг.
- 1.16. Жонли тилда қайси феъллар кўчма маънода ишлатилади?
- 1.17. Тузламок, йиқилмок, чўзмок феъллари жонли тилда қайси маънода ишлатилади?
- 1.18. Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни топинг.
- 1.19. Сўзлашув нутқига хос ибораларга мисоллар келтиринг.
- 1.20. Қайси услубда тил воситаларидан эркин фойдаланилади?

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Сўзлашув услуби адабий тилнинг бойишида манба бўла оладими?

2.Сўзлашув услубининг грамматик, лексик-фразеологик ва фонетик хусусиятлари ҳақидаги фикрлар сизни қониқтирадими?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Б. Ёринбоев. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Т.: «Фан» нашриёти, 1974 й
2. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983 й.
3. Б. Ёринбоев. Ўзбек сўзлашув нутқи. Т.: «Фан» нашриёти, 1982 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон-1992 й.
5. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент-1994 й.
6. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти.-Тошкент: Университет, 1996 й.
7. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонкулова, Ҳ.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.
8. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.

3-Мавзу: Расмий услуб.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Расмий услуб” мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларга расмий услуб ҳақида тушунча бериш. • Иш қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни аниқ ва ихчам расмийлаштиришларига эришиш. <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Расмий услубни тасаввур қилади ва тушунтириб бера олади. • Расмий-идоравий ҳужжатларни тайёр андозалар бўйича туза олади. • Мисоллар орқали изоҳлай олади. 	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар: Акт. Баёнот. Дипломатик. Визит. Кассация. Кодекс. Нота. Инверсия. Нутқий штамп. Пошлина.</p> <p>Дарс шакли: ноанъанавий.</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, ўқув қўлланмалари, слайдлар.</p> <p>Метод ва усуллар:Ижодийлик, савол-жавоб, репродуктив</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -талабалар расмий иш қоғозларидан намуналар тўплайдилар. -расмий-идоравий ҳужжатларни тайёр андозалар бўйича тузадилар. 	Ўқитувчи-талаба, 50 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Расмий иш услуби қайси ҳолатларда қўлланилади? 2. Расмий иш қоғозлари қайсилар? 3. Расмий иш услубида лаҳжага оид сўзлар ишлатиладими йўқми? 4. Расмий услубда илгари қўлланилган сўзларга мисоллар келтиринг 5.Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? 6.Расмий услубнинг қандай кўринишлари бор? 7.Нима учун айрим ҳужжатларнинг синтактик қурилиши мураккаб бўлади? 8.Дипломатик ҳужжатлар қайсилар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари 	Ўқитувчи, 10 минут

	нималардан иборат?	
5	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Расмий услуб ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилади. Давлат қонунлари, фармонлар, баёнотлар, шартномалар, идора ҳужжатлари, эълонлар ва расмий ёзишмалар расмий услубда ёзилади. Расмий услуб ҳужжат матнининг дарак характерида бўлишини, сўзларнинг бир маънода ишлатилишини, бадий-тасвирий воситаларнинг бўлмаслигини, феълнинг мажҳуллик ва буйруқ-истак шаклларининг, кўшма гап турларининг кенг қўлланишини талаб қилади.</p>	<p>Ўқитувчи, 10 минут</p>

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Расмий иш услубининг умумий белгилари.
2. Лексик–фразеологик ва грамматик хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Расмий, идоравий ва касбий терминлар. Бетараф сўзлар.
 Ҳаракат ном ива мажҳул шаклларнинг кенг қўлланиши.
 Тайёр қолип ва бирикмаларнинг устунлиги.
 Акт . Баёнот. Декларация. Дипломатик муносабат.
 Визит .Инверсия .Нутқий штамп .

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Иш қоғозлари ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш муаммоси ҳақида қандай янги фикрларингиз бор?
2. Баённинг расмийлиги, китобийлиги, жиддийлиги, вазминлиги, қолипланганлиги қайси ҳолатларда бузилади?
3. Расмий услуб лексикаси асосини умумуслубий (бетараф) сўз ва иборалар ташкил этадими ёки қандай қўшимча фикрларингиз бор?

1-савол бўйича дарс мақсади:

- Талабаларга расмий услуб ҳақида тушунча бериш.
- Иш қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни аниқ ва ихчам расмийлаштиришларига эришиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Расмий услубни тасаввур қилади ва тушунтириб бера олади.
- Расмий-идоравий ҳужжатларни тайёр андозалар бўйича туза олади.
- Мисоллар орқали изоҳлай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Расмий услуб асосан ҳуқуқий –маъмурий муносабатлар соҳаси учун хизмат қилади. У идоралар кишилар давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Фармон бериш, даъват этиш ва мажбурийлик оҳанги кучли бўлади.

Расмий-идоравий ҳужжатларнинг тайёр андозалари ишлаб чиқилган бўлади. Мазмуни аниқ ва аён бўлиб, ёзма нутқ шаклида амал қилинади. Ортиқча изоҳ ва такрорлар бўлмайди. Тасвирийлик ва мажозийликдан маҳрум бўлади. Бу услубда ҳолис баҳолаш, қатъий ундаш, буюриш оҳанги устувор бўлади.

Дипломатик ёзишмаларда, иқтисодий, юридик муносабатлар ифодаси бўлган ҳужжатларда, давлат идоралари, судлар, савдога доир муомалаларда расмий услуб ишлатилади. Расмий услуб иш юритиш ҳужжатларида қўлланади. Бунга ариза, тушунтириш хати, эълон, таржимаи ҳол, ишонч қоғози, тилхат, ҳисобот, ноталар, буйруқ ва фармонлар, фармойишлар, таклифнома, расмий хатлар, тижорат ёзишмалари кабилар киради. (Бу қоғозларнинг қандай ёзилиши ҳақида М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудовларнинг «Иш юритиш» деган китобидан ҳар томонлама маълумот олиш мумкин).

Бу услубда адабий меъёрга қатъий риоя қилинади, шевага хос сўзлар, жаргонлар, ҳар хил услубий бўёққа эга бўлган сўзлар ишлатилмайди. Бу услуб қисқа, аниқ, лўндалиги билан ўзига хосликни кўрсатиб туради. Жумлалар ҳам инверсиясиз бўлиши лозим. Гапларда таъсирчанлик бўлмайди. Расмий услубда ёзиладиган айрим ҳужжатлар штампга ўхшаш махсус тартиб ва шакл билан ёзилади. Масалан, расмий хатлар, ариза, тушунтириш хати, билдирги, маълумотномалар, қарорларни кўрсатиш мумкин.

Ҳужжатлар услубида от туркумига оид сўзлар кўп қўлланади. Ҳатто, феъл сўзлар ишлатилганда, унинг отга яқин шакли ҳаракат номидан фойдаланилади. Масалан, *қабул қилишингизни сўрайман, қарорнинг бажарилиши, стипендия тайинлаш, талабалар сафига тиклаш* кабилар.

Феъллар мажҳул нисбатда ва буйруқ-истак майли шаклида қўлланади. *Бажарилсин, тайинлансин, амалга оширилсин, қарор қилинди, кўриб чиқилди, эшитилди* кабилар. Агар пул, буюм миқдори кўрсатилиши лозим бўлса, олдин рақам билан қавс ичида ҳарфлар билан ёзилади.

Ҳужжатларда фикр аниқ, лўнда баён қилиниши лозим. Бунда хатбоши (абзац) нинг ўрни муҳимдир. Ҳар бир янги, алоҳида фикр хатбоши билан ажратилиши, бир хатбоши билан иккинчи хатбоши ўртасидаги матн тўрт-беш жумладан ошмаслиги меъёрга мосдир.

Ҳужжатчиликда имло ва тиниш белгиларига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳужжатнинг номи бош ҳарф билан ёзилади. Агар босма матн бўлса, ҳужжат номининг ҳар бир ҳарфи бош ҳарф билан ёзилиши мумкин. Ҳужжатнинг номидан сўнг қўйилмайди.

Дипломатик ҳужжатлар шаклига ва сўз қўлланиши жиҳатидан ўзига хос кўринишга эга. Уларни ёзишда ҳужжатнинг қай шаклда бўлиши муҳимдир. Маълумки, дипломатик ёзишмалар бир давлатдаги оддий корхоналар ёки ташкилотлар орасида бўлмайди. Улар бошқа – бошқа давлатлар ўртасида бўлгани учун ҳужжат юборилаётган мамлакат анъаналари ҳисобга олинади. У ёки бу давлатга ҳужжатнинг қайси тури юборилаётган бўлса, худди шу тури билан жавоб қайтарилади. Дипломатик ҳужжатларга баёнот, нота, расмий хатлар, илова хатлар, яримрасмий шахсий хатлар, дипломатик протокол қайдномалар, меморандумлар ва бошқалар киради.

Дипломатик ёзишмаларда ҳужжат юборилаётган мамлакатнинг номланишида, шахсинг исми-шарифи ва лавозимини ёзишда, унга қилинаётган мурожаат ифодаларида хатога йўл қўйилиши мумкин эмас. Чунки, хатолар беписандлик, ҳурматсизлик саналади. Бу ҳужжатлар ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам нуқсонсиз бўлиши, фикр аниқ, тўғри, мантиқий, изчил, асосли ва иккинчи томоннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баён этилиши зарур.

Расмий услубда фонетик хусусиятлар бўлмайди. Чунки унда талаффузга хос белгилар учрамайди, адабий меъёрга қатъий риоя қилинади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Расмий иш услуби қайси ҳолатларда қўлланилади?
- 1.2. Расмий иш қоғозлари қайсилар?
- 1.3. Расмий иш услубида лаҳжага оид сўзлар ишлатиладими йўқми?
- 1.4. Расмий услубда илгари қўлланилган сўзларга мисоллар келтиринг
- 1.5. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
- 1.6. Расмий услубнинг қандай кўринишлари бор?
- 1.8. Нима учун айрим ҳужжатларнинг синтактик қурилиши мураккаб бўлади?
- 1.9. Дипломатик ҳужжатлар қайсилар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

2-савол бўйича дарс мақсади:

- Расмий услубнинг лексик хусусиятлари ҳақида тушунча бериш.
- Расмий услубнинг фразеологик хусусиятларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Расмий услубнинг лексик-фразеологик хусусиятларини тасаввур қилади ва тушунтириб бера олади.
- Расмий услубда қисқартма атамалар, бетараф турғун сўз бирикмалари ва ибораларга кенг ўрин берилишини изоҳлай олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Расмий услубнинг лексик хусусиятлари. Асли расмий услубда бўёқдор сўзлар ишлатилмайди. Лекин дипломатик ёзишмаларда бўёқдор сўзлар бўлиши тақозо қилинади. Унда мактов ифодалари: *хурматли жаноб, жаноби олийлари, Сизга бўлган ҳурматимга ишонч билдиргайсиз, бош устига, бошимиз кўкка етди, энг самимий табрик, эзгу тилаклар ила, Сизга чуқур ҳурмат билан, миннатдорлик изҳор этаман* кабилар фаол ишлатилади.

Расмий услубда жаргонлар, шевага оид сўзлар, эскирган сўз ва бирикмалар одатда ишлатилмайди. Ўрни билан архаизм ва историзмлардан фойдаланилади: *шаҳзода, шоҳ, малика, жаноб, ҳазрати олийлари* кабилар

Юридик ҳужжатларда конституцияда ҳар бир сўз, жумла, фикр ва мулоҳазанинг аниқ ва тўғри ифодаланишига хизмат қилиши лозим. Шунинг учун унда касб-корга оид, юридик, дипломатик, маъмурий ва бошқа терминологиянинг мавжудлиги бу услубнинг ўзига хослигини таъминлаб туради: *акт, гувоҳнома, қарор, қидириши, элчи, нота, шартнома, баёнот, декларация, визит, кодекс, қонун, модда, пошлина, протест (шикоят), кассация* кабилар.

Расмий услубнинг грамматик хусусиятлари. Бу услубнинг ариза, тушунтириш хати, тилхат, таклифнома каби кўринишларида жумлалар қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туради. Ҳужжатлардаги нутқий штаплар матнга расмийлик белгисини киритади.

Юридик қонун ва ҳужжатларда жумлалар жуда узун, баъзан бир фикр ярим бетлик гап орқали ифодаланади. (Қонунлардан парчалар ўқилади)

Конституция ўз тузилишига кўра боб ва бўлимларга бўлинади. Демак, ҳар бир бўлимдаги фикрлар бир-бири билан мантқан боғланиши, бири иккинчисини тақозо қилиши лозим. Шундай экан, бунда боғланган кўшма гаплар, боғловчисиз кўшма гаплар ва эргаш гапли кўшма гапларнинг айрим турлари шу вазифани бажаришга хизмат қилади. Чунки бундай кўшма гапларда кетма – кет рўй берадиган, бир вақтда юз бериши мумкин бўлган, сабаб-оқибатли, зиддиятли воқеа-ҳодисалар ифодаланади.

Баъзи бир юридик ҳужжатларда шахслар ўз номи билан аталмасдан уларнинг муҳим белгилари ифодаланган бирикмалар ишлатилиши мумкин: *уйни ижарага олувчи, ўғил қилиб олувчи, корхоналар, муассасалар ва ташиқлотларнинг мансабдор шахслари юқори мартабали меҳмон* кабилар.

Ҳужжатлардан шартномалар ҳам мураккаб синтактик қурилишга эга. Унинг кириш қисми алоҳида бандлари кўрсатувчи матнлар хат бошларига ажратилган бўлади. Бундай хусусият матнни ўқишни ва тушунишни бир мунча енгиллаштириди.

Ҳужжатларнинг турига кўра шартли қисқартмалар турғун бирикмалар кўп ишлатилади. Масалан: ҳарбий ҳужжатларда *Олий Бош Қўмондон, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб, Қуролли кучлар, ҳарбий госпиталь* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Расмий ёзишма ва ҳужжатлар услуби иқтисодий, юридик ва дипломатик муносабатларда, давлат идоралари, судлар, савдога доир ўзаро муамоларда алоқа қилиш учун ишлатилади. Шунга кура, бу усулда юридик қонун моддалари, дипломатик мурожаатномалар- ноталар, ҳукумат идораларининг қарорлари, инструкциялар, буйруқлар, шартномалар расмий эълон ва хабарлар, ёзишмалар ва шу каби ҳужжатлар ёзилади.

Расмий ва ёзишма ва ҳужжатлар усулининг қўлланиши доираси кенг ва хилма-хил бўлганлигидан унинг таркиби ҳам турличадир. Улар лексик-фразеологик ҳамда грамматик воситаларни танлаш ва ишлатиш жиҳатидан бир-биридан озми-кўпми фарқ қилади. Баён қилинган фикрларнинг изчиллик билан узвий боғланган бўлишига алоҳида эътибор қилинади.

Идоравий ёзишмаларга оид қозғалар, чунончи, справка, тилхат, чақириқ хати, тушунтириш хати, таклифномалар қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туради. Тилдаги муайян нутқий штаплар, катъий одат тусига кириб ёзишмаларга хос хусусиятлар саналади.

Шартноманинг лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятларини расмий ҳужжатлар усулининг барча намуналари билан умумий белгиларга, шунингдек, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ҳарбий ҳужжатлар тили ҳам, асосан, расмий услубнинг қонуниятларига бўйсунди. Ҳарбий ҳужжатларгатартиб белгиловчи қоидалар мажмуи бўлмиш уставлар, қурол аслаҳаларга оид қўлланмалар, буйруқ, фармойишлар каби ҳужжатлар киради. Махфий маълумотлар беришда турли хил қисқартмаларнинг ишлатилиши ҳарбий ҳужжатларнинг энг муҳим белгиларидандир. Ҳарбий ҳужжатларда бевосита ҳарбий ишларда ҳамда ҳарбий техникада ишлатиладиган махсус терминлар жуда кўп учрайди. Расмий услубнинг бошқа турларидаги сингари ҳарбий ҳужжатларда ҳам сўзлар, асосан, ўзининг аниқ тўғри маъносида ишлатилади. Бундан фақат кўпинча уруш майдонидаги объектларнинг номларини шартли белги-аломатлар билан белгилаб қўйилишигина мустаснодир.

Расмий услуб ҳуқуқий –маъмурий муносабатлар соҳаси учун хизмат қилади. У кишилар идоралар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Фармон бериш, даъват этиш, мажбурийлик оханги бу услубга хос. Ортиқча изох ва такрорларга йўл қўйилмайди. Баёнлар расмий, қолиплаган бўлиб, тасвирийлик ва маъжозийликдан йироқ. Ундовлар, тасвирий сўзлар ва эркалаш-кичрайтириш воситалари ишлатилмайди. Олмошга нисбатан от устун бўлади. Феълнинг ҳаракат номи ва мажхул нисбат шаклидаги турлари кенг қўлланилади.

Расмий услубда тайёр қолип ва ифодалар, кўмакчи обаротлар, мажхул тузилмалар асосий ўрин тутди. Бу услуб адабий тил маъромларига, расмий идоравий ҳужжат тузиш анъаналарига қатъий амал қилади.

Расмий иш услуби асос эътибори билан идоравий ёзишма ва ҳужжатларда қўлланилади. Бу услуб материали ниҳоятда хилма-хил. Унинг доираси кенгдир. Ариза, тилхат, фармонлар, қўшма баёнотлар, фирқа ва давлатлар орасидаги битимлар, ҳисобчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий ҳужжатлар – мана шу хилма-хил кўринишдаги материаллар расмий услубга мансубдир. Бу услуб материалларининг баёнида ҳам, грамматик қурилишида ҳам, лексик таркибида ҳам бир қанча ўзига хос белгилар мавжуд. Масалан: Ариза ҳажми жиҳатидан ихчам бўлади, чунки аризада мақсад ифода қилинади. Тилхат ҳам шундай. Турли хилдаги мажлисларнинг қарорларига келсак, уларнинг ҳажмидан қатъи назар, ҳаммаси ҳам ўзида уч хусусиятни мужассамлаштиради.

1. Кун тартиби.
2. Муҳокама қилинаётган масаланинг баёни.
3. Қарор қисми.

Бу материалларни тил жиҳатидан бирлаштирадиган, уларнинг барчасига хос бўлган тил хусусиятлари қуйидагича:

1. Бу материалларни лексикаси асосан кундалик муомала жараёнида ишлатиладиган сўзлардан иборат бўлади.
2. Лаҳжа сўзлари ишлатилмайди. Ариза, тилхат, баёнот ёки қайдноманинг ҳужжат сифатидаги хусусияти шевачиликка имкон қолдирмайди.
3. Бу услуб материалида тимсолли бирикмалар, умуман тимсоллар қўлланилмайди, чунки тимсол замирида турли хилдаги маъно нозикликлари мужассамлашади. Ҳуқуқий ҳужжатнинг хусусияти эса фикрнинг аниқ ифодасини талаб қилади. Айни вақтда бу услуб материалида тимсолдан фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Масалан: Кичик ҳажмли тилхат ёки аризада, Рақамлар билан тўлиқ бўлган ҳисобчилик ҳужжатларида тимсолликка интилишнинг ўзи имконсиз.
4. Баёнда қолиплаган бирикмаларнинг мавжудлиги. Масалан, кун тартиби, кўриладиган масалалар, сўзга чиқадилар, қарор қилади, зиммасига юклатилсин ва ҳ.к.
5. Услубнинг ўзига хос атамалари: йиғилиш, мажлис, анжуман, қурултой, Раис, ҳисобчи, мудир, муовин, котиб, вилоят жумҳурият туман ва б.
6. Услуб атамаларининг тараққиёти давр билан боғлиқлиги. Масалан, ўзбек тилига давлатмақоми берилгач, ҳаётини тугатмасдан, барвақтроқ бадаоға қилинган бир қанча сўзларимиз Яна истемолдан ўрин олади. Бунда халққаё тушунарли бўлиши асосий омил бўлаяпти: администрация –маъмурият, администратор-маъмур, аттестация –кўрик, рапорт-

хабарнома, командировка-сафар, печать-муҳр, бухгалтер, микрорайон- мавзе, транспорт-улов, адрес- манзилгоҳ.

Расмий услуб адабий тил маъромларига, расмий-идоравий ҳужжат тузиш анъаналарига қатъий амал қилинади. Расмий услуб унсурлари публицистик ва бадиий нутқда ҳам учрайди.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Қайси сўзлардан кейин расмиётга кўра икки нуқта қўйилади?
- 2.2. Расмий услубда ҳаракат номи ясовчи қўшимчалардан қайси бири қўлланилмайди?
- 2.3. Расмий услубда қўлланиладиган баъзи атамалар қайси аффикслар қўшилиши орқали ясалади?
- 2.4. Расмий услубда баъзи ҳолларда кишилар номлари қандай номлар билан алмаштириб қўлланилади?
- 2.5. Расмий иш қоғозларининг айрим турларида қандай гаплар кўп қўлланади?
- 2.6. Маълумотнома қайси услубда ёзилади?
- 2.7. Ариза қайси услубда ёзилади?
- 2.8. Гаржимаи ҳол, таклифнома, мажлис баённомаси қайси услубда ёзилади?
- 2.9. Расмий услубнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари деганда нимани тушунасиш?

Г) Модул бўйича якуний машғулот.

Ўзбек тили услубияти фанидан 3-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Расмий нутқнинг икки хил кўриниши мавжуддир:

1. Оғзаки тарздаги расмий маърузалар нутқи.
2. Расмий иш қоғозлари нутқи (асосан ёзма нутқ).

Оғзаки тарздаги расмий маърузалар нутқи, биринчидан, бадиий, илмий, жонли сўзлашув ва публицистик нутқлардан фарқ қилса, иккинчи томондан, расмий иш қоғозлари нутқидан (ёзма нутқдан) ҳам фарқ қилади.

Расмий иш қоғозлари турли-туман бўлганлиги туфайли ҳар бирининг ўзига хос тузилиши, хусусиятлари ҳам бор. Бироқ улардаги асосий ҳолатлар муштарак кўринишларга эга бўлади. Шундай қилиб, расмий услуб бир томондан, инсонлар ўртасидаги расмий муносабатларни ифодаласа. Иккинчи томондан, ташкилотлар, идоралар орасидаги, улар хизматчилари орасидаги муносабатларни ифодалайди. Расмий нутқ ана шу муносабатларни ифодалаш мақсадида, шу асосда шаклланади ва турлича кўринишларга эга бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, расмий услуб ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилади. Давлат қонунлари, фармонлар, баёнотлар, шартномалар, идора ҳужжатлари, эълонлар ва расмий ёзишмалар расмий услубда ёзилади. Расмий услуб ҳужжат матнининг дарак характерида бўлишини, сўзларнинг бир маънода ишлатилишини, бадиий-тасвирий воситаларнинг бўлмаслигини, феълнинг мажҳуллик ва буйруқ-истак шаклларининг, қўшма гап турларининг кенг қўлланишини талаб қилади.

Назорат саволлари:

1. Расмий иш услуби қайси ҳолатларда қўлланилади?
2. Расмий иш қоғозлари қайсилар?
3. Расмий иш услубида лаҳжага оид сўзлар ишлатиладими йўқми?
4. Расмий услубда аввал қўлланилган сўзларга мисоллар келтиринг.
5. қайси сўзлардан кейин расмиётга кўра икки нуқта қўйилади?
6. Расмий услубда ҳаракат номи ясовчи қўшимчалардан қайси бири қўлланилмайди?
7. Расмий услубда қўлланиладиган баъзи атамалар қайси аффикслар қўшилиши орқали ясалади?
8. Расмий услубда баъзи ҳолларда кишилар номлари қандай номлар билан алмаштириб қўлланилади?

9. Расмий иш қоғозларининг айрим турларида қандай гаплар кўп қўлланади? 10.
 Маълумотнома қайси услубда ёзилади?
 11. Ариза қайси услубда ёзилади?
 12. Таржимаи ҳол, таклифнома, мажлис баённомаси қайси услубда ёзилади?

Маъруза бўйича мустақил таълим материаллари:

1. Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ариза ёзиш.

2. Таржимаи ҳолингизи ёзиб беринг

Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар:

- Ифоданинг аниқ, ихчам, изчил бўлиши ва уни айнан тушуниш;
- Расмий услубда ортиқча изоҳ ва такрорнинг бўлмаслиги;
- Баённинг расмийлиги, китобийлиги, жиддийлиги ва қолипчанлиги.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Н. Маҳмудов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов, М. Аминов. Ўзбек тилида иш юритиш (муншаот). Тошкент, 1990.

2. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992.

3. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти.-Тошкент: Университет, 1996.

4. А. Шомаксудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983.

5. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент, 1994.

6. М. Ҳамроев, Д.Мухамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

7. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.

4-Мавзу: Илмий услуб.

Ажратилган вақт – 2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Илмий услуб” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: Илмий услубнинг моҳиятини очиб бериш. Илмий-оммабоп асарлар ҳақида тушунча бериш.Илмий услубда далилларнинг аниқлиги, мантикийлиги, изчиллигини тушунтириш. Илмий услубга мансуб материаллар мазмуни</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Илмий услубга мансуб материаллар мазмунини изоҳлайди. • Илмий услубдаги образлиқни тушунтира олади Илмий атамалрни тасаввур қила олади. • Терминлар моҳиятини изоҳлайди. • Атамаларнинг асосий маъносини англаб етади. • Илмий услубдаги терминларнинг халқчил бўлишини тушунтириш <p>Асосий тушунча ва иборалар: Термин. Типик. Мантиқий. Лексика. Образлиқ-бадийлик, тасвирийлик Синтез. Муштарак.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдирот ва видеоусул.</p>	Ўқитувчи

	Керакли жихоз ва воситалар: слайдлар, расмлар, видеопроректор, электрон қўлланма.	
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 20 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1.1. Илмий услубнинг қандай хусусиятлари бор? 1.2. Илмий услубда ички ва ташқи нутқ қандай ифодаланади? 1.3. Илмий услуб ва образлилик деганда нимани тушунаси? 1.4. Илмий услубнинг фонетик, лексик ва грамматик 1.5. Илмий услубга оид сўзлар қайси қаторда берилган? 1.6. Илмий услубнинг ўзига хос ҳолатлари ҳақида гапиринг. 1.7. Илмий нутқда қайси ҳолатлар асосий ўринни тутди? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 10 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (Амалий стилистика, 56-бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Илмий услубнинг моҳияти, бу услубга мансуб материаллар мазмуни (Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари. Мантиқийлик - илмий услубнинг асоси. Илмий услубнинг типик хусусиятлари. Илмий услубнинг бошқа услублардан фарқи).

2. Илмий услубда атамаларнинг қўлланиши.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Илмий-техник услуб (академик стиль).

Илмий иш услуби (патент стили).

Илмий-маърифий услуб.

Илмий оммабоп услуб.

Фан тили.

Ахборотнинг холислиги ва умумлашганлиги.

Аниқлик ва батафсиллик.

Термин- илмий атама

Мантиқий – асосли.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

- Илмий услубдаги образлилик билан бадиий услубдаги образлилик орасида қандай фарқ бор?
- Илмий-оммабоп асарларда рақамлардан фойдаланса бўладими?
- Мантиқий боғлиқлик илмий услубда асосий рол ўйнайди бошқа услубларда-чи?
- Аниқ ва холис илмий ахборот бериш муаммоси.
- Терминологик лексика муаммолари.

- Илмий услубдаги образлилик билан бадиий услубдаги образлилик орасида қандай фарқ бор.

1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Илмий услубнинг моҳиятини очиқ бериш. Илмий-оммабоп асарлар ҳақида тушунча бериш. Илмий услубда далилларнинг аниқлиги, мантиқийлиги, изчиллигини тушунтириш. Илмий услубга мансуб материаллар мазмуни

Идентив ўқув мақсадлари:

- Илмий услубга мансуб материаллар мазмунини изоҳлайди.
- Илмий услубдаги образлиликни тушунтира олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Воқеликка муносабатнинг ва унинг тадқиқини мантиқан далилланган, грамматик шаклланган, адабий меъёр асосида тузилган жумлаларда ифодалаб бериш илмий услубнинг моҳиятини ташкил этади.

Илмий услубнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу услубда фикрлар мантиқий жиҳатдан аниқ бир маъноли бўлиши лозим. Илмий услубда фикрлар фақат тушунчаларни ифодалайди. Бу тушунчаларнинг ифодаси муҳокама, мунозара ва хулосалар шаклида бўлиб, улар қатъий мантиқий изчилликка асосланган бўлади. Бу услубда мантиқийлик энг асосий белги бўлса-да, фикр қатъий далилланиши керак. Таҳлил ва синтез бир-биридан ажралмаган ҳолда қўлланади, бири иккинчисини келтириб чиқаради. Шу орқали қонуниятлар очилади. Мана шу қонуниятлар очилиши жараёнида тафаккурнинг умумий, мавҳум бўлиши кўринади.

Шу нарсани фарқлаш лозимки, илмий услубда бир томондан, илмий фикрлаш хусусияти мавжуд. Иккинчи томондан, уни илмий услубда ифодалаш. Илмий услубда фикр берилаётганда, яъни ёзилаётганда, унинг тадқиқот босқичи билан бирга шакллантириш масаласи ҳам ҳисобга олинади. Бунда исботлаш усуллари, лўндалик даражаси, оддий тасвир ёки муҳокама эканлиги, оммалаштириш даражаси назарда тутилади. Шунинг учун ҳам ички ва ташқи нутқни бир нарса деб бўлмайди. Лекин улар орасида катта фарқ ҳам йўқ. Улар бир-бирини тўлдириб, бири иккинчиси учун замин бўлади. Лекин шуни эътиборга олиш лозимки, тафаккурнинг узил-кесил ифодаси ташқи нутқда бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, илмий услубнинг муҳим хусусияти деб шуни кўрсатиш лозимки, илмий баён умумий ва мавҳум бўлиб, мантиқийлик яққол сезилиб туради. Бундан иккинчи хусусият келиб чиқади, яъни бу услубда қўлланадиган тил бирликларининг ишлатилиш даражаси ва услубга хос бўёғидир. Илмий услубнинг типик бўлган хусусиятлари куйидагича; Терминларнинг қўлланиши.

Бир маънолилик.

Образлиликнинг деярли бўлмаслиги.

Яширин эмоционаллик.

Баённинг объективлиги.

Баённинг куруқ ва қатъийлиги.

Илмий услубда фаннинг турли соҳаларига оид рамзий белгилар, рақамлар, жадваллар, турли чизмалар ва расмлар қўлланиши мумкин. Масалан, кимё фани бўйича турли формулалар: *Mg- магний, Cl- хлор, $H_2+O=H_2O$* ишлатилади.

Юқорида кўрсатилган белгилар муаллифнинг услубига, илмий услубнинг мавзусига, уни баён қилиш муҳитига боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Илмий услубда эмоционаллик ва услубий бўёкнинг бўлиши фан соҳаларига боғлиқ. Адабиётшунослик ва тилшунослик фанларида бундай хусусият мавжуд. Табиий фанларда бу нисбата камроқ учрайди. Масалан, *денгиз маржонлари, патсимон булутлар, сомон йўли(юлдузларга нисбатан), вулқон чамбараги, маржон қирғоқ, ой ўтови, оқ тупроқ, қора тупроқ, қизил тупроқ, сариқ тупроқ, қуш бозорлари, учар юлдуз, думли юлдуз, географик бурун кабилар.*

Бутун дунёга машҳур бўлган физик олим Альберт Эйнштейн “Физика ва реаллик” деган мақоласида “мен тушунчанинг ҳиссий идрокдан мантиқан мустақил эканлигини тан олмайман”

деган эди. У илмий тушунтиришда ҳажв, ҳазил, аския, қизик ўхшатишлар кўшиб юборарди. (Р. Бекжонов. Альберт Эйнштейн, “Фан”, Тошкент, 1966) Албатта, илмий ва бадиий услублардаги образлилик фарқланади. Илмий услубда юқорида келтирилган образли номлар аташ вазифасини, бадиий адабиётда эстетик таъсир кўрсатиш ваифасини бажаради. Кўринадики, илмий техник баён илмий математик баёндан ёки қатъий илмий баён илмий оммабоп баёндан фарқланади. Масалан, илмий оммабоп услубда ёзилган бирор фанга оид китоб, мақола ёки маърузалар шу фан билан таниш бўлмаган кишиларга тушунарли тарзда баён этилади. Фикр жонли ва қизикарли шаклда ифодаланилади. Илмий терминлар кам ишлатилади. Мавҳум маъноли жумлалар ва формулалар ўрнига тасвирий материаллар қўлланилади. Баъзан образли ва эмоционал ифодалардан фойдаланилади. Шунга қарамай улар илмий Услуб тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига путур етказмайди

Илмий услубнинг лексик хусусиятлари

Илмий Услуб илмий терминология билан боғлиқ. Шунинг учун терминлар илмий услубнинг лексикасини ташкил қилади. Албатта, ҳар қандай илмий асарда фақат термин қўлланмайди. Унда мавҳум сўзлар, кўп маъноликка эга бўлган умумхалқ сўзлари ҳам қўлланади.

Бу услубда ҳар бир сўз умумий тушунчани ёки мавҳум нарсани ифодалайди. Масалан, илмий услубда ёзилган қуйидаги парчани таҳлил қилайлик: *Тил сўзига тилшуносликда турлича маъно берилади. Кенг маънода тил деганда хотирада мавжуд ижтимоий бойлик ҳам, бу бойликдан фойдаланиш жараёни ҳам, шу жараён натижасида юзага келадиган матн(нутқ) ҳам тушунилади. Тил деганда асли хотирада сақланувчи ижтимоий бойликни, нутқ ҳосил этиш учун хизмат қиладиган ҳодисаларни, шулардан фойдаланиш қоидаларини тушуниш тўғри бўлиб, бунда тил билан нутқ ўзаро чегераланади, тилга мансуб бирликларни тил бирлиги деб, нутқнинг ўзида тузиладиган бирликларни нутқ бирлиги деб фарқлаш мумкин.*(У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1992, 50-б.)

Бу парчадаги *тил, сўз, нутқ, матн, ижтимоий бойлик, ҳодиса, қоида, бирлик* кабилар кўп маънолидир ва улар умумий тушунчани ифодалайди.

Янгиликлар сиёсий, иқтисодий- молиявий, таълим, илмий, спорт, ҳуқуқий, харбий, экология ва бошқа турларга бўлинади. Улар матбуот нашрлари саҳифаларида, теле ва радио дастурларида ўз ўрнига эга. Газеталарда аввал сиёсий ёки шов-шувга сабаб бўладиган янгиликлар бераилади. Иқтисодий ва бошқа янгиликлар кейинги саҳифалардан доимий ўрин эгаллайди. Теле, радио янгиликлар дастурларида ҳам кетма-кетлик шу тартибда кетади.

Газеталардаги янгиликлар рукнида ёки телерадионинг янгиликлар дастурларида биринчи иринда сиёсий мавзудаги янгиликлар берилади.(Халим Саидов. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. Тошкент, 2002 йил, 38- бет)

Фан, техника, санъат, сиёсат, дипломатия соҳаларида борлиқни мантиқий жиҳатдан билишга қаратилганлиги сабабли сўз ва терминларнинг ниҳоятда равшан аниқ бўлиши талаб қилинади. Лекин улар қайта- қайта такрорланса, бир хилликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун олимлар олдида илмий баённинг хусусиятига зиён етказмайдиган ва унинг жонли таъсирчанлигини таъминлайдиган терминларнинг синонимик вариантларини топиш масаласи туради.

Илмий услуб *фонетик хусусиятларга* эга эмас. Чунки илмий услуб адабий меъёردа ёзилади.

Илмий услубнинг грамматик хусусиятлари

Илмий услубнинг грамматик қурилиши мантиқий боғлиқликни изчилликни, синтактик аниқликни тақозо қилади. Шунинг учун унда эллипсиз (гапдан бирорта сўзнинг тушуб қолиши) ҳодисаси учрамайди. Бу услубда гапнинг кесими кўпинча мажхул нисбатдаги феъл билан ифодаланади. Шунинг учун унда шахси номаълум гаплар, пассив конструкциялар қўлланади. Мисол: *1. Бир сўз бир неча нарсаларга нисбатан ишлатилади. 2. Ҳаракат ва ҳолатни билдирган сўзлар феъл дейилади* каби.

Демак, илмий услуб ўрганилаётганда, аниқ бир фаннинг: математика, физика, биология, адабиёт, она тили, тарих кабиларнинг услубларига хос хусусиятлар алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Албатта, уларга хос бўлган фарқли ва муштарак томонлар ҳам бор. Уларни ҳам намоён этиб, ўзаро таққослаб ёки умумлаштириб, умумий хулоса чиқарилади. (талабалар илмий услубга хос бўлган турли матнларни таҳлил қилишади).

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Илмий услубнинг қандай хусусиятлари бор?
- 1.2. Илмий услубда ички ва ташқи нутқ қандай ифодаланади?
- 1.3. Илмий услуб ва образлилик деганда нимани тушунасиз?
- 1.4. Илмий услубнинг фонетик, лексик ва грамматик
- 1.5. Илмий услубга оид сўзлар қайси қаторда берилган?
- 1.6. Илмий услубнинг ўзига хос ҳолатлари ҳақида гапиринг.
- 1.7. Илмий нутқда қайси ҳолатлар асосий ўринни тутади?
- 1.8. Илмий услубда ёзилган гап тузинг.
- 1.9. Қуйидаги гап қайси услубга хос?

Кўмирнинг тўла ёниши натижасида карбонат ангидрид ҳосил бўлади, бунда углерод кислотаси билан оксидланади.

- 1.10. Ушбу матн қайси услубда ёзилган?

Трапециянинг ўрта чизиги асосларига параллел ва улар йиғиндисининг ярмига тенг.

- 1.11. Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
- 1.12. Илмий-оммабоп асарларга хос хусусиятларни изоҳланг.
- 1.13. Илмий тадқиқот асарларига мисоллар келтиринг.
- 1.14. Илмий услубда тадқиқот характериға боғлиқ равишда рақамлардан фойдаланиш тўғри ишига мисоллар келтиринг.

2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Атамаларнинг кўп ишлатилиши илмий нутқнинг энг асосий белгиси эканлигини тушунтириб бериш.
- Фаннинг турли соҳаларига оид атамаларни ўргатиш.
- Илмий услуб мазмунининг ғоялар, фактлар, қонуниятлар, ҳодисалар ва тушунчалар тизими билан алоқадорлигини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Илмий атамаларни тасаввур қила олади.
- Терминлар моҳиятини изоҳлайди.
- Атамаларнинг асосий маъносини англаб етади.
- Илмий услубдаги терминларнинг халқчил бўлишини тушунтириш.

2-асосий саволнинг баёни:

Илмий услуб доираси анчагина кенг ва хилма-хилдир. Чунончи, бир қатор ижтимоий фанларга оид тадқиқотлар кўпроқ оммавийлиги билан тавсифланса, Аниқ фанларга оид тадқиқотлар мутахассислар доирасида кўпроқ англашилари бўлади. Тўғри, турли фанларга оид хулосалар ҳам барча мутахассислар учун аниқ эмас. Масалан аруз баҳрлари ҳақидаги фикрлар ҳамма учун ҳам тушунарли бўлавермайди. Бироқ бир кимёвий қолип ёки риёзий тенгламанинг аниқлиги мутахассис фаолияти билан янада боғлиқдир. Шунга кўра, илмий услубда атамалар кўпроқ қўлланилади. Термин масаласида шунга айтиш керакки, термин доим халқчил бўлиши керак. Бир тушунча учун аниқ бир терминни қўллаш маъқул ҳисобланади.

Бир тушунча учун 2-3 термин қўлланиши ноаниқлик келтириб чиқаради. Демак, мантиқий далилланиш ва тасвифий аниқлик илмий услубнинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Илмий услуб (ёки илмий баён услуби)да табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушунтирилади. Бу услуб ўзининг алоҳида махсус вазифасига эга эканлиги билан ажралиб туради. Илмий услуб илмий терминология билан боғлиқ. Одатда, терминлар илмий

услуганинг лексикасини ташкил қилади. Лекин илмий асарлар тили фақат терминлардангина ташкил топма, унда абстракт лексика ва кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлган умумхалқ сўзлари ҳам кенг қўлланилади. Илмий услубда яна фаннинг турли соҳаларига оид символ ва белгилар, рақамлар ҳам ишлатилади.

Ўзбек илмий услубида образли номларнинг роли жуда каттадир. Масалан: оқ тупроқ, қора тупроқ, қизил тупроқ, шўртупроқ; музлик камари, музлик дарвозаси, муз тили, кулча муз; маржон қирғоқ, панжарасимон қирғоқ; ой ўтови, серостона дарё, патсимон булутлар каби терминлар ҳам аслида образли ифодалардан келиб чиққан.

Албатта, илмий услубдаги образлилиқ билан бадиий адабиётдаги образлилиқ фарқланади. Илмий услубда образли номлар фақат номинатив аташ функциясини, бадиий адабиётда эса эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Образлилиқ катигорияси агар илмий услубда «сўнган, нурсиз» ҳолда кўринса, бадиий адабиётда эса «жонли» тарзда намоён бўлади. Масалан, учар юлдуз, сомон йўли астроном учун, аввало, термин вазифасини ўтайди, ёзувчи учун эса бу сўз бирикмалари ўхшатиш ёки образли ифода манбаи бўлиши мумкин.

Одатда илмий услубга мансуб материаллар ўз мазмунига кўра 2 турга бўлинади:

1. Илмий тадқиқотлар.

2. Илмий-оммабоп асарлар.

Илмий тадқиқотлар бирон-бир фан соҳасидаги изланишларни камрайди, узоқ йиллар олиб борилган ижодий меҳнат самарасини кўрсатди. Масалан: Ойбекнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли», И. Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари», Ҳ. Ёқубовнинг «Адибнинг маҳорати» каби асарлар худди шундай тадқиқотлардир.

Илмий оммабоп асарлар ҳамма учун тушунилиши қийин бўлган масалаларни шарҳлайди. Бундай асарларда иложи борича мураккаб атамалар қўлланмайди. Бу услубда ҳам шевачиликка йўл қўйилмайди. Лекин бу икки хиллик илмий услуб умумийлик асосида бир-бирига боғлиқ бўлади.

Хуллас илмий услуб материаллини ўзаро туташтирувчи ҳолатлар қуйидагилар:

1. Далилларнинг аниқлиги, мантиқий асослиги, тавсифий изчиллиги илмий услубнинг барчаси учун муҳим хусусиятдир.

2. Илмий терминларининг кўпроқ қўлланилиши бу соҳанинг ҳарактерига мосдир.

3. Илмий услубда гап бўлақларининг тушиб қолиш аломати кам учрайди.

4. Адабий меёрга риоя қилиш, гапларнинг грамматик шакланганлиги бу услубнинг етакчи хусусиятидир.

5. Шевачиликка йўл қўйилмайди.

Илмий услуб илмий фаолият соҳасига хизмат қилади. У асосан фан тили. Асосий вазифаси ғоялар фактлар қонуниятлар ҳодислар ва тушунчалар тизими билан алоқадорлиқдир. Бу ахборотлар исботланган, далилланган ва умумлашганлиги, ёзма нутқ шаклида номоён бўлиши унинг ўзига хос хусусиятларидир. Ахборотнинг ҳолислиги ва умумлашганлиги, мантиқий вап изчиллиги, аниқ ва батафсиллиги бу услубга хосдир. Бу услубда автор шахси ифодаланмайди, бўёқдор сўзлар учрамайди. Хар бир фан соҳасига оид шартли қисқартмалар ва рамзий белгилар учрайди. Шу фанга оид терминлар учрайди.

Албатта, илмий техник баён илмий математик баёндан ёки қатъий илмий баён илмий-оммабоп баёндан маълум даражада фарқланади. Бу тафовутлар баён қилиш ситуацияси ва баён қилиш «материали»дан келиб чиқади. Бинобарин, илмий-техник, илмий-оммабоп, илмий-оммабоп математик баёнлар илмий услубнинг кўринишлари бўлгани учун, улар илмий услубга хос умумий, яхлит хусусиятларга эга бўлади. Илмий услубнинг барча белги-аломатлари уларнинг ҳар бирида ўзига хос бир шаклда такрорланади. Масалан илмий услубнинг илмий-оммабоп вариантыда ёзилган бирон фанга оид китоб, мақола ва лекциялар шу фан масалалари билан таниш бўлмаган кишилар учун мўлжалланганда материал уларга тушунарли шаклда баён этилади, фикр жонли ва қизиқарли тушунтирилади, илмий терминлар кам қўлланилади, умуман таниш бўлмаган термин ва мавҳум формулалар ўрнига аниқ тасвирий материалларга кенгроқ ўрин берилади. Лекин илмий услуб билан унинг илмий-оммабоп кўриниши ўртасидаги бир хилдаги тафовутлар илмий услуб тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига путур етказмайди.

Монологик характерда ўзбек илмий терминологиясида оқ тупроқ , сариқ тупроқ каби образли терминлар кўринишидан образли туюлса ҳам, лекин илмий услубда нарса ва ходисаларни фақат номлаш учун хизмат қилади. Бадиий адабиётда эса образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилиб, китобхонга эстетик таъсир этиш воситасига айланади. Масалан, учур юлдуз, қуйрукли юлдуз каби астрономик терминлар шулар жумласидандир.

Илмий -оммабоп услубда бадиий нутқ унсурлари ва усуллариға мурожаат қилиниши холлари тез-тез учраб туради.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Илмий услубға хос терминларға мисоллар келтиринг.
- 2.2. Илмий услубда образли номлар қандай вазифани бажаради?
- 2.3. Терминларни қайта-қайта такрорлайвериш қандай наижаға олиб келади?
- 2.4. Образли номлар қайси услубға хос?
- 2.5. Образли номларға мисоллар келтиринг.

Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш:

Г) Модул бўйича яқуний машғулот.

Ўзбек тили услубияти фанидан 4-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларға келиш мумкин:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илмий услуб табиат ва жамиятдаги барча нарсалар, ходисалар ҳақида аниқ, асосланган, изчил маълумотлар беришда қўлланади. Илмий услубда бирор нарса ёки ҳодиса моҳиятини таърифлар, таҳлил қилиш, далиллар билан исботлаш ва асосли натижаларни баён қилиш муҳим ҳисобланади. Бу услубда махсус атамалар кўп ишлатилади. Илмий услубда адабий нормаға қатъий риоя этилиб мажхул ва мураккаб қурилишли гаплардан кенг фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Илмий услубға оид сўзлар қайси қаторда берилган?
2. Илмий услубнинг ўзига хос ҳолатлари ҳақида гапиринг.
3. Илмий нутқда қайси ҳолатлар асосий ўринни тутуди?
4. Илмий услубда ёзилган гап тузинг.
5. Қуйидаги гап қайси услубға хос?

Кўмирнинг тўла ёниши натижасида карбонат ангидрид ҳосил бўлади, бунда углерод кислотаси билан оксидланади.

6. Ушбу матн қайси услубда ёзилган?

Трапециянинг ўрта чизиғи асосларига параллел ва улар йиғиндисининг ярмиға тенг.

7. Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.

8. Илмий-оммабоп асарларға хос хусусиятларни изоҳланг.

9. Илмий тадқиқот асарларига мисоллар келтиринг.

10. Илмий услубда тадқиқот характериға боғлиқ равишда рақамлардан фойдаланиш тўғри ишиға мисоллар келтиринг.

11. Илмий услубға хос терминларға мисоллар келтиринг.

12. Илмий услубда образли номлар қандай вазифани бажаради?

13. Терминларни қайта-қайта такрорлайвериш қандай наижаға олиб келади?

14. Образли номлар қайси услубға хос?

15. Образли номларға мисоллар келтиринг.

Маъруза бўйича мустақил таълим материаллари:

1. Илмий услубға хос хусусиятлардан мустақил иш ёзиш.
2. Илмий асарлардан бири асосида реферат ёзиш.
3. Ҳар бир талаба бештадан тест саволи тузиб келиш.

Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар:

- Илмий ахборотнинг исботланган, далилланган ва умумлаштирилганлиги ҳақида яна қандай илмий фаразлар бор?

- Илмий услуб унсурларининг бошқа услубларда қўлланиши хақида нима дея оласиз?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. А. Шомаксудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983.
2. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент, 1994.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.
5. Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли (Мукамал асарлар тўплами, 20 жилдлик), 14-жилд.
6. Ойбек. «Навой» романини қандай ёздим (Мукамал асарлар тўплами, 20 билдлик), 13-жилд.
7. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти.-Тошкент: Университет, 1996.
8. М. Мукаррамов. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили.-Тошкент: Фан, 1984.
9. И. Тошалиев. Атамашунослигимизнинг тойғоқ тутумлари// Ватан, 1995 йил 11-сон.
10. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонкулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

5-Мавзу: Публицистик услуб.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Публицистик услуб” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: Публицистик нутқнинг оммавий ахборот ва ташвиқот воситаларида иштироки хақида фикр юритиш. Публицистик нутқнинг ижодийлик, мантқиқийлик ва ҳужжатлилигини тушунтириш. Идентив ўқув мақсадлари. 1.1. Публицистик услубнинг лисоний ва нолисоний турларини тасаввур қилади ва тушунтира олади. 1.2. Публицистик услубда қўлланадиган тимсолли бирикмаларни изоҳлай олади. Асосий тушунча ва иборалар: Публицистик услуб. Тасвирнинг мукамаллиги, кенглиги. Изчил равишда ёритиш. Батафсил изоҳ. Нотиклик услуби. Матбуот нутқи. Газета публицистик услуби. Радиопублицистик услуб. Телепублицистик услуб. Кинопублицистик услуб. Дарс шакли: маъруза. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул. Керакли жиҳоз ва воситалар: слайдлар, расмлар, видеопроректор, электрон қўлланма.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут

	2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади: 1.1. Расмий ва долзарб хабарлар, ахборотлар, эълонлар, репортажлар ва бош мақолалар қайси услубда ёзилади? 1.2. Публицистик услубга оид гап тузинг. 1.3. Публицистик услуб нималарга дахлдор муаммолар ҳақида мулоҳаза юритади. 1.4. Публицистик услубда қайси шакллар учрайди? 1.5. Очерк қайси услубда ёзилади? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 10 минут
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (Амалий стилистика, 41-бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Публицистик услубнинг ички турлари: лисоний ва нолисоний турлари.
2. Публицистик услубнинг лексик-фразеологик морфологик, синтактик хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Публицистик услуб.

Тасвирнинг мукамаллиги, кенглиги.

Изчил равишда ёритиш.

Батафсил изох.

Нотиклик услуби.

Матбуот нутқи.

Газета публицистик услуби.

Радиопублицистик услуб.

Телепублицистик услуб.

Кинопублицистик услуб.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Публицистик услуб турлари ва бу икки шаклни бирлаштириб турувчи хусусиятлари ҳақида нима дея оласиз?.
2. Маънодош сўз ва ифодаларнинг ранг-баранглиги, услубий мақомли сўзларнинг, тимсолий-тасвирий воситалар, бадиий санъатларнинг нисбатан кенг қўлланиши.
3. Матбуот, оммавий ахборот тилининг ўзбек миллатининг умумий мулоқот тили мақомини касб этаётганлиги ҳақида қандай фикрдасиз?.
4. Газетада нутқ қолипига қарши курашиш зарурлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Публицистик нутқнинг оммавий ахборот ва ташвиқот воситаларида иштироки ҳақида фикр юритиш.
- Публицистик нутқнинг ижодийлик, мантиқийлик ва ҳужжатлилигини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Публицистик услубнинг лисоний ва нолисоний турларини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Публицистик услубда қўлланадиган тимсолли бирикмаларни изоҳлай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Публицистика сўзи лотинча бўлиб, - ижтимоий ёки халқ, ижтимоий халқчил деган маъноларни билдирган. Публицистик услуб кўринишлари ижтимоий тараққиётнинг энг қадимги даврларидаёқ пайдо бўла бошлаганини, бу кўринишлар қадимги нотқлар нутқлари шаклларида намоён бўлганини олимлар таъкидлаганлар. Кейинги тараққиёт оғзаки нутқларнинггина талабга тўла жавоб бералмаслигини кўрсатди. Халқ оммасини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ҳаракатлантириш қудратига эга бўлган алоҳида ёзма нутққа эҳтиёж туғилди.

Матбуот нутқи одатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий-танқидий мавзулардаги оммавий нашрларда, ижтимоий-сиёсий журналларда, барча газеталарда намоён бўлади. Бошқача айтганда, анна шуларнинг нутқи матбуот нутқи сифатида тан олинади. Газета нутқи матбуот нутқининг ҳозирги кундаги энг асосий кўринишидир. Чунки газета нутқида оммага мурожат қилиш, ундаш, қизиқтириш, Рағбатлантириш, уаман олганда, таъсир этиш етакчи ўринда туради.

Бундан ташқарии, газета ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳаларини тўла қамраб олади. Иккинчилан эса, унинг саҳифаларида хабардан тортиб бадиий асарлардан парчаларгача берилдики, бу омманинг барча табақаларига таъсир этишни, барчасига тегишлиликни, тушунарлиликни таъминлайди.

Матбуот нутқи анна шундай вазифани бажарар экан, унинг ҳам ўзига хос тил хусусиятлар мавжуддир.

қуйидаги айрим матнлардан мисол келтирамиз:

Эски шаҳарни сақлай оламизми?

... Шукурким, ўзлгимизни англай бошлашимиз шаҳарсозлик соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар ясаб, бу ҳудудга эътибор берилди бошлади. Сўнги 3-4 йил ичида ҳукуматимизнинг эски шаҳарни САқлаб қолиш бўйича қарорлари, «маҳалла» дастури қабул қилинди.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмини САқлаб қолиш ва қайта тиклаш муаммоси комплекс масала бўлиб, буни ечиш учун, бизнинг фикримизча, шаҳар ҳукумати қошида турли хил ташкилотлар, мутахассислар, идоралар ишини мувофиқлаштирадиган марказ тузиш, кенг жамоатчиликни бу ишга жалб этиб, тиклаш ишлари қандай кетаётгани тўғрисида матбуотда ахборот бериб бориш керак

Бу матнда уюшиқ бўлакли гаплар кўп қўлланган, мураккаблашган қўшма гап шакли, -ш(-иш) аффиксли ҳаракат номи шаклидан фойдаланилган.

Муҳокама учун саволлар:

1.1. Расмий ва долзарб хабарлар, ахборотлар, эълонлар, репортажлар ва бош мақолалар қайси услубда ёзилади?

1.2. Публицистик услубга оид гап тузинг.

1.3. Публицистик услуб нималарга дахлдор муаммолар ҳақида мулоҳаза юритади.

2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Публицистик услубнинг ижтимоий муносабатлар (сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва б.) соҳаси учун хизмат қилишни тушунтириш.

- Газета тилида ранг-баранг лексик-фразеологик воситаларнинг учрашини тушунтириш.

- Махсус атамалар ва терминларнинг қўлланишидаги ўзига хослик мавжудлиги ҳақида тушунча бериш.

Публицистик услуб олдига қўйиладиган асосий талабларни тушунтириш.

Публицистик услуб тилининг морфологик жиҳатдан аниқ ажралиб турмаслигини тушунтириш.

Публицистик нутқ қурилишининг китобий ва оғзаки нутққа хос тузилмалар қўшилмасидан иборат эканлиги.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Публицистик услубнинг лексик-фразеологик хусусиятларини тасаввур қилади ва тушунтира олади.

- Публицистик услубда ижтимоий-сиёсий лексиканинг тутган ўрнини изоҳлай олади.

- Публицистик услубда умумуслubbий, китобий, сўзлашув, илмий, расмий, диний услуб унсурларининг қоришиқ ҳолда ишлатилишини тушунтиради.
- Публицистик услуб олдиға қўйиладиган асосий талабларни тушунтира олади.
- Публицистик услубнинг морфологик, синтактик ва композицион усулларни тасаввур қилади ва изоҳлай олади.
- Публицистик услубда экспрессив синтаксисға оид қурилишларнинг фаоллигини тушунтиради.

2-асосий саволнинг баёни:

Публицистик услуб ўзининг ёзма ҳамда оғзаки кўринишларига эга. Ҳаётнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган публицистик бош мақолалар, фелъетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар, деклорациялар публицистик услубнинг ёзма туридаги асарлардир.

Публицистик услубнинг оғзаки турига эса нотиклик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиклари кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида моҳирона фойдаланиб келганлар. Публицистик услубнинг оғзаки турига кундалик воқеаларға доир мақолалар ёки халқаро обзор билан радио ва телвидинияда чиқаётган шарҳловчиларнинг нутқлари киради.

Публицистик услубнинг ёзма ва оғзаки кўринишлар ўзига хос хусусиятларға эга бўлсада, улар публицистик услубнинг умумий талабларига бўйсунди. Чунончи, бу услубнинг икала турида публицистикаға хос сиёсий активлик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик ва тарғибот каби хусусиятлари мавжуд бўлади.

Публицистик услубда нутқнинг образлиги барқарор характерға эга бўлади. Истиора, эпитет, ўхшатиш, муболаға, кесатик каби ҳис-туйғуға таъсир этувчи воситалар умумхалқ тилидан олинади.

Публицистик услуб китобий-ёзма нутқнинг синтактик норма қоидаларига асосланади. Баённинг кенг ва муфассал бўлиши публицистик услуб учун хос хусусиятлардан биридир. Унда сўзлашув услуби учун характерли бўлган эллектик конструкциялар камдан-кам учрайди. Публицистик услубда кўпинча параллелизм, анафора (гапларнинг бошида оҳангдош сўз , иборанинг такрорланиб келиши), эпифора (гап охирида сўз, ибора ёки абаротнинг такрорланиб келиши) каби интонацион синтактик воситалар ишлатилади. Публицистикада бу воситалар фикрни мантикий ифодалаш вазифасини бажариш билан бирға, у ёки бу гап бўлагини эмоционал нуқтаи назардан алоҳида ажратиб ҳам кўрсатади. Публицистикада, булардан ташқарии, антитеза ва нутқда интонацияни кучайтиришға хизмат қилувчи риторик сўроқ , риторик мурожаат сингари воситалар ҳам учрайди.

Публицистик услуб энг долзарб масалаларни маълум даражада кўтаринки руҳда таҳлил этиш, Аини чоғда муалдифнинг ўзига хостасвирлаб бериши билан боғлиқ бўлади. Публицистик услубнинг муҳим хусусиятларидан бири тасвирнинг мукамаллиги, кенглигидир. Чунки публицистик таҳлил объектини ҳар томондан далиллар асосида изчил равишда ёритиб бериши лозим. Бу эса батафсил изоҳни тақазо этади. Публицистик услуб кундалик ҳаёт масалаларига ҳам, ўтмиш воқеаларига ҳам, халқаро миқёсдаги воқеа ходисаларға ҳам дахлдор муаммолар ҳақида мулоҳаза юритади. Лекин уларнинг асосий хусусияти бугуннинг долзарб масалаларига келиб туташади. Масалан,

Ғ. Ғуломнинг «Қуёшни кутлаб», «Момои гуси набурида» каби публицистик мақолаларида ўтмишдаги оқила, фозила, шоира оналаримиз ҳақида фикр юритилса ҳам, унинг хулосаси давримиз масалаларига келиб туташади. Ноҳақ қон тўкканлар, хунрезлик сабабчилари ўша ўтмишдаги ёвуз жаллодлардай мавҳ бўлиб кетади, дейди публицист. «Ҳимоясиз гуллар», «Виждон мўртлиги» деб номланган мақолаларға назар ташлайлик. Биз келтирган бу мақолалар бадиий публицистиканинг намуналаридир. Публицистик услуб ниҳоятда хилма-хил, кенг қўламда қамрайди. Бунинг доирасига памфлет, фелъетон, чақириқ, мурожаатнома, бош мақола каби турли хилдаги мақолалар мансубдир. Умуман рўзнома материали публицистик услубнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи манбалардан биридир. Одатда публицистик услубни 2 турға ажратамиз:

1. Ёзма шакли.

2. Оғзаки шакли.

Бу услубнинг ёзма шакли кейинги 100 йил давомида шаклланиб, раванқ топаётган бўлса, унинг оғзаки шакли анча узоқ ўтмишга тақалади. Ўтмишнинг етук нотиклари ана шу оғзаки публицистик услуб учун яхши мисолдир.

Ҳозирги даврда радио ва телевидениедаги чиқишлар, ваъзчиларнинг турли мавзудаги суҳбатлари публицистик услуб намуналаридир. Аммо айтиш жоизки бу услубнинг икки шаклини бирлаштириб турувчи хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар публицистик услуб материалнинг ташвиқот, тарғибот учун хизмат қилишида, лексик воситаларнинг оммабоплигида, ҳатто атамаларнинг ҳам оммавийлик касб этишида, тимсоллардан фойдаланишида кўрилади. Публицистик услубда, бир томондан, умумий лексиканинг қўлланилиши жиҳатидан бошқа хосланган услублар билан ўзаро ўхшашлик кўзга ташланса, иккинчи томондан, бу услуб материалда ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид сўз ва атамалар кенг равишда қўлланади.

Публицистик услуб материалда кесатик, киноя, пичинг, ғазаб ва нафратни ифодаловчи иборалар кенг қўлланади. Бу жиҳатдан публицистик услубда қўлланилган тимсолли бирикмаларни икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Халқ нутқида асрлар давомида қўлланиб келаётган мақоллар, иборалар, турли хилдаги бирикма ва атамалар;

2. Сўз усталари ижод жараёнида кашф этган тимсолли бирикмалар.

Буларнинг ҳар икки тури ҳам публицистик мақолада ўртага қўйилган мақсад ифодаси учун хизмат қилади. Публицистик услубда сифатлаш, ўхшатиш, истиора, муболаға каби воситалардан кенг фойдаланилади. Шаклдош, маънодош, зид маъноли сўзлар, такрорий сўроқ гаплар фикрнинг тасдиғи ёки инкорини кучайтириш учун кенг қўлланади. Айтиш жоизки халқ тилидан олинган воситалар билан бирга матний лексик ва грамматик воситалар ҳам публицистик услубни жозибали қилади. Масалан: Ғ. Ғуломнинг биргина «Қуёшни қутлаб» мақоласида бир ўринда эркак ва аёл деганини ўқисак, 2-ўринда икки жуфт, яна бир ўринда икки жинс бирикмаларига кўзимиз тушади. Тавсифнинг бундай хусусияти асарга публицистик руҳ киритади, сайқал бағишлайди. Мана шуларга кўра публицистик услубда шевачиликка ўрин қолдирилмайди. Чунки бир шева вакиллари учун тушунарли сўзлар иккинчи шева вакилларига ноаниқ бўлиши мумкин. Публицистик асар эса омма учун мўлжалланган бўлади.

Айтиш жоизки адабий тилда муқобили бўлмаган, халқ сўзлашув нутқида қўлланиладиган воситаларни тасвирга киритиш мумкин. Мисол учун «қирқим», «тўл» сўзларини олиб кўрайлик. Ҳут кириши билан тўл тушади-совлиқлар қўзилайди. Рўзномаларимиз «қўзилатиш мавсуми», «қўзилатиш кампанияси» деб тавсифлайдиган жараённи чорвадорларимиз учта товушдан иборат «тўл» сўзи билан ифодалайди. Қайси маъқул? Албатта, «тўл» - аниқ, ихчам, халқ нутқида минг йиллар давомида қўлланиб келаётган сўз. «қўй қирқим», «жун қирқим» каби атамалар ҳам қўлланади. Лекин «қирқим» сўзи бу жараённи аниқ ифодалайди. Негаки, «жун қирқим» бирикмаси замирида бошқа ҳолат ҳам бор: одатда ўлик жун ва тирик жун бўлади. Қиши билан қўйнинг устида туриб, жавзода қирқиладиган жун ўлик жун дейилади. Кигиз- намат қилиш пайтида ўлик жун қирқилади. Жун қирқим деганда кўпроқ шу ҳолат тушунилади. қирқим эса аниқ бир жараённи тўлиқ аниқ латади. Мана шу жиҳатдан тўл ва қирқим атамаларини рўзномаларда қўллаш ўзини оқлайди.

Муҳокама учун саволлар:

2.1. Публицистик услубда қуйидаги воситалардан қайси биридан фойдаланилади?

2.2. Публицистик услубнинг ёзма турини санаб беринг.

2.3. Миллий бойликларимизни талон-тарож қилишда рус империясининг олдига тушадигани бўлмади.

Юқоридаги гап қайси услубга хос?

2.4. Публицистик услуб ўзбек адабий тилида қачон пайдо бўла бошлади?

2.5. Янги демократик публицистик услуби қайси ёзувчилар ижодида ривожланди?

2.6. Публицистик услубда қайси шакллар учрайди?

2.7. Очерк қайси услубда ёзилади?

2.8. Публицистик услубга қайси қатордаги хусусиятлар хос?

Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш:

Г) Модул бўйича якуний машғулот.

Публицистик услуб жамият фаол аъзосининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган муносабатини ифодалайди. Бу муносабат тил воситалари, уларнинг имкониятлари асосида ўз ифодасини топади. Публицистик услубда ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари вақтли матбуот ва нашрларда оммавий акс этирилади. Публицистик услуб ёзма ва оғзаки кўринишларга эга. Публицистик услубнинг ёзма турига очерк, мақола, фельетон, мурожаатнома, хат, чақириқ қабила қиради. Оғзаки турига эса нотиклик қиради. Бу услубда сиёсий фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик, далиллар билан тушунтириш ва исботлаш сингари белгилар устунлик қилади. Шу сабабли публицистик услубда бадиий услубга, илмий услубга хос хусусиятларни ҳам учратиш мумкин. Бунда далил ва ҳодисалар жўшқин ва ҳароратли тарзда ифодаланadi.

Назорат саволлари:

1. Расмий ва долзарб хабарлар, ахборотлар, эълонлар, репортажлар ва бош мақолалар қайси услубда ёзилади?

2. Публицистик услубга оид гап тузинг.

3. Публицистик услуб нималарга дахлдор муаммолар ҳақида мулоҳаза юритади.

4. Публицистик услубда қуйидаги воситалардан қайси биридан фойдаланилади?

5. Публицистик услубнинг ёзма турини санаб беринг.

6. Миллий бойликларимизни талон-тарож қилишда рус империясининг олдига тушадигани бўлмади.

Юқоридаги гап қайси услубга хос?

7. Публицистик услуб ўзбек адабий тилида қачон пайдо бўла бошлади?

8. Янги демократик публицистик услуби қайси ёзувчилар ижодида ривожланди?

9. Публицистик услубда қайси шакллар учрайди?

10. Очерк қайси услубда ёзилади?

11. Публицистик услубга қайси қатордаги хусусиятлар хос?

Маъруза бўйича мустақил таълим материаллари:

1. Ғ. Ғулومнинг «Қуёшни қутлаб» мақоласини ўқиш.

2. «Ойбекнинг сўз қўллаш маҳорати» асарини таҳлил қилиш.

3. Публицистик услубнинг ўзига хос томонларини кўриб чиқиш.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- Радиопублицистик, телепублицистик, кинопублицистик, газета публицистик, нотиклик услублари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

- Матбуот, оммавий ахборот тилининг адабий тилга мослиги.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. А. Шомаксудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983.

2. Э.Қиличев. «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.

3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент, 1994.

4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

5. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти. Тошкент: Университет, 1996.

6. Э. Бегматов, А. Бобоева, М. Асомиддинова, Б. Умурқулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан. 1988.

7. Қ. Самадов. Ойбекнинг тил маҳорати. Т. 1981.

8. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

6-Мавзу: Бадий услуб.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Бадий услуб” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: 1.Бадий услубнинг лисоний ва нолисоний белгиларини тушунтириш. 2.Бадий услубнинг эстетик таъсир этиш вазифасини бажариши тўғрисида тушунча бериш. 3.Проза, поэзия, драматургия ва ранг-баранг жанрлардан иборат эканлиги. 4.Бадий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар чекланмаганлигини тушунтириш. 5.Бадий услубда гап турларини қўллаш ҳақида талабаларга тушунча бериш. 6.Бадий услубда бадий тасвир воситалари асосий омил ҳисобланишини тушунтириш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бадий услубнинг ўзи учун характерли бўлган томонларини тасаввур қилади ва тушунтира олади. • Функционал жиҳатдан биқик чегараланган эмаслигини изоҳлайди. • Бадий нутқнинг сўз санъати эканлигини тушунтира олади. • Бадий нутқда умумхалқ тили ва адабий тилнинг барча катламларига мансуб сўз ва ибораларнинг, турли услуб унсурларининг, ҳатто бутун-бутун парчаларнинг кенг ва фаол ишлатилиши мумкинлигини тушунтира олади. • Бадий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар ва гап турларининг қўлланишини тасаввур қилади ва тушунтира олади. <p>Бадий услубнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлай олади.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар: Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: Бадий услуб. Бадий нутқ. Сўз санъати. Тимсоллар тизими. Бадий тўқима. Ёзувчи фантазияси. Проза, поэзия, драма, жанрлар. Тасвирийлик, таъсирчанлик. Умумхалқ тили. Тасаввур уйғотиш.</p> <p>Дарс шакли: ноанъанавий.</p> <p>Воситалар: тарқатма материаллар, слайдлар, ўқув қўлланмалари.</p> <p>Метод ва усуллар: тушунтириш, савол-жавоб, ақлий ҳужум, баҳолаш.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш: -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -талабалар бадий асарлардан бадий услубга ҳос сўзларни тўплайдилар.. -бадий услубга ҳос сўзлар адабий тил билан солиштирилади</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар 1.Бадий услубда ёзувчи тилда мавжуд бўлган қайси воситалардан фойдаланмайди?</p>	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>2. Бадиий услубга хос гап тузинг.</p> <p>3. Шевага хос сўзлар услубларнинг қайси бирида ишлатиши мумкин?</p> <p>4. Қайси услуб китобхон (тингловчи)га маълумот беришдан ташқари таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради?</p> <p>5. Берилган матн қайси услубда ёзилган?</p> <p>Оҳ, олтин зум, ширин дақиқа, Яна келдим соҳилларингга.</p> <p>6. Назмий, насрий асарлар, роман, новелла қайси услубда ёзилади?</p> <p>7. Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?</p> <p>8. Бадиий услубга хос гап тузинг.</p> <p>9. Ранг билдирган сўзлардан бадиий услубга тегишлисини топинг.</p> <p>10. Бадиий услубга хос боғловчиларга мисоллар айтинг.</p> <p>11. Бадиий асар тилини қайси фан текширади?</p> <p>12. Айни куз вақти. Майин шабада эсади. Япроқлар олтин рангда. Дала ва боғларда иш қизгин. Деҳқон боғда анор кўмпяпти. У кучли қадок қўллари билан анорнинг тиканли танасини, хурпайган новдаларини боғлаяпти. Анор тупини похолга ўраб, тупроқ билан кўмпяпти.</p>	
5	<p>Умумий ва яқуний хулосалар чиқариш</p> <p>Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бадиий услуб инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Бу услуб барчага баробарлиги, ўқувчига, тингловчига эмоционал таъсир этиши билан бошқа услублардан фарқ қилиб туради. Услубда муаллиф тилининг барча лексик, грамматик воситаларидан фойдаланиш, турли ифодавий воситаларни қўллаш мумкин. Бошқа услубларнинг материалларидан бадиий услубда бемалол фойдаланиш мумкин. Шунга кўра, бадиий нутқ услуби кенг имкониятга эга. Санъат ва адабиёт асарлари шу услубда яратилади.</p>	<p>Ўқитувчи, 10 минут</p>

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Бадиий услубнинг ўзи учун характерли бўлган томонлари: лисоний, нолисоний белгилари.
2. Бадиий нутқнинг кўринишлари: насрий нутқ, поэтик нутқ, грамматик нутқ.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Бадиий услуб. Бадиий нутқ. Сўз санъати. Тимсоллар тизими. Бадиий тўқима. Ёзувчи фантазияси. Проза, поэзия, драма, жанрлар. Тасвирийлик, Таъсирчанлик. Умумхалқ тили. Тасаввур уйғотиш.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Бадиий услубда адабий тил ва умумхалқ тили воситалари ва уларга хос бор имкониятларнинг нисбатан кенг ва тўлиқ намоён бўлиши ҳақида яна қандай фикр айта оласиз?
2. Бадиий тўқима ва ёзувчи фантазиясининг иштироки бадиий асарда бўлиши шартми?
3. Бадиий нутқ услубияти бой тарихи ва анъаналари билан ўзбек тили услубиятнинг пойдеворини яратганлиги ҳақидаги фикрга қандай қарайсиз?

1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

1. Бадиий услубнинг лисоний ва нолисоний белгиларини тушунтириш.
2. Бадиий услубнинг эстетик таъсир этиш вазифасини бажариши тўғрисида тушунча бериш.
3. Проза, поэзия, драматургия ва ранг-баранг жанрлардан иборат эканлиги.
4. Бадиий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар чекланмаганлигини тушунтириш.
5. Бадиий услубда гап турларини қўллаш ҳақида талабаларга тушунча бериш.
6. Бадиий услубда бадиий тасвир воситалари асосий омил ҳисобланишини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Бадиий услубнинг ўзи учун характерли бўлган томонларини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Функционал жиҳатдан биқик чегараланган эмаслигини изоҳлайди.
- Бадиий нутқнинг сўз санъати эканлигини тушунтира олади.

- Бадиий нутқда умумхалқ тили ва адабий тилнинг барча қатламларига мансуб сўз ва ибораларнинг, турли услуб унсурларининг, ҳатто бутун-бутун парчаларнинг кенг ва фаол ишлатилиши мумкинлигини тушунтира олади.
- Бадиий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар ва гап турларининг қўлланишини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Хосланган услубларнинг ҳар бир тури ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳаси учун хизмат қилиши ва инсон амалий фаолиятининг муайян доирасига мансублиги билан фаркланади. Шу сабабли улар нутқ фаолиятнинг маълум соҳасига тааллуқли бўлади.

Бадиий нутқ услуби жуда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Бадиий нутқ услуби муаллифларга асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш учун тилнинг барча лексик ва грамматик воситаларидан усталик билан фойдаланиш, танлаш, шунингдек, янгидан-янги ифода воситалари яратиш имконини беради. Бадиий нутқ услубида тил образ, характер ва манзаралар яратиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бадиий нутқ ўзининг образлилиги билан адабий тилнинг бошқа функционал услубларидан ажралиб туради.

Бадиий адабиётда сўзларни образли ишлатиш бадиий образ яратиш ва ҳаётни тасвир йўли билан таҳлил этиш воситасидир. Бадиий нутқ услубида Айниқса, индивидуал образли сўз ва иборалар жуда ката таъсир кучига эга.

Адабий асарларда индивидуал хусусиятлар асарнинг бадиийлик қимматини белгиловчи асосий ўлчовлардан биридир. Агар асар услубида индивидуаллик сезилмаса, бундай асар трафарет, бадиий саёз асар сифатида тасаввур қилинади.

Ёзувчининг адабий асарда воқеликни бадиий идрок этиши, образ яратиши, асар композицияси билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларнинг ҳаммасини асар тилида ёрқин намоён этади. Ёзувчи қандай воқеа ва ҳодисаларни тасвирлашга ҳаракат қилса, унинг асарларда ҳам ҳудди анна шу воқеа ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар, тил элементларининг кўпроқ қўлланиши табиийдир.

Луғавий бирликлар: сўз ва ибораларнинг бадиий нутқда ишлатилиши. Сўз ёзувчининг қуролидир. Сўз ўлдириши ҳам, даволаши ҳам мумкин. Ёзувчи нутқи ва тилининг бой ёки қашшоқлигини ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратига қараб белгилаймиз. Айниқса, иборалар ёзувчи асарларини ўқимишли, жозибали ва халқчиллигини таъминлайди

Бадиий нутқ сўз санъатига, тимсолий фикрлаш соҳасига оид бўлади. Функционал жихатидан чегараланган эмас. Мазмун доираси ниҳоятда кенг. Бадиий услубда адабий тил ва умумхалқ тили воситалари ва уларга хос бор имкониятлар нисбатан кенг ва тўлиқ намоён бўлади. Проза, поэзия, драматургия ва ранг баранг жанрлардан иборат, мажозий фикрлар манзаралар асосий ўрин тутаяди. Бадиий тўқима ва ёзувчилар фантазияси иштирок этади.

Бадиий нутқда умумхалқ тили ва адабий тилнинг барча қатламларига мансуб сўз ва ибораларнинг, турли нутқ услубларининг унсурларини ҳатто бутун бутун парчаларнинг кенг ва фаол ишлатилиши. Мухими сўзнинг турли тимсоллар ифодаланиши тасаввурлар ўйғотишга йўналтирилганлиги. Бутун бир тасвирий-таъсирчан воситаларнинг силсиласига, услубий санъатлар мажмуига эгаллиги. Бадиий услубнинг нутқ нафосатига дахлдорлиги. Бадиий нутқ услубияти бой тарихи ва анъаналари билан ўзбек тили стилистикасининг пойдевори яратилганлиги ўзига хос хусусиятларидир.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Бадиий услубда ёзувчи тилда мавжуд бўлган қайси воситалардан фойдаланмайди?
 - 1.2. Бадиий услубга хос гап тузинг.
 - 1.3. Шевага хос сўзлар услубларнинг қайси бирида ишлатилиши мумкин?
 - 1.4. қайси услуб китобхон (тингловчи)га маълумот беришдан ташқари таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради?
 - 1.5. Берилган матн қайси услубда ёзилган?
- Оҳ, олтин зум, ширин дақиқа, Яна келдим соҳилларингга.
- 1.6. Назмий, насрий асарлар, роман, новелла қайси услубда ёзилади?

1.7. Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

1.8. Бадиий услубга хос гап тузинг.

1.9. Ранг билдирган сўзлардан бадиий услубга тегишлисини топинг.

1.10. Бадиий услубга хос боғловчиларга мисоллар айтинг.

2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсади:

- Насрий нутқ ҳақида талабаларга тушунча бериш.
- Поэтик нутқ тилнинг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишнинг энг юксак намунаси ҳисобланишини тушунтириш.
- Драматик нутқни тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Бадиий нутқнинг кучи, қудратини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Тил бирликлари имкониятлари: бадиий тасвир воситаларини изоҳлай олади.
- Проза, поэзия, драматургия ва ранг-баранг жанрлардан иборат эканлиги.

2-асосий саволнинг баёни:

Бадиий услуб ҳар бир ижодкорнинг мустақиллиги белгисидир. Бу белги замирида санъаткорлик, воқеликка муносабат, поэзия мужассамлашади. Тил воситалари ана шу ўзига хосликни намоён этувчи муҳим омил ҳисобланади. Бунда тил воситалари фақат тасвирловчи унсурлар бўлиб қолмасдан, балки воқеликка муносабат кўламини кўрсатувчи, бадиий тадқиқ этилаётган воқеа – ҳодисаларни бош ғоя атрофига уюштириб, асарга яхлитлик бахш этувчи омил ҳам ҳисобланади.

Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамиша давр билан, қаҳрамонларнинг савияси балин боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Иккинчи томондан, бадиий асарда сўз қўллаш ижоднинг жанр хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Демак бошқа хосланган услублардаги каби бадиий услубда сўз қўллаш ҳам лисоний ва нолисоний қонуниятнинг узвий боғлиқлигини тақозо этади. Айни чоғда мана шу ҳолатларнинг замирида санъаткорнинг ижодий поэзияси мужассамлашади. Бу жиҳатдан икки ижодкорнинг бадиий асарда сўз қўллаш ҳақидаги фикрини келтириш жуда ўринли .

Буюк бобомиз З.М.Бобур ёзади:

Ашъорингким, шеър оти то бўлғай,
Таъб аҳли анга волау шайдо бўлғай.
Ҳар сўзки, баҳри маони анда,
Ким кўрди дуреким, дарё бўлғай.
Ҳар сўзки, мен дермен, лоф ўлмағуси,
Бемаънию харзау газоф ўлмағуси.

Яъни: сен битган тизмаларингни шеър деб атар экансан ва унга юксак дидли, нозик фаҳмли кишиларнинг шайдо, муҳлис бўлиб қолишини истар экансан, қўллайдиган ҳар битта сўзингда ҳаёт тўлқинлари денгиздай мавжланиб турсин, ишлатадиган ҳар битта сўзинг лоф бўлмасин, аҳмоқона-бемаъни бўлмасин. Бошқача айтганда, ҳаётнинг ўзидагидай табиий, гўзал бўлсин, халққа наф келтирсин, дейди Бобур.

Буюк замондошимиз Ойбек дейди:

Тасвирида сўз бомба каби
Портлагувчи салмоқдор бўлса,
Ё кўз ёши, ё гул сингари
Нафис, нозик маънодор бўлса.

Бу фикр фақат шеъриятга тегишли бўлиб қолмасдан, умуман бадиий ижодда сўз қўллашга дахлдордир.

Бадиий тасвир ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамрайди. Шунинг учун бунда умумий лексика ҳам, чегараланган сўзлар ҳам кенг равишда қўлланади. Бу жиҳатдан бадиий адабиёт тили рўзнома тилига ўхшаб кетади. Чунки рўзномада ҳам ҳаётнинг ниҳоятда кенг кўлами ифода қилинганидан турли соҳага оид сўзлар қўлланади. Аммо рўзнома материали асос эътибори билан публицистик услубга мансуб бўлса, бадиий адабиёт тили бадиий услубга хосдир. Бадиий услуб эса тимсоллилик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг замирида тимсоллилик зухур этади. Тўғри, рўзномада ҳам

тимсоллилик ишлатилади. Аммо бадий ижоддаги тимсол муҳокамага ундайди, воқеликни янада чуқурроқ, янада кенгроқ билиб олишга имкон яратади.

Бадий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда эскирган сўзлар ҳам, лаҳжа сўзлари ҳам, атамалар ҳам янги сўзлар ҳам кенг равишда қўлланади.

Демак, бадий услуб воқеликни таъсирли, жозибали ифодалаб ижодкорнинг тафаккур қудрати, билими ўзига хослигини англашга омил ҳисобланади.

Муҳокама учун саволлар:

2.1. Бадий асар тилини қайси фан текширади?

2.2. Айни куз вақти. Майин шабада эсади. Япроқлар олтин рангда. Дала ва боғларда иш қизғин. Деҳқон боғда анор кўмпяпти. У кучли қадоқ қўллари билан анорнинг тиканли танасини, хурпайган новдаларини боғляпти. Анор тупини похолга ўраб, тупроқ билан кўмпяпти.

Юқоридаги бадий тасвирдан асосий фикр ифодаланган гапни топинг.

2.3. Асосан бадий услубга хос бўлган изн (изн бермоқ) сўзининг синонимини топинг.

2.4. Қуйидаги матн қайси услубга тегишли?

Жўякларда сув бир ховуч кўз ёшидай милтираб оқиб турибди. Қуёш қаймоқ суртилган ширмон нондек уфққа қизариб бота бошлади

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- Бадий услуб ҳар бир ижодкорнинг мустақиллиги белгиси деган фикрга қандай қарайсиз?
- Бадий тасвир воситаларидан тўлақонли фойдаланиш асар қимматини оширадими?

“Ўзбек тили услубияти” фанидан 6-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бадий услуб инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Бу услуб барчага баробарлиги, ўқувчига, тингловчига эмоционал таъсир этиши билан бошқа услублардан фарқ қилиб туради. Услубда муаллиф тилининг барча лексик, грамматик воситаларидан фойдаланиш, турли ифодавий воситаларни қўллаш мумкин. Бошқа услубларнинг материалларидан бадий услубда бемалол фойдаланиш мумкин. Шунга кўра, бадий нутқ услуби кенг имкониятга эга. Санъат ва адабиёт асарлари шу услубда яратилади.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. А. Шомаксудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983.
2. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тоғиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент, 1994.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.
5. И. Қўчқортюев. Бадий нутқ стилистикаси. Т., 1975.
6. Р. Қўнғуров. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т.: Фан, 1977.
7. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984.
8. Р. Қўнғуров, Б. Ўринбоев, Ж. Лапасов. Бадий матннинг лингвистик таҳлили. Т., 1990.
9. Х. Дониёров, Б. Йўлдошев. Адабий тил ва бадий стиль. Т.:Фан, 1988.
10. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Бадий услуб. Т., 1991.
11. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Т., 1992.
12. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонкулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

7- мавзу: Лексик услубият.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Лексик услубият” мавзусида маъруза машғулотининг

технологик харитаси

Т/ р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади: 1.Лексиканинг услубий имкониятларини шарҳлаш. 2.Диалектизмлар, жаргонлар ва аргонларни қўллаш мезонлари ҳақида фикр юритиш. 3.Ўзлашган қатламга мансуб сўзларга эътибор қаратиш. 4. Архаизм, историзм ва неологизм масаласидаги муаммоларга шарҳ бериш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари: 1.Тил луғатининг услубий табақаланишига баҳо беради. 2.Сўз ва нутқнинг маъноларини илғаб етади. 3.Қўлланилиши чегараланган ва чегараланмаган лексикани фарқлаб олади. 4.Диалектизмлар, терминлар, уларни қўллаш усулларини манбалар ёрдамида белгилаб олади. 5.Ўз ва ўзлашган қатламга мансуб сўзларни ўринсиз қўлланиши оқибатлари ҳақида тасаввурга ега бўлади. 6.Янгилик бўёғига эга бўлган сўз ва тушунчаларни фарқлай олади.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар : Сўз қўллаш. Шаклдошлик. Маънодошлик. Зиддиялар. Фаол ва нофаол сўзлар. Архаик ва тарихий сўзлар. Неологизмлар. Дарс шакли: ноанъанавий. Воситалар: Тарқатма материаллар,ўқув қўлланмалари,слайдлар. Метод ва усуллар:Ижодийлик,савол-жавоб,репродуктив</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -талабалар бадиий асарлардан сўзлашув услубига хос сўзларни тўплайдилар. 3.1.-сўзлашув услубига хос сўзлар адабий тил билан солиштирилади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 50 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар. 1. Ўзбек тили луғатининг қўлланиши фаол (чегараланмаган) ва қўлланиши суст (чегараланган) турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нима дея оласиз? 2. Қўлланиши чегараланмаган лексиканинг услубий имкониятлари айтиб беринг? 3. Қўлланиши чегараланган лексика ва унинг аъмолий-услубий хусусиятларини кўрсатинг. 4. Диалектизмлар ва уларнинг қўлланишини тушунтиринг. 5. Атамалар ва уларнинг қўлланишини изоҳланг. 6. Жаргонизм ва арготизмларнинг қўлланишини тушунтириб беринг . 7. Архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва уларнинг услубий вазифаларини санаб беринг. 8. Неологизмлар, имкониятдор сўзлар тавсифини беринг.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>9. Истиқлол даври адабий тилидаги янгилашлар, маромлашлар ҳақида нималар дея оласиз.</p> <p>10. Сўз қўллаш санъати ҳақида ўз фикрингизни манбалар асосида изоҳлашга ҳаракат қилинг.</p> <p>11. Омонимлар, омоформалар, омофонлар, омографлар, паронимлар ҳақида тушунча беринг, фарқини мисоллар ёрдамида исботланг.</p> <p>12. «Маънодошлик-услубият асослари» гапани изоҳланг.</p> <p>13. Зиддияларни қўллай олмаслик натижасида қандай хатолар келиб чиқишини гапириб беринг.</p> <p>16. Кўп маъноли сўзлар тасвирий-таъсирчан ва аъмолий-услубий восита сифатида келишини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.</p> <p>17. Синонимларнинг услубий вазифалари ва уларни қўллаш усулларини изоҳланг.</p> <p>18. Матний синонимлар. Газета тилидаги матний синонимлар қандай бўлади.</p> <p>19. Антонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши ҳақида нима дея оласиз.</p> <p>20. Омонимлар ва уларнинг услубий қўлланишини тушунтиринг.</p> <p>21. Паронимлар ва улардан услубий мақсадларда фойдаланиш қандай бўлади?.</p> <p>22. Кўчимлар ва уларнинг услубий тавсифини беринг.</p>	
5	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Ўзбек тили услубияти фанидан 2-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:</p> <p>Тил луғатининг услубий табақаланиши. Адабий тил (нутқ) функционал услублари умумий луғатининг таркибий тавсифи. Унда адабий бўлмаган сўзлар (диалектизм, жаргонизм, архаизмлар) нинг борлиги. Буларнинг адабий нутқ таркибида муайян услубий қиймат (қўшимча маълумот) касб этиши. Услубий мақомли луғат бирликлари қўлланишининг функционал-коммуникатив жиҳатдан чегараланганлиги. Қўлланиш даражасига кўра тил луғати таркибини функционал фаол ва ва функционал суст турларга гуруҳлаш имконияти. Бунинг адабий нутқ воситалари бойлигини услубий жиҳатдан тасвирлаш учун зарурлиги. Тил луғат таркибини функционал-услубий жиҳатдан дастлаб 1) қўлланиши чегараланмаган (кенг истемол) ва 2) қўлланиши чегараланган (тор истемол) лексикага ажратиш мумкинлиги.</p> <p>Қўлланиши чегараланмаган лексиканинг услубий тавсифи қўлланиши у ёки бу нутқ шакли ёки нутқ услуби доирасида чегараланмаган, турли услубларда ишлатилишига кўра бетараф. Кенг истемол қилинади, функционал фаол, контекстан ташқарида услубий жиҳатдан бетараф.</p> <p>Қўлланиши чегараланган лексиканинг услубий тавсифи. Диалектизмлар ва уларнинг турлари. Диалектизмларнинг худудий нутқ воситалари сифатида қўлланиш доираси. Терминлар ва уларни турли услубларда қўллаш усуллари. Терминларни бадиий, публицистик, илмий-оммабоп матнларда қўллашнинг ўзига хослиги.</p> <p>Жаргонизм ва арготизмлар. Улардан фойдаланишнинг чекланганлиги. Уларни қўллаш мезонлари.</p> <p>Ўзлашган қатламга мансуб сўзлар маълум қисмининг «олинганлик» белгисига эга эканлиги. Бундан услубий мақсадларда фойдаланиш.</p> <p>Архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва уларнинг услубий вазифалари. Функционал фаоллиги сусайган, қўлланиш доираси чегараланган лексика. Ескилик бўёғига ега сўз турлари. Неологизмлар, имкониятдор сўзлар тавсифи. Янгилик бўёғига эга сўз ва янги сўз тушунчалари. Буларнинг фарқи.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

<p>Луғат бирликларининг ўзаро муносабатда эканлиги. Бу муносабатларнинг лексик бирликлар функционал-услубий қийматини белгилашдаги аҳамияти.</p> <p>Синонимлар. Уларнинг услубий хусусиятлари. Синонимлар адабий тилнинг муҳим услубий воситалари эканлиги.</p> <p>Антонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши. Қаршилантириш-тазод санъати.</p> <p>Омонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши. Сўз ўйини ва туюқ жанри.</p> <p>Паронимлар. Улардан бадиий адабиётда услубий мақсадларда фойдаланиш. Паронимларни қўллаш билан боғлиқ нуқсонлар</p>	
---	--

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Сўз ва унинг маънолари: омонимлар, паронимлар, синонимлар, антонимларнинг услубий хусусиятлари.
2. Фаол ва нофаол луғат таркибига оид сўзларнинг услубий хусусиятлари: архаик, тарихий сўзлар, неологизмлар.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Сўз қўллаш.

Шаклдошлик.

Маънодошлик.

Зиддиялар.

Фаол ва нофаол сўзлар.

Архаик ва тарихий сўзлар.

Неологизмлар.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маънодошлик, шаклдошлик ва зид маъноли сўзлар – услубият асоси деган фикрга қандай қарайсиз?

Шу фикр тўғрими? Сиз нима деб ўйлайсиз?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга сўз қўллаш ҳақида тушунча бериш. Фаол ва нофаол сўзларга изоҳ бериш. Уларни қўллашдаги турлича қарашларни қиёслаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Сўз ва унинг маъноларини изоҳлайди.

- 1.2. Шаклдош, маънодош сўзлар ва зиддияларнинг услубий қўлланишини тушунтира олади.

1- саволнинг баёни: Лексик услубият.

Сўз ва унинг маъноси. Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини англаш зарур.

Сўзнинг лексик маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади. Масалан: Ўн кун деганда ер хайдаш ва ариқ чопиш тугалланди. Бу гапда чопиш сўзи хато қўлланган. Одатда, ариқ чопилмайди, казилади. Секин-аста деб, хотиржам юраверсангиз, ғалвир сувдан кўтарилганда, гуруҳ аъзолари юзингизга қоракуя чаплайди. Бу мисолда чапламоқ феълнинг лексик маъносидан тўғри фойдаланилмаган. Одатда, қоракуя суртилади, лой чапланади.

«Сўз барча фактлар, барча фикрлар либосидир» (М.Горький). «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки укувсиз маҳоратимиздан гина қилишимиз керак», - деган эди М.В.Ломоносов

Сўз санъаткорлари тилга алоҳида эътибор бериб келдилар, услуб ва ифоданинг содда бўлишини, нутқда фикрий мужмалликка йўл қўймасликни тарғиб этдилар. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий тилга эътибор–элга эътибор, деб тилнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Бобур эса ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубларидан бирида унинг (ўғлининг) хатда фикр равонлиги ва аниқлигига риоя қилмаганлигидан ташвишланиб «хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўлади. Мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқиғувчига», - деган эди.

Она тилини мукамал эгаллаш учун тилнинг назарий ва амалий асосларидан хабардор бўлиш керак. Чунончи, гап таркиби сўзнинг семантикаси–маъно томони, қўшимча эмоционал–экспрессив оттенкаси ва услуб белгилари, фикрни сўз воситаси билан логик жиҳатдан тўғри ифода қилиш усуллари ва шунга ўхшаш масалаларни пухта билиш зарур. «Она тилини ўрганиш, - дейди М.И.Калинин, -ниҳоятда улуғ бир иш. Инсон тафаккурининг эришган энг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлари ва ғоят оташин ҳислар, агар улар сўз воситаси билан аниқ ва равшан ифода қилинмаса, одамлар учун номаълумлигича қолаверади. Тил фикрни ифодалаш қуролидир. Бинобарин, агар фикр нутқ воситаси билан баён қилинган бўлса, агар у тил воситаси билан рўёбга чиққан бўлса, агар у, файласуфлар тили билан айтганда, -бошқаларга бевосита бориб етса, реаллашсагина фикр бўла олади».

Омонимлар. Ҳар бир тилнинг луғат таркибида товуш таркиби ва ёзилиши жиҳатидан бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар муайян миқдорда топилади. Бундай сўзлар омонимлар гуруҳини ташкил қилади.

Фонетик (товуш) томондан бир хил – шакли ўзаро тенг келиб қолган икки ва ундан ортик сўзлар омонимлардир. Омонимлар маъно жиҳатдан ўзаро муносабатда бўлмайди– бошқа-бошқа тушунчаларни англатади. Масалан: от (иш ҳайвони, исм, буйруқ феъли). Кўп маъноли сўзларнинг шакли асли битта бўлиб, маънолари ўзаро бир-бирига жуда яқин ва алоқадор, бири-иккинчисига боғлиқ бўлади. Масалан, бош сўзи: кўчанинг боши, гапнинг боши, томнинг боши, ернинг боши.

Ўзбек тилида омонимлар турли кўрнишларга эга. Чанг (тўзон)– чанг (муסיқа асбоби), ёқмоқ (чирокни ёқмоқ)- ёқмоқ (унинг нутқи менга жуда ёқди, «хуш келмоқ, маъкул бўлмоқ») каби барча грамматик шакллари тенг, бир сўз туркумига кирувчи сўзлар омонимлар дейилади.

Омонимларнинг иккинчи тури – омоформалар. Баъзан грамматик шакллардагина тенг келувчи бир хил талаффуз қилинадиган ва бир хил ёзиладиган сўзлар **омоформалар** дейилади. Омоформалар кўпинча бошқа-бошқа сўз тукумларига мансуб бўлади. Масалан: олма (от) – олма (феълнинг буйруқ шакли), қўй (уй ҳайвони)-қўй (феълнинг буйруқ шакли). Омонимларнинг учинчи тури омофонлардир. Булар айтилиши (ўқилиши) бир хил, аммо ёзилиши ва маъноси ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан: етти (сон)– етди (феъл), ёт (бегона, буйруқ, феъли)–ёд (хотира).

Омофонларни фарқламаслик кўпинча оғзаки нутқда дудмолликка олиб келади. Омонимларнинг тўртинчи тури омографлар бўлиб, улар ёзилиши бир хил, лекин айтилиши (ўқилиши) ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан: ток (узум) – ток (электр қуввати), тур (хил, нав) – тур (давра, шахмат ўйинларининг иккинчи тури бошланди).

Тилдаги ҳар бир сўзнинг лексик маъноси бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда реаллашади. Омонимларнинг контекстан ташқари ёлғиз ўзини ишлатиш деярли учрамайди. Шундай экан, контекст омоним сўзлар маъноси туфайли содир бўлувчи қийинчиликни бартараф қилади.

Нутқда икки хил англаш ҳолатига йўл қўювчи омонимия ҳодисаси, ўз навбатида, тушунча доирасини кенгайтиради. Чунончи, ёзув ва талаффузда бир ўринда сўзни, иккинчи ўринда сўз бирикмасини ўхшаш–тенг келтириш ҳодисаси ҳам омоним сўзлар доирасини кенгайтиради. Мисоллар:

Дейдиларки, кунгабоқар
Умр бўйи кунга боқар.

Нутқда омофонларни бундай ишлатиш орқали сўз ўйинлари ҳосил қилинади. Бунда товуш томонидан ўхшаш, лекин маъноси турлича бўлган элементларнинг, омоним сўзми ёки сўз бирикмаси эканидан қатъий назар, матндаги ҳар галги такрори жуда муҳимдир. Омоним сўзларнинг бу туридан, айниқса, аскияда сўз ўйини ва қочирик воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Бу услуб ёзувчи ва шоирларимиз ижодида тез-тез учраб туради. Масалан, куйидаги мисолда маъноси бир-биридан жуда узоқ бўлган сўзларнинг «тўқнаштирилиши» омонимик ҳолатни юзага келтирган:

Бир ёш йигит истеъдодли шоир олдига келиб ёзувчилик даъво қила бошлади:

- Мен кўп вақтлардан бери адабий ишлар билан шуғулланиб келаётирман. Истардимки, мен ёзган асарлар ҳам нашр қилинса.

- Сиз нозимми ёки носир? – сўрабди шоир диққат билан унинг сўзларини эшитгач.

Йигит елкасини қисиб жавоб берибди:

- Нозим ҳам, Носир ҳам эмасман, менинг номим Каримжон.

(«Ўзбекистон маданияти»)

Бу ўринда адабиётдан бутунлай хабарсиз киши қийин аҳволга тушиб қолади: нозим, носир (назм, наср – адабий термин – поэзия ва проза) ўрнига унинг омонимини (Нозим, Носир – атоқли от) қўллаб, суҳбатдошининг саволига ҳеч алоқасиз жавоб беради. Латифа муаллифи омонимларни «тўқнаштириш» йўли билан ёзувчиликни даъво қилувчи кишининг сатирик характеристикасини чизади.

Омонимлардан халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиётда махсус поэтик жанр – туюқ тузишда кенг фойдаланилади. Мисолар:

Қўлингдан келганча чиқар яхши **от**,
Яхшилик қил болам, ёмонликни **от**.
Насиҳатим ёд қилиб ол фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши **от**.

(Халқ оғзаки ижоди)

Бунда от сўзи биринчи сатрда «ном, шуҳрат», иккинчи сатрда «тарк этмоқ, ташламоқ», учинчи сатрда «иш ҳайвони - от» маъноларида ишлатилган.

Олмани сунди нигорим–**ол!**–деди,
Олма бирла бу кўнгилн –**ол!**–деди.
Сўрдим эрса олмасининг рангини,
Не сўрарсан?– олма ранги–**ол** деди.

Бу туюқда ол сўзи уч маънода ишлатилган: 1) буйруқ феъли; 2) кўнгил овламоқ; 3) қизил ранг.

Омонимлар ва паронимлар баъзи жиҳатлари билан бир-бирига яқин. Паронимлар товуш жиҳатдан бутунлай тенг бўмаса-да, лекин айтилишда бирмунча ўхшаш бўлган сўзлардир. Масалан: адресат –адресант, дипломат-дипломант, индеец-индиец ва бошқалар.

Маънодошлик- услубият асоси.

Лексик маъноси жиҳатидан фарқланадиган синонимлар идеографик (маъно) синонимлардир. Масалан, касал (умум ишлатадиган сўз), бемор (ёзувда кўп қўлланади), хаста (эскирган сўз), аммо баъзан-баъзан, ора-сира касал бўлиб туриш маъносини билдирувчи бетоб, нотоб сўзлари юқоридагиларга нисбатан услубий ва идеографик синонимдир. Идеографик синонимлар ўзаро лексик маъно даражасига кўра фарқланади: ёмғирда плашим нам бўлди, ёмғирда плашим ҳўл бўлди боғланишларининг кейингисиди белги даражаси кучлироқ. Нутқда фикр бўёғи нозиклиги ёки эмоциясига, лексик, грамматик ёки услубий характериға мос синоним сўзлардан фақат биттаси танлаб олинади ва ишлатилади. Шу сабабдан синонимик қатордаги сўзлар ўртасидаги баъзи фарқларни ўрганиш услубиятнинг вазифаси ҳисобланади.

Муайян синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар конкрет ҳолларда маъно томонидан бир-биридан ажаралади, услубий қўлланишиға кўра фарқланади.

Бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар маъно жиҳатидан яқин бўлса ҳам, баъзан улардан бирини иккинчисиснинг ўрнида ишлатиб бўлмайди. Масалан: аянч, аҳвол, оғир аҳвол, қийин аҳвол, мушкул аҳвол бирикмаларида аянч, оғир, қийин, мушкул сўзлари бир-бириға синоним бўлиб, айна ўринда уларни алмаштириш маъноға халал етказмайди. Аммо бошқа бир аниқ тушунча ёки тасаввурни ифодалашда бу синоним сўзларни лексик маъно нуқтаи назаридан баҳолаш лозим бўлади. Масалан, оғир чамадон дейиш мумкин бўлган ҳолда, мушкул чамадон, қийин чамадон дейиш кулгулидир.

Синонимлар нутқда ишлатилиш доираси жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, лаб—барча нутқ услубларида ишлатиладиган умумнутқ сўзи, дудоқ-бадий нутқ сўзи; шамол-умунутқ сўзи; сабо—бадий нутқ сўзи; роҳат—умумнутқ сўзи; эсламоқ -умумнутқ сўзи; хотирламоқ -расмий нутқ сўзи; йўқламоқ-сўзлашув нутқи сўзи. Бу хил синонимлар услубий синонимлар дейилади.

Шунингдек, ишлатилиш доираси чегараланган ё чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, кекса, қари, оқсоқол, нуруний, мўйсафид каби бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар орасида қари сўзининг ишлатилиш доираси кенг. Бу сўз инсондан ташқари, ҳайвонлар учун ҳам қўлланади: қари от, қари тулки каби. Лекин оқсоқол, нуруний, мўйсафид синоним сўзларининг ишлатилиш доираси чегараланган. Бундай ҳолатлар—ишлатилиш доирасининг кенг-торлиги синонимлар маъно ҳажмиға, яъни уларнинг кенг ёки тор маъно ифодалашига боғлиқ.

Тил фактлари синоним сўзлар билан эвфемизмлар орасида маълум даражада муносабат борлигини кўрсатади. Маъноси кўпол ёки айтилиши ноқулай сўзларни шундай таассурот туғдирмайдиган сўз ёки ибора билан алмаштириш воситаларидан бири эвфемизмдир. Масалан, кар ва қулоғи оғир, ўғри ва қўли эгри, иккиқат ва оғир оёқ каби.

Ўзбек тили нутқда нозик маъно нозикликларини ҳамда ранг-баранг услубий бўёқларни бера оладиган синонимларға бой. Машҳур ўзбек шоир ва ёзувчилари, сўз усталари синонимлардан моҳирлик билан фойдаланиб келганлар. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида биргина йиғламоқ сўзига мазмунан яқин бўлган еттита синонимни келтиради: йиғламсирамоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўқирмоқ, қичқирмоқ, ҳой-ҳой йиғламоқ. Навоий бу синонимлар бир-биридан нозик маъно нозикликлари ва услубий қўлланиш ўринларига кўра фарқланишини мисоллар билан кўрсатади. Кўздан ёш чиқармасдан йиғлаш-йиғламсирамоқнинг маъносини Навоий қуйидаги байтда очиб беради:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,

Йиғламсинуру кўзига келмас ёш.

Сўнгра Навоий инграмоқ ва синграмоқ сўзларига изоҳ берар экан, «дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафавут оз топилур», дейди ва қуйидаги байтни келтиради:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламоқ,

Кечалар гоҳ инграмоқдир одатим, гоҳ синграмоқ.

Синонимик қаторни ташкил қилувчи қолган сўзларни ҳам шу тариқа байтларда маъносини очиб беради ва фарқларини кўрсатади.

Кўринадики, синонимлар бир хил маъноси билан бирлашувчи синоним сўзлар қаторини ташкил қилса, фикр ва ҳис-туйғуларни аниқроқ, равшанроқ ифодалашға имкон берадиган услубий маъноларига кўра ўзаро фарқланади.

Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши синонимлардан тўғри фойдаланишға боғлиқ.

Баъзи синонимлар сўзларнинг маъносини фарқлаш бирмунча мураккаб бўлади. Ҳатто адабий нутқни яхши биладиган, синонимларни тўғри танлаб, уларни мақсадга мувофиқ ишлата олувчи кишилар ҳам кўпинча синонимик сўзлар нозикликларидаги тафовутларни тушунтиришда ожизлик қилишлари мумкин. Масалан, бир синонимик қатордаги ифлос, искирт, ирkit, ислиқи, иқна сўзларининг маъно нозикликларини осонгина изоҳлаб бериш қийин.

Синоним сўзларнинг маъно кирраларини тўғри англаш ва ўз ўрнида қўллаш уларнинг қандай сўзлар билан бирикиб кела олиши имкониятларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, қасамёд, қасам, онт; қасамёд қилмоқ, қасам ичмоқ, онт ичмоқ. Қасам қилмоқ, онт қилмоқ деб бўлмаганидек, қасамёд ичмоқ ҳам дейилмайди.

Ҳар бир синоним сўзнинг антонимини топиш ҳам синоним сўзларнинг маъно фарқини очишга ёрдам беради. Масалан: енгил-оғир, вазмин, зил,зилдек, залворли; осон, ўнғай-қийин, мушкул, маҳол, машаққатли, душвор. Яна: секин-тез, оҳиста-илдам, суст-жадал каби.

Синонимлар нутқни таъсирчан баён қилишда ҳамда усубнинг рангдор бўлишини таъминлашда, қайтариқларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Антонимлар. Антонимлар икки сўз орасидаги қарама-қарши маъно муносабатини ифодалайди. Масалан, ката-кичик, иссиқ-совуқ, яхши-ёмон.

Бир сўзнинг бўлишли ва бўлишсиз формалари антоним сўзлардаги каби зид, қарама-қарши маъно муносабатини ҳосил қилмайди. Антоним бўлиши учун иккита сўзнинг зид лексик маъно муносабати бўлиши шарт.

Антонимлар, асосан, белги англатувчи сўзларда учрайди (сифатларда, равишларда): оқ-қора, узок-яқин, дўст-душман. Микдор, вақт, ўрин, ҳаракат-ҳолат маъноларини ифодалайдиган сўзларда зидлаш маъноси кам бўлади (равиш, от, сифат, феъл): оз-кўп, баланд-паст, кеча-кундуз, кулмоқ-йиғламоқ. Шунга кўра антонимлар сифат, равиш сўз туркумларида кўп учрайди. Феълларда антоним ҳосил этувчи сўзлар жуда кам, сон, олмош, модал ва ёрдамчи сўзларда умуман йўқ.

Антонимик ҳолат сўз бирикмаларида ҳам бўлади: баланд бўйли семиз қари киши–паст бўйли ориқ ёш киши; қизил рангли катта чамадон-қора рангли кичик чамадон.

Бир сўз бир маъносида антонимга эга бўлиши, бошқа маъноларида умуман антонимга эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, қалин сўзининг одатдаги антоними юпқа сўзи бўлади: қалин қоғоз-юпқа қоғоз, қалин кўрпа-юпқа кўрпа. Лекин қалин сўзи бирикмага ўзининг кўчма маъноси билан киришганда юпқа сўзига антоним бўлолмайди; қалин ўртоқ («яқин» маъносида) – юпқа ўртоқ деб бўлмайди; қалин соч («зич» маъносида)–юпқа соч дейилмайди.

Баъзи сўз ясовчи аффикслар ҳам ўзаро антонимик муносабат ҳосил қилади: жонли-жонсиз, пулли-пулсиз, бепул. Антонимик жуфтига эга бўлмаган сўзларга ўзаро антоним сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан қарама-қарши маъноли антонимлар яшаш мумкин.

Антонимлар нутқда ката аҳамиятга эга. Улар нарса-буюм ва ҳодисалар орасидаги фарқни тўғри ифодалай олиш имконини беради. Антонимларни тўғри қўллай олмаслик кўпол хатога олиб келади. Масалан, қуйидаги мисолни кузатинг: чойхона мудири Юсуфжон Нозимов кўринишидан турмушнинг иссиқ-чучугини тотиган кишига ўхшайди. («Ғалаба» газетаси).

Антонимлар тилнинг кучли услубий воситаларидан биридир. Ёзувчилар воқеликни, нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларидаги фарқни кўрсатишда, бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлашда–контрастлар ҳосил қилишда антонимлардан фойдаланадилар. Айниқса, шеърий асарларда бир-бирига зид фикр ва ҳиссиётларни ифодалашда антитеза услуби кенг қўлланилади:

Ота-она уйқуга кетди,

Уйда фақат Инобат бедор...

Кичик қалбда буюк севинч бор

Ер юзини тутиб кетгудай.

(Зулфия.)

Кўринадики, антоним сўзлар ҳодиса ва ҳолатларнинг икчи зиддиятини очишда кучли услубий восита сифатида муҳим рол ўйнайди.

Зидлаш муносабати контекстуал-ситуатив хусусиятда ҳам бўлади. Антонимик муносабат нутқ ситуациясида, яъни сўзларни маълум контекстда қўллаш орқали воқе бўлади. Масалан, Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб. Бундай қарама-қарши қўйиш, зидлаш натижасида ҳосил

бўлган антонимлар контекстуал антонимлар деб аталади. Контекстуал антонимлар кўпинча индивидуал, бирор муаллифга хос бўлади.

Зидлаш муносабатини ифодалашнинг кўринишларидан яна бири оксиморондир. Киши ёки буюмнинг табиати ва моҳиятига хос бўлмаган зид белгини унга нисбатан қўллаш орқали антонимик муносабат ҳосил қилиш **оксиморон** дейилади. Бу стилистик услубда тўғри маънолари билан мантикий жиҳатдан мувофиқ келмайдиган сўзлар бир-бири билан учрашади, натижада, компонентлари моҳият эътибори билан бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган кўчма маънодаги бирикма ҳосил бўлади. Бу бирикманинг материал жиҳатдан кўриниши асосан сифат Қот типда бўлади. Масалан, ширин дард, аччиқ шодлик, ақлли тентак, соқолли кўса, зийрак девона.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Сўз қўллаш санъати ҳақида ўз фикрингизни манбалар асосида изоҳлашга ҳаракат қилинг.
- 1.2. Омонимлар, омоформалар, омофонлар, омографлар, паронимлар ҳақида тушунча беринг, фарқини мисоллар ёрдамида исботланг.
- 1.3. «Маънодошлик-услубият асослари» гапини изоҳланг.
- 1.4. Зиддияларни қўллай олмаслик натижасида қандай хатолар келиб чиқади? Мисоллар асосида исботланг.
- 1.5. Луғавий-маъновий силсила, (лексик-семантик парадигма) ва луғавий муқобиллик (оппозиция)нинг турлари ва моҳияти.
- 1.6. Сўз маъноси ва унинг тасвирий-таъсирчанлик хусусияти.
- 1.7. Кўп маъноли сўзлар тасвирий-таъсирчан ва аъмолий-услубий восита сифатида.
- 1.8. Синонимларнинг услубий вазифалари ва уларни қўллаш усуллари.
- 1.9. Матний синонимлар. Газета тилидаги матний синонимлар.
- 1.10. Антонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши.
- 1.11. Омонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши.
- 1.12. Паронимлар ва улардан услубий мақсадларда фойдаланиш.
- 1.13. Кўчимлар ва уларнинг услубий тавсифи.
- 1.14. Сўз ички «қиёфаси»ни жонлантириш усули.

2-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга фаол ва нофаол сўзлар ҳақида маълумот бериш. Архаик ва тарихий сўзларнинг қўлланишини тушунтириб бериш. Неологизмлар ва уларнинг пайдо бўлиш йўллари кўриб чиқиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Тилимизда ишлатилаётган фаол сўзлар ҳақида тушунча беради.
- 2.2. Нофаол сўзларга бўлган муносабатимизни аниқлайди.
- 2.3. Архаик ва тарихий сўзларнинг қўлланишидаги услубий маъноларни аниқлайди.
- 2.4. Неологизмларнинг услубий вазифаларини тушунтира олади.
- 2.5. Бошқа тилдан кирган сўзлар ва уларнинг ишлатилишидаги услубий имкониятларни аниқлайди.

2-саволнинг баёни:

Фаол ва нофаол луғат таркибига оид сўзларнинг услубий хусусиятлари. Лексика муттасил ўсиш ва ривожланишда бўлиб, унда доим янги сўзлар пайдо бўлади, тилдаги мавжуд сўзларнинг баъзилари аста-секин эскириб боради. Эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар тилда бирмунча вақтга қадар ишлатилади. Шунга кўра умумхалқ тили луғат бойлигини икки қатга гуруҳга ажратиш мумкин: фаол сўзлар ва нофаол сўзлар.

Фаол сўзлар гуруҳига маъноси шу тилда гаплашувчи барча кишиларга тушунарли ва кундалик турмушда қўлланиши одат бўлиб қолган сўзлар киради. Бу гуруҳдаги сўзлар эскилик бўёғига эга бўлмайди.

Нофаол сўзлар гуруҳига эскилик бўёғи аниқ билиниб турадиган ва кўпчиликка маълум бўлмаган сўзлар киради. Бу гуруҳдаги сўзлар кундалик алоқада камроқ ишлатилади.

Нофаол сўзлар икки гуруҳга бўлинади: эскириб қолган сўзлар (архаизмлар, тарихий сўзлар) ва янги сўзлар (неологизмлар)

Архаизм ва тарихий сўзларнинг услубий вазифаси. Тилнинг ҳозирги даври учун эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар архаизм ёки архаик сўзлар деб юритилади. Сўз маъносининг эскириши ва турли сабабларга кўра унинг ўрнини бошқа сўз олиши натижасида архаизм пайдо бўлади. Масалан: авахта (кампоқхона), мусофирхона (меҳмонхона) кабилар ўзбек тилида бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган сўзлар бўлиб, уларнинг ўрнини янги сўзлар эгаллаган.

Архаиклашиш ҳодисасининг кўринишлари:

А) сўз бутун ҳолда, яхлитлигича архаиклашади. Бу лексик архаизм дейилади: гардун (осмон), довот (сиёҳдон).

Б) сўзнинг маъноларидан бири архаиклашади. Бу семантик архаизм дейилади. Масалан, нишон сўзининг «орден» маъноси архаиклашган, у белги, аломат, из маъноларида кенг қўлланилади. Шунингдек, ғанимат сўзининг «қўлга туширилган нарса, ўлжа» маънолари архаиклашган, у «қулай, тузук, яхши» каби маънолари фаол ишлатилади.

Архаик сўзлардан тарихий воқеа, ҳодисаларни аниқ тасвирлашда услубий восита сифатида фойдаланилади. Архаизмлар бадий асарларда, баъзи ижтимоий-сиёсий услубда ёзилган танқидий мақолаларда нутққа киноя, пичинг, мазах-масхара руҳи ва ҳажв бўёғини бериш учун ҳам ишлатилади.

Эскириб қолган сўзларга тарихий сўзлар ҳам киради. Ҳозирги ҳаётда учрамайдиган, фақат тарихий нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирувчи сўзлар тарихий сўзлар дейилади. Масалан: омоч, аллоф, бакавул, қози каби.

Тарихий сўзлар—ўзи англаган нарса ва ҳодисаларнинг ягона атамаси. Шунинг учун ҳозирги тилда уларнинг ўрнини боса оловчи синонимлар бўлмайди. Масалан, Ҳамзанинг Битсин энди эски турмуш, ул кулоҳу жандалар мисрасидаги кулоҳ, жанда сўзлари каби. Тарихий сўзлар шу хусусияти билан архаизмлардан кескин фарқланади (эскирган сўзлар ибораси буларнинг иккаласи учун мумий номдир).

Тарихий сўзлар, асосан, ўтмиш воқелигини аташда ишлатилади. Лекин васикаси йўқ (одам); ўзига хон, ўзига бек каби халқ иборалари таркибидаги тарихий сўзлар (васика, хон, бек) ўтмишдаги нарса ва ҳодисаларнинг номлари бўлиб, уларнинг маънолари иборадан, англашиладиган мажозий маънога сингиб кетган. Бундай ўринларда, баъзи, умум учун ёд бўлган тарихий сўзларни умумийсўзлардаги сўзларга ўхшатиб олиш ҳодисаси («халқ этимологияси» ҳодисаси) ҳам учрайди. Масалан, сан солор, ман солор, отга бедани ким солар ибораси халқ этимологиясида учраб сан солар, манн солар, отга бедани ким солар формасини олган. Бу ерда солор тарихий сўзи умунутқдаги солар (солмоқ) феълига ўхшатиб, тенглаштириб қўйилган. Тилда сансоларлик сўзининг шаклланиши ҳам юқоридаги ибора таъсирида воқе бўлган: сан солар-сансоларлик.

Тарихий сўзлардан тарихчилар, олим ва ёзувчилар тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг аниқ тасвирини бериш, бадий асарга тарихий руҳ бериш учун фойдаландилар. Масалан: *Қорани оқлашга ҳеч бир подшонинг ёсасига сизмайди* гапида ёса тарихий сўз бўлиб, «қонун, тартиб» маъноларини билдиради. Бозорни айланиб юрадиган пояки воқеадан бошдан-оёқ хабардор экан. Илгариги вақтда бозор ва расталарда чилим чектириб юривчи кишини пояки дер эдилар.

Неологизмларнинг услубий вазифаси. Адабий тил доимо янги сўзлар—неологизмлар билан бойиб боради. Неологизмлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатда бўладиган ўзгаришлар, фан-техника янгиликлари, санъат, адабиёт ва публицистикадаги янгича тушунчалар—умуман, жамиятнинг, ҳаётнинг талаб-эҳтиёжи билан пайдо бўлган сўзлардир: новатор, чанглагич, пуркагич.

Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил:

1. Тилнинг мавжуд лексик таркиби ва грамматик қонун-қоидалари захирасида янги сўз яшаш йўллари билан. Бунда сўз яхлитлигича неологизм бўлади: пайвандчи (металл уловчи), чўлқувар (бўз ерларни ўзлаштирувчи маъносида).

2. Тилдаги мавжуд сўзларнинг лексик маъноларидан бирини янги маънода қўллаш йўли билан. Масалан: чўмич сўзининг «ковш» маъноси каби: Экваторнинг чўмичи шу уюмлардан оша янги тупроқларни ирғитади.
3. Бошқа тилдан (асосан, рус тилидан) сўз қабул қилиш йўли билан. Бошқа тилдан сўз икки хил усул билан олинади:
 - а) айнан қабул қилинади: космонавт, самосвал;
 - б) калькаланиш йўли билан олинади: ўзибўларчилик, ер йўлдоши каби. Калька усулини оддий таржимадан фарқлаш керак. Калькалашда бошқа тилдан ўзлаштирувчи тилга тақлидан нусха олиш асосида неологизм яратилса, оддий таржимада эса бошқа тил сўзи аввалдан мавжуд бўлган ўз сўзлар билан берилади.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Ўзбек тили луғатининг қўлланиши фаол (чегараланмаган) ва қўлланиши суст (чегараланган) турларининг ўзига хос хусусиятларини сананг.
- 2.2. Қўлланиши чегараланмаган лексиканинг услубий имкониятлари айтиб беринг.
- 2.3. Қўлланиши чегараланган лексика ва унинг аъмолий-услубий хусусиятларини изоҳланг.
- 2.4. Диалектизмлар ва уларнинг қўлланиши ҳақида нима дея оласиз?
- 2.5. Терминлар ва уларнинг қўлланиши ҳақида гапириб беринг.
- 2.6. Жаргонизм ва арготизмларнинг қўлланиши қандай бўлади?
- 2.7. Архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва уларнинг услубий вазифаларини кўрсатинг.
- 2.8. Неологизмлар, имкониятдор сўзлар тавсифини беринг.
- 2.9. Истиқлол даври адабий тилидаги янгиланишлар, маромлашишлар ҳақида нималар биласиз?

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Сўз қўллаш услубиятини илмий асослаш.
2. Шаклдош сўзларнинг қўлланишидаги айрим фарқларни эътироф этиш.
3. Маънодошлик услубият асоси эканлигини мисоллар асосида исботлаб бериш.
4. Луғавий синонимлар, маъновий синонимлар, услубий синонимлар, грамматик синонимлар орасидаги фарқни илмий далиллар асосида фарқлаш.
5. Зиддиялар нафақат сўзлар орасида, балки иборалар, гаплар, ҳатто қўшимчалар орасида мавжудлигини белгилаб, шу асосда назарий хулосалар чиқариш.

Г) Модул бўйича яқуний машғулот.

Ўзбек тили услубияти фанидан 7-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тил луғатининг услубий табақаланиши. Адабий тил (нутқ) функционал услублари умумий луғатининг таркибий тавсифи. Унда адабий бўлмаган сўзлар (диалектизм, жаргонизм, архаизмлар) нинг борлиги. Буларнинг адабий нутқ таркибида муайян услубий қиймат (қўшимча маълумот) касб этиши. Услубий мақомли луғат бирликлари қўлланишининг функционал-коммуникатив жиҳатдан чегараланганлиги. Қўлланиш даражасига кўра тил луғати таркибини функционал фаол ва ва функционал суст турларга гуруҳлаш имконияти. Бунинг адабий нутқ воситалари бойлигини услубий жиҳатдан тасвирлаш учун зарурлиги. Тил луғат таркибини функционал-услубий жиҳатдан дастлаб 1) қўлланиши чегараланмаган (кенг истеъмол) ва 2) қўлланиши чегараланган (тор истеъмол) лексикага ажратиш мумкинлиги
2. Қўлланиши чегараланмаган лексиканинг услубий тавсифи қўлланиши у ёки бу нутқ шакли ёки нутқ услуби доирасида чегараланмаган, турли услубларда ишлатилишига кўра бетараф. Кенг истеъмол қилинади, функционал фаол, контекстдан ташқарида услубий жиҳатдан бетараф.
3. Қўлланиши чегараланган лексиканинг услубий тавсифи.
4. Диалектизмлар ва уларнинг турлари. Диалектизмларнинг ҳудудий нутқ воситалари сифатида қўлланиш доираси.

5. Терминлар ва уларни турли услубларда қўллаш усуллари. Терминларни бадиий, публицистик, илмий-оммабоп матнларда қўллашнинг ўзига хослиги.

6. Жаргонизм ва арготизмлар. Улардан фойдаланишнинг чекланганлиги. Уларни қўллаш мезонлари.

7. Ўзлашган қатламга мансуб сўзлар маълум қисмининг «олинганлик» белгисига эга эканлиги. Бундан услубий мақсадларда фойдаланиш.

8. Архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва уларнинг услубий вазифалари. Функционал фаоллиги сусайган, қўлланиш доираси чегараланган лексика. Эскилик бўёғига эга сўз турлари.

9. Неологизмлар, имкониятдор сўзлар тавсифи. Янгилик бўёғига эга сўз ва янги сўз тушунчалари. Буларнинг фарқи.

10. Луғат бирликларининг ўзаро муносабатда эканлиги. Бу муносабатларнинг лексик бирликлар функционал-услубий қийматини белгилашдаги аҳамияти.

11. Синонимлар. Уларнинг услубий хусусиятлари. Синонимлар адабий тилнинг муҳим услубий воситалари эканлиги.

12. Антонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши. Қаршилантириш-таъод санъати.

13. Омонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши. Сўз ўйини ва туюқ жанри.

14. Паронимлар. Улардан бадиий адабиётда услубий мақсадларда фойдаланиш. Паронимларни қўллаш билан боғлиқ нуқсонлар

Назорат саволлари:

1. Ўзбек тили луғатининг қўлланиши фаол (чегараланмаган) ва қўлланиши суст (чегараланган) турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нима дея оласиз?

2. Қўлланиши чегараланмаган лексиканинг услубий имкониятлари айтиб беринг?

3. Қўлланиши чегараланган лексика ва унинг аъмолий-услубий хусусиятларини кўрсатинг.

4. Диалектизмлар ва уларнинг қўлланишини тушунтиринг.

5. Атамалар ва уларнинг қўлланишини изоҳланг.

6. Жаргонизм ва арготизмларнинг қўлланишини тушунтириб беринг .

7. Архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва уларнинг услубий вазифаларини санаб беринг.

8. Неологизмлар, имкониятдор сўзлар тавсифини беринг.

9. Истиклол даври адабий тилидаги янгиланишлар, маромлашишлар ҳақида нималар дея оласиз.

10. Сўз қўллаш санъати ҳақида ўз фикрингизни манбалар асосида изоҳлашга ҳаракат қилинг.

11. Омонимлар, омоформалар, омофонлар, омографлар, паронимлар ҳақида тушунча беринг, фарқини мисоллар ёрдамида исботланг.

12. «Маънодошлик-услубият асослари» гапини изоҳланг.

13. Зиддияларни қўллай олмаслик натижасида қандай хатолар келиб чиқади? Мисоллар асосида исботланг.

14. Луғавий-маъновий силсила, (лексик-семантик парадигма) ва луғавий муқобиллик (оппозиция)нинг турлари ва моҳиятини очиб беринг.

15. Сўз маъноси ва унинг тасвирий-таъсирчанлик хусусияти ҳақида гапириб беринг.

16. Кўп маъноли сўзлар тасвирий-таъсирчан ва аъмолий-услубий восита сифатида келишини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

17. Синонимларнинг услубий вазифалари ва уларни қўллаш усуллари изоҳланг.

18. Матний синонимлар. Газета тилидаги матний синонимлар қандай бўлади.

19. Антонимлар ва уларнинг услубий қўлланиши ҳақида нима дея оласиз.

20. Омонимлар ва уларнинг услубий қўлланишини тушунтиринг.

21. Паронимлар ва улардан услубий мақсадларда фойдаланиш қандай бўлади?.

22. Кўчимлар ва уларнинг услубий тавсифини беринг.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. Х. Дониёров. А. Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976 й.
2. Қ. Самадов. Ғ. Ғуломнинг шеъриятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й.
3. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992 й.
5. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
6. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.
7. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
8. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

8-Мавзу: Фразеологиянинг услубий имкониятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Фразеологиянинг услубий имкониятлари” мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларга фразеологиянинг услубий белгилари ҳақида маълумот бериш. • Иборалар орасидаги кўп маънолилиқ, шаклдошлиқ, маънодошлиқ ҳақида изоҳ бериш. <p>Услубиятда уларнинг тутган ўрнини белгилаш</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1.1.Ўзбек тилининг фразеологик ибораларга бой эканлигини тушунтиради. 1.2.Фразеологизмларнинг турлари ва мазмуний гуруҳлари ҳақида маълумот беради. 1.3.Умумуслубий, яъни услубий жиҳатдан бетараф ибораларни аниқлайди. 1.4.Фразеологизмларнинг бадиий ва публицистик услубларда қўллаш усуллари ва услубий вазифалари изоҳланади. 	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар :</p> <p>Фразеологик иборалар. Кўп маъноли иборалар. Шаклдош иборалар. Маънодош иборалар. Иборалар орасидаги зиддиялар. Сўз ва ибора маънодошлиги. Услубий аҳамияти. Ижобий ва салбий бўёқлар. Оғзаки ва ёзма нутққа оид иборалар. Ҳикматли сўз ва иборалар. Мақол ва маталлар.</p> <p>Дарс шакли: ноанъанавий. Воситалар: Тарқатма материаллар,ўқув қўлланмалари,слайдлар.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

	Метод ва усуллар: Ижодийлик, савол-жавоб, репродуктив	
3	Гуруҳда ишлаш -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -талабалар бадиий асарлардан халқ ибора ва мақолларини тўплайдилар. -сўзлашув услубига хос иборалар адабий тил билан солиштирилади.	Ўқитувчи-талаба, 50 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар. 4.1. Фразеологизмлар ва уларнинг семантик-стилистик табиати. 4.2. Фразеологик ва лексик-фразеологик синонимлар. 4.3. Эмоционал-экспрессив бўёқли фразеологизмлар ва буларнинг қўлланиши. 4.4. Фразеологизмларни қўллаш усуллари. 4.5. Ноадабий фразеологизмнинг услубий қўлланиши.	Ўқитувчи, 10 минут
5	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Ўзбек тилининг бой фразеологик воситаларга эгаллиги. Фразеологизмларнинг юзага келиши, грамматик қурилиши ва семантик табиати. Уларнинг тайёр, барқарор тасвирий-таъсирчан ифодалар-коннотатив нутқий воситалар эканлиги. Уларнинг тасвирийлик, миллийлик, тавсиф бериш ва шахсий баҳо ифодалаш табиати, услубий аҳамияти. Фразеологизмларнинг турлари ва мазмуний гуруҳлари. Маъно таркибига кўра турлари: кўп маъноли, омоним ва антоним иборалар. Ибора синонимлар. Сўз ва ибора маънодошлиги. Буларнинг услубий аҳамияти.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Фразеологик иборалар ва уларнинг турли нутқ услубларида ишлатилиши.
2. Мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг услубий вазифалари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Фразеологик иборалар.
Кўп маъноли иборалар.
Шаклдош иборалар.
Маънодош иборалар.
Иборалар орасидаги зиддиялар.
Сўз ва ибора маънодошлиги.
Услубий аҳамияти.
Ижобий ва салбий бўёқлар.
Оғзаки ва ёзма нутққа оид иборалар.
Ҳикматли сўз ва иборалар.
Мақол ва маталлар.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Фразеологизмнинг услубий қўлланилиши ҳақида турли олимларнинг турлича қарашлари бор. Улардан қайси олимларнинг қарашлари сизга маъқул.
2. Ҳикматли сўз ва ибораларнинг турли услубларда ишлатилиши мақсадга мувофиқми? Сизнингча қандай?

1-савол бўйича дарс мақсади:

- Талабаларга фразеологиянинг услубий белгилари ҳақида маълумот бериш.
- Иборалар орасидаги кўп маънолилик, шаклдошлик, маънодошлик ҳақида изоҳ бериш.
- Услубиятда уларнинг тутган ўрнини белгилаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ўзбек тилининг фразеологик ибораларга бой эканлигини тушунтиради.

1.2. Фразеологизмларнинг турлари ва мазмуний гуруҳлари ҳақида маълумот беради.

1.3. Умумуслубий, яъни услубий жиҳатдан бетараф ибораларни аниқлайди.

1.4. Фразеологизмларнинг бадий ва публицистик услубларда қўллаш усуллари ва услубий вазифалари изоҳланади.

1-саволнинг баёни: Фразеологиянинг услубий имкониятлари

Фразеологик иборалар ва уларнинг турли нутқ услубларида ишлатилиши. Фразеологияда тилдаги турғун–барқарор бирикмалар ўрганилади.

Одатда, сўзларнинг бирикуви туфайли сўз бирикмаси ҳосил бўлади. Бу сўз бирикмаларининг баъзилари эркин бўлса, баъзилари турғун (барқарор) бўлади. **Оёқ учид** бирикмаси контекстдан англашилган иш-ҳаракатнинг ими-жимиди, яширинча, махфий бажарилганлигини билдиради. Бирикма таркибидаги ҳар бир сўз ўз мустақил маъносини сақламаган, шунга кўра бу таркибдаги сўзлари (компонентлари) барқарор бўлинмас бир семантик бирикма ҳосил қилган турғун бирикмадир.

Куйидаги гаплардаги **оғзи қулоғида**, **қўл келади**, **нонини туя қилмоқ** иборалари ҳам турғун бирикма саналади: истар-истамас идорага кирган Бўрибой бу ердан оғзи қулоғида бўлиб чиқди. У динни қурол қилиб содда дил мусулмонларнинг нонини туя қилиб юрар экан. Ибора таркибидаги ҳар бир сўзнинг маъноси тушунарли бўлса-да, аммо бу сўзларнинг семантик боғланиши чекланган, уларни бошқа бирор сўз билан алмаштириш мумкин эмас.

Кўп маънолилиқ ҳодисаси турғун бирикмаларга, яъни фразеологик ибораларга ҳам хос. Масалан, «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати»да **бош кўтармоқ** иборасининг 6 хил маъно қирралари кўрсатилади.

Куйидаги иборалар ҳам бир неча маънога эга: **йўлга солмоқ**:

1) кетиш томонига тўғрилаб жўнатмоқ, юргизмоқ;

2) тўғри йўлга қайтармоқ;

3) манфаатдор бўлгани ҳолда рағбатлантирмоқ;

4) фаолиятини яхшиламоқ;

бел боғламоқ: 1) шайланмоқ, отланмоқ;

2) астойдил киришмоқ;

3) аҳд қилмоқ;

тилга кирмоқ: 1) нутққа эга бўлмоқ;

2) маълум фурсат ўтгандан сўнг гапира бошламоқ;

3) ўқ уза бошламоқ.

Фразеологик ибораларнинг кўп маънолилиги уларнинг синонимик ҳолати билан боғлиқ. Чунки у ёки бу иборанинг янги маъноси турғун иборалар доирасида янгидан-янги семантик боғланишларни аниқлашга, фразеологик маънолар миқдорини кенгайтиришга олиб келади.

Фразеологик ибораларнинг синонимия ҳодисасига бойлиги улардан фойдаланишда катта услубий имкониятлар яратади. Бу имкониятларни, қисқача, куйидагича изоҳлаш мумкин:

Фразеологик ибора алоҳида сўз билан синонимик муносабат ҳосил этади. Масалан, **тепа сочи тикка бўлди** ибораси аччиқланмоқ, ғазабланмоқ сўзлари билан, **кўзи тор** ибораси кизганчик сўзи билан, **нонини туя қилмоқ** ибораси алдамоқ сўзи билан синонимик ҳолатда бўлади.

Бир синонимик уяни ташкил қилувчи иборалар ўзаро образлилиқ даражаси жиҳатдан фарқланади. Масалан, **бошига етмоқ-бошини емоқ** фразеологизмлари айни бир маънони англатса-да, аммо образлилиқ даражасига кўра фарқ қилади. Иккинчи иборада «йўқ қилмоқ», «ҳалок қилмоқ» маъноси кучли ва қатъийроқ. **Боши қотди**, **боши шишди**, **мияси ғовлаб кетди** ибораларининг сўнггиси маъно даражасининг кучлилиги, образлилиги ва ифодалилиги жиҳатидан ажралиб туради. Худди шунингдек, **мум тишламоқ**, **оғзига талқон солмоқ**, **оғзига қатиқ ивитмоқ** синонимик уяда иккинчи ва учинчи иборалар биринчисига нисбатан образлироқдир. Олиб борилган махсус «кузатишлар фразеологик синонимларнинг кўпинча образлилиқ даражасида фарқ қилинишини кўрсатади»¹

¹ Қаранг: Ш. Абдурахмонов. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари Т., 1966. 116-бет

Фразеологик синонимлар ҳам нутқ кўринишларига хосланган бўлади. Бир синонимик уядаги ибораларнинг баъзиси умумнутққа хос бўлса, баъзиси бошқа бирон нутқ кўринишига хосланган бўлади. Масалан: **эрга тегмоқ, турмушга чикмоқ, эрга чикмоқ** ибораларининг биринчиси расмий нутққа, учинчиси эса сўзлашув нутқига хослангандир. Худди шунингдек, **оила қурмоқ, турмуш қурмоқ, бир ёстикқа бош қўймоқ** ибораларининг биринчиси ва иккинчиси расмий нутққа, учинчиси сўзлашув нутқига мансуб. Қуйидаги ибораларнинг биринчиси бадий нутққа, иккинчиси умумнутққа оиддир: **бир ёқадан бош чиқармоқ, бир жон бир тан бўлмоқ**.

Бадий адабиёт ва публицистикада ибораларни ишлатиш, қўллаш йўллари жуда хилма-хил. Ёзувчи ва публицистлар умумтилдаги мавжуд тайёр иборалардан унумли фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам шулар замирида янги иборалар яратадилар. Бунда улар умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, ибораларнинг лексик таркибини ўзгартиш унинг семантик-услубий функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усуллардан фойланидилар.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироқлари» романида рус тилидан ўзлашган **ўз гази билан ўлчамоқ** ибораси асосида янги ибора яратади. Бунга у «..ибора замиридаги образни Ўрмонжоннинг фикрига мувофиқлаштириш учун унинг талқинига «ўлчагани гази ярамай қолмоқ, эскилик қилмоқ» тарзида янгича йўналиш, янгича тус беради. Натижада тушунишга ожизлик қилмоқ деган маънони ифодалайдиган индивидуал фразеологик неологизм вужудга келади: **ўлчагани гази эскилик қилмоқ**. Бу янги ибора Ўрмонжоннинг фикрини образли қилиб, ёрқин ифодалаш имконини беради».

Қуйидаги матнда эса **лой бўлмоқ** бирикмаси ҳам эркин бирикма, ҳам турғун бирикма сифатида ишлатилади:

-Ие, Раънохон, этагингизга лой тегибдими?-сўрадим.

- Йўғе, қани? –деб этагини ушлаган эди, чиппа лойга тегди.

-Вой, лой қаердан теккан экан-а?-деди уялиб у лекин бу лойни ювса кетади-ку, ўзингиз **лой бўлиб қолмасангиз** дейман

- Нега энди **мен лой бўлар эканман?**–дедим жаҳлим чиқиб,-шундай чиройли қизлардан ҳам кесатик чиқар экан-а... Тавба...

-Чиройли қизлар кетидан соядек эргашаверишингизни келинойим кўрса-чи, нақ **бир замбил лой** бўлар эдингиз, деди. Терлаб кетганимдан Раънохоннинг қайси кўчага бурилганини ҳам билмай қолибман».

Умумтил фразеологик ибораларидан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ғафур Гулом ва бошқа кўпгина истеъдодли ёзувчилар ўз асарларида моҳирлик ва ижодкорлик билан фойдаланганлар. Масалан, А. Қаҳҳор «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида Тўракул вофурушнинг жуда айёрлигини, муғамбир ва қувлигини кўрсатиш учун **илонни ёғини ялаган** халқ иборасига муқобил тарзда янги ибора ижод қилади:-Пулни олдингиз, уста, бо панд еманг. Бу одам соф аждаҳо. **Ўликнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейди бу!**

Муҳокама учун саволлар:

1.1. Фразеологизмлар ва уларнинг семантик-стилистик табиати.

1.2. Фразеологик ва лексик-фразеологик синонимлар.

1.3. Эмоционал-экспрессив бўёкли фразеологизмлар ва буларнинг қўлланиши.

1.4. Фразеологизмларни қўллаш усуллари.

1.5. Ноадабий фразеологизмнинг услубий қўлланиши.

2-савол бўйича дарс мақсади:

- Талабаларга мақол ва маталлар ҳақида тушунча бериш.
- Буларнинг турли услубларда ишлатилиши шарҳлаб ўтиш.
- Унинг бадий ва публицистик услубда тутуган ўрнини белгилаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Мақол ва маталлар ҳақида тушунча беради.

2.2. Мақол ва маталларнинг сўзлашув, публицистик ва бадий нутқда қўлланиши вазифасини аниқлайди.

2.3. Мақол ва маталларнинг аҳамиятни санаб ўтади.

2-саволнинг баёни:

Мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг услубий вазифаси.

Сўз кўрки бўлган мақол ва маталлардан фойдаланиш ҳар бир қалам аҳлининг сўз бойлигини орттиради, унинг нутқини ўткир ва таъсирли қилади, унга бадиий жиҳатдан сайқал беради.

Рус ёзувчиси М.Горький мақол ва маталларнинг бадиий кучи ва қимматини баҳолаётган экан, «уларда бутун-бутун китобларнинг мазмунига тенг ҳис-туйғулар ифодаланган» деган эди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари орасида нутқ маданиятини пухта эгаллашга, тилнинг кадр-қимматини чуқур англашга даъват этувчи мақол ва маталлар кенг ўрин олган. Бу турдаги мақолларда сўзнинг сермаъно ва ўткир, фикрнинг қисқа ва ихчам бўлиши каби муҳим фазилатлари талқин қилинади. Қуйида булардан намуналар келтирамиз: **Тилга эътибор-элга эътибор. Тилга ҳурмат-элга ҳурмат. Халқ сўзи—денгиз тўлкини. Тил қиличдан ўткир. Олдин ўйла-кейин сўйла. Яхши нақл -томири ақл. Яхши сўз—жон озиғи, ёмон сўз—бош қозиғи.**

Кўпгина мақолларда ортиқча сафсатабозлик, тилёғламалик қаттиқ қораланади, ихчам, қисқа ва маъноли гапириш, ростгўй ва ширин сўз бўлиш улуғланади: **Гапнинг қисқаси яхши, қисқасидан ҳиссаси яхши. Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам соз сўзлар. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши. Оз сўзла, кўп тингла.**

Бадиий адабиётда мақол ва маталлар ёзувчи англамоқчи бўлган маънони образли қилиб ифодалаш учун хизмат қилади. Ёзувчилар персонажнинг ички дунёсини очиш ва унинг нутқий характеристикасини беришда бадиий восита сифатида мақол, матал, ҳикматли сўзлардан ўринли ва ижодий фойдаланадилар. Бунинг учун Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг прозаик ва сахна асарларида ишлатилган мақолларни кузатинг. Улар сўз кўрки-мақол, маталлардан баракали фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам янгидан-янги ҳикматли сўзлар ижод этганлар. Масалан, **Ўқсиз солдат-қиличсиз қин. Ер ҳосилнинг онаси бўлса, отаси—меҳнат.**

Қуйидаги матнларда эса А.Қаҳҳор ижод этган ҳикматли ибораларни ўқиймиз:

Дадам дам-бадам ичидан хуруж қилиб келаётган йиғини ютиб, аямга тасалли берди, тақдири азал, одамнинг умри бир томчи кабобининг сели. («Ўтмишдан эртақлар») Канна сигирнинг қулоғига тушади, тўғига эмас. Хазинага кирган мушук зарга карамайди, сичқон овлайди.

Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги ижобий образлар - Гофур ва Жамила нутқидаги баъзи иборалар ўз маънолари жиҳатидан афоризм даражасида туради: **Ҳаё беномусда бўлмайди, ҳаёсизда номус бўлмайди. Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлмоқ яхшироқ. Пул, мол йўлида ҳалок бўлгандан кўра, ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок бўлиш кишига бахт. Ҳақиқат букилади, лекин синмас ва бошқалар.**

Публицистик асарларда мақол ва матнлар бадиийликни кучайтиришдан ташқари, фикрни алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилади ва унинг сиёсий ўткирлигини оширади. Ижтимоий-сиёсий адабиётда учраган мақол, матал ва ҳикматли сўзлар, «қочириқ сўзлар ғоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини яхши ифодалаб беради».

Ғоявий мазмуни маънавий-ахлоқий хулосасига кўра хилма-хил, ранг-баранг бўлган мақоллар услубий функцияси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Мақолларда кенг ва теран ғояни қисқа, ихчам шаклда ифодалаш кишиларни нутққа эътибор бериш ва талабчан бўлишга ўргатади, тўғри ва мантиқий фикрлашга ёрдам беради.

Мақоллардан фойдаланишда уларнинг тушунарли бўлиши, ўз ўрнида тўғри ишлатилишига, нутқни аниқ ва таъсирчан қилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Мақолларни нотўғри, бузиб ишлатиш ҳам уларнинг маъносига путур етказиши. Қуйидаги мисолларни кузатинг: Бу таклифнинг яхши эканлигига шубҳа йўқ, лекин бу таклиф ой эшикка арава туйнукка келганда киритилади. Бунда халқ тилидаги **Ой туйнукка, арава эшикка келганда** мақолининг лексик тартибланиши бузиб берилган. Қуйидаги матнда эса халқ тилидаги **эчкига жон қайғу, қассобга ёғ қайғу** мақолининг бутунлай бузиб ишлатилиши мақолдан англашиладиган маъжозий маънони ҳам, мантиқий хулосани ҳам йўққа чиқарган: «Сичқонга дон қайғу, қассобга жон» деганларидек, ҳамма нима дардда—ю, у нима ҳасратда.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Мақол ва маталларни тилимиз бойлиги сифатида адабий асарлардан намуналар келтиринг.
- 2.2. Мақоллар халқ тилидан тилига ўтиб, сайқалланган сўзлар қаймоғи эканлигини исботланг.
- 2.3. Сўзлашув услубида ишлатиладиган мақолларга мисоллар келтиринг.
- 2.4. Публицистик услубдаги мақолларга мисоллар келтиринг.
- 2.5. Бадиий нутқда ишлатиладиган мақолларга мисоллар келтиринг.
- 2.6. Мақолларнинг аҳамиятини илмий асосланг.
- 2.7. Халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида мақолларнинг вазифасини аниқланг.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ўзбек тилининг бой фразеологик воситаларга эга эканлигини илмий асослаш.
2. Ибораларнинг турлари ва мазмуний гуруҳларини илмий изоҳлаш.
3. Иборалар орасида маънодошлик ҳодисасини шарҳлаш.
4. Мақол ва маталларнинг турли услубларда ишлатилишини илмий асослаш.
5. Бадиий асарларда ва халқ оғзаки ижодида мақол ва ибораларнинг ишлатилишини илмий далиллаш.

Г) Модул бўйича якуний хулоса.

1. Ўзбек тилининг бой фразеологик воситаларга эгаллиги. Фразеологизмларнинг юзага келиши, грамматик қурилиши ва семантик табиати. Уларнинг тайёр, барқарор тасвирий-таъсирчан ифодалар-коннотатив нутқий воситалар эканлиги. Уларнинг тасвирийлик, миллийлик, тавсиф бериш ва шахсий баҳо ифодалаш табиати, услубий аҳамияти.

2. Фразеологизмларнинг турлари ва мазмуний гуруҳлари. Маъно таркибига кўра турлари: кўп маъноли, омоним ва антоним иборалар. Ибора синонимлар. Сўз ва ибора маънодошлиги. Буларнинг услубий аҳамияти.

3. Умумуслубий (услубий жихатдан бетараф) ибораларнинг услубий имконияти. Эмоционал-экспрессив бўёқли фразеологизмларнинг ижобий ва салбий баҳо муносабатларини англантишдаги ўрни ва услубий вазифаси. Илмий ва расмий услублар фразеологияси. Сўзлашув нутқида хос фразеологизмлар.

4. Фразеологизмларни бадиий ва публицистик услубларда қўллаш усуллари ва услубий вазифалари. Оғзаки ва ёзма нутққа хосланган иборалар. Фразеологизмларнинг турли вариантларда учраши. Архаик фразеологизмлар, диалектал фразеологизмлар. Ўзлашган фразеологизмлар. Фразеологизмларнинг маъноси, таркиби ва шаклини ўзгартириб қўллаш. Фразеологик неологизмлар ва окказионализмлар.

5. Мақол ва маталлар. Буларнинг турли услубларда ишлатилиши. Ҳикматли сўз ва ифодалар. Уларнинг сўзлашув, публицистик ва бадиий нутқда қўлланиши ва вазифаси.

Назорат саволлари:

1. Фразеологизмлар ва уларнинг семантик-услубий табиати ҳақида гапиринг.
2. Фразеологик ва лексик-фразеологик синонимларни ажратиб беринг.
3. Эмоционал-экспрессив бўёқли фразеологизмлар ва буларнинг қўлланишини тушунтиринг.
4. Фразеологизмларни қўллаш усуллари изоҳланг.
5. Ноадабий фразеологизмнинг услубий қўлланиши ҳақида нималар дея оласиз?
6. Мақол ва маталларни тилимиз бойлиги сифатида адабий асарлардан намуналар келтиринг.
7. Мақоллар халқ тилидан тилига ўтиб, сайқалланган сўзлар қаймоғи эканлигини исботланг.
8. Сўзлашув услубида ишлатиладиган мақолларга мисоллар келтиринг.
9. Публицистик услубдаги мақолларга мисоллар келтиринг.
10. Бадиий нутқда ишлатиладиган мақолларга мисоллар келтиринг.
11. Мақолларнинг аҳамиятини илмий асосланг.
12. Халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида мақолларнинг вазифасини аниқланг.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. А. Абдуллаев. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши.-Тошкент: Фан, 1983 й.

2. Х. Бердиёров, Р. Расулов. Ўзбек тилининг паремиологик Луғати.-Тошкент: Фан, 1966 й.
3. И. Қўчқортоев. Бадиий нутқ стилистикаси.-Тошкент: ТошДУ нашри, 1975 й.
4. М. Аъламова. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т.: Ўзбекистон, 1988 й.
5. А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: Фан, 1987 й.
6. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
7. Ш. Раҳматуллаев. Нутқимиз кўрки. Т.: Фан, 1970 й.
8. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т.: Фан, 1966
9. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
10. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.
11. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

9-Мавзу: Отларнинг услубий хусусиятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Отларнинг услубий хусусиятлари” мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади: Талабаларда от сўз туркумининг услубияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўплик қўшимчаси –ларнинг маъно нозиклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Келишиқ қўшимчаларининг турли шаклда келишини изоҳлаш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.1. –лар кўплик қўшимчасининг ҳурмат, киноя, кучайтириш маънолари борлигини англаб етади.</p> <p>1.2. Келишиқ қўшимчаларининг белгили ва белгисиз натижасида айрим услубий нозикликларни келтириб чиқаришини англай олади.</p> <p>1.3. Келишиқ қўшимчаларини кўмакчилар билан маънодошлиги ҳолатларини тушуниб етади.</p> <p>1.4. Келишиқ қўшимчаларининг қўшимча маъно англантиши ҳолатларини ўрганади.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар : Кўплик категорияси. Келишиқ категорияси. Субъектив баҳо шакллари. От ясовчи қўшимчалар услубияти. Услубий қўлланиш. Эгалиқ категорияси. Услубий хусусият. Дарс шакли: ноанъанавий. Воситалар: Тарқатма материаллар,ўқув қўлланмалари,слайдлар. Метод ва усуллар: Ижодийлик, савол-жавоб, репродуктив</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -эгалиқ қўшимчаларининг маъно нозикликларини ажратиб мисоллар келтиради.</p>	Ўқитувчи-талаба, 50 минут

4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар.</p> <p>4.1. Отларда кўплик қўшимчаси яна қандай маъноларда қўлланилади?</p> <p>4.2. Мавҳум ва атоқли отлар кўплик қўшимчасини олганда қандай маъноларни англатади?</p> <p>4.3. Келишиқ қўшимчаларининг услубий хусусиятларини санаб беринг.</p> <p>4.4. Қаратқич ва тушум келишигининг турли маъноларда қўлланишини изоҳланг.</p> <p>4.5. Гул очилди, гул барги, гул келтирди жумлаларини қиёсланг.</p> <p>4.6. Тушум келишиги билан чиқиш келишиги қўшимчалари қўлланишидаги ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсланг.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
5	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Кўплик маъносининг ифодаланишидаги услубий имкониятлар. –лар қўшимчасининг феъл, олмош, равишларга қўшилиб келиши ва услуб хусусиятлари. –лар қўшимчасининг сўзлашув, илмий ва публицистик услубларда қўлланиш хусусиятлари.</p> <p>Келишиқ қўшимчаларининг белгили ва белгисиз, плеонастик қўлланиши ва ўзаро синонимлик муносабати. Келишиқ қўшимчалари ва кўмакчиларнинг функционал алмашуви. Буларнинг нутқ услубларида қўлланиш хусусиятлари. Эгалиқ маъносининг ифодаланиши ва уларнинг плеонастик қўлланиши, функционал алмашинуви. Булардан услубий мақсадларда фойдаланиш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Кўплик ва келишиқ категорияларининг услубий хусусиятлари.
2. Отларда эгалиқ категорияси, модаллик ва уларнинг услубий хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Кўплик категорияси. Келишиқ категорияси. Субъектив баҳо шакллари. От ясовчи қўшимчалар услубияти. Услубий қўлланиш. Эгалиқ категорияси. Услубий хусусият.

Мавзуга оид муаммолар:

1.-лар кўплик қўшимчасининг феъл, равиш, олмошларга қўшилиб қандай маъно билдириб келади?

2. Кўплик қўшимчасининг сўзлашув, илмий, публицистик услубларда қўлланиши натижасида қандай муаммолар юзага келади?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларда от сўз туркумининг услубияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўплик қўшимчаси –ларнинг маъно нозиклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Келишиқ қўшимчаларининг турли шаклда келишини изоҳлаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. –лар кўплик қўшимчасининг ҳурмат, киноя, кучайтириш маънолари борлигини англаб етади.
- 1.2. Келишиқ қўшимчаларининг белгили ва белгисиз натижасида айрим услубий нозикликларни келтириб чиқаришини англай олади.
- 1.3. Келишиқ қўшимчаларини кўмакчилар билан маънодошлиги ҳолатларини тушуниб етади.
- 1.4. Келишиқ қўшимчаларининг қўшимча маъно англатиши ҳолатларини ўрганади.

1- саволнинг баёни: Отларнинг услубий хусусиятлари.

От сўз туркумининг услубий хусусиятлари, энг аввало, улардаги кўплик, эгалик, келишик категориялари ва модал шаклларида кўринади. Тарихий тараққиёт жараёнида бу категориялар баъзи бир кўрсаткичлари эскирган, муомалада эскирганлари ўрнида янги шаклларнинг қўлланиши натижасида турли хил параллеллар, вариантлар майдонга келган. Бу вариантлар ўрни билан ўзаро синоним сифатида қўлланиши мумкин.

Ўзбек тилида бирдан ортиклик–кўплик маъноси морфологик, лексик ва услубий йўллар билан ифодаланади.

Баъзи сўзлар ҳеч қандай морфологик кўрсаткичсиз, бошқа миқдор билдирувчи сўзлар билан биргаликда келмаган ҳолда, ҳам ўз лексик маъноси билан кўплик тушунчасини ифодалайди: халқ, эл, кўшин, пода, армия каби. Бу сўзларда жамлик маъноси кучли. Бу ҳам унинг лексик маъносидан сезилиб туради. Бу жиҳатдан кўпчилик, озчилик каби сўзлар ҳам шу маънога яқинлашади. Аммо бу сўзлар грамматик жиҳатдан шаклланган жамликни кўрсатади: Йўлчи четроқда бир оз қараб, сўнг оломон ичига кирди.

Баъзан сўз грамматик жиҳатдан бирлик шаклида бўлади-ю, аммо у контекст билан боғлиқ равишда кўпликни ифодалайди: У ўз уйига кетди. Болалар ўз уйларига кетдилар. Биринчи гапта ўз сўзи бирликда, иккинчи гапта ўз сўзи эса болаларнинг кўплигини англатади. Шунинг учун у логик жиҳатдан кўпликда деб қаралади ва Болалар ўзларининг уйларига кетдилар тарзида тушунилади.

Ҳозирги ўзбек тилида кўплик тушунчаси синтактик йўл билан ҳам ифодаланади. Бундай шакл кўплик қўшимчасини олган синтетик шакл билан синонимик муносабатга кириши мумкин. Қиёсланг: ўнта дафтар//дафтарлар, бешта қалам// қаламлар каби. Бу жуфтлар буюмнинг конкрет сонини ва ноаниқ кўпликни кўрсатиши билан бир-биридан фарқланади.

Баъзан бу турдаги бирикмалар охирида –лар қўшимчаси ҳам қўшилиб келади: кўп болалар, юзта кемалар каби. Бундай қўллаш услубий нуқтаи назардан хато ҳисобланади. Чунки от олдидаги сўз шу предметнинг кўплигини англатади. Шунинг учун –лар қўшимчасини ишлатиш ортикча, ўринсиздир.

–лар ҳозирги ўзбек тилида кўпликни кўрсатувчи асосий морфологик кўрсаткичдир.

–лар қўшимчасининг асосий вазифаси нарса-буюмларнинг бирдан ортиклигини кўрсатишдир. Ўзи учун типик бўлмаган конструкцияларда бошқа маъно нозикликларини ифодалаши унинг услубий хусусияти, функцияси дир.

–лар қўшимчаси буюмларнинг бирдан ортиклигини кўрсатишдан ташқари, яна қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. **Ҳурмат маъноси.** –лар гапнинг кесимига қўшилиб келганда, бирликдаги эга орқали ифодаланган шахсга нсбатан ҳурмат маъноси англашилади: Поччам, раҳматлик, соатни сўфи деганлари билан намоз ўқимас эдилар.

Бу маъно (ҳурмат маъноси), айниқса, кесим бор ва йўқ сўзлари билан ифодаланганда яққол сезилади: Ўғиллари Ҳалимжон бормилар? – Борлар, кираверинг!-деди Хотин ва юриб ичкари ҳовлига кириб кетганини эшитдим. (Ж.Икромий).

Баъзан бадиий адабиётда, оғзаки нутқда –лар қўшимчаси отларга ҳам қўшилиб ҳурмат маъносини ифодалайди. Бу айрим илмий асарларда ҳам ўзбек адабий тилининг меъёри сифатида талқин қилинади. Аслида эса ҳурмат маъносини ифодалаш учун кўплик қўшимчасини феълларга қўшиб ишлатиш маъқул.

1. **Киноя, пичинг маъноси.** Баъзан феъллар, баъзан олмош ва отлар кўплик қўшимчасини олиб, пичинг, кесатиш, киноя маъноларини ифодалайди. Бундай вақтда интонация, турли хил имо-

ишора ва мимикалар—экстроллингвистик воситалар ёрдамчи восита сифатида хизмат қилади:
Демак, фюрер Гитлер жуда ғамхўрлик **қилибдилар-да**.

2. *Ноаниқлик, кучайтириш, такрорлаш, таъкид каби маънолар.*

Бизнинг учун кераклардан бири пахта,
Буржуй ютсин кўролмасдан қонлар лахта.

Ўзбек тилида отлар кўплик қўшимчаси –лар ни қабул қила олиш ёки қабул қила олмаслигига қараб икки ката гуруҳга бўлинади:

- 1) ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўллана оладиган отлар; 2) фақат бирликда қўлланадиган отлар.
- 2) Фақат бирликда қўлланадиган отлар.

Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги отлар фақат бирлик формасида қўлланади.

1. **Мавҳум отлар** (ёшлик, муҳаббат, орзу, дўстлик, уйқу, тушунча каби). Баъзан стилистик мақсадда, яъни кучайтириш, муболаға қилиш мақсадида уларга кўплик қўшимчаси қўшилиши мумкин:

Чор атроф боғу роғ.... Тушми ё ўнги?

Бари рост экан-а! Чекинмиш қумлар

Чекинмиш **сароблар**, қора самумлар

Яркирайди шаҳар—узоқ йўл сўнги. (Миртемир)

2. **Санаш мумкин бўлмаган предметларни кўрсатувчи отлар** (ун, гуруч, сув, ер, қум, ёғ, бензин, керосин каби). Улар кўплик шаклида келганда шу нарса-буюмларнинг турини (масалан, ёғлар: сарёғ, пахта ёғи, кунгабоқар ёғи, маккажўхорининг ёғи каби) ҳамда кучайтириш маъноларини англатади.

3. **Атоқли отлар** кўплик қўшимчасини олганда маълум қўшимча қабул қилган сўз орқали ифодаланган жой ёки кишининг бирдан ортиқлигини эмас, балки бошқа маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: Биз ана шу Ширин шаҳарчасидаги Сирдарё ГРЭСини кураётган **фарҳодларнинг** бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ширинлар қўлидан шароб ичамиз,

Интизор оталар бўлади соқий. (Ғ,Ғ)

Бундан ташқари, бирор предмет бир неча шахсга тегишли бўлиб, номи аталган шахс уларнинг ичида олиб қаралганда, у кўплик қўшимчасини қабул қилиши мумкин: Муроджон шу жадаликда Қўштегирмон бошига келди. **Файзуллаларнинг** уйи Қўштегирмон ёнида.

4. Кишиларнинг яқка аъзолари бирликда қўлланади: бош, тил, бурун, юрак, жигар. Улар бирликда қўлланганда нейтрал қимматга эга бўлса, кўплик қўшимчаси билан келганда баҳолаш бўёғига эга бўлади. Тасвирланаётган воқеа-ҳодиса, предмет ёки шахсга ёзувчининг салбий ёки ижобий муносабати билдирилади: - Ҳой, ҳой Раҳима ўлгир, қачондан бери тилинг чиқиб қолди? Ҳу **тилларинг** кесилсин! (Х,Х)

5. Киши, ҳайвон ва жониворларнинг жуфт аъзоларини кўрсатувчи сўзлар одатда бирлик шаклда ишлатилади. Бундай сўзлар кўплик қўшимчаси –лар ни қабул қилганда, муболаға, кучайтириш каби маъноларни ифодалайди: Булардан, айниқса, отам ўлишига бағишлаб айтгани ҳали ҳам қулоқларимдан кетмайди.

Келишик қўшимчаларининг услубий хусусиятлари

Ўзбек тилида келишиклар ўзининг турли хил территориал ва фонетик вариантларининг кўплиги, турли келишик шакллариининг бири ўрнида иккинчисини синоним сифатида алмаштириб ишлатиш имкониятларининг мавжудлиги билан бошқа грамматик категориялардан фарқланади.

Келишик қўшимчалари ўзаро синонимик муносабатга киришишидан ташқари, бошқа грамматик шакллар, кўмакчилар билан ҳам синонимик муносабатда бўла олади. Булар маълум фикрни аниқ, тушунарли ифодалаш учун ёзувчи ёки сўзловчига кўрсатилган турли воситалардан энг лозимини танлаб ишлатиш имконини беради.

Келишик қўшимчаларининг плеонастик равишда қўлланиши белгили ёки белгисиз ишлатилишидан келиб чиқадиغان нозикликлар, шу билан боғлиқ равишда келишик қўшимчасини баъзан тушириб қолдириш, баъзан эса тушириб қолдириш мумкин эмаслиги масалалари ҳам услубий қийматга эга. Масалан, Илон ютган одам гапида одам илонни ютганми ёки илон одамни

ютганми? аниқ тушуниб олиш қийин, фикр аниқ эмас. Агар одам илонни ютган бўлса, илон сўзи тушум келишиги қўшимчасини қабул қилиши керак, агар одамни илон ютган бўлса, одам сўзи тушум келишиги қўшимчасини қабул қилиши керак. Демак, келтирилган мисолда тушум келишиги қўшимчасини тушуриб қолдириш мумкин эмас.

Гулистон Давлат университетининг филология факультетининг иккинчи курсининг талабаси гапи грамматик жиҳатдан тўғри шаклланган бўлса ҳам, услубий жиҳатдан тўғри эмас. –нинг қўшимчасини қўллашда ортиқчаликка йўл қўйилган. Бу гапни Гулистон Давлат университети филология факультети (нинг) иккинчи курс талабаси тарзида тузиш маъқул.

Қаратқич келишигининг ҳозирги ўзбек тилидаги –нинг шакли тўрт хил морфологик вариантга (-ни, инг,-н) эга. Улардан –ни оғзаки сўзлашув нутқида, -н формаси эса поэтик нутққа хос.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қаратқич келишиги қўшимчасининг –**нинг** шакли меъёри хисобланади. Унинг ўрнида –ни қўшимчасидан фойдаланиш адабий тил меъёридан чекинишга киради: Шу сабабли Азимжон бир коса лағмонни **Ҳамидовни** ёнига қўйди. Халқни ҳар ерда, ҳар ишда **жаҳлни** қурбони деб тушунар эди. Дод **золимни** дастидан гапларида тушум келишиги қўшимчаси ўрнида қаратқич келишиги қўшимчаси ишлатилиши керак.

Жонли сўзлашувда қаратқич келишиги биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларининг бирлигига, диалектларда, тил тарихида учинчи шахс қўшимчаларидан сўнг-и шаклида қўшилади. Бу шаклда у, мен, сен олмошларидан сўнг қўшилган тушум келишиги қўшимчаси ҳамда ундош билан тугаган сўзларга қўшилувчи учинчи шахс эгалик қўшимчасининг бирлиги-и билан омонимик муносабатда бўлади. Қиёсланг: Мени китобим (қаратқич -диалектал), **мени** шерсиз дединг... (тушум), **макони** (эгалик қўшимчаси).

Қаратқич келишиги поэтик нутқда–н шаклида ҳам ишлатилади, ана шу кўринишда ҳам қаратқич келишиги тушум келишиги билан омонимия ҳосил қилади: Ер куррасин бошин танғидик. Ва тарихнинг томирларига қўйдик эриган темир (Ғ.Ғ.)гапида куррасин қаратқич келишиги, бошин тушум келишидаги сўзлардир.

Бу ўринда биргина-н шакли икки келишик вазифасини бажаряптими ёки –**нинг** ва –**ни** қўшимчаларининг алоҳида-алоҳида шаклига келган омонимик ҳолатми? Кейингиси ҳақиқатга яқин: улар икки хил вазифадаги ва бошқа-бошқа маъно англатувчи омонимик қўшимчалардир. Келтирилган мисолдаги куррасин ва бошин сўзларининг ўрнини алмаштириш мумкин эмаслиги ҳам уларнинг икки бошқа-бошқа келишиклар эканлигини, бири аниқловчи, иккинчиси аниқланмиш эканлигини кўрсатади. Қаратқичнинг –н шакли поэтик нутқда бошқа нутқ шаклларида ишлатилмайди.

Қаратқич келишиги қўшимчаси қарашлилик маъносини англатганда худди шу вазифани бажарувчи –**ники** қўшимчаси билан синонимик муносабатга киришади. Бундай вақтда –**нинг** ва –**ники** қўшимчалари функциядош бўлади. Бу эса уларнинг транспозициясига имкон беради. –**ники** ва –**нинг** қўшимчаларининг синонимик восита сифатида ишлатилиши ҳам кўпроқ ҳозирги поэтик нутқ учун хосдир: Бағринга торт, кучоқла, баҳор, Жозибалар барчаси сенинг. (Х.О.)

Қаралмиш конкрет от билан ифодаланганда, қаратқич -қаралмиш бирикмасидаги –**нинг** қўшимчасини –**ники** билан алмаштириш доим мумкин бўла бермайди: Икки юз йил елканг сенинг Эзди лорду, тахту тож .

Ҳозирги ўзбек адабий тилида аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиши меъёр хисобланади. Буларнинг ўрнини алмаштириш ёзувчи ёки сўзловчининг мақсади билан боғлиқ. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, қаратқич ва қаралмишнинг ўрнини фақат қаратқич белгили бўлгандагина алмаштириш мумкин. Бу ҳам асосан поэтик нутқ учун хос. Масалан:

Эй муқаддас гул диёрим, гулшаним жоним менинг,

Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг! (У)

Тарихий мавзуда ёзилган баъзи бир прозаик асарлар тилида, баъзан ҳозирги поэтик асарлар тилида кишилик олмошларининг биринчи шахс бирлик ва кўплигига қаратқич –им шаклида қўшилади. Бунда –им қаратқич келишиги қўшимчасининг синоними сифатида ишлатилади. Мисоллар: Йўқ! Сиз биласиз! Маним пешонамга нелар ёзилган, салтанатнинг тақдири на бўлур–барини биласиз.

Бундан ташқари, кишилиқ олмошларининг биринчи шахс бирлиги гапда кириш сўз вазифасида келганда ҳам кўпинча –им шакли қўлланилади (менимча). Қаратқич келишигининг бу шаклида қўлланиши маълум даражада чегараланган. Унинг ўрнини ҳозирги ўзбек адабий тилида –нинг эгалламоқда (менинча) Қаратқич келишиги қўшимчаси-нинг кўмакчилар билан синонимик ҳолатда деярли ишлатилмайди.

Ҳозирги ўзбек тилининг ҳамма услубларида тушум келишиги қўшимчаси –ни. Оғзаки нутқда –н, -и варинатларидан ҳам фойдаланилади.

Тушум келишигининг белгисиз шакли бош келишиқ ва қаратқич келишигининг белгисиз шакли билан омоним ҳисобланади. Қиёс қилинг: Гул очилди// гул барги// гул келтирди каби. Ҳар учаласида ҳам гул сўзи биронта формантга эга эмас, аммо биринчи гапда бош келишиқда–эга, иккинчисида қаратқич келишигида–аниқловчи, учинчисида эса тушум келишигида–тўлдирувчи. Улар бир-биридан шакл жиҳатдан эмас, семантик жиҳатдан ҳам фарқланади.

Тушум келишиги қўшимчасининг сақланиши ёки тушириб қолдирилиши кўп жиҳатдан уни бошқариб келган сўзнинг характериға боғлиқ. Масалан, сув ичдим дейиш мумкин, аммо сув севаман дейиш мумкин эмас.

Қаратқич билан тушум келишигини аралаштириш ярамайди. Мана бу мисолға аҳамият беринг: Директорни идорасида кўрдим-идорада директор кўрилган, агар бу гап Директорнинг идорасида кўрдим тарзида қурилса–кимдир бошқа кишини директорнинг хонасида (директорни эмас) кўрганлиги тушунилади.

Жўналиш ва тушум келишиқлари асосий хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Аммо уларни айрим қўшимча маъноларининг яқинлиғига кўра бири ўрнида иккинчисини синоним сифатида ишлатиш мумкин. Бу ҳолат диалектал (Самарқанд, Бухоро) ва адабий тилдаги қуршов ва экстралингвистик воситалар сабабли майдонга келади. Қиёсланг: Менга пахтани юклашни буюрди//мени пахта юклашға буюрди.

Чиқиш келишигидаги сўз ўтимли феъл томонидан бошқарилганда ҳаракатнинг предметға ўтганлиги маъноси ифодаланади ва шу маъноси билан тушум келишигиға синонимик муносабатда бўлади. Бироқ чиқиш келишиги ҳаракатни предметнинг қисмиға ёки қисми орқали предметға ўтганлиги маъносини, тушум келишиги шу келишиқдаги сўз орқали ифодаланган предметға ҳаракатнинг тўлиғича ўтганлиги маъносини англатади. Қиёсланг: Юзларимни силаб-сийпалаб, Бахтинг бор, деб эсади еллар.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Отларда кўплиқ қўшимчаси яна қандай маъноларда қўлланилади?
- 1.2. Мавҳум ва атоқли отлар кўплиқ қўшимчасини олганда қандай маъноларни англатади?
- 1.3. Келишиқ қўшимчаларининг услубий хусусиятларини санаб беринг.
- 1.4. Қаратқич ва тушум келишигининг турли маъноларда қўлланишини изоҳланг.
- 1.5. Гул очилди, гул барги, гул келтирди жумлаларини қиёсланг.
- 1.6. Тушум келишиги билан чиқиш келишиги қўшимчалари қўлланишидаги ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсланг.
- 1.7. Жўналиш келишиги билан тушум келишиги қўшимчасидаги синонимик муносабатни изоҳланг.
- 1.8. Келишиқ қўшимчаларини кўмакчилар билан синонимик муносабатда бўлишини мисоллар ёрдамида изоҳланг.

2-савол бўйича дарс мақсади:

- Талабаларда эғалиқ қўшимчаларининг услубий қўлланилиши ва субъектив баҳо қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги эғалиқ категориясининг услубий хусусиятларини тушунтиради.
- 2.2. Талабаларға –ники қўшимчасининг услубий хусусиятларини тушунтира олади.
- 2.3. Эғалиқ қўшимчалари қайси ҳолатларда тушириб қолдирилишини изоҳлай олади.
- 2.4. Эғалиқ қўшимчаларининг маъно нозиклиқларини ажрата билади.
- 2.5. Отларда субъектив баҳо шаклларининг услубий хусусиятларини изоҳлай олади.

2- саволнинг баёни:

Эгалик категориясининг усулбуй хусусиятлари

Ҳозирги ўзбек тилида эгалик категорияси кўрсаткичларининг морфологик вариантлари унча кўп эмас. Иккинчи шахснинг кўплиги уч морфологик вариантга эга: -ингиз, -инглар, -ларинг. Учинчи шахс кўрсаткичининг эса иккита морфологик варианты бор: -и, -си.

Иккинчи шахснинг морфологик вариантларидан –ингиз формаси адабий тил учун ҳам, оғзаки сўзлашув нутқи учун ҳам умумий. Қолганлари эса жонли сўзлашув нутқи учун характерли. Уларни оғзаки нутқда, бадий ва публицистик нутқда бир-бирларига нисбатан синоним сифатида қўллаш мумкин.

-и, -си вариантларининг қўлланиши қатъий қонуниятга асосланган. Уларни бири ўрнида иккинчисини ишлатиш кўпинча адабий тил нормасининг бузилишига олиб келади.

Умуман, эгалик тушунчаси ўзбек тилида морфологик, синтактик ва аралаш йўллар билан ифодаланади. Қаратувчи қўлланмаган ҳолатда тегишлилик, хослик маъноси эгалик кўшимчасини олган қаралмишдин сезилиб турса, бу морфологик йўл билан эгаликнинг ифодаланиши ҳисобланади.

Ўзбек тилида, умуман туркий тилларда ҳам эгалик кўшимчаларининг кишилик олмошларига алоқадорлиги, яъни эгалик кўшимчасининг ҳар бири ўзи қўшилиб келган сўз орқали ифодаланган предметнинг маълум шахсга тегишли эканлигини кўрсатиши худди шу шахсларни кўрсатувчи–кишилик олмошлари билан ифодаланган қаратувчини тушириб қолдириш имкониятини туғдиради. Чоғиштиринг: менинг китобим// китобим, сенинг китобинг// китобинг. Ўзбек тили эгалик, қарашлилик тушунчасини ихчам ифодалаш хусусияти билан бошқа кўпгина тиллардан фарқ қилади. Жумладан, немис, француз, рус тилларида (моя книга) –қаралмиш ҳеч қандай кўшимча олмайди. Қараткич тушириб қолдирилса, предмет кимга ёки нимага тегишли эканлигини билиб бўлмайди.

Ўзбек тилида ҳам баъзан оғзаки нутқда ва поэзияда эгалик тушунчасини менинг китоб тарзида ифодалаш учрайди. Эгаликнинг бундай ифодаланиши синтактик усул билан ифодаланиш деб юритилади. Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат, меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона. (Ғ.Ғ.)

Қарашлилик, эгалик тушунчаси –**ники** кўшимчаси воситасида ҳам ифодаланади. Бундай вақтда абстракт эгалик маъноси англашилади. Чунки –ники кўшимчасини олган сўз қайси предметга ёки шахсга (хоҳ бирлик, хоҳ кўплик бўлсин) тегишлилиги аниқ кўрсатилмайди. -ники кўшимчасини олган сўз гапда илгари эслатилган предметнинг шах сёки предметга тегишли эканлигини кўрсатади. Баъзан –ники кўшимчасини олган сўз гапда қўлланади-ю, аммо қарашли бўлган предмет тушириб қолдирилади. Бундай вақтда у гап конструкциясидан билиб олинади. Масалан: «Холамнинг бола-чақалари бўлмаганлигидан уйлари бизникига ўхшаш тўс-тўполон эмас, йиғинчоқлик»(Ғ.Ғ) гапида уйимиз сўзи тушириб қолдирилган. Уни гап конструкцияси талаб ҳам қилмайди. Лекин жумла мазмунидан холанинг уйи бизнинг уйга таққосланаётганлиги анна шу «бизникига» сўзидан англашилиб туради. Бизники сўзи бу ўринда «бизнинг уй» бирикмаси билан синонимик муносабатда.

Агар –(и)м, -(и)нг, -(и)миз -(и)нгиз туридаги эгалик кўшимчалари ўзи қўшилиб келган сўз орқали ифодаланган предметнинг бирор шахсга тегишли эканлигини билдирса, -ники кўшимчаси шахсга тегишли бўлган предметни кўрсатувчи сўзга қўшилмайди., балки у предмет қарашли бўлган шахс ёки предметни кўрсатувчи сўзга қўшилади. Бу хусусияти билан –ники кўшимчаси эгалик кўшимчасидан кўра қараткич келишиги кўшимчасига яқинлашади. –ники кўшимчали конструкцияни шунинг учун ҳам қараткичли (аралаш) конструкция билан алмаштириш мумкин: Китоб сеники (меники ёки уники) каби бирикмаларни ўрни билан маънога унча зарар етказмаган ҳолда, менинг (сенинг ёки унинг) китоби (-м, -инг), гулнинг ғунчаси, гул эса менинг (сенинг ёки унинг) гули (-м, -инг) типигаги конструкцияларни қўлласа бўлади.

–ники кўшимчаси анлатган маънони баъзан қараткич келишиги кўшимчаси ҳам бажаради. Бу кўпроқ поэзия тили учун хос:

Бағринга торт, кучоқла, баҳор! Жозибалар барчаси сенинг, Ишга кирган, гуллаган чоғи, Сен ёшлиги буюк ўлканинг. (Ҳ.О)

Эгалик қўшимчасини қуйидаги ҳолатларда тушириб қолдириш мумкин:

1. Эгалик қўшимчасини олиш лозим бўлган сўз (қаралмиш) жамлик, тур маъносини ифодалаганда, I шахс эгалик қўшимчасининг кўплик шакли туширилиб қолдирилиши мумкин: -Ўзимизнинг **узумдан**, раҳматли қиблагоҳимиз ўтказганлар. (Ж.Икромий)
2. Қаралмиш атоқли отлар билан ифодаланганда, I шахс эгалик қўшимчасининг кўплик шакли туширилиб қолдирилиши мумкин: бизнинг **Ватан**, бизнинг **Тошкент каби**.

Бунда эгалик қўшимчаси тушириб қолдирилганлиги қаратқичдан билиниб туради. Қаратқич қаралмишли бирикманинг бу кўриниши поэтик нутқ учун хос.

3. Қаратқич қаралмиш орқали ифоаланган предмет ёки белги билан фахрланганда, мағрурланганда III шахс эгалик қўшимчасининг кўплиги туширилиб қолдирилиши мумкин: Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат, Вафо ҳунаридир, меҳнат одати. (Ғ.Ғ)

Эгалик қўшимчасини олган сўзлар соф эгалик (реал қарашлилик), қарашлилик маъносидан ташқари, қуйидаги маъно нозикликларини ифодалайди:

1. Эркалатиш, илҳомлантириш маъносини. Бу маъно кўпроқ эгалик қўшимчасини олган сўзни эрка, хушрўй, жон, она каби сўзлар ёки субъектив баҳо шакллари билан бирга ишлатиш натижасида келиб чиқади, бу сўзлар ва субъектив баҳо шакллари эгалик қўшимчасининг шу маънони ифодалашида актуализатор ролини бажаради. Сўзловчи ёки ёзувчи эгалик қўшимчасини бундай қўллашда шу қўшимчани олган сўз орқали ифодаланган предметга ёки воқеа-ҳодисага бефарқ қарамайди, унга ўз муносабатини билдиради. Бу муносабат, асосан, ижобий хатактерга эга бўлади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, интонация воситасида ҳар қандай ижобий маъно билдирувчи ёки нейтрал маъноли сўзга ҳам аниқ ситуацияда салбий бўёқ бериш мумкин. Қизим, қизгинам, болам, болажоним, она қизим, эрка қизим туридаги сўзлар ва бирикмаларнинг экспрессивлик жиҳатдан фарқини чоғиштириб кўринг: қизим сўзи интонация ёрдамида эркалатиш маъносини беради. Лекин қизгинам, болажоним, она қизим каби сўз ва бирикмалар алоҳида интонациясиз ҳам эркалатиш маъносини бера олади: Баракалла, болажонларим, кўнгилларинингга нима ёкса, шуни қилинглар, -деди у.
2. Койиш, нолиш, норозилик маъносини. Бундай маънони аниқлашда контекстнинг аҳамияти катта. – Шўргинам қурсин... Кўрмайсизларми...Беш-олти йилдан бери битта пайпоқ олиб бергани йўқ-ку ҳамма кийимларимга керосин сепиб ўт қўйди...(А.Қ.)
3. Тинчлантириш, ачиниш маъносини. Бунда ҳам интонация, контекст ҳал қилувчи роль ўйнайди: -**Болагинам**, бу аҳволда ўзингни еб қўядиганга ўхшайсан-ку! («Гулдаста»).
4. Киноя, кесатиқ маъносини. Совқотиб қолдиларингми?-Совуқ, **ошнам**, қишлоққа тез етамизми деяпман? (Д.Фурманов)
5. Эгалик қўшимчасини олган сўз ундалма вазифасида келиб, тингловчининг диққатини ўзига тортиш учун ишлатилади. Шу билан бирга огоҳлантириш, таъкид, менсимаслик маъносини билдиради: **Иним**, сен ҳали ёшсан, энди йигирма иккига қадам қўйдинг. (Ж.Шарипов)
6. Фахрланиш, камтаринлик маъносини билдиради. Камтаринлик маъноси, асосан, илмий усул учун хос бўлиб, эгалик қўшимчасининг кўплик шакли унинг бирлиги ўрнида қўлланганда юз беради. Мисол: Ишимизда йирик турколог олимларнинг фикрларига асосланганмиз (ишимда дейилмоқчи). Фахрланиш маъносини аниқлаш учун эгалик қўшимчасидан фойдаланиш оғзаки нутқда ҳам, бадий асар тилида ҳам учрайди: Олахўжа тушунтирди:
- Бу бизнинг ўғлимиз, мулла, буни ўзингиз алоҳида эътибор бериб ўқитасиз. (П.Т.)
7. Эгалик қўшимчаси ижобий қиррали маънодаги сўзларга қўшилганда ҳам, эркалатиш маъносини аниқлатади:
- Қизарма энди, **бўтам**, –деди Набигул амаки мени тушунгандек маъноли жилмайиб, -лекин бундан кейин ҳеч қачон сўроқсиз бунақа иш қилма.
8. Оилавий муносабатда қўлланадиган айрим табулашган сўзларга қўшилиб, хушмуамалалик маъносини ифодалайди: -Э, э, келанг, **онаси** Манзура Муқимова, манавини кўринг-а. –Домла шишани унинг бурнига яқинлаштирди. («Чаккига дакки»)

Феълларда модаллик шаклларининг услубий хусусиятлари.

Ҳозирги ўзбек тилидаги **-ча, -гина, -чоқ, -чак, -чиқ, -лоқ, -жон, -хон** туридаги сўзловчининг борлиққа, ўз нутқига муносабатини кўрсатувчи шакллари, асосан, от ва сифат таркибидан ўрганилиб, феълларда модаллик шакллари термини билан юритилади.

Морфологик шакллар ичида феълларда модаллик шаклларида услубий бўёқ аниқ сезилиб туради. Бу шакллар кўпроқ бадий нутқ учун характерли бўлиб, у оз бўлса-да, оғзаки сўзлашув нутқида учрайди.

Адабий жанрлардан асосан лирик жанрда ёзилган поэтик асарларда, публицистикада кўзга ташланади. Расмий иш қоғозлари, юридик ҳужжатлар, илмий услубларда услубий бўёқ кам ишлатилади.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, услубий бўёққа эга бўлган ўзда шу маънони кўчайтириш учун хизмат қилувчи эгалик қўшимчидан аввал эркалаш-кичрайтириш шакллари қўшилган бўлади. Агар феълларда модаллик шакллари экспрессив қиррали сўзга эркалаш-кичрайтириш оттенкаси қўшса, ундан сўнг қўшиладиган эгалик қўшимчаси шу маънони кучайтиради, таъкидлайди. Семантик плеоназм юз беради. Сўзсиз, маънода ҳам айрим нозик ўзгаришлар бўлади. Қуйидаги жуфтларни чоғиштириб кўринг: бек // бекач // бекачим, кўзи// кўзича//кўзичоғим, той//тойча каби.

Кичрайтириш оттенкали феълларда модаллик шакллари. –ча морфемаси. Бу қўшимчанинг сўз ясовчилик, сўз ўзгартувчилик ва шакл ясовчилик хусусиятлари мавжуд. Бўғча, ақча, олача каби сўзлар таркибидаги **-ча** қўшимчаси феълларда модалликни билдирувчи **-ча** қўшимчасининг омоними.

Функционал усулда **-ча** морфемаси ҳар хил кўринишларга эга эмас. У кўпроқ феълларда модалликни ифодалашда сўзлашув нутқида ишлатиладиган морфема ҳисобланади. **-ча** морфемаси бошқа морфемалар билан кам синонимик муносабатда бўлади. Феълларда модаллик ифодалашда эса баъзи қўшимчаларга синоним бўла олади: қизча//қизалоқ каби. Баъзан **-ча** қўшимчаси тожик тилидан қаул қилинган **-ак** қўшимчаси билан синоним бўлади: йўлча// йўлак//. Бироқ буларнинг маъносида нозик фарқлар сезилиб туради. Масалан, қизча сўзида кичрайтириш оттенкаси кучлироқ бўлса, қизалоқ ва қизгина шалларида эркалатиш оттенкаси кучлироқ.

-ча қўшимчаси контекст, лексик-грамматик қуршов, негиз англатган маъно билан боғлиқ равишда феълларда модаллик эмоционаллик, экспрессивликка-услубий бўёққа эга бўлади. Яъни сўзловчи нутқ қаратилган предметни кичрайтириш билан бирга уни ўз нуқтаи назаридан ё ижойий, ё салбий томондан баҳолайди. Бундай вақтда **-ча** нинг бу маъноси асосий (кичрайтириш) маъноси устидан қўйилган иккинчи қаватга ўхшайди. Ана шу иккинчи қаватда сўзловчининг объектга муносабати, баҳоси мужассамлашади.

-ча қўшимчаси туб маъноси билан кичик нарсани эмас, балки нейтрал қимматдаги сўзларга қўшилиб, кичрайтириш оттенкасини келтириб чиқаради. Агар у кичрайтириб кўрсатувчи аниқловчиси бўлган сўзларга қўшилса, кичрайтириш билан бирга эркалаш оттенкаларини ҳам ифодалайди. Яъни:

эшик//эшикча// кичкинагина эшикча

-ча морфемаси кўрсатилган ижобий оттенкали маъно билан бирга салбий эмоционал –экспрессив маънони –камситишни ҳам билдириши мумкин. Бу кўпроқ сўзловчининг ўзини объектга нисбатан устун қўйиш ҳиссиёти асосида пайдо бўлади. Бу эса контекст ва интонациядан сезилади: Аҳмадча, Салимча каби. Мисол: Қани, гапир, галстук таққан **мақсимча!** (Мирмуҳсин).

Бир ойдан сўнг кўзин юмиб Маманиёз,

Кўканчага мерос копти буд-шуд, оз-моз. (Ғ.Ғ)

-чак, -чоқ, -чиқ қўшимчалари бир-бирлари билан синонимик муносабатда бўлиб, бири иккинчисининг функциясини бажариши мумкин: солинмоқ //солинчақ, эринчоқ// эринчак каби.

-чоқ, -чак шакллари ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ учун, **-чиқ** эски ўзбек тили (қопчик, қорачик -ҳозир ҳам актив) ва сўзлашув нутқи учун хос.

Бироқ болачиқ, ёнчиқ, ипчиқ, қавариик каби сўзлардаги **-чиқ** қўшимчасини **-чоқ** билан алмаштириб бўлмайди. Демак, улар ҳар доим ҳам бир-бирининг вазифасини бажара олмайди.

-гина эркалаш оттенкасини ифодаловчи энг маҳсулдор қўшимча **-кина, -қина** эса унинг фонетик вариантлари ҳисобланади. Функционал усулларда бу қўшимчаларнинг бошқа шакллари йўқ. Бу

қўшимчалар эркалаш, суюш маъносида, асосан, сўзлашув ва бадий нутқда ишлатилади. Расмий ва илмий усулда улар жуда кам қўлланилади – пассив.

-гина морфемаси кичрайтириш, эркалаш маъносида –ча қўшимчаси билан синоним бўла олади: қизгина //қизча каби.

-гина қўшимчаси **болагина, қизгина** каби от ва сифатларга қўшилиб, субъектнинг объектга муносабатини билдиради. Бу қўшимчалар **секингина, эндигина** каби равиш, олмош, сон, хатто ундов ва кўмакчиларга ҳам қўшила олади.

Семантикасида озлик, камлик, кичиклик маъноси мавжуд сўзларга қўшилган –**гина** сифатнинг қиёсий даражасини билдирувчи –роқ қўшимчаси билан синонимик муносаатда бўлади: озгина //озроқ. Озликнинг аксини кўрсатувчи сўзларга қўшилганда ва бошқа кўпгина ҳолларда – гина қўшимчасини –роқ қўшимчаси билан алмаштириш мумкин эмас: анчагина// анчароқ.

-гина қўшимчаси сифатларга қўшилиб, **-имтир, -иш, -ғиш** шакллари билан ҳам вазиятга кўра синоним бўла олади: оққина //оқиш.

-гина қўшимчаси ўзи қўшилиб келган сўз билан биргаликда қуйидаги маъноларни англатади:

а) кичрайтириш маъносини: Онаси тўрдаги бурчакка югуриб сарғайиб кетган **кичиккина** қоғоз олди.

б) кичрайтириш-эркалаш маъносини: Агар қимматли вақтларингизни аямасангиз, бир **энликкина** хат ёзсангиз...

в) эмоционал-экспрессивлик маъносини: Бу ўринда –**гина** (**-кина, -қина**) қўшимчаларини олган сўзнинг кўчма маъносига эътибор берилади. Масалан, ақлнинг ката-кичиклигини ўлчовчи ўлчов бирлиги йўқ. Турмушнинг аччиқ ёки ширинлигини ҳам ўлчовчи махсус ўлчов бирлиги йўқ. Шу сабабли кичкина ақл ширингина турмуш дейилганда, улар тўғри маънода тушунилмайди, балки турмуш қурганларнинг иноқ яшаши, ақл эгасининг кичиклиги англашилади.

–гина қўшимчасининг эмоционал-экспрессивликни англатишида гапнинг умумий руҳи ва нутқ сўзланиб турган турган пайт муҳим роль ўйнайди. Бунда –**гина** кўпинча экспрессив бўёқдор сўзга қўшилади: Йў-ўқ, азизим, бекоргинани айтибсан дедим, бу гапинингни қўй дедим.

-**лоқ** қўшимчаси ҳам отларга қўшилиб, субъектив маъно англатади. Бу қўшимча кичрайтириш-эркалаш маъносини англатиш учун хизмат қилади ва асосан, семантик жиҳатдан нисбатан кичик, нозик предметларни англатувчи сўзларга қўшилади. У отларга қўшилиб, кичрайтириш-эркалаш маъносини билдирганда, **-ча** қўшимчаси билан синонимик муносабатга кириша олади: бўталок //бўтача, қизалок// қизча.

-**лоқ** қўшимчаси ҳам кичрайтириш (чақалок, бўталок), кичрайтириш –эркалаш (қизалок), баъзан эса контекст билан боғлиқ равишда эмоционал-экспрессивликни ҳам ифодалай олади.

Феълларда модаллик ифодаловчи шундай шакллар ҳам борки, улар фақат кишиларга айтиб қўйилган номларга, қавм-қариндошларни билдирувчи сўзларга қўшилади ва сўзловчининг объектга муносабатини билдиради. Бу гуруҳга кирувчи қўшимчалар, асосан, эркалаш, эмоция ифодалаш учун хизмат қилади.

Феъллардаги модалликни билдирувчи бундай қўшимчалар эркаларнинг исмига қўшиладиган (**-жон, -бой, -бек, -қул**) ва аёлларнинг исмига қўшиладиган (**-хон, -ой, -гул, -бону, -бека, -бекач, -биби, -нисо**) шакллар деб икки ката гуруҳга ажратилади. Буларнинг баъзилари –хон ва –жон кабилар аёл ва эркалар исмига ҳам, қавм-қариндошлик атамаларга ҳам алмашиб қўшила бериши мумкин: Мусахон, Алихон, Отахон, Ўғилжон, Қизларжон, аммажон, холажон каби. Бирок бошқаларнинг синонимлар сифатида алмаштириб қўллаб бўлмайди. Улар ўртасидаги чегара катъий. Лекин ҳар бир гуруҳ ўз ичида бир-бирлари билан синонимик муносабатга киришиши мумкин: Муроджон//бек//бой//қул; Мустафожон// бек// бой// қул; Турсунхон//ой//гул//бону//биби; Салимахон//ой//бону//гул// биби

Бу феълларда модаллик формаларидан –жон, -хон, -бой нисбатан фаол, **-қул, -нисо, -бека, -бекач, -бону** шакллари эса ҳозирги ўзбек тилида нисбатан нофаол ишлайди.

Хосланган услубларнинг сўзлашув ва бадий услуб тури учун хос. Расмий ва илмий усулда мазкур шакллар объектни баҳоловчи восита сифатида қўлланилмайди.

Ўзбек тилида баъзан эркаланишнинг айрим русча шакллари ҳам учраб туради: **-чик, -очка, -ечка, -ик.**

Улар баъзан кичрайтириш, эркалаш маъноларини беришда, баъзан эса киноя, пичинг маъноларини келтириб чиқаришда фойдаланилади. Бу шаклларнинг қандай маънода ишлатилганлиги контекстдан билиб олинади. Булар поэзияда –жон, -хон морфемаларининг синонимлари сифатида ҳам ишлатилади: Дедилар бир йигинда керакмас ҳеч хон демак, Хайрихоннинг ўрнига Хайричкаси яхшидир. (В.Абдулла)

-он кўшимчасига икки хил қараш мавжуд. Айрим тилшунослар уни форс-тожик тилидаги **–он** каби кўплик кўшимчаси сифатида талқин қилсалар, иккинчи бир хиллар «кичрайтиш-эркалаш билдирувчи морфема» (А.Ғуломов) сифатида изоҳлайдилар.

-кон, -вор, -ғон, -дон, -лон морфемалари ҳозирги ўзбек тилида санокли сўзлардагина ишлатилади ва катталаштириш, эркалаш, тантанаворлик маъноларни билдириш учун хизмат қилади: **сухандон, чандон, билағон, олағон, тепағон, топағон, улуғвор, зўравон, учовлон** каби. **Топғич топағон, ўғил ўғлон, улуғ улуғвор** сўзлари маъно қирраларини фарқни қиёс қилинг: улуғ (великий) – улуғвор (величественный, грандиозный). (Қаранг: Узбекско-русский словарь. М., 1959. стр.475-476)

Ўзбек тилида камситиш, киноя, пичинг каби феълларда модалликни ифодаловчи махсус морфемалар йўқ. (Бошқа тилларда, масалан, рус тилида бор.) Бундай маъно ўзбек тилида контекст ва махсус интонация ёрдамидагина ифодаланади. Масалан, -лар кўшимчаси контекст ва интонация билан боғлиқ равишда киноя маъносини англатиши мумкин: Бир бой мақбара солдирибди. Мақбара битгандан кейин устани чақириб: Қани айт бу иморатнинг мукамал бўлиши учун Яна нима етишмайди деб сўрабди. Шунда уста:

- Фақат жасадлари, холос, -деб жавоб берибди. («Ўзбекистон маданияти».)

Сўзловчи **–жон** морфемасини ўзидан ёши ката кишига мурожаатида унинг исимга (ака, тоға, бўла каби қавм-қариндошлик терминларини қўлламай) қўшиб айтиш билан камситиш услубий бўёқдорлигини бериши мумкин: Қиёсланг: Аҳмаджон ака келди (камситиш йўқ). Худи шу кишига нисбатан Аҳмаджон келди (сўзловси Аҳмаджонга нисбатан кичик ёшда) дейилса, камситиш услубий бўёқдорлиги юзага келади.

Феълларда модаллик шаклларининг плеонастик равишда қаватланиб ишлатилиши таъкид, кучайтириш каби маъно нозиклигини келтириб чиқаради ва услубий қийматга эга бўлади. Қиёсланг: кўрпа//кўрпача// кўрпачача; **Мақсим//Мақсимча//Мақсимчача; бўта//бўталок//бўталокча// бўталокқина** каби.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Эгалик кўшимчаларининг услубий қўлланилишини тушунтиринг.
- 2.2. Субъектив баҳо кўшимчаларининг услубий тавсифини беринг.
- 2.3. –ники кўшимчасинининг услубий хусусиятларини тушунтиринг.
- 2.4. Эгалик кўшимчаларини қайси ҳолатларда тушириб қолдириш мумкин.
- 2.5. Эгалик кўшимчаларининг маъно нозикликларини айтинг.
- 2.6. Эгалик кўшимчаларининг шахслар бўйича алмаштириб ишлатилиши қандай кўринишларга эга?
- 2.7. Субъектив баҳо шаклларининг услубий қўлланилишини изоҳланг.
- 2.8. –ча кўшимчасининг бошқа кўшимчалар билан синонимик муносабатини кўрсатинг.
- 2.9. –гина кўшимчасининг маъноларини санаб беринг.
- 2.10. –он кўшимчаси ҳақида қандай қарашлар мавжуд.

Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар:

1. –лар кўплик кўшимчасининг турли маъно нозикликларига эга. Сиз юқоридаги маъно нозикликларига яна қандай ҳолатларни кўшимча қиласиз?

2. Сизнингча эгалик кўшимчаларининг ноўрин қўлланиши адабий тил меъёрларининг бузилишига олиб келадими? Илмий далилланг.

Г) Модул бўйича якуний машғулот. От-сўзларининг семантик-услубий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Кўплик маъносининг ифодаланишидаги услубий имкониятлар. –лар кўшимчасининг феъл, олмош, равишларга кўшилиб келиши ва услуб хусусиятлари. –лар кўшимчасининг сўзлашув, илмий ва публицистик услубларда қўлланиш хусусиятлари.

2. Келишик кўшимчаларининг белгили ва белгисиз, плеонастик қўлланиши ва ўзаро синонимлик муносабати. Келишик кўшимчалари ва кўмакчиларнинг функционал алмашуви. Буларнинг нутқ услубларида қўлланиш хусусиятлари. Эгалик маъносининг ифодаланиши ва уларнинг плеонастик қўлланиши, функционал алмашинуви. Булардан услубий мақсадларда фойдаланиш.

3. Субъектив баҳо шаклларининг услубий тавсифи. Уларнинг ифодаланиш шакллари ва усуллари; вариантлари, синонимияси ва плеонастик қўлланиши. Булардан сўзлашув ва бадиий нутқда услубий мақсадларда фойдаланиш.

4. От ясовчи кўшимчаларнинг услубий тавсифи. Кўшма, жуфт ва такрорий отларнинг услубий қўлланиши.

Назорат саволлари:

1. Отларда кўплик кўшимчаси яна қандай маъноларда қўлланилади?

2. Мавҳум ва атоқли отлар кўплик кўшимчасини олганда қандай маъноларни англатади?

3. Келишик кўшимчаларининг услубий хусусиятларни санаб беринг.

4. Қаратқич ва тушум келишигининг турли маъноларда қўлланишини изоҳланг.

5. Гул очилди, гул барги, гул келтирди жумлаларини қиёсланг.

6. Тушум келишиги билан чиқиш келишиги кўшимчалари қўлланишидаги ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсланг.

7. Жўналиш келишиги билан тушум келишиги кўшимчасидаги синонимик муносабатни изоҳланг.

8. Келишик кўшимчаларини кўмакчилар билан синонимик муносабатда бўлишини мисоллар ёрдамида изоҳланг.

9. Эгалик кўшимчаларининг услубий қўлланилишини тушунтиринг.

10. Субъектив баҳо кўшимчаларининг услубий тавсифини беринг.

11. –ники кўшимчасинининг услубий хусусиятларини тушунтиринг.

12. Эгалик кўшимчаларини қайси ҳолатларда тушириб қолдириш мумкин.

13. Эгалик кўшимчаларининг маъно нозикликларини айтинг.

14. Эгалик кўшимчаларининг шахслар бўйича алмаштириб ишлатилиши қандай кўринишларга эга?

15. Субъектив баҳо шаклларининг услубий қўлланилишини изоҳланг.

16. –ча кўшимчасининг бошқа кўшимчалар билан синонимик муносабатини кўрсатинг.

17. –гина кўшимчасининг маъноларини санаб беринг.

18. –он кўшимчаси ҳақида қандай қарашлар мавжуд.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. Ё. Тожиев. Ўзбек тили морфемикаси.-Тошкент, 1992.

2. Ё. Тожиев. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси.-Тошкент: ТошДУ нашри, 1987 й.

3. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.

4. Ш. Шоабдурахмонов, М. Асқарова, А. Ҳожиев, И. Расулов, Ҳ. Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

5. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.

6. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.

7. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

8. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Фулмоаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

10-Мавзу: Сифат, сон ва олмош ва феъл услубияти**Ажратилган вақт – 2соат****Фанни ўқитиш технологияси:****“Сифат, сон ва олмош ва феъл услубияти” мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	Дарс мақсади: Талабаларда сифат ва сон туркумларининг услубий хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ҳосил қилиш. Олмошларнинг услубий хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Феълларда шахс –сон ва бўлишли-бўлишсизлик категорияларининг услубий қўлланиши ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилиш. Идентив ўқув мақсадлари: 1.1. Сон ва сифатнинг услубий хусусиятларини изоҳлай олади. 1.2. Сифат даражаларини ажрата билади. 1.3. Олмошлар от, сифат, сон эквиваленти эканлигини англаб етади. 1.4. Олмошларнинг ҳар хил услубда ҳар хил мақсадларда ишлатилишини изоҳлайди. 1.5. Феъл замонларининг услубий хусусиятларини шарҳлаб беради. 1.6. Майл шаклларининг услубий хусусиятларини тушунтира олади.	Ўқитувчи
2	Асосий тушунчалар : Сифат-муҳим услубий восита. Сон шакли ясовчи қўшимчалар. Шаклдошлик. Олмошлар. –лар қўшимчаси. Олмош турлари. Феъл замонлари, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон, буйруқ майли, шарт майли. Дарс шакли: ноанъанавий. Воситалар: Таркатма материаллар,ўқув қўлланмалари,слайдлар. Метод ва усуллар: Ижодийлик, савол-жавоб, репродуктив	Ўқитувчи, 10 минут
3	Гуруҳда ишлаш -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. - сифат ясовчи қўшимчаларни санаб беради. -феълнинг услубий қўллана олишини тушунтиради.	Ўқитувчи-талаба, 50 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар. 4.1. Сифат даражасини ҳосил қилувчи шакллар услубияти. 4.2. Сифат қўшимчаларининг бири ўрнида иккинчисининг синонимик восита сифатида ишлатилиши. 4.3. Сонларда сўз шаклини ясовчилар синонимияси. 4.4. Олмошнинг нутқни уюштиришдаги иштироки ҳақида нималарни биласиз? 4.5. Олмошларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўллана олишига мисоллар келтиринг. 4.6. Майл шаклларининг модал маънолари. Шахс-сон қўшимчаларининг ўзига хос услубий хусусиятлари қайсилар?	Ўқитувчи, 10 минут
5	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Сифат сўзларнинг услубий тавсифи. Сифатларнинг муҳим стилистик восита эканлиги. Сифатларни танлаш ва қўллаш усуллари. Қиёсий ва орттирма даража кўрсаткичларининг семантик-стилистик ва синомик	Ўқитувчи, 10 минут

<p>хусусиятлари. 2. Сонларнинг стилистик имкониятлари. Сон туркумининг семантик-грамматик хусусиятлари. Сонларда форма ясовчи қўшимчалар синонимияси.</p> <p>Олмошларнинг семантик-услубий имкониятлари. Олмошларнинг матнни уюштириш вазифаси. Олмош турларининг нутқ услубларида ишлатилиш хусусиятлари.</p> <p>Ҳозирги замон феъл шакллари бошқа замон шакллари ўрнида қўлланиб, улар англатиши лозим бўлган маънони ифодалаш мумкин. Илмий асарларда бу ҳодиса замон шакллариининг кўчиши сифатида талқин қилинади.</p> <p>Назорат саволлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўтган замон феъли бошқа замон феъллари ўрнида қўллана оладими? 2. Ўтган замон феъл шаклининг келаси замон маъносида ишлатилишига мисоллар келтиринг. 3. Ҳозирги замон феълнинг ўтган замон маънода ишлатилиши қандай натижа беради? 4. Келаси замон феъллари ўтган ва ҳозирги замон шакллари ўрнида келишига мисоллар келтиринг. 5. Мақоллар қайси замонда бўлади. 	
--	--

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Сифат ясовчи қўшимчалар орасида маънодошлик. Сон услубияти. Олмош услубияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Феълда замон ва майл шакллари, шахс –сон ва бўлишли, бўлишсизлик шакллариининг ўзига хос услубий жиҳатлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Сифат-муҳим услубий восита. Сон шакли ясовчи қўшимчалар. Шаклдошлик. Олмошлар. –лар қўшимчаси. Олмош турлари. Феъл замонлари, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон, буйруқ майли, шарт майли.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Сифат даражаси ҳосил қилувчи –роқ қўшимчасини қиёсий даража қўшимчаси қандай қўшимчалар билан синонимлик муносабат ҳосил қилиши мумкин?
2. Нима олмошини қандай нозик қирраларини биласиз?
3. Феъл замонларини баъзан алмаштириб ишлатиш мумкинми? Сизнингча бундай ҳолатда қандай маъно ўзгариши рўй беради?
4. Феъл майли шакллариини бошқа маънода ишлатса бўладими? Қандай маъно ўзгариши рўй беради?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларда сифат ва сон туркумларининг услубий хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ҳосил қилиш. Олмошларнинг услубий хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Сон ва сифатнинг услубий хусусиятларини изоҳлай олади.
- 1.2. Сифат даражаларини ажрата билади.
- 1.3. Сифат ясовчи қўшимчаларни санаб беради.
- 1.4. Соннинг услубий қўлланишини тасаввур қилади.
- 1.5. Сонлардаги шакл ясовчи қўшимчаларнинг услубий хусусиятларини бир-биридан фарқ қила олади.
- 1.6. Олмошлар от, сифат, сон эквиваленти эканлигини англаб етади.
- 1.7. Олмошларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўлланиши имкониятларини очиб беради.
- 1.8. Олмошларнинг ҳар хил услубда ҳар хил мақсадларда ишлатилишини изоҳлайди.
- 1.9. Кўрсатиш олмошларининг ўзига хос услубий хусусиятларини таҳлил қилади.

- 1.10. Сўроқ олмошларининг бадий асарлар тилида ишлатилиши шакллари кўриб чиқади.
- 1.11. Белгилаш олмошларининг бир-бирига синонимик муносабатга кириша олишини исботлайди.
- 1.12. Гумон олмошларининг услубий қўлланишидаги ўзига хосликни кўриб чиқади.

1- саволнинг баёни: Сифат, сон ва олмош ва феъл услубияти

Сифат маълум бир белгини кўрсатувчи мустақил сўз бўлиб, шакли жиҳатидан бошқа сўз туркум (от ва отлашган сўзлар) ларининг маълум хусусиятини аниқлаштиради, унинг маъносига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Сифат сўз туркуми поэтик восита сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. У бадий адабиёт тилида энг кўп учрайдиган ўхшатишдан ҳосил қилишда қўлланилади.

Бундан ташқари, сифат туркуми тармоғида синонимия ҳам кенг тарақий этган. Бу синонимиянинг хосланган услублар нуктаи назаридан чегараланганлиги ҳам сезиларли даражададир. Буларнинг ҳаммаси сифат сўз туркумининг услубий жиҳатдан талқин қилинишига имкон беради.

Сифат даражасини ҳосил қилувчи шакл услуби. Сифатлар предмет белгисини тўғридан-тўғри (ок қоғоз, қизил олма) ва бир белгини бошқа белги билан чоғиштириб, қиёс қилиб кўрсатиши мумкин. Шу хусусиятлари асосида сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари фарқланади.

Сифатнинг қиёсий даражаси **-роқ** морфемаси ёрдамида ҳосил қилинади ва у, асосан, белгининг меъёрига етмаганлигини билдиради. Мсалан: Тоқиси новчароқ одамнинг боши тегадиган эски болохона гулдор шолчалар, чиройли жиҳозлар билан безалган эди.

-роқ морфемаси ўзи қўшилиб келган сўз орқали ифодаланган предмет белгисининг оддий даража ҳолига етмаганлигини кўрсатиши билан шунга яқин маъно англатувчи **-иш, -мтир, -имтир** морфемалари билан синонимик муносабатда бўла олади. Қиёс қилинг: қорароқ қаромтир, қизилроқ қизғиш, сариқроқ, сарғиш. Уларнинг фарқи шундаки, қиёсий даража кўрсаткичи **-роқ** предмет белгисини бошқа белгиларга қиёсан кўрсатади. **-иш, -мтир, -имтир (-имтил)** морфемалари биргина предмет белгисининг камлигини, кучсизлигини англатади. Бу формаларнинг ўзи ҳам ўзаро синонимик муносабатдадир. Мисоллар: Уйларнингдаразасида ғира-шира сарғиш (сарғимтил) шуълалар кўрина бошлади.

-роқ морфемаси айрим белги билдирувчи аналитик шакллари билан ҳам синоним бўла олади: яхшироқ бир оз яхши, окроқ- бир оз ок, кўкроқ ним кўк каби.

-роқ қўшимчаси баъзан бошқа воситалар ёрдамида, улар билан birlikда предмет белгисининг нисбатан ортиқлигини ҳам кўрсатади: Салим Каримга қараганда каттароқ, Салима Каримага нисбатан чиройлироқ.

Жуфт сифатлар ҳам предмет белгисининг ортиқлигини кўрсата олади: кўм-кўк, кип-қизил, сап-сарик, қоп-қора каби. Маълум конструкцияларда энг сўзи юқоридаги жуфт сифатлар билан алмаштириб ишлатилиши мумкин:

Бир Ватаннинг ўғлиманким, ҳар тараф гул лола боғ,
Қалб кўзидай энг қоронғи кўчада порлар чироғ.
Осмонларнинг тиниқ, кўм-кўгини танлайман.

Мисоллардаги **энг қоронғи** бирикмаси ўрнида **қоп-қоронғи** сўзини, **кўм-кўк** сўзи ўрнида эса **энг кўк** бирикмасини қўллаш мумкин. Предмет белгисининг ортиқлигини кўрсатувчи энг сўзи ўрни билан худди шундай вазифа бажарувчи **жуда, ғоят, ниҳоят, беҳад, чексиз, ғоятда, ниҳоятда** каби сўзлар билан вазифадошлик қила олади. Чоғиштиринг: **энг гўзал//жуда //ғоят//ниҳоят//беҳад//чексиз// ғоятда гўзал**. Бу ўринда ҳам фарқ қиёсийлик ва бир предмет белгисининг қиёс қилинмасдан ортиқлигини кўрсатиш масаласи билан боғлангандир. Булардан энг, жуда сўзи ҳамма усуллар учун умумий; **ғоят, беҳад, чексиз, ғоятда** кабилар шу вазифада кўпроқ бадиий нутқ услуби ишлатилади.

Ўзбек тилида кўпгина услублар бир-бирига яқин ёки бир хил маъно англатувчи сифатлар ясади. Сифат ясовчи кўшимчалар бир-бирлари билан ҳамда бошқа-бошқа гуруҳдаги сифат ясовчи кўшимчалар билан ҳам синоним бўла олади. Масалан, **-ли** кўшимчаси ўзбек тилидаги **-сиз** кўшимчаси ва форс-тожик тилидан қабул қилинган **бе-, но-** олд кўшимчаларининг антонимидир. – **сиз, бе-, но-** морфемалари предметнинг бирор белгига эга эмаслигини, **-ли**, аксинча, предметнинг бирор белгига, хоссага эга эканлигини кўрсатади: Қаршидаги уйдан мусиқа садоси эшитилади, торлар ёқимли ва ғамгин нола қилади.

Ўзбек тилида **-ли ва –лик** кўшимчалари кўпинча фарқланмасдан бири ўрнида иккинчиси ишлатила беради. Ҳатто баъзи илмий асарларда ҳам улар синонимлар сифатида талқин қилинади. Тўғри, баъзи сўзларда **-ли ва лик** кўшимчаларининг бири ўрнида иккинчисисни қўллаш мумкин. Масалан, чиройли-чиройлик, пулли-пуллик, сезиларли-сезиларлик сўзлари составида **-ли ва –лик** морфемаларининг алмаштирилиши маънога салбий таъсир қилмайди. Аммо милтиқли киши, кўзойнакли одам, самарқандлик одам, тошкентлик чавандоз типидagi конструкцияларда **-лик ва –ли** кўшимчаларини алмаштириб ишлатиш мумкин эмас ёки маънода тамоман фарқланувчи телпакли (одам) телпаклик (тери), болали (хотин), болалик (даврим) сўзларида ҳам **-ли ва –лик** кўшимчаларининг функцияларини бир-биридан тубдан фарқ қилади.

-ли кўшимчаси **–дор, –кор** ва **ба-** морфемалари билан синонимик сифатида функциядошлик қилади. Қиёс қилинг: **айбли//айбдор, гунохли//гуноҳкор** ва ҳ.к. аммо ҳамма вақт ҳам бу морфемаларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиб бўлмайди. Масалан, **виждонли, кучли, теракли сўзларини виждондор, бавиждон, кучдор** тарзида ишлатиш мумкин эмас.

Сифат ясовчи кўшимчалар тизимида яна қуйидагича синонимик ҳолатлар мавжуд:

-ги, -ки, -қи кўшимчасининг синоними: **-даги**: пастки -пастдаги, сиртки-сиртдаги, бериги-бегидаги

-к (-ук, -ик, -ак), -қ (-уқ, -иқ, -ақ). Синоними: **-ган**: синиқ-синган, чирик-чириган. Аммо тирик-тирилган тарзида қўллаш мумкин эмас.

-ма. Синоими **–ган**: сузма –сузилган, улама соч-уланган соч каби.

-кир, -гир, -қир, –ғир. Синоними **–агон**: чопқир-чопагон, топқир-топагон каби.

-манд. Синоними **–ли**: Ҳунарманд-ҳунарли, давланманд –давлатли каби.

-намо. Синонимлари: **-га** ўхшаш, **-га** ўхшайдиган: олимнамо-олимга ўхшайди, Мажнуннамо-Мажнунга ўхшайди. Баъзан –симон кўшимчаси билан синонимлар бўлади: олимнамо-олимсимон.

-симон. Синонимлари: каби, **-га** ўхшаш, сингари: одамсимон-одамга ўхшаш, ойсимон-ойга ўхшаш- ой каби –ой сингари; қиличсимон-қиличга ўхшаш-қилич каби-қилич сингари ва бошқалар.

Сонлар гап ичида умумий миқдорга аниқлик киритиш учун хизмат қилади. Бу хусусият билан улар сифатларга ўхшаб кетади. Қиёс қилинг: Магазиндан олма сотиб олдим (аччиқми, ширинми, оқми, қизилми) –қандай олма сотиб олинганлиги номаълум – Дўкондан қизил олма сотиб олдим –қандай олма сотиб олинганлиги маълум. Дўкондан кўп олма сотиб олдим (5 тами, 100 тами, неча килограмм?!-миқдор номаълум- Дўкондан беш килограмм олма сотиб олдим-миқдор маълум.)

Сонлар ҳамма вақт ҳам аниқ миқдорни кўрсатавермайди, балки айрим кўшимчалар ва баъзи бир сўзлар билан биргаликда ноаниқлик маъносини ҳам билдиради. Бу кўпроқ бир сонига тегишлидир. Масалан,

Юз очганда аёз бир саҳар,
Хайр! –деб сочинг силаганларим,
Сенга тоқат тилаганларим. (Миртемир)

Кўчада сизни бир киши чақиряпти. (Оғзаки нутқ.) биринчи мисолда аёз кунларининг қайсидир саҳари, иккинчи мисолда чақираётган тингловчига нотаниш киши ифодаланган.

А) Ҳозирги ўзбек тилида дона сонлар санок сонларга –**та** қўшимчасини қўшиш йили билан ҳосил қилинади ва доналаб санаш мумкин бўлган предметлар миқдори кўрсатади: ўн та дафтар, бешта драхт каби. Худди шу маънода **дона, нафар, бош** сўзлари –**та** қўшимчаси билан синонимдир.

Жамлаш маъносини билдирувчи –**ов** ва **ала** қўшимчаси ўзаро грамматик синонимлардир. –**ов** кўпроқ оғзаки нутқда , –**ала** бадий нутқда қўлланиши билан фарқ қилади. Мисоллар: Иккаламиз бир қишлоқнинг боласи. (Қўшиқдан) .Биров кўрқсанг икков кел, икков кўрқсанг ўнов кел, Ўнов кўрқсанг баринг кел. («Ширин билан Шакар» достонидан).

Ҳозирги ўзбек тилида –**ча** ва –**лаб** қўшимчалари сонларга қўшилиб, чама сонларни ҳосил қилади. Булар ҳам бир-бири билан грамматик синонимлар ҳисобланади ва улар нимани чамалаш ва қандай чамалаш маъноларини ифодалашда бир-биридан фарқли қирраларига эга.

–**ча** қўшимчаси сонларга қўшилиб келганда, чамалаш оттенкаси кучли бўлади ва кўпроқ оғзаки нутқда қўлланилади. –**лаб** қўшимчасида чамалаш услубий бўёқдорлигида билан бирга тантанаворлик услубий бўёқдорлиги қуячлироқ ҳамда у адабий тил учун характерлидир. Ҳатто буларга –**лар**, –**арча** қўшимчалари, ўн уч-ўн тўрт тпидаги конструкциялар ҳам грамматик синоним ҳисобланади. Лекин қайси бири қаерда қўлланиши билан улар бир-бирларидан фарқ қилади.

Сўзловчи ёки ёзувчи бирор шахс , предмет, белги, миқдор ҳақида ёзар ёки гапирар экан, шу предмет, ходиса, миқдор ёки белгининг номини билдирувчи сўзни такрорий беришдан қочади. Уларни маънодош бошқа сўзлар билан амаштиради. Шундай ҳолларда кўпинча от, сифат, сонларнинг эквиваленти сифатида олмошлар қўлланилади.

Бундан ташқари, олмошлар услубий танлаш ва бири ўрнида иккинчисини қўллаш имкониятига эга. Масалан, белгилаш олмошлари: **ҳамма, барча, бири каби ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай олмошлари ҳам умумни**, умумийликни билдиради. Шу сабабли кўпинча бу олмошларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: Дунёда ҳар ким ҳам битта-иккита нарсдан кўрқса керак. (П.Қ.) Ҳар нарса ўз вақтида ярашади («Муштум»). Мисоллардаги **ҳар ким, ҳар нарса** олмошлари ўрнида, умумий фикрга салбий таъсир етказмаган ҳолда, ҳамма олмошини қўллаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида кишилик олмошлари бирлик ва кўплик сонларда (мен-биз, сен-сиз, у-улар) ишлатилади. **Мен, сен, у** олмошлари якка шахсларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Бу олмошларнинг кўпликда қўлланиши оддий кузатувчи учун унча сезиларли бўлмаган турли маъно нозикликларини келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам уларнинг **биз, сиз** шакллари ёки **бизлар, сизлар, сенлар** шакллари бефарқ равишда қўллай бериш мумкин эмас. Масалан, биргина шахс ўзига нисбатан **биз** олмошидан фойдаланиш мумкин бўлгани ҳолда **бизлар** олмошидан фойдалана олмайди.

Кўрсатиш олмошлари: **у, бу, шу, ўша** предмет ёки воқеани ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Улар шу маъноси билан бир-бирига яқинлашса, баъзи маъно қирралари айрим қирралари билан фарқланади. Масалан, **у** олмоши предметнинг сўзловчидан **бу** ва **шу** олмошлари кўрсатган масофага нисбатан узоқроқ масофада турганлигини ёки воқеанинг нутқ пайтига нисбатан анча илгари юз берганлигини кўрсатади: У ерга (бу ерга эмас) тунагани борасан-да! Худди шундай бўлди. (Г.Амарасекара.) Эслангиз у кунлар қандай беғубор! Шеър айтиб яйрадик доим икковлон (А.Шукуҳий)

Сўроқ олмошининг турли кўринишлари (**ким, нима, қанақа, қайси, қанча, қачон, неча, қаер**) контекст билан боғлиқ равишда кўпича бири ўрнида иккинчиси синоним сифатида ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўроқ олмошларидан ким шахсларга нисбатан, нима предметларга нисбатан ишлатилиши меъёрий ҳолат ҳисобланади. **Ким** олмоши ўрнида **нима** олмошининг ишлатилиши оғзаки сўзлашув нутқи учун хос ходисадир. Масалан, оғзаки сўзлашув нутқида

кўпинча Бу киши сизга ким бўлади ёки Бу киши сизнинг кимингиз бўлади дейиш ўрнига Бу киши сизга нима бўлади, Бу киши сизнинг нимангиз бўлади тарзида қўлланилади.

Эски ўзбек тилида, баъзан ҳозир ҳам баъдий асарлар тилида **нима** олмоши **не**, **на** шаклларида ишлатилади.: Сенга энди нелар айтайин, Қайдан бошлаб, қайдан қайтайин. (Х.О.)

Тўғри йўлда қалтира дорбоз оёғи,

Не бўлади ҳоли дорга чиққан чоғи (Х.Дехлавий)

Нима олмоши (на шаклида) айламоқ феъли билан бирикиб, найлайн тарзида қўлланганда, қандай олмошининг қилмоқ феъли билан бириккан шакли синоним бўла олади. Васл умиди бирла дилдан юксалар доим наво, Найлайн, созим чалиб, қилсам-да изҳор билмадинг. (М.Бобоев)//қандай қилайин.

Нима олмошининг **не** шакли –**га** морфемаси билан келиб, сабабни аниқлаш учун ишлатилганда, (**нега**) нима учун, нима сабабли бирикмалари билан алмаштириши мумкин: Ҳар қалай илгари бунчалик эмас эди-ю, нега бундай қилди? –деган фикр ўтди. (О.Ё.) Сен сабабини айт, нега кетишимиз керак? –деб сўради Христония.

Худди шу маънода **нима** сўроқ олмоши ҳамда **учун** кўмакчисиснинг қисқариши ва уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган нечук шакли орқали ҳам ифодаланади. Аммо у кўпроқ поэтик нутқ учун характерли. Мисоллар:

Нечун мени фақат шу зулмат пайти.

Қучиб ардоқлайсан, нозик фариштам.

Нима олмоши гапда такрорланиб ишлатилганда, унинг иккинчи компоненти –**лар** морфемаси синоним бўла олади: **Нима, нима** олдинг – **нималар олдинг?**–**Нима, нима** деяпсан, бу қанақаси бўлди, ким шунақа қилди? (М.Қориев) // **нималар** деяпсан?

Ўзлик олмоши (ўз) эгалик қўшимчасини қабул қилиб, кишилк олмошларининг эквивалиени вазифасини бажариши мумкин. Шунинг учун гапда ўзлик олмоши эгалик қўшимчаси билан қўлланганда, кишилк олмошлари ҳар учала шахсда ҳам туширилб қолдирилиш мумкин: менинг ҳовлим-ўзимнинг ҳовлим сенинг ҳовлинг-ўзингнинг ҳовлинг каби. Гапда ҳам кишилик олмоши, ҳам эгалик қўшимчасини олган ўзлик олмоши бўлса, таъкидлаш, кўчайтириш маъноси англашилади.

Белгилаш олмошлари англатган маъноларининг яқинлигига қараб икки катта гуруҳга бўлинади. Уларнинг бир гуруҳи (**ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар қандай, ҳар қайси**) шахс, предмет ва белгини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади, иккинчи гуруҳи эса (**ҳамма, барча, бари, бутун**) жамлайди, умумлаштиради.

Баъзи белгилаш олмошлари эса айрим маъно нозикликлари билан бўлса ҳам, бир-бирлари билан синонимик муносабатга кириша олади: Бари сеники. (Ғ.Ғ.)Қиёсланг: барчаси сеники-ҳаммаси сеники, жами сеники. Ўша уста аллақачон ҳамма нарсани пайқаб олиб, орқамиздан пойлаб юрган экан. (М.Г.) Қиёсланг: барча нарсани-бари нарсани-жами нарсани каби.

Ҳозирги ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмошлари олдидан **алла-** морфемасини ёки сўроқ олмошларидан сўнг –**дир** морфемаси, баъзан эса сўроқ олмошларининг аввал бир сўзини келтириш билан ҳосил қилинади. Бу элементлар ёрдамида тузилган олмошлар кўпинча предмет, унинг белгиси ҳақидаги тахмин, гумон маъносини англатади. Уларни бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин. Бундай ҳолларда гумон олмошлари составидаги сўроқни билдирувчи қисм ўзгаришсиз қолади ва уларга қўшиладиган элементларнинг (**алла-, -дир, бир**) ўрни алмашади. Демак, аллаким-кимдир, алланима-нимадир, аллақандай-қандайдир ва бир нима каби жуфтларнинг синонимлиги алла-, -дир морфемалари ва бир сўзининг ўз ва контекстуал маъноларидаги синонимик муносабатига асосланади. Мисоллар: кетмоқчи бўлиб турганимда, кимдир мени йўқлаётганини айтишди.

Назорат саволлари:

1. Сифат қўшимчаларининг синонимик услубий қўлланиши.
2. Сифат даражасини ҳосил қилувчи шакллар услубияти.
3. Сифат ясовчи қўшимчалар орасидаги маънодошлик.
4. Сифат қўшимчаларининг бири ўрнида иккинчисининг синонимик восита сифатида ишлатилиши.

5. Сонларда сўз шаклини ясовчилар синонимияси.
6. Нумеративларнинг услубий хусусиятлари.
7. Олмошларни қўллашдаги услубий имкониятларни айтиб беринг.
8. Олмошнинг нутқни уюштиришдаги иштироки ҳақида нималарни биласиз?
9. Олмошларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўллана олишига мисоллар келтиринг.
10. Айрим олмошларнинг ҳар хил услубда ҳар хил мақсадларда қўлланагини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
11. Кишилиқ олмошларининг -лар қўшимчасини қабул қилишдаги ҳар хиллиқни изоҳлаб беринг.
12. Шу олмошнинг ўзига хос маъно нозикликларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
13. Сўроқ олмошларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.
14. Ўзлик олмошининг, кишилиқ олмошининг эквиваленти эканлигини тушунтиринг.
15. Белгилаш олмошлари орасидаги маънодошлиқни мисоллар асосида изоҳланг.
16. Гумон олмошларнинг алла-, -дир, бир сўз ва қўшимчаларининг маъноларидаги синонимик муносабатини асослаб беринг.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983 -75-140б
2. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Ҳ. ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент: ўқитувчи, 1980.213-431б
3. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. Тошкент: Фан, 1975 124-306, 365-510б.
4. Соддиқова М. феъл стилистикаси. Тошкент: Фан, 1975-9-105 б.
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992-4-84б

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Сифат қўшимчаларининг синонимик услубий қўлланиши.
- 1.2. Сифат даражасини ҳосил қилувчи шакллар услубияти.
- 1.3. Сифат ясовчи қўшимчалар орасидаги маънодошлиқ.
- 1.4. Сифат қўшимчаларининг бири ўрнида иккинчисининг синонимик восита сифатида ишлатилиши.
- 1.5. Сонларда сўз шаклини ясовчилар синонимияси.
- 1.6. Нумеративларнинг услубий хусусиятлари.
- 1.7. Олмошларни қўллашдаги услубий имкониятларни айтиб беринг.
- 1.8. Олмошнинг нутқни уюштиришдаги иштироки ҳақида нималарни биласиз?
- 1.9. Олмошларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўллана олишига мисоллар келтиринг.
- 1.10. Айрим олмошларнинг ҳар хил услубда ҳар хил мақсадларда қўлланагини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
- 1.11. Кишилиқ олмошларининг -лар қўшимчасини қабул қилишдаги ҳар хиллиқни изоҳлаб беринг.
- 1.12. Шу олмошнинг ўзига хос маъно нозикликларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
- 1.13. Сўроқ олмошларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.
- 1.14. Ўзлик олмошининг, кишилиқ олмошининг эквиваленти эканлигини тушунтиринг.
- 1.15. Белгилаш олмошлари орасидаги маънодошлиқни мисоллар асосида изоҳланг.
- 1.16. Гумон олмошларнинг алла-, -дир, бир сўз ва қўшимчаларининг маъноларидаги синонимик муносабатини асослаб беринг.

2-савол бўйича дарс мақсади:

Феъл замонлари ва майл шакллари ҳақида маълумот бериш. Феълларда шахс –сон ва бўлишли-бўлишсизлик категорияларининг услубий қўлланиши ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилиш. Феълларда шахс –сон ва бўлишли-бўлишсизлик категорияларининг услубий қўлланиши ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Феъл замонларининг услубий хусусиятларини шарҳлаб беради.
- 2.2. Ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон шаклларининг бири ўрнида иккинчиси қўлланишини мумкинлигини тушунтиради.
- 2.3. Майл шаклларининг услубий хусусиятларини тушунтира олади.
- 2.4. Ижро майлидаги феълнинг баъзан буйруқ ва шарт майли ўрнида келишини далиллайди.
- 2.5. Шахс –сон шаклларининг услубий хусусиятларини тушунтиради.
- 2.6. II шахсга мурожаатда I шахс кўплигидан фойдаланишда англашиладиган маънони изоҳлайди.
- 2.7. Менсимаслик, киноя, кесатиқ ҳурмат каби модал маъноларни далиллайди.
- 2.8. Феълларнинг бўлишсиз шакли қайси қўшимчалар ёрдамида ифодаланишини криб чиқади.
- 2.9. Риторик сўроқ гапларда бўлишсизлик шаклини қайси маъноларда ишлатилишини синаб беради.
- 2.10. На...на юкламасининг вазифаларини изоҳлайди.

2- саволнинг баёни: Феъл услубияти

Маълумки, ҳаракат қандайдир бир жойда, ўринда- маконда қандайдир бир вақтда юз беради. Яъни ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, нутқ сўзланиб турган пайтда ёки ундан сўнг юз бериши мумкин. Шунга қараб феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замонлари белгиланади. Бу замонлар бир-бирлари билан узвий алоқада бўлади. Масалан, ҳозирги замонда бажарилаётган иш-ҳаракат ўтган замонда бошланган бўлиши ва келаси замонда ҳам давом этиши мумкин ва ҳоказа. Шунингдек, бир замон формаси ўзи учун типик бўлмаган нутқ сўзланиб турган вазиятда, овоз товланиши ёрдамида, жанрлар билан боғлиқ равишда бошқа замон маъносини ифодалаш мумкин. Бироқ, бир замон ичида бажарилган ҳаракат масофанинг узоқ яқинлиги, бир марталик ёки давомийлик каби хусусиятларни ифодалашда баъзан бир замонни ифодаловчи турли формалардан фойдаланилади. Масалан: ишляпти, ишлаётир, ишламоқда, ишлаб турибди, ишлаб юрибди.

Ўтган замон феъллари нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари юз берган ҳаракатни кўрсатади. Ҳозирги ўзбек тилида ўтган замонда юз берган ҳаракатни кўрсатишда -ди, -ган, /эди, -(и) б / эди, -(а) р/эди каби қўшимчалардан фойдаланилади.

Ўтган замонда ҳаракат бажарилишининг аниқлиги, аниқлиги ёки аниқ эмаслиги, нутқ сўзланиб турган пайтга муносабати жиҳатидан ўзаро фарқли қираларга эга бўлади. Ана шу

фарқларни кўрсатиш учун юқорида кўрсатилган турли шакллар ишлатилади. Шу билан бирга бу шакллар маълум маъно ларни ифодалашда бир умумий нуктага бирлашади. Ана шу умумийлик ичида айрим фарқли қиралар бўлгани ҳолда, баъзан бундай фарқлар йўқ даражага келганда, бири ўрнида иккинчисини ишлата бериш мумкин.

–ди ва –ган шакллари муносабатини олайлик. Бу ҳар икки шакл ҳам ҳаракатнинг ўтган замон формасида ҳаракатнинг бажарилиш жараёнига, –ган, қўшимчасини олган ўтган замон формасида ҳаракатнинг натижасига эътибор берилади. Қиёс қилинг: Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намаён қил. (Х, Ҳ) Чопар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим ватан тупроғин. (Х, О.)

Ўтган замон феъл шаклининг келаси замон маъносида ишлатилиши тез-тез учраб туради. Масалан, ўтган замон феъл шакли келажакда бажарилишига қатъий қарор қилинганлик, ишонч маъносини ифодаловчи келаси замон шакли ўрнида қўлланади: Хўп Яна гаплашамиз. Мен кўп болали онанинг уйини кўришга кетдим.

Баъзан бажариладиган ишга ишончсизлик маъносини ифодаловчи ҳам ўтган замон шакли келаси замон маъносини англатади:

– Жуда қаттиқ сўрайди дейишяпти, қалай бўларкин?

– Ўтсак ўтдик, ўтмасак янаги йилга келармиз-да. (Р. Рахмонов) ўтсак ўтармиз...

Ўтган замон формаси иш-ҳаракатнинг бажарилиши тўғрисида тахмин, фараз маъноларини ифодалаган келаси замон ўрнида қўлланади.: Хўш, фараз қилайлик, душман патиллатиб отиб келаётибди. Борди-ю, мен ўзимни йўқотиб, отмасдан гўдаиб турабердим. Ёки кўрқиб пана жойда писиб ётдим. Нима бўлади? Душман келиб шартта отади- қўяди. (У.) гўдаиб тураберсам, писиб ётсам.

Ҳозирги замон феъли –ётир, –яп, –моқда морфемалари орқали ҳосил қилинган феъл шаклларига шахс-сон қўшимчаларини қўшиш натижасида ҳосил қилинади. Бу формалар ҳаракатнинг нутқ пайтлари билан бир пайтда бажарилаётганлигини кўрсатиш хусусиятига кўра бир-бирларига нисбатан синонимик муносабатда бўла олади. –ётир, –яп, –моқда шакллари нутқ пайтидан илгари бошланган ва нутқ пайтидан кейин ҳам давом этиши мумкин бўлган ҳаракатларни ҳам кўрсата олади. Шу сабабли –ётир, –яп, –моқда шакллари кўпинча синонимлар сифатида бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин. Ёзаётир // ёзаяпсан // ёзмоқдасан; ишлаётирсан // ишляпсан // ишламоқдасан каби.

Бу шакллар, аввало, маънодаги айрим нозикликлари билан бир-биридан фарқланади. Яъни –ётир ва –моқда морфемалари кўпроқ ёзма нутқ учун хос, –яп морфемаси, асосан, оғзаки сўзлашув нутқида қўлланади,

Ҳозирги замонни кўрсатувчи –ётир, –яп, –моқда каби синтетик шакллар англатган маънони ёт, тур, юр, ўтир феъллари ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин. Шу сабабли уларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатса бўлади. Маънода ҳам фарқ бўлмайди: ишлаётир // ишлаб ўтирибди, ишламоқдасан // ишлаб юрибман каби. Баъзан уларни алмаштириш имкони бўлмайди. Масалан, югириб юрибди, очилиб юрибди, очилиб-сочилиб ўтирибди.

Ҳозирги замон феъл шакллари бошқа замон шакллари ўрнида қўлланиб, улар англатиши лозим бўлган маънони ифодалаш мумкин. Илмий асарларда бу ҳодиса замон шаклларининг кўчиши сифатида талқин қилинади. Ҳозирги замон феълларнинг ҳар уччала замон маъносидаги элементларни ўз ичига олаши унинг бошқа замонлар ўрнида кўчма қўлланиши имкониятини беради. Масалан, ҳозирги замон шакли ўтган замон маъносида ишлатилади. Бу кўпроқ сўзловчининг ўтмишда кўрган-билганларини ҳикоя қилиб бериш ҳолатини тасвирлашда юз беради: Баъзи бир ҳужжатлар билан порт шахрига чиқдим, ёлғизман. Ёнимда одамлар оқиб бораёпти.

Келаси замон феъллари –ажак (-яжак) қўшимчаси Қ шахс-сон қўшимчалари, –р, –ар, воситасидан ясалган сифатдош ёки –а, –й билан ясалган равишдош Қ шахс-сон қўшимчалари модели асосида ҳосил бўлади ва ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин бажарилганлигини билдиради. Келаси замон яна –а, –й билан ясалган равишдош //биган, шахс-сон қўшимчаси моделида ҳам бўлади. Уларнинг ҳаммаси ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин бажарилишини кўрсатиш билан бир умумий маҳражга бирлашади ва бир-бирлари билан синонимик муносабатда бўлади. Ана шу умумийлик асосида контекст вазитуация билан боғлиқ равишда уларнинг бири ўрнида

иккинчисини қўллаш мумкин. Қиёсланг: келажакман//келмоқчиман // келадиганман; боражаксан // бормоқчисан // борадигансан каби.

Келаси замон шакллари ҳам ўтган ва ҳозирги замон маъноларни англатиб (контекст билан боғлиқ равишда) ўтган ва ҳозирги замон шакллари ўрни да келиши мумкин. Масалан: Раис мажлисни очик деб эълон қилади, мажлиснинг фахрий президиуми сайланади, ҳамма ўрнидан туради, гулрдурос қарсақлар янграйди.

Боғни боқсанг, боғ бўлар, ботмон дахсар ёғ бўлар. Ит хурақ -карвон ўтар ўтар типидеги мақолларда келаси замон феъл шакллари ҳозирги замон билан чегараланмаслик маъносини англатаётганлиги аниқ сезилади. Худди шунга ўхшаш маъно нима ясамоқчисан (қиёсланг: нима ясаёсан) типидеги гапларда ҳам англашилади.

Феъл майл шакллари ҳаракат билан субъект алоқасининг объектга муносабатини билдиради.

Феъл майлининг ҳарбири ўзига хос шаклларга эга бўлишидан ташқарии, турли хил модал маънолар ифодаланиши билан бири иккинчисидан фарқланади.

Ўзбек тилида феъл майлларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш, бир майли шакли иккинчи майл маъносини ифодалаш учун ишлатилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Буйруқ майлидаги феъл бошқа майл маъноларини ифодалаб, уларнинг ўрнига қўлланиши мумкин. Уижро майли ўрнида келганда, ҳаракатнинг бажарилиш майли ўрнида келганда, ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини таъкидлаб кўрсатишда катта эффект касб этади. Масалан: Кўринг бунга, домла, -деди Сергей амаки Ўлмаснинг орқасини ўгириб. – Болани ўқитиш ўрнига хизматингизни қилдилинг, Яна урдиринг! Ахир, сизда инсоф борми? (Ё. Ш.)

Шарт майли шаклининг –са / бўладими канструкцияси ўтмишда кутилмаган, тўсатдан юз берган, ҳайратда қолишга сабаб бўлган воқеаларни тасдиқлайд ива ижро майли ўрнида қўлланилади: Саҳарга яқин Аччида кетаётган эдим, рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолса бўладими? (А.Қ.) чиқиб қолди. Кенжабойнинг ўғли югуриб келса-ю, тўни билан сумкасини қўлимга тутқаса бўладими? (О.) қўлимга тутқазди.

Шарт майли шакли, асосан, буйруқ майли маъносида ишлатилади. Бунда интанация ҳал қилувчи роль ўйнайди: Битта мовут беретка олиб берсангиз. (Ғ. Ғ) олиб беринг. Тезроқ кел, кинога борамиз. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва пишар // Сабр қил, ғўрадан ҳолва пишар. Ишласанг тишлайсан // ишла тишлайсан каби.

Феълдан англашилган ҳаракат, одатда, бирор шахс томонидан бажарилади. У сўзловчининг ўзи – агенс, нутқ қаратилган суҳбатдош – адресат ёки нутқ жараёнида иштирок этмаган шахс ёки предмет бўлиши мумкин.

Сўзловчи ёки ёзувчи турли хил маъно нозикликларини ифодалаш учун кўпинча маълум шахснинг кўплик шаклини унинг бирлиги ўрнида ёхуд, аксинча, бир шахс шаклини бошқа шахс шакли ўрнида қўллайди. Масалан, I шахснинг кўплик шакли унинг бирлик шакли ўрнида қўлланиб, камтаринлик, манманлик, мағрурланиш, ўзини катта тутиш каби қираларини англатади.

Баъзан сўзловчи тингловчига – II шахсга мурожаатида I шахснинг кўплигидан фойдаланади, яъни ишингиз ҳандай, соғлигингиз яхшими, яхши ухладингизми дейиш ўрнига ишимиз яхшими, соғлигингиз яхшими, яхши ухладикми тарзидамурожат қилади. Тингловчини ўзига қўшиб олади ва унинг кўнглини кўтаради.

Бу хусусият оғзаки нутқ бадиий асар тили учун ҳарактерлидир.

II шахснинг кўплик шакли тингловчи шахснинг кўплигини кўрсатиш билан бирга биргана шахсни сизлаш маъносини ҳам билдиради. Кўплик шакли бирлик шакли маъноси учун қўлланади: Сиз буюк ишлар қилдингиз.

Феълларнинг бўлишли шакли махсус кўрсаткичга эга эмас. У ҳаракатнинг бажарилганлигини, бажарилаётганлигини ёки бажарилажагини кўрсатади.

Бўлишсиз шакли –ма аффикси ёрдамида ҳосил қилинади ва бўлишли шаклга қарама -қарши ўлароқ ҳаракатнинг бажарилмаганлиги маъносини билдиради. Баъзи ҳолларда –махсус лексик ва грамматик куршовда феълнинг бўлишли шакли бўлишсизлик ва, аксинча, бўлишсиз шакли бўлишлилик маъносини англатиши мумкин. Жумладан, риторик сўроқ гапларда инкор маъноси бўлишли шакли орқали, тасдиқ маъноси эса бўлишсиз шакли орқали ифодаланади: Улардан қанчадан-қанча қурол-яроғ олмадик, қанчадан- қанча кишини жангга жалб қилмадик, дейсиз.

Риторик сўроқ гапларда феълнинг бўлишсиз шакли тингловчидан жавоб кутмайди, балки шу бўлишсиз шакли орқали маълум воқеа- ҳодиса тўғрисида ҳукм чиқаради, уни тасдиқлайди: Уруш не-не кулфатларни солмади инсонлар бошига... (« С. Ўзб.»)

-ма аффиксининг қўшма феъл турларининг қайси бири таркибида келишига боғлиқ равишда ҳар хил маъно нозикликлари келиб чиқади. Агар қўшма феъл турларидан биттасида –ма аффикси ишлатилса, ҳаракатнинг юз бермаганлиги, бажарилмаганлиги англашилади.

-ма аффикси қўшма феълнинг ҳар икки турига ҳам қўшилганда, инкорэмас, балки тасдиқ маъноси англашилади. (инкорни инкордан тасдиқ келиб чиқади): эшитмай қолмади- эшитди, бажармай қўймади- бажарди.

Ҳозирги ўзбек тилида инкор маъноси **йўқ, бе-, но-, на, -сиз** каби сўз ва марфемалар воситасида, тасдиқ эга, бор, тўғри, ҳа ва бошқа воситалар билан ҳам ифодаланади. Маълум оҳанг билан талаффуз қилинган йўқ сўзи лексик ва грамматик қуршов ёрдамида тасдиқ маъносини (Бу Ватанда нима йўқ - демак, ҳамма нарса бор маъносида) билдиргани каби, бор сўзи ҳам анна шундай ҳолатда тасдиқ эмас, аксинча, инкор маъносини келтириб чиқариши мумкин (Бу ерда сизга нима бор?- демак, бу ерда сизга ҳеч нарса йўқ маъносида).

Бўлишсизлик маъноси на, на юклама воситасида ҳам ифодаланади: На ўқиди, на ёзди каби. Кўринадики, на инкор юкласининг такрорланиши бўлишлиликни келтириб чиқармайди (-ма аффиксининг бир сўзда ёки қўшма сўз турларида такрорланиши бўлишлиликни – тасдиқни келтириб чиқариши юқорида айтилади). Баъзан на юкласи гап таркибида –ма аффикси ифода қилган инклр маъносини янада кучайтиради.

На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб кўчмасдан,
На уфқ ўрамай ёкут-зар,
На булут силкитмай олтин пар
Тоанг кулмасдан бурун турарди. (У.)

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўтган замон феъли бошқа замон феъллари ўрнида қўллана оладими?
2. Ўтган замон феъл шаклининг келаси замон маъносида ишлатилишига мисоллар келтиринг.
3. Ҳозирги замон феълнинг ўтган замон маънода ишлатилиши қандай натижа беади?
4. Келаси замон феъллари ўтган ва ҳозирги замон шакллари ўрнида келишига мисоллар келтиринг.
5. Мақоллар қайси замонда бўлади.
6. Майл шаклларининг модал маънолари.
7. Шахс-сон қўшимчаларининг ўзига хос услубий хусусиятлари қайсилар?
8. Услубий бўёқдорлик шахс-сон қўшимчалари орқали ифодаланишига мисоллар келтиринг.
9. Оғзаки нутқ ва бадиий асарларда II шахсга муражаатда I шахс кўплигидан фойдаланишини изоҳланг.
10. Бўлишсизлик шаклларининг қандай қўшимча ва юкламалар ёрдамида ифодаланишини санаб беринг.
11. Риторик сўроқ гапларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
12. -ма қўшимчасининг бўлишлиликни тасдиқни билдиришни асослаб беринг.
13. на.на юкласи –ма қўшимчаси билан бирга қўлланса инкор маъноси янада кучайтиришига мисоллар келтиринг.

Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар:

1. Бўлишсизлик шакллари ясовчи қўшимчаларнинг яна қандай модал маъноларда қўлланиши мумкинлигини илмий далилланг.
2. Шахс-сон қўшимчаларини орасида синонимлик борми? Сиз нима деб ўйлайсиз?
3. Сифат даражасини кўрсатувчи –роқ қўшимчасининг бошқа вазифаларда ҳам қўлланиши илмий далилланг.
4. Олмошларнинг ўзига хос турларини услубий қўлланишидаги айрим муаммолар.

Г) Модул бўйича якуний хулоса.

1. Сифат сўзларнинг услубий тавсифи. Сифатларнинг муҳим стилистик восита эканлиги. Сифатларни танлаш ва қўллаш усуллари. Қиёсий ва орттирма даража кўрсаткичларининг семантик-стилистик ва синомик хусусиятлари. Сифат ясовчи қўшимчалар синонимияси. Сифатларни от вазифасида ишлатилиш ва бунинг стилистик хусусияти.

2. Сонларнинг стилистик имкониятлари. Сон туркумининг семантик-грамматик хусусиятлари. Сонларда форма ясовчи қўшимчалар синонимияси.

3. Олмошларнинг семантик-услубий имкониятлари. Кишилиқ олмошларининг турли вазиятларда услубий маъноларда қўлланиши. Кўрсатиш олмошлари. Белгилаш олмошлари. Буларнинг –лар қўшимчасини олиш ҳоллари. Сўроқ олмошлари, гумон олмошлари. Буларни қўллашдаги услубий усул ва санъатлар. Олмошларнинг матнни уюштириш вазифаси. Олмош турларининг нутқ услубларида ишлатилиш хусусиятлари.

4. Ҳозирги замон феъл шакллари бошқа замон шакллари ўрнида қўлланиб, улар аниқлаши лозим бўлган маънони ифодалаш мумкин. Илмий асарларда бу ҳодиса замон шакллариининг кўчиши сифатида талқин қилинади.

Келаси замон феъллари -ажак (-яжак) қўшимчаси //шахс-сон қўшимчалари, -р, -ар, воситасидан ясалган сифатдош ёки –а, -й билан ясалган равишдош//шахс-сон қўшимчалари модели асосида ҳосил бўлади ва ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин бажарилганлигини билдиради. Келаси замон яна –а, -й билан ясалган равишдош //билан, шахс-сон қўшимчаси моделида ҳам бўлади. Уларнинг ҳаммаси ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин бажарилишини кўрсатиш билан бир умумий маъражага биришадди ва бир-бирлари билан синонимик муносабатда бўлади

Назорат саволлари:

6. Ўтган замон феъли бошқа замон феъллари ўрнида қўллана оладими?
7. Ўтган замон феъл шаклининг келаси замон маъносида ишлатилишига мисоллар келтиринг.
8. Ҳозирги замон феълнинг ўтган замон маънода ишлатилиши қандай натижа беади?
9. Келаси замон феъллари ўтган ва ҳозирги замон шакллари ўрнида келишига мисоллар келтиринг.
10. Мақоллар қайси замонда бўлади.
11. Майл шакллариининг модал маънолари.
12. Шахс-сон қўшимчалариининг ўзига хос услубий хусусиятлари қайсилар?
13. Услубий бўёқдорлик шахс-сон қўшимчалари орқали ифодаланишига мисоллар келтиринг.
14. Оғзаки нутқ ва бадиий асарларда II шахсга муражаатда I шахс кўплигидан фойдаланишини изоҳланг.
15. Бўлишсизлик шакллариининг қандай қўшимча ва юкламалар ёрдамида ифодаланишини санаб беринг.
16. Риторик сўроқ гапларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
17. -ма қўшимчасининг бўлишлиликни тасдиқни билдиришни асослаб беринг.
18. на.на юкламаси –ма қўшимчаси билан бирга қўлланса инкор маъноси янада кучайтиришига мисоллар келтиринг.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.75-140б
2. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент: Ўқитувчи 1980. 213-431б
3. Ўзбек тили грамматикаси, 1-том. Морфология-Тошкент:Фан., 1975 124-306б
4. Соддиқова М. Феъл стилистикаси. -Тошкент:Фан, 1975-9-105б
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-4-84б.
6. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

**11-мавзу: Синтактик саънатлар услубияти.
Ажратилган вақт-2 соат.**

Фанни ўқитиш технологияси:

“Синтактик санъатлар услубияти” мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс
1	<p>Дарс мақсади: Талабаларда услибиятдаги нутқий санъатлар ва уларнинг матн уюштиришдаги иштироки ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Асосан бадиий публицистик ва сўзлашув услубларида қўлланиладиган бадиий санъатлар: такрор, нуктада инверсия, тазод, кучайтириш, риторик сўроқ гапларга изоҳ бера олиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари: 1.1. Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятларини ва ва турларини изоҳлайди. 1.2. Уларнинг бадиий ва ва публицистик услубда қўлланиши ва услубий имкониятлари ҳақида тушунча бера олади .</p>	Ўқитувчи
2	<p>Асосий тушунчалар : Услубий унсурлар.Синтактик санъат. Поэтик фигуралар. Бадиий ва публистик услубларда бадиий санъатларнинг қўлланиши. Такрорлар. Инверсия. Тазод. Кучайтириш Риторик сўроқ. Синтактик кўчимлар ва уларнинг турлари. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Вазифадошлик. Ўхшатиш. Эпитет. Ирония. Сарказм. Муболаға. Аллегория. Символ. Жонлантириш.</p> <p>Дарс шакли: ноанъанавий.</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар,ўқув қўлланмалари,слайдлар.</p> <p>Метод ва усуллар: Ижодийлик, савол-жавоб, репродуктив</p>	Ўқитувчи, 10 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш -фаннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. -мавзуга оид атамалар изоҳланади. -нутқий санъатлар ва синтактик кўчимларга мисоллар келтиради.</p>	Ўқитувчи-талаба, 50 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар. 4.1.Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятлари ва турлари. 4.2.Инверсия.Унинг турлари ва вазифалари. 4.3.Такрор. Унинг турлари, услубий вазифалари. 4.4.Маъно кўчиш йўллари ҳақида ўз фикрини билдириш. 4.5.Жонлантириш ва унинг турлари ҳақида тушинча беринг. 4.6.Ўхшатиш ва унинг турлари ҳақида фикрингизни айтиш.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
5	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш. Адабий асарнинг бадиий қийматини, ифодалилигин, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши кўчим дейилади.Онгимизда қандайдир хусусиятлари билан, белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки предмет ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш кўчимга асос қилиб олинади. Яъни бирор предмет ёки воқеа ҳодиса ҳақида аниқ, Ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор предмет ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади.</p> <p>Услибиятга оид адабиётларда бадиий тасвир воситалари турли усуллари киритилади. Булар дастлаб паэзия доирасида қарала бошланади. Кейинги йилларда нашр қилинга адабиётларда эса синтактик шакллар бошқа услублар доирасида ҳам ўрганилаяпти.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

<p>Адабий асарнинг бадиий қийматини, ифодалилигин, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши кўчим дейилади.</p> <p>Услубиятга оид адабиётларда бадиий тасвир воситалари турли усуллари киритилади. Булар дастлаб паэзия доирасида қарала бошланади. Кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда эса синтактик шакллар бошқа услублар доирасида ҳам ўрганилаяпти.</p>	
--	--

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Услубиятдаги нутқий санъатлар.
2. Синтактик кўчимлар услубияти.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Синтаксиснинг услубий имкониятлари ва нутқ. Матн уюштириш усули ва нутқ санъатлари ўртасида боғлиқлик. Услубий унсурлар. Синтактик санъат. Поэтик фигуралар. Бадиий ва публистик услубларда бадиий санъатларнинг қўлланиши. Такрорлар. Инверсия, Тазод. Кучайтириш Риторик сўроқ. Синтактик кўчимлар ва уларнинг турлари. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Вазифадошлик. Ўхшатиш. Эпитет. Ирония. Сарказм. Муболаға. Аллегория. Символ. Жонлантириш.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Нутқий санъатлар фақат адабиётшуносликка оидми ёки тилшуносликка ҳам алоқадорми ?
2. Синтактик кўчимлар фақат бадиий ва публистик услубга хосми ёки бошқа услубларда ҳам ишлатилиши мумкинми ?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларда услубиятдаги нутқий санъатлар ва уларнинг матн уюштиришдаги иштироки ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Асосан бадиий публицистик ва сўзлашув услубларида қўлланиладиган бадиий санъатлар: такрор, нуктада инверсия, тазод, кучайтириш, риторик сўроқ гапларга изоҳ бера олиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятларини ва ва турларини изоҳлайди.
2. Уларнинг бадиий ва ва публицистик услубда қўлланиши ва услубий имкониятлари ҳақида тушунча бера олади .

1-саволнинг баёни: Синтактик услубият

Услубиятга оид адабиётларда бадиий тасвир воситалари турли усуллари киритилади. Булар дастлаб паэзия доирасида қарала бошланади. Кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда эса синтактик шакллар бошқа услублар доирасида ҳам ўрганилаяпти.

1. **Анафора.** Такрорланувчи бирликлар сўз, сўз бирикмаси, гап шаклида бўлиши мумкин. Бу кўпроқ бадиий ва публицистик услубга хос.

Қуйидагилар анафора бўлиб келади:

Гап бўлаги. Бу сўз бирикмаси, гап ва қўшма гап қисмлари бошида келади.

1. **Сўз бирикмаси** бошида:

Инсон тафаккурига, Бугун яна таъзим-ла:
Инсон жасоратига Ташаккур!- дейди олам. (З. Д.)

Хар бир сўз, **хар бир** далил, **хар бир** таклифни қайта-қайта текшириб кўриш лозим. (Ш. Рашидов.) Ёшлар, авлодлар меҳнати, матонатини кўриб, қувончим қалбимга сиғмай тошади! Аммо **шу** муҳит, **шу** қайноқ ҳаётда, **шу** гўзал инсонлар орасида, афсуски, Каримлар ҳам бор!.. (Х. Ғ.)

2. **Гап** бошида:

Нега бунча гўзал кўринар олам,
Нега бунча қараб тўймас кўзларим?!

3. Кўшма гап қисимлари бошида:

Меҳнат инсонни яратади, **меҳнат** инсонни безайди, **меҳнат** одамни одам қилади.

2. **Эпифора**. Бу – анафоранинг тескариси. Бу усул билан такрорланган гапнинг маъносини кучайтирилади. Анафора оғзаки ва ёзма нутқларда ҳам қўлланса, эпифора асосан ёзма нутқ учун характерлидир.

Куйидагилар эпифора бўлиб келади:

1. Мураккаб кесимларнинг ёрдамчи элементи:

Кесим:

Йигирма баҳорни кўрган ёшим **бор**,
Ўн бешта диёримда қадрдоним **бор**,
Йўлбарслар ўз изидан қайтмагандай,
Бу йўлдан қайтмайдиган бардошим **бор!** (М.)

Жувоннинг бутун берган дашноми ҳам **бир бўлди-ю** ҳозир бодиринг узатгани ҳам **бир бўлди**. (А.Қ.) Қалб изтироб чекиб **йиғламасди**, кўнгил дард билан **йиғламасди**, юрак ўртаниб **йиғламасди**, балки бутун вужуд қувониб, бахтиёрлик дарёсига шўнғиб-шўнғиб **йиғларди**. (Ж. Абд.)

2. **Эга**. Бу эга инверсияга учраганда юз беради: Дўстлик сўзи жуда ажойиб, оҳангдор ва оҳанграбодир! Қанчалик улуғвор ва маънодор сўз-**бу!**

Қанчалик улуғвор ва маънодор сўз-**бу!** Қанчалик тенги йўқ, бебаҳо сўз- **бу!** (В.З.)

3. **Такрор**. Бу маънони кучайтириш, ўзига хослик ва ҳиссийлик учун хизмат қилади. Ш. Балли такрорнинг юзага келишини ҳиссий импульслар билан изоҳлайди: « Қанча импульс бўлса, шунча такрор бўлади».

Сўзловчи ўз сезгиларига иборанинг мос эмаслигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу такрорни юзага келтиради. Такрор ҳиссий нутқни характерлайди.

Такрор турлича бўлади.

1. Такрор айнан бўлиб, **ёнма- ён** келади. Бу иккиланиш деб ҳам юритилади. Такрорнинг бу кўриниши куйидаги шаклларга эга:

а) **Гап** такрори: -**Ҳа, ҳа** офарин, отангиз раҳматлик кўп доно одам эдилар-да! (П.Т.)

б) **Гап бўлаклари** такрори: Икромжон **йиғлади, йиғлади**, йиғидан кўз ёшлари қуриди. (С.А.)

в) **Ёрдамчи сўзлар** такрори: Икромжон турган жойида бир қалкиб кетди. Бу бола нималар деяпти? **Наҳотки, наҳотки**, боласи яна нобуд бўлган бўлса? (С. А.)

2. Такрор айнан бўлади. Лекин кейинги компонент бошқа бўлақлар билан **кенгайиб** келади. Бу маънони янада кучайтиради, янада таъкидлайди. Бундай такрорлар ҳам гап такрори, гап бўлаги такрори, ёрдамчи сўз таркиби шаклида бўлиши мумкин.

а) **Гап** такрори: Жуда ўзгариб кетибди,- ўйларди Абдулла уйга қайтар экан.-Жуда ўзгариб кетибди. Наҳотки, икки йил ичида шундай ўзгариш мумкин бўлса? (Ў. У.)

б) **Гап бўлаги** такрори: Байроқ, қизил байроқўрнатиш керак! (Ў. У.)

Беғубор, жуда ҳам беғубор шабада эсди. (С. А.)

в) **Модал сўз** такрори: афсус, минг афсуски, насиҳатимга қулоқ солмадингиз, маслаҳатимга юрмадингиз. Умурзоқов! (Х. Ғ.)

3. **Такрор** айнан бўлади. Лекин улар орасида **бошқа гап бўлаклари** келади. –Секин яхши қиз, секин –деди шарфли йигит ҳамон кулиб. (Ў.Х.)

4. **Синтактик параллелизм.** Бунда тузилиши бир хил бўлган икки ёки ундан ортиқ гап кетма-кет келади. Бундай гапларнинг бўлаклари ҳам уларнинг шакли ҳам бир хил бўлади. Бу синтактик симметрия ҳосил қилиб, ифодалиликни кучайтиради. Холматжон учун Чортеракнинг сира қизиғи қолмагани: **на** ота,**на** она,**на** бувиси борунинг бу қишлоқда.**На** акаси,**на** укаси бор унинг Чортеракда.

5. **Антитеза. (Тазод)** Бу мантиқ жихатдан қарама -қарши бўлган икки қутб (фикр, сезги, тушунча ва образлар)ни қиёслашдир. Бунда бири иккинчисини рад этади ёки инкор қилади. Таркибида антонимлар, грамматик зидлик муносабатини ҳамда тасдиқ ва инкор ифода қилувчи грамматик воситалар, шунингдек, ифодаликнинг бошқа зидлаш воситалари қўлланади: Унинг ҳаёти **баланд-паст** бўлиши керак эмас, **тўғри** бўлиши керак. (Ў. У.) Эгри озади- тўғри ўзади.(Мақол).

6. **Градация. (Кучайтириш.)** Бу ифодалиликни бирин-кетин кучайтириб ёки пасайтириб бориш усулидир. Агар ифодалилик бирин-кетин кучайтириб борилса, **климанс**, пасайтириб борилса, **антиклиманс** дейилади. Бунда ифодаликнинг метофора, эпитет, синонимия каби воситалардан фойдаланилади.

Градация гап, гап бўлаги шаклида бўлади.

Гап шаклида: Ким ўз юрагини ўзи суғириб олгиси келади? Кафтига қўнган қушни улоқтириб юборишга кўзи қиядиган одам борми?

Гап бўлаги шаклида: У ҳар қандай тўсиқни ҳам енгиб ўтади. Улғайди, вояга етади.(П.Т.)

7. **Риторик сўроқ.** Бу экспрессив функция ташувчи синтактик воситалардандир.

Риторик сўроқ гапларда ифодаланган фикр соф сўроқ эмас: субъект янги информация олишни кўзда тутмайди, сўроқ жавоб талаб қилмайди, балки сўроқ орқали ҳукм ифодаланади. Унинг синтактик қурилиши мантиққа, мазмунга мос келмайди.

Риторик сўроқларни функциясига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдан риторик сўроқлар (жавоб талаб қилинмайдиган мурожат) адресати-тингловчига қандайдир таъсир кўрсатишга мўлжалланади: Йигит учун мардлик, қаҳрамонликдан ўзга улуғроқ, олийроқ бир фазилат борми?

Бу гапларда фикр кўтаринки руҳда кучли эмоция билан ифодаланапти.

Иккинчи гуруҳдаги риторик сўроқлар фақат экспрессивлик функциясини бажариб, соф эмоционал таъсир кўрсатади:

Курашади икки тўлқин, қараб турайми?

Ё тарихнинг темир қўлин четга бурайми?(О.)

Риторик сўроқ гаплар бадий ва публицистик услублар учун типик бўлиб, баъзан сўзлашув услубида ҳам учрайди. Бунда риторик сўроқлар фикрни таъсирчанлигини ифодалайди. Умуман, риторик сўроқ гаплар нутқда кучли услубий восита бўлиб хизмат қилади: Дўнани ким билмайди? Унинг шуҳрати ва ташаббуси бутун трассага маълум. (Й. Ш.)

Ахир кириш сўзи кўпинча эгаси топилмайдиган бир бош бўлакли гаплардан бўлган риторик сўроқ гаплар таркибида келади: Бу улуғ иш бизнинг Ватанда бошланди. Бунга беҳад хурсанд бўлмасдан бўладими, **ахир?! (В. З.)**

Айрим риторик сўроқ гаплар соф сўроқ гапларга ўхшаб кетади. Уларнинг риторик сўроқ эканлигини оҳанг контекст орқали англаш мумкин:

Саида заҳарханда қилди:

- Колхозда хотин мукофатга берилдими? (А. Қ.)

Баъзан мураккаб синтактик бутунликлар фақат риторик сўроқлардан иборат бўлиб, мураккаб фикрни кучли эмоция билан ифодалайди: Бундай Ватаннинг, унинг халқининг ажойиб эски йилни улкан мамнуният билан кузатмасдан бўладими?!

Назорат саволлари:

1.1.Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятлари ва турлари.

1.2.Инверсия.Унинг турлари ва вазифалари.

1.3.Такрор. Унинг турлари, услубий вазифалари.

1.4. Риторик сўроқ гап риторик ундаш ва мурожатларнинг қўлланиши.

1.5.Матн уюштириш усули ва нутқ санъатлари ўртасидаги боғлиқлик.

1.6. Бадиий ва публицистик услубда нутқ санъатларини қўлланилиши.

2-савол бўйича дарс мақсади:

Синтактик кўчимларнинг матн уюштиришдаги ролини изоҳлаш, уларнинг услубий қўлланилишини ўрганиш, ўзига хос вазифаларига баҳо бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Шоир ва ёзувчилар услубларида қўлланилаётган синтактик қўшимчаларнинг турларига баҳо бера олади.
2. Метафора, метанимия, синекдоха, ва вазифадошлик ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлайди.
3. Ўхшатиш, муболаға, жонлантириш каби санъатларни қайси услубларда қўлланилишини изоҳлайди.
4. Илмий ва расмий услуб учун асосий хусусият эмаслигини ечиб беради.

2- саволнинг баёни:

Тилдаги кўпгина сўзлар ўз маъносидан бошқа маъноларни ҳатто баъзан ўз маъносига қарама-қарши бўлган маъноларни ифодалаш учун ҳам қўлланади. Бир предмет белгиси бошқа бир предметга кўчирилади, ўхшатилади.

Адабий асарнинг бадиий қийматини, ифодалилигин, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши кўчим дейилади.

Онгимизда қандайдир хусусиятлари билан, белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки предмет ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш кўчимга асос қилиб олинади. Яъни бирор предмет ёки воқеа ҳодиса ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор предмет ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади.

Кўчимларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. **Метафора(истиора)**- грекча *metaphora* (кўчим, истиора) сўзидан олинган.

Нутқда образлилик, эмоция бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилиши **метафора** дейилади. Масалан, кишининг ёшлигини ғунча, йигитлик даврини умрнинг баҳори каби сўз бирикмалари билан, ўлди сўзини хазон бўлди, сўлди сўзлари билан алмаштириш мумкин. Чунки бу сўзлар англатган маънолар ўртасида қандайдир умумийлик, яқинлик мавжуд.

Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин. Аммо оддий ўхшатиш ҳар доим асосий икки аъзодан ташкил топса (яъни нима қиёс қилинади, нима билан қиёс қилинади, қиёс қилинувчи ва қиёс қилинадиган предмет) метафорада фақат иккинчи аъзо – ўхшатилган нарса қолади, ўхшаган нарса тушириб қолдирилади ва у контекстда очиқ сезилиб туради, демак, метафорада тасвирланаётган предмет ана шу иккинчи аъзо орқали идрок қилинади:

Метафора тузилишига кўра икки хил бўлади: содда ва кенгайган.

Содда метафора биргина сўздан ташкил топса, кенгайган метафора икки ёки ундан ортиқ сўздан тузилади. Масалан, гумбаз (осмон), йиқилдим (ёмон баҳо олдим маъносида.) кенгайган метафора саналади.

Бадиий метафора билан лингвистик метафорани бир-биридан фарқлаш керак. Агар метафора предметнинг доимий номига айланиб қолган бўлса, у тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлади. Масалан, ёй- асли ёмғир ёққандан сўнг осмонда пайдо бўладиган ярим доира шаклидаги ёруғ чизиқ. Унинг номи тарихий жиҳатдан ов қуролига ҳам ўтган; омон-сифат, омон- от; какку тақлидий сўз, какку- куш номи ва ҳ. к.

Бадиий метафоранинг энг яхши намунасини Ҳ. Олимжон « Бахтлар водийси» шеърдан келтирилган қуйидаги парчада ҳам кўриш мумкин:

Кўм-кўк водийларда

Пўлат изларидан (темир йўл-Р.Қ.)

Келаётир қора поезд

Учиб,

Қарсиллаб,

Электрик томирдан (электр сими- Р.Қ.)

Оққан қонлардан (электр токи-Р.Қ.)

Бутун ўлка шимираётир

Чанқаб, ҳарсиллаб.

2.Метонимия (маъжоз)- грекча *metonymia* сўзидан олинган бўлиб, бошқача ном бериш деган маънони билдиради. Метонимия (маъжоз) ҳодисаси ҳам сўзларнинг кўчма маъноси билан боғлиқ. Аммо бу ерда асосан бирор нарса ёки воқеа ҳодисасининг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Бу предмет ёки воқеа ҳодиса онгимизда бир-бири билан алоқадор тушунчаларни англатиши билан ўзаро боғланган бўлади. Метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг белгилари кўчирилса, метанимияда бу икки предмет ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо, умуман бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари чоғиштирилади.

Предметларнинг номларини бошқа предметларга ўтказишнинг бир неча хил кўринишлари мавжуд:

1.Бирор нарса ичидаги предметнинг маъноси ўша нарсага (идишга) ўтказилади: бир товоқ палов едим дейиш ўрнига бир товоқни туширдим, деймиз.

2. Муаллифнинг номи унинг асари ўрнида қўлланади: Марксни ўқидим, Навоийни ўқидим каби. Бу ерда Маркс, Навоий асарларини ўқидим деган маъно тушунилади.

Мисол:

Фузулийни олдим қўлимга, Мажнун бўлиб йиғлаб кичқирди

Ва Навоий тушиб йўлимга, фарёд билан ўрнидан турди.

Лемантовни ташламадим ҳеч, охир қўйиб олдим Ҳофизни,

Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч йиғлаб турган бир черкас қизни.

(Х. Олимжон. «Шодликни куйлаганимнинг сабаби».)

Ҳаракат ёки унинг натижаси шу ҳаракатни бажарувчи қуролнинг номи билан алмаштирилади:

Унинг пероси қасос ўти билан ёнарди.

Бирор предметни у ясалган материал билан алмаштириш:

Ер қуррасида бўлган пролетар

Саломи,

Дўстлик илҳоми-

Пўлат қарвонларда

Ҳайқириб келажак. (Ғ.Ғ.)

Маълум ерда, мамлакатда, давлатда яшаб турган кишилар маъноси шу ерга, мамлакат ё давлатга кўчириладиб «Мажлисга бутун қишлоқ келди».

Аниқ тушунча номи ўрнида мавҳум от қўлланиши мумкин: Одамлар эснайди, мажлис раисга ҳўмрайиб қарайди. (А. Қ.)

3.Синекдоха- грекча *synekdoche* сўзидан олинган. У метафоранинг бир тури бўлиб, предметнинг сони билан боғлиқ бўлади, яъни предметларнинг сон жиҳатидан бирининг (қисм, тўла) маъноси иккинчисига кўчирилади. Бутун ўрнида қисм (ёхуд, аксинча) ёки бирлик ўрнида кўплик (ва аксинча) қўлланиши ҳам бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин: Буюқ армиянинг солдати! Қуйидагиларга амал қилсанг, сенга ўқ тегмайди, енгилмайсан.

Синекдоханинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

а) Бутун ўрнида қисм: баъзан бирор кишини чақириб учун унинг исми билан эмас, балки қалласи катта бўлса, «эй қалла», шляпа кийган бўлса, «эй шляпа» деб чақириб ҳолларини учратамиз.

б) Кўплик ўрнида бирликни ишлатиш: Сотувчи, харидор билан хушмуомалада бўл.

4.Эпитет (сифатлаш) – грекча *epitheton* сўзидан олинган бўлиб, изоҳловчи деган маънони беради. Эпитет – сифатлашнинг бир тури. Аммо у доимий сифатлашдан ўзининг экспрессивлиги, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади.Эпитет- поэтик аниқловчи.Эпитетнинг оддий аниқловчидан фарқи шундаки, у айнан пайтида тасвирланаётган нарсанинг сўзловчи нуқтаи назарида муҳим ҳисобланган томонини таъкидлаб, бўрттириб кўрсатади. Айниқса, шеърий асарларда бу кўпроқ талаб қилинади. Чунки шеърий асарда прозаик асарга нисбатан сўзнинг

эстетик ва эмоционал таъсири кучлироқ бўлиши керак. Бундай эпитет кўпинча қисқарган метафорага ўхшаб кетади. Шунинг учун бундай эпитет метафорик эпитет деб ҳам юритилади.

Фурурланиб поезд кичкириб, узоқларга томон учади,
Оқ буғлари енгил сузилиб, муздай ҳаволарни кучади. (У.)

Айрим эпитетлар бирор предмет билан мустаҳкам боғланган бўлади. Масалан, денгиз деганимизда кўк ранг кўз олдимизга келади, шунинг учун, асосан, у кўк (кўм-кўк) сўзи билан бирга ишлатилади. Бундай эпитетлар доимий эпитетлардир. Доимий эпитет предмет ва воқеаларни индивидуал томондан характерланмайди, эмоционаллик ҳосил қилмайди. Синтактик томондан ҳам улар анча турғун (яъни денгиз ҳамма вақт ҳам кўк, боғ асосан яшил каби).

5.Ўхшатиш. Ўхшатиш икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдир. Ўхшатиш энг қадимги тасвирий воситалардан бири бўлиб, энг содда ва жуда кўп қўлланадиган синтактик ҳодиса ҳисобланади.

Аммо юзини ойга, қизни гулга қиёс қилинадиган доимий ўхшатишлар борки, улар ҳам эмоционаллик, ҳам баҳолаш қийматини йўқотган. Бу типидagi ўхшатишларни лингвистик ҳодиса сифатида қараш керак.

Ўхшатиш тўрт асосий қисмдан таркиб топган:

Боғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу. (Х. О.)

6.Ирония-грекча ειρωνια (билиб билмаганга олиш) сўзидан олинган.

Баъзан муаллиф воқеани бамайлихотир, жиддий ҳолда ҳикоя қилади-ю аммо сўзларни ўз асл маъносига қарама-қарши маънода қўллаб, бирор киши ёки ҳодиса устидан кесатик билан, масҳараомуз яширин кулади.

Сўзлар ва ибораларнинг кесатик ва пичинг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода ишлатилиши **ирония (киноя)** приёми дейилади.

Ирония шундай усулки, юзаки қараганда, сўзловчи жиддий гапираётганга ўхшайди, аммо унинг тагида ҳақиқий маънога қарши бўлган яширин кулги ётади:

Навоий. Қўрқма! (Узукни олиб томоша қилади.) Қимматбаҳо узук.

Катта хизматлар эвазига мукофат қилиб берса арзийдиган узук. Ма!

Хусайин. Кошки, бошқа амирлар ҳам авомнинг тилини билса? Кошки ўзгаларни ғийбат қилувчилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! (Мажидиддинга киноя)

Хусайн. Алишер, мен хазинанинг аҳволдан беҳабар, сизга пул ваъда қилган эканман.

7.Антифраза-ирониянинг бир кўриниши бўлиб, бирор шахс ёки предметга хос бўлган у ёки бу ижобий хусусият кулгили интонация билан инкор қилинади: жуда ақлли, нима ҳам дер эдик. (М. Г.)

Сўзловчи ёки ёзувчи тасвирланаётган предметга муносабатини баъзан ўз тасвирида билдирса, баъзан персанажлар нутқи воситасида баён қилинади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ва «Майиз емаган хотин» ҳикояларида персанажлар нутқидаги ирониялардан ташқари, муаллиф нутқида ҳам кучли ирониялардан фойдаланилганини кўрамиз: мулла Норқўзи сафарга кетадиган бўлиб қолди: кетишидан бир кун илгари хотинига айтиб, ўша фариштани олдириди ва ўрта эшик олдига бориб қиёматлик сингисидан илтимос қилди: синглим, мен ўн кунда қайтиб келаман. Келгунимча ўртоғингиз билан бирга бўлинг.

Бу ўринда А. Қаҳҳор «фаришта», «қиёматлик сингил», «чолнинг ҳолига кўп ачинди» каби сўз ва сўз бирикмаларини асл маъноларига жуда усталлик билан қарши қўйган. Ҳақиқатда эса Норқўзи уйида хотини билан бирга туришини илтимос қилаётган киши фаришта ҳам эмас, сингил ҳам эмас, балки эркак киши эди.

Демак, ҳар қандай сўз ва ҳар қандай жумла маълум муҳитда интонация билан боғлиқ равишда киноя-пичинг маъносини бериши мумкин.

8.Сарказм. Грекча *sarkasmos* сўзидан олинган бўлиб, (сўзма-сўз таржимаси қийнаш, озор бериш), аччиқ заҳарҳанда, изтехзоли таъна, пичинг демақдир. Сарказм тасвирланаётган ёки мурожаат қилинаётган киши ёки нарсадан муаллифнинг устунлик ҳиссиётига асосланади.

Сарказм кўчма маънога эга бўлмайди, аммо муаллифнинг тасвирлаётган воқеа-ҳодисага муносабатини кўрсатади. Бу ҳам аччиқ кулги, таънага асосланган бўлади. Шу хусусияти билан ҳам сарказм иронияга анча яқинлашади. Бунда кўпроқ шахс-предмет ёки воқеа-ҳодисанинг салбий томонлари фош қилинади.

Хусайн (бош қуйи солинган). Нечун аввалроқ билмадим.

Навоий. Раҳнамо иблис бўлгач, янгилишиш табиийдир. Тушган йўлингиз ғоят мудҳиш йўл. Бу йўлдан борувчининг қонлардан кечиб, каллаларни депсиб ўлмай иложи йўқ.

Хусайн (оғир). Етар, Алишер... Мен сиздан бунчалик таъналарни кутмаган эдим.

Навоий Мен сизни, мени Балхга юбориб, бунчалик марҳаматлар қиласиз деб ўйламаган эдим.

9.Перифраза. Кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади. Бу термин префраз, парафраз, парафраза деб ҳам юритилади.

Ҳар қандай номни бошқа ибора билан алмаштириш ҳам перифраз бўла бермайди. Алмаштирилган предмет билан тасвирий ибора ўртасида мазмуний жихатдан қандайдир боғлиқлик бўлиши керак. Шу билан бирга, у алмаштирилган нарсанинг муҳим, аҳамияти томони, хусусияти тўғрисида ўқувчи ёки тингловчида равшан манзара ҳосил қилиниши лозим. Мисоллар :

Эй шонли **инқилоб бешиги**,

Бағринг букун чаман гул экан. (У.)

10.Муболаға ва литота. Муболаға- **гипербола** грекча сўзидан олинган бўлиб, бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъносини билдиради. **Литота** эса, аксинча, грекча - ҳаддан ташқари кичрайтириб кўрсатиш маъносини билдиради. Литота термини ўрнида баъзан **мейозис** термини ҳам ишлатилади. Мумтоз адабиётда бу санъат **тафрит** деб юритилади.

Муболаға ва литота ҳам асосан кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатилиш, ёки бошқа бирор предмет ва воқеа-ҳодиса тушинилса, ҳаддан ташқари кучайтириш ёки кичрайтириш тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади:

Узоқ йилларда қора чашмангдан

Оққан сиёҳларни ўлчасак агар,-

Қўлласам классик муболаға ман-

Дер эдим: тенг келар Қора денгизга!(М.Ш.)

11.Аллегория. Грекча сўзидан олинган бўлиб, қочирик, кесатиш маъносини билдиради. Тропнинг бир тури сифатида аллегория ҳам сўзларнинг кўчма маъносига асосланади. Ёзувчи абстракт (мавҳум) тушунчалар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ниятида уни бирор хусусияти билан яқинлашадиган конкрет предметлар орқали бадиий қилиб тасвирлаб беради.

Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни.

Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни. (Мақол.)

12.Символ.(рамз) Символ метафоранинг бир кўринишидир. У грекча сўзидан олинган. Қадимги грекларда махфий бир ташкилот аъзоларининг бир-бирларини билишлари учун қўлланган шартли белги.Бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва предметлар ифодаси учун сўзларнинг маълум равишда кўчма маънода ишлатилган сўз, бирикма ёки предмет, воқеа ва тушунчаларни эслатиб туриши керак.

Масалан, Тонг - кувноқлик, ёшлик, бахт рамзи (символи), тун - бахтсизлик рамзидир.

13.Жонлантириш. Жонлантириш метафоранинг махсус тури сифатида оғзаки нутқда ҳам, бадиий нутқда ҳам ўхшатишлар каби жуда қадимдан ишлатилиб келинади. Бу шундай усулки, унда кишиларнинг ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, сўзлаш ва фикрлашлари жонсиз предметларга кўчирилади. Бошқача қилиб айтганда, жонсиз предметларни инсонлар каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлаш жонлантириш дейилади. Жонлантириш усулидан поэтик асарларда,эртақ ва масалаларда кўпроқ фойдаланилади:

Саҳар чоғи... Кумуш каби шудрингдан

Сирға тақиб, япроғига бош қўйиб,
Гуллар туннинг кучоғида мудрайди... (У.)

14. **Апострофа.** Агар жонлантиришда жонсиз предметлар инсон сифатида ҳаракат қилса, апострофада жонсиз предметлар ҳаракат қилмайди, балки жонсиз нарсага жонли нарсадек мурожаат қилинади;

Сиёҳдон, омон бўл, ишчан ҳамдамим,
Ишонки, сўққабош бўлмагайсан ҳеч.
Сени кўп безовта қилди қаламим,
Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч! (М. Ш.)

Гапирилаётган пайтда бўлмаган кишига шу ерда иштирок этаётгандек мурожаат қилиш ҳам апострофанинг кўринишларидан биридир.

Қабрингга гулчамбар келтирдим, Хамза,
Диндан, инглиздан зериккан жонман .
Исодан, Мусодан, Куръон бурхондан
Тонган коммунистман, оддий инсонман. (Ғ.Ғ.)

Назорат саволлари.

- 2.1. Синтактик кўчимлар ва уларнинг турларини санаб бериш.
- 2.2. Синтактик кўчимлар ва уларнинг услубий тбиатини изохлаш.
- 2.3. Синтактик бадиий, публицистик ва сузлашув услубида қўлланилишига мисоллар кўчиринг
- 2.4. Маъно кўчиш йўллари ҳақида ўз фикрини билдиринг.
- 2.5. Жонлантириш ва унинг турлари ҳақида тушинча беринг.
- 2.6. Ўхшатиш ва унинг турлари ҳақида фикрингизни айтинг.
- 2.7. Кўчимларни услубий тасвирланг.
- 2.8. Сўз ички «қиёфа»сини жонлантириш усули.
- 2.9. Синтаксиснинг услубий имкониятлари ва матин уюштириш усули ҳамда нутқ санъатлари ўртасидаги боғлиқликни илмий асосда кўриб чиқиш.
- 2.10. Нутқ санъатларининг матн услубини яратишдаги аҳамияти ҳақидаги илмий қарашларни изохлаш.
- 2.11. Бадиий ва публицистик нутқда бадиий санъатларнинг қўлланиши ва услубий имкониятларини илмий далиллаш.

Керакли адабиётлар:

1. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983.
2. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984.
3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994.
4. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент. Фан. 1977.
5. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент. Фан. 1983.
6. Қўнғуров Р. Бегматов Э. Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Тошкент. Ўқитувчи 1992.
7. Тошалиев И. Ўзбек тили услубияти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Миллий университет. 1996.
8. Э. Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
9. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.
10. М. Ҳамроев, Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, Х. Ғуломаова, Ш. Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

Ўзбек тили услубияти фанидан 11-мавзу бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Адабий асарнинг бадиий қийматини, ифодалилигин, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши кўчим дейилади.

Онгимизда қандайдир хусусиятлари билан, белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки предмет ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш кўчимга асос қилиб олинади. Яъни бирор предмет ёки воқеа ҳодиса ҳақида аниқ, Ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор предмет ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади.

Услубиятга оид адабиётларда бадиий тасвир воситалари турли усуллари киритилади. Булар дастлаб паэзия доирасида қарала бошланади. Кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда эса синтактик шакллар бошқа услублар доирасида ҳам ўрганилаёпти.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983.
2. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С. СамДУ нашри, 1984.
3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994.
4. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент. Фан. 1977.
5. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент. Фан. 1983 .
6. Қўнғуров Р. Бегматов Э. Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Тошкент. Ўқитувчи 1992.
7. Тошалиев И. Ўзбек тили услубияти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Миллий университет. 1996.
8. М. Ҳамроев, Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, Х. Гуломаова, Ш. Йўлдошева. Она тили. - Тошкент, 2007.

Ўзбек тили услубияти фанидан янги педагогик технологиялар бўйича ўтиладиган амалий дарслар ишланмаси

1-Амалий машғулот.

Мавзу: Фаннинг мақсади ва вазифалари. Нутқ услубларига доир амалий ишлар

Режа:

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари.
2. Нутқ услубларига доир амалий ишлар.

“Ўзбек тили стилистикаси ” фани амалий машғулотларини шу фанга оид талабалар томонидан тайёрланган кичик матн билан бошлаймиз. Фан унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги матн маъруза дарсида ўтилган материал ва китоб асосида бирон бир иқтидорли талабага аввалги дарсда топширилади. Матн юзасидан муҳокама ўтказилади. Талабалар фаоллиги оширилади. Шундан кейин талабаларга саволлар берилади.

1. Нутқ услублари неча хил?

2. Китобдан ҳар бир нутқ услубига мисоллар кўрсатинг. Ўзингиз мустақил ҳар бир услубга мисоллар ёзинг.

3. Ҳар бир услубнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Муҳокама ва савол –жавоблар юзасидан баҳолар эълон қилинади. Ўқитувчининг сўнги сўзи: Услубшунослик тилнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, у тил бойлигидан етарли ва ўринли фойдаланишни ўргатади. Айниқса нутқий услубларни яхши билмоғимиз ва доимо улардан унумли фойдаланишимиз керакдир.

Дарсни якунлашдан олдин баҳолар эълон қилинади. Уйга вазифа берилади. Расмий услубга оид “Ариза”, “Маълумотнома” ёзиб келиш.

2-амалий машғулот:

Мавзу: Сўзлашув услубининг ўзига хос хусусиятлари.

Ажратилган вақт: 2 соат

Дарс мақсади:

- 1.Талабаларда сўзлашув услуби ҳақида билим ҳосил қилиш.
- 2.Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларни мисоллар асосида тушунтира олиш.
- 3.Сўзлашув услубидаги сўзларнинг лексик хусусиятларини тушунтира олиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

12. Сўзлашув услубини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
13. Оддий сўзлашув услубига хос сўзларни мисоллар орқали изоҳлайди.
14. Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларни мисоллар асосида тушунтира олади.
15. Сўзлашув услубидаги сўзларнинг лексик хусусиятларини тушунтира олади.
16. Кўчма маънодаги сўзларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлай олади.
17. Маънодош сўзлардаги бўёқдорликни сўзлашув нутқида қўлланилишини изоҳлайди.
18. Ибораларнинг сўзлашув нутқида қўлланилишини тушунтиради.
19. Сўзлашув услубининг грамматик хусусиятларини тушунтира олади.
20. Жонли сўзлашув тилида тўлиқсиз гапнинг кўп учрашини изоҳлайди.
21. Сўзлашув услубида ажратилган бўлақлардан муҳим услубий-грамматик восита сифатида кенг фойдаланилишини изоҳлай олади.
22. Сўзлашув услубининг морфологик хусусиятларини тушунтира олади.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.Бадиий асарлардан сўзлашув услубига хос мисоллар топинг.
- 2.Сўзлашув услубига хос фонетик ўзгаришларга бадиий асарлардан мисоллар топинг.
- 3.Маънодош сўзларнинг сўзлашув услубида қўлланилишига мисоллар топинг.

Керакли адабиётлар:

1. Б. Ўринбоев. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Т.: «Фан» нашриёти, 1974
2. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983 й.
3. Б. Ўринбоев. Ўзбек сўзлашув нутқи. Т.: «Фан» нашриёти, 1982 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон-1992 й.
5. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Тошкент-1994 й.
6. И. Тошалиев. Ўзбек тили услубияти.-Тошкент: Университет, 1996 й.
8. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
9. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонкулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили.- Тошкент, 2007.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ:

- 1.1. Ёзувчи А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан шевага хос сўзларни топиб таҳлил қилиш.
- 1.2. Ёзувчи А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги шевага хос сўзларни топиб шарҳлаш.
- 1.3. Уларнинг услубий жиҳатларини изоҳлаш.

2-т опшириқ:

- 2.1. Ш. Холмирзаевнинг «Олабўжи» романидан сўзлашув услубига хос ибораларни аниқлаш.
- 2.2. Шу мавзуга оид адабиётлардан фойдаланиб реферат тайёрлаш.

Ушбу топшириқни қуйидаги асарлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

1. Ёзувчи А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи.Т.1995й.
2. Ёзувчи А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи. Т.1995й.

3-амалий машғулот: Мавзу: Бадиий услуб

Режа:

1. Бадиий услубнинг лисоний ва нолисоний белгиларини.
2. Бадиий асарлардан фразеологизмлар, кўп маъноли сўзлар, нейтрал сўзларни аниқлаш

Дарс мақсади:

1. Бадиий услубнинг лисоний ва нолисоний белгиларини тушунтириш.
2. Бадиий услубнинг эстетик таъсир этиш вазифасини бажариши тўғрисида тушунча бериш.
3. Проза, поэзия, драматургия ва ранг-баранг жанрлардан иборат эканлиги.
4. Бадиий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар чекланмаганлигини тушунтириш.
5. Бадиий услубда гап турларини қўллаш ҳақида талабаларга тушунча бериш.
6. Бадиий услубда бадиий тасвир воситалари асосий омил ҳисобланишини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Бадиий услубнинг ўзи учун характерли бўлган томонларини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Функционал жиҳатдан биқик, чегараланган эмаслигини изоҳлайди.
- Бадиий нутқнинг сўз санъати эканлигини тушунтира олади.
- Бадиий нутқда умумхалқ тили ва адабий тилнинг барча қатламларига мансуб сўз ва ибораларнинг, турли услуб унсурларининг, ҳатто бутун-бутун парчаларнинг кенг ва фаол ишлатилиши мумкинлигини тушунтира олади.
- Бадиий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар ва гап турларининг қўлланишини тасаввур қилади ва тушунтира олади.
- Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлай олади.

Талабаларга олдиндан бирон-бир бадиий асар олиб келиш айтилган.

Ҳар бир талабага китобдан фразеологизмларга, кўп маъноли ва нейтрал сўзларга мисол топиб кўчириш топширилади.

Бу вазифа бажарилгач, талабалар ўз мисолларини ўқийдилар ва изоҳлаб берадилар. Шундан сўнг, талабаларга бажарилган иш мавзусида саволлар берилади:

1. Услубиятда фразеологизмлардан қандай фойдаланилади? Уларнинг услубий қиймати нимада?
2. Кўп маъноли сўзларнинг ҳосил бўлишини гапириб беринг. Кўп маъноли сўзларнинг мантиқий аҳамияти қандай?
3. Нейтрал сўзлар деганда қандай сўзларни тушунасиш? Уларни ўз ёзган мисолларингиз орқали услубий аҳамиятини кўрсатинг?
4. Лексик услубшуносликнинг ўзига хос томонларини гапиринг. Сўз ясалишидаги услубий хусусият қандай?

Баҳолар эълон қилинади. Уйга вазифа берилади:

1. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” ўқув қўлланмасидан 1-4 машқларни бажариб келинг.

Ишни бажариш тартиби:

1. Бадиий адабиётлардан бадиий услубга хос ўринларни белгилаш.
2. Уларнинг қўлланилишидаги ўзига хослик.

Керакли адабиётлар:

1. А. Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 1974.
2. А. Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, 1974.

Мустақил иш топшириқлари:

Қуйидаги асарларни ўқиб, ундаги бадиий услубга оил ўринларни ажратиш. Ёзувчи ва шоирларнинг сўз қўллаш санъатини ўрганиш ва реферат ёзиш.

1-топшириқ:

1. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидан бадиий услубга оид сўзларни ажратиб чиқиш.

2. Шу мавзуда реферат тайёрлаш.

2-Топширик:

1. Муҳаммад Юсуфнинг шеърларидан бадиий тасвир воситаларига мисоллар топиш.

2. Шу мавзуда реферат тайёрлаш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. А. Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 1974.

2. А. Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, 1974.

3. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик. 1,2,5,6,7,8-жилдлар.

4. Ғ. Ғулом. Асарлар. 10 жилдлик, 1-4-жилдлар.

5. Ҳ. Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами, 10 жилдлик. 1-2-жилдлар.

6. М. Юсуф. Танланган асарлар.

Маъруза бўйича мустақил таълим материаллари:

1. А. Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 1974.

2. А. Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, 1974.

3. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик. 1,2,5,6,7,8-жилдлар.

4. Ғ. Ғулом. Асарлар. 10 жилдлик, 1-4-жилдлар.

5. Ҳ. Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами, 10 жилдлик. 1-2-жилдлар.

Оқоридаги асарларни ўқиб, ундаги бадиий услубга оид ўринларни ажратиш. Ёзувчи ва шоирларнинг сўз қўллаш санъатини ўрганиш ва реферат ёзиш.

Назорат саволлари:

1. Бадиий услубда ёзувчи тилда мавжуд бўлган қайси воситалардан фойдаланмайди?

2. Бадиий услубга хос гап тузинг.

3. Шевага хос сўзлар услубларнинг қайси бирида ишлатиши мумкин?

4. қайси услуб китобхон (тингловчи)га маълумот беришдан ташқари таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради?

5. Берилган матн қайси услубда ёзилган?

Оҳ, олтин зум, ширин дақиқа, Яна келдим соҳилларингга.

6. Назмий, насрий асарлар, роман, новелла қайси услубда ёзилади?

7. Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

8. Бадиий услубга хос гап тузинг.

9. Ранг билдирган сўзлардан бадиий услубга тегишлисини топинг.

10. Бадиий услубга хос боғловчиларга мисоллар айтинг.

11. Бадиий асар тилини қайси фан текширади?

12. Аини куз вақти. Майин шабада эсади. Япроқлар олтин рангда. Дала ва боғларда иш қизгин. Дехқон боғда анор кўмпяпти. У кучли қадоқ қўллари билан анорнинг тиканли танасини, хурпайган новдаларини боғляпти. Анор тупини похолга ўраб, тупроқ билан кўмпяпти.

Оқоридаги бадиий тасвирдан асосий фикр ифодаланган гапни топинг.

13. Асосан бадиий услубга хос бўлган изн (изн бермоқ) сўзининг синонимини топинг.

14. Қуйидаги матн қайси услубга тегишли?

Жўякларда сув бир ҳовуч кўз ёшидай милтираб оқиб турибди. Қуёш қаймоқ суртилган ширмон нондек уфққа қизариб бота бошлади

4-амалий машғулот:

Мавзу: Лексиканинг услубий имкониятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

1. Лексиканинг услубий имкониятларини шарҳлаш.

2. Диалектизмлар, жаргонлар ва аргонларни қўллаш мезонлари ҳақида фикр юритиш.

3. Ўзлашган қатламга мансуб сўзларга эътибор қаратиш.

4. Архаизм, историзм ва неологизм масаласидаги муаммоларга шарҳ бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Тил луғатининг услубий табақаланишига баҳо беради.
- 3.2. Сўз ва нутқнинг маъноларини илғаб етади.
- 3.3. Қўлланилиши чегараланган ва чегараланмаган лексикани фарқлаб олади.
- 3.4. Диалектизмлар, терминлар, уларни қўллаш усулларини манбалар ёрдамида белгилаб олади.
- 3.5. Ўз ва ўзлашган қатламга мансуб сўзларни ўринсиз қўлланиши оқибатлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.
- 3.6. Янгилик бўёғига эга бўлган сўз ва тушунчаларни фарқлай олади.

Ишни бажариш тартиби:

1. Турли адабиёт манбаларидан намуналар танлаш.
2. Ҳар бир манбадан лексик услубиятга хос элементларни аниқлаш.
3. Қиёслашда аниқ бўлган сўзларни қайси гуруҳга хос эканлигини аниқлаш.
4. Ўз ва ўзлашган қатламдаги сўзларнинг бир-бирига муносабатини аниқлаш.
5. Архаик, тарихий ва янги маъноли сўзларни аниқлаб, қайси гуруҳга хос эканлигини шарҳлаш.

Керакли адабиётлар:

1. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
2. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.
3. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994 й.
4. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981 й.
5. И. Тошалиев, М. Жўрабоева. Ҳозирги ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. Ўзбек тили стилистикасининг актуал масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами, N 711, -Тошкент, 1983 й.
6. Э. Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
7. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ: Навоий асарларидан намуналар олиб таҳлил қилиш.

- 1.1. Навоий асарларидан намуналар олиб, тарихий ва архаик сўзларни белгилаш.
- 1.2. Навоий асарларидан олинган намуналарни ҳозирги ўзбек адабий тилидаги эквивалентлар билан қиёслаш.
- 1.3. Навоий асарларидаги кўп маъноли, маънодош, шаклдош ва зиддияларни аниқлаб, таҳлил қилиш.

2-топшириқ: Ғ. Ғулумнинг асарларидан намуналар олиб, таҳлил қилиш.

- 2.1. Ғ. Ғулум шеъриятида сўз қўллаш маҳорати.
- 2.2. Ғ. Ғулум шеъриятида кўп маъноли, шаклдош, маънодош ва зиддияларни аниқлаш.
- 2.3. Ғ. Ғулум шеъриятидаги архаик, тарихий сўзлар ва неологизмларни аниқлаш ва адабий тилдаги сўзлар билан қиёслаш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Х. Дониёров. А. Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976 й.
2. Қ. Самадов. Ғ. Ғулумнинг шеърятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й.
3. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992 й.

5-амалий машғулот:

Мавзу: Ибора ва мақолларнинг услубий хусусиятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

- Мақол ва ибораларни шарҳлаш.

- Уларни сўзлашув, публицистик ва бадиий услубда қўлланилиши ва вазифаси ҳақида фикр юритиш.
- Бадиий асарлардан намуналарни топишга эътиборни қаратиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 4.1. «Сўз кўрки-мақол» мақоли ҳақида фикр юрита олади.
- 4.2. Мақолларнинг турли услубларда ишлатилишини англаб етади.
- 4.3. Сўзлашув услубидаги мақолларнинг услубий хусусиятлари чегаралаб олинади.
- 4.4. Публицистик услубдаги мақоллар ҳақида тасаввурга эга бўлади.
- 4.5. Бадиий нутқда қўлланиладиган мақолларга муносабат билдиради.
- 4.6. Ҳикматли сўзларни топиб мақоллар билан қиёслайди.

Ишни бажариш тартиби:

1. Мақол ва маталлардан намуналар танлаш.
2. Бир давр манбаси билан бошқа давр манбасини қиёслаш.
3. Ҳар бир манбадан айрим мавзулардаги мақолларни қиёслашда аниқ бўлган мақолларни гуруҳлаш.
4. Сўзлашув, публицистик ва бадиий нутққа хос мақол ва маталларни аниқлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Ш. Раҳматуллаев. Нутқимиз кўрки. Т.: Фан, 1970 й.
2. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т.: Фан, 1966 й.
3. М. Аъламова. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т.: Ўзбекистон, 1988 й.
4. А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: Фан, 1987 й.
5. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
6. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.
7. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994 й.
8. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
9. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ: Бадиий асарлардаги мақолларни таҳлил қилиш.

- 1.1. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги мақол, матал ва ибораларни Аниқлаш.
- 1.2. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги мақол ва ибораларни мавзу бўйича гуруҳларга ажратиш.
- 1.3. Мақол ва ибораларнинг қўлланиш услубларни изоҳлаш.

2-топшириқ: Мақол ва иборалар асосида реферат тайёрлаш.

3-топшириқ: Мақол, матал ва ибораларнинг услубий вазифаларини изоҳлаш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Ш. Раҳматуллаев. Нутқимиз кўрки. Т.: Фан, 1970 й.
2. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т.: Фан, 1966 й.
3. М. Аъламова. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т.: Ўзбекистон, 1988 й.
4. А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: Фан, 1987 й.

б-амалий машғулот:

Мавзу: От шаклларининг услубий хусусиятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

- Отларнинг услубий хусусиятлари тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 5.1. От шаклларига умумий тавсиф бера олади.
- 5.2. Кўплик ва келишиқ категорияларининг услубий хусусиятларини айта олади.
- 5.3. Эгалиқ категорияси модалликнинг услубий хусусиятларини изоҳлай олади.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.-лар кўшимчаларининг сўзлашув, илмий ва публицистик услубларда қўлланилиш хусусиятларини ўрганиш.
2. Келишиқ кўшимчаларининг ўзаро синонимик муносабатини таҳлил қилиш.
3. Келишиқ кўшимчалари ва кўмакчиларнинг функционал алмашилишини аниқлаш.
4. Эгалиқ кўшимчаларининг услубий қўлланилишининг тавсифини беринг.
5. Субъектив баҳо шакллариининг услубий тавсифига умумий таъриф бериш.
6. От ясовчи кўшимчаларнинг услубий қўлланилиши.
7. Қўшма, жуфт ва такрорий отларнинг услубий кўринишларини таҳлил қилинг.

Керакли адабиётлар:

1. А. Ҳожиев. Ўзбек тили сўз ясалиши. Т.: Ўқитувчи, 1989 й.
2. Ўзбек тили грамматикаси, 1-том. Морфология.-Тошкент: Фан, 1975 й.
3. А. Абдуллаев. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши.-Тошкент: Фан, 1983 й.
4. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
5. Ш. Шоабдурахмонов, М. Асқарова, А. Ҳожиев, И. Расулов, Ҳ. Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
6. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.
7. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994 й.
8. Ё. Тожиев. Ўзбек тили морфемикаси.-Тошкент, 1992.
9. Ё. Тожиев. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси.-Тошкент: ТошДУ нашри, 1987 й.
10. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
11. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ: Отларда шахс-сон ва келишиқ кўшимчаларини таҳлил қилиш.

- 1.1. –лар кўплик кўшимчасининг кўшимча маъноларини аниқланг.
- 1.2. Келишиқ кўшимчаларининг бошқа маъноларда қўлланилишининг сабаблари.
- 1.3. Сон ва келишиқ кўшимчаларининг услубий қўлланилишини изоҳланг.

2-топшириқ: Отларда эгалиқ ва модаллик кўшимчаларига тавсиф бериш.

- 2.1. Эгалиқ кўшимчаларининг нозик маъно қирраларини, субъектив баҳо шакллариининг услубий хусусиятларини белгилаб кўрсатинг.
- 2.2. –ча, -гина, -он кўшимчаларининг қўлланилишидаги ранг-барангликни мисоллар асосида кўрсатинг.

3-топшириқ: Кўплик ва келишиқ кўшимчаларининг қўлланилишидаги нуқсонларга бадиий адабиёт ва матбуот саҳифаларидан мисол топиш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
2. Ш. Шоабдурахмонов, М. Асқарова, А. Ҳожиев, И. Расулов, Ҳ. Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
3. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.

4. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994 й.
5. Ё. Тожиев. Ўзбек тили морфемикаси.-Тошкент, 1992.
6. Ё. Тожиев. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси.-Тошкент: ТошДУ нашри, 1987 й.
7. Бадиий адабиёт ва матбуот саҳифалари.

7-амалий машғулот:

Мавзу: Сифат, сон ва олмошларнинг услубий имкониятлари..

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади: Талабаларда сифат, сон ва олмошларнинг услубий имкониятлари ҳақида тасаввур ва тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 6.1. Сон ва сифатнинг услубий хусусиятларини изоҳлай олади.
- 6.2. Сифат даражаларини ажрата билади.
- 6.3. Соннинг услубий қўлланишини тасаввур қилади.
- 6.4. Олмошлар от, сифат, сон эквиваленти эканлигини англаб етади.
- 6.5. Олмошларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўлланиши имкониятларини очиб беради.

Ишни бажариш тартиби:

1. Сифат ясовчи қўшимчаларини ўрганиш.
2. Сифат ва соннинг услубий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш.
3. Соннинг услубий қўлланишидаги ўзига хосликни аниқланг.
4. Олмошларнинг ҳар хил услубда ҳар хил масқадларда ишлатилишини изоҳланг.

Керакли адабиётлар:

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ: Сифат ясовчи қўшимчаларининг услубий қўлланиши юзасидан мисоллар топиш.

1.1. –**ли,-сиз,бе-, но-** қўшимчаларининг орасидаги шакл ва маъно муносабати.

1.2. Сифат ясовчи бошқа қўшимчаларининг орасидаги маънодошлик.

2-топшириқ: Олмошларнинг услубий қўлланишидаги ўзига хосликни мисоллар ёрдамида тушунтириш.

2.1. Бадиий асарлардан олмош сўз туркумига оид сўзларни белгиланг, турларга ажратинг.

2.2. Шулардан кишилик олмошларининг ўзига хос услубий хусусиятларини мисоллар ёрдамида тушунтириш.

2.3. Кўрсатиш олмоларининг қўлланишига оид баъзи бир муаммоларни изоҳланг.

3-топшириқ: Сон шакл ясовчи қўшимчаларни мисоллар ёрдамида тушунтириш.

3.1. Сон шакли ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг услубий қўлланишини мисоллар ёрдамида изоҳланг.

3.2. Соннинг услубий қўлланишига оид баъзи бир муаммоларни изоҳланг.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Ҳ.Олимжон асарларидаги кўрсатиш олмошларини аниқланг.

2. А.Орипов шеърларида кишилик олмошлари қўлланишига мисоллар топинг.

3. Қ.Самадов . Т-91

4. Қ.Самадов. Т-92

5. А.Шомақсудов ва бошқалар.

8-амалий машғулот:

Мавзу: Феъллардаги шахс-сон, замон, майл бўлишли ва бўлишсизликнинг услубий хусусиятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади: Талабаларда феъл услубияи ҳақидаги назарий фикрларини амалда қўллашни ўргатиш.

Идентив ўқуву мақсадлари:

- 7.1. Феъл замонларининг услубий хусусиятларини шарҳлаб беради.
- 7.2. Ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон шаклларининг бири ўрнида иккинчиси қўлланишини мумкинлигини тушунтиради.
- 7.3. Майл шаклларининг услубий хусусиятларини тушунтира олади.
- 7.4. Ижро майлидаги феълнинг баъзан буйруқ ва шарт майли ўрнида келишини далиллайди.
- 7.5. Шахс –сон шаклларининг услубий хусусиятларини тушунтиради.
- 7.6. II шахсга мурожаатда I шахс кўплигидан фойдаланишда англашиладиган маънони изоҳлайди.
- 7.7. Менсимаслик, киноя, кесатиқ ҳурмат каби модал маъноларни далиллайди.
- 7.8. Феълларнинг бўлишсиз шакли қайси қўшимчалар ёрдамида ифодаланишини кўриб чиқади.
- 7.9. Риторик сўроқ гапларда бўлишсизлик шаклини қайси маъноларда ишлатилишини синаб беради.
- 7.10. На..на юкламасининг вазифаларини изоҳлайди.

Ишни бажариш тартиби:

1. Феъл замонларини бири-бирининг ўрнида ишлатилиш холатларини кўриб чиқинг.
2. Феъл майлларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганинг.
3. Шахс сон қўшимчаларини ишлатишдаги айрим ўзига хосликни аниқланг.
4. Риторик сўроқ гапларнинг маънолари ҳақида фикр юритинг.
5. Бўлишсизлик шакли ясовчи сўз ва қўшимчаларни изоҳланг.

Керакли адабиётлар:

1. Шомақсудов А., РасуловИ., Қўнғуров., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент:Ўқитувчи, 1983.75-140б
2. Шоабдурахмонов Ш., АСқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент:Ўқитувчи 1980. 213-431б
3. Ўзбек тили грамматикаси, 1-том. Морфология-Тошкент:Фан., 1975 124-306б
4. Соддиқова М. Феъл стилистикаси. -Тошкент:Фан, 1975-9-105б
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-4-84б.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ:

- а)Бадиий асарлардан феъл замонларига мисоллар топиб,дафтарингизга ёзинг.
- б)Феъл майлларининг бири қрнида иккинчиси қўлланилишида рўй берадиган маъно нозикликларини аниқланг.
- в)Шахс-сон қўшимчаларининг қўлланилишидаги маъно нозикликларига мисоллар топинг.
- г)Бўлишсизликни ифодаловчи сўз ва қўшимчаларни аниқланг.

2-топшириқ:

- а)Кўплик ,келишиқ қўшимчалари,кўмакчи ва феъл шаклларининг қўлланилишидаги нуқсонларга бадиий адабиёт ва матбуот саҳифаларидан мисоллар топинг.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Шомақсудов А., РасуловИ., Қўнғуров., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент:Ўқитувчи, 1983.75-140б
2. Шоабдурахмонов Ш., АСқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент:Ўқитувчи 1980. 213-431б
3. Ўзбек тили грамматикаси, 1-том. Морфология-Тошкент:Фан., 1975 124-306б
4. Соддиқова М. Феъл стилистикаси. -Тошкент:Фан, 1975-9-105б
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-4-84б.

9-амалий машғулот:

Мавзу: Хосланган услубларда синтаксиснинг услубий имкониятлари.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

Услугларнинг синтаксисда қўлланилиши хақида талабаларда тушунчалар хосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 8.1. Хосланган услубларнинг умумий тавсифини бера олади.
- 8.2. Мазмундош гап бўлақларини ва сўз бирикмаларини услубий қўлланилишини изохлаб бера олади.

Ишни бажариш тартиби:

1. Хосланган услубларнинг синтактик имкониятларини ўрганиш.
2. Мазмундош гап бўлақларини таҳлил қилиш.
3. Сўз бирикмалари орасидаги мазмундошликни ўзига хос томонларини аниқланг.

Керакли адабиётлар:

1. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров., Рустамов Х. ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1983.141-1976
2. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Синтаксис. Тошкент: Фан 1976. -18-289 б
3. А.Ғуломов, Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. Ўқитувчи, 1987 -23-158б
4. Бобоев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. Тошкент:Фан 1978
5. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
6. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

В) Мустақил иш топшириқлари:**1-топшириқ:**

1. А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романидан мазмундош гапларга мисоллар топинг.

2-топшириқ:

1. Ш.Холмирзаевнинг “Олабўжи” романидан хосланган услубларга мисоллар топинг.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романи. Т. “Шарқ”1995й.
2. Ш.Холмирзаевнинг “Олабўжи” романи. Т. “Шарқ”1995й.

“Ўзбек тили услубияти” фанидан ЯПТ асосида семинар машғулотлар ишланмаси

№	Мавзулар
1.	Морфологик услубшунослик. Матндан услубий хатолар ва ноаниқликларни аниқлаш.
2.	Мазмундош гаплар услубияти
3.	Бош ва иккинчи даражали бўлақлар синонимиясига доир машқлар
4.	Бадий асарлардан гап бўлақлари синонимиясига доир мисоллар топиш. Уюшиқ бўлақлар услубий хусусиятларига доир машқлар бажариш. Шу мазуга оид услубий диктант ёздириш
5.	Публицистик услуб жанрлари. Бирор мавзуда публицистик матн тузи
6.	Бадий услуб намуналари. Шеър, ҳикоя ёзиш, уларда синтактик фигура ва тропларни қўллаш.
7.	Услубиятда нутқий санъатлар.
8.	Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар ва гап бўлақларининг услубияти

1-семинар машғулотлари: Мавзу: Морфологик услубшунослик. Матндан услубий хатолар ва ноаниқликларни аниқлаш.

Режа:

1. Морфологик услубшунослик.
2. Матндан услубий хатолар ва ноаниқликларни аниқлаш.

Ўқитувчи кириш сўз билан дарсни бошлайди:

- Грамматик услубият икки қисмдан иборат: морфологик ва синтактик услубият. Грамматик шаклларнинг функционал-услубий хусусиятлари морфологик услубиятда ўрганилади. Ҳар бир сўз туркумида ўзига хос услубиятлар мавжуд бўлиб, уларни биз қуйидаги машқларни бажариш орқали янада чуқурроқ билиб оламиз.

24 – бетдаги 1 ва 2-машқларни бажарамиз. Бу машқларни талабалар ўз дафтарларида бажарадилар. Битта-битта доскада ҳам ушбу машқни бажара боўлайдилар. Ҳар бир гап морфологик услубият нуқтаи назаридан изоҳлаб берилади. Ўқитувчи бу изоҳларни шарҳлаб, ёзилган мисолни текшириб баҳо қўяди.

Шундан кейин талабаларга саволлар берилади:

1. Сўз туркумлари услубияти ҳақида гапиринг.
2. От шакллари услубияти хусусиятлари.
3. Услубият.


“Тармоқлар” методи. (Кластер)

Фикрлар тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиш мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди.

Бу дарсда лингвистик услубшуносликни тармоқлаштириш топширилганда, ҳар бир талаба ўз чизмасини яратади. Масалан:

Келишик категория услубияти чизмаси



Шундан кейин талабаларга саволлар берилади:

1. Сўз туркумлари услубияти ҳақида гапиринг.
2. От шакллари услубияти хусусиятлари.
3. Услубият.

Талабалар баҳоланиб, баҳолар эълон қилинади.

Уйга вазифа берилади: 25-бетдаги 3-машқ ва 26-бетдаги 6-машқларни бажариш.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ:

1. Бадиий адабиётлардан содда гапларнинг бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли турларига мисоллар топинг.

2-топшириқ:

1. Бадиий адабиётлардан боғланган кўшма гаплар синонимиясига мисоллар топинг.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Х. Дониёров. А. Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976 й.
2. Қ. Самадов. Ғ. Ғулумнинг шеърятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й.

3. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992 й.

2-семинар машғулот: Мазмундош гаплар услубияти.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

Талабаларда гап ва унинг турлари орасидаги мазмундошлик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 9.1. Бир бош бўлакли гапларнинг орасидаги манодошликни изохлай олади.
- 9.2. Икки бош бўлакли гапларнинг синонимиясини ажрата билади.
- 9.3. Риторик сўроқ гаплар синонимиясини шарҳлайди.
- 9.4. Фаол ва нофаол гаплар синонимиясини тушуниб етади
- 9.5. Боғланган қўшма гапларнинг синонимик – услубий қулланилиши ҳақида тушунчага эга бўлади.
- 9.6. Эргашган қўшма гаплар синонимиясини изохлай олади.
- 9.7. Қўшма ва содда гаплар синонимиясини англаб етади.
- 9.8. Эргашган қўшма гап ва содда гаплар орасида манодошликни мисоллар асосида исботлай олади.
- 9.9. Боғланган қўшма гап ва содда гаплар синонимияси ҳақида тасаввур ҳосил қилади.
- 9.10. Кучирма ва ўзлаштирма гаплар синонимиясини тушунтириб бера олади.

Ишни бажариш тартиби:

1. Мазмундош содда гапларни услубий қўлланилишидаги ўзига хосликни аниқланг.
2. Бир бош бўлакли гаплар орасидаги синонимликни изохланг.
3. Боғланган қўшма гаплар синонимиясини ўрганинг.
4. эргашган қўшма гаплар орасидаги мазмундошликка мисоллар топинг.

Керакли адабиётлар:

1. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров., Рустамов Ҳ. ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1983.141-1976
2. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Синтаксис. Тошкент: Фан 1976. -18-289 б
3. А.Ғуломов, Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. Ўқитувчи, 1987 -23-158б
4. Бобоев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. Тошкент:Фан.1978 йил.
5. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
6. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.

3 – семинар машғулот

Мавзу: Бош ва иккинчи даражали бўлақлар синонимиясига доир машқлар

Режа:

1. Бош бўлақлар синонимиясига оид назарий савол-жавоблар ўтказиш.
2. Шу мавзуда 121-бетдаги 31 ва 32 – машқларни ёзма бажариш.
3. Мавзу бўйича муҳокама ўтказиш.

Педагогик технология принципларидан “Елпиғич” услуби кўп тармоқли мураккаб мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама қилинади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий таҳлилий аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки ихчам баён этишга имкон яратади.

“Елпиғич” технологияси мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

Биз ҳам талабаларни гуруҳларга ажратамиз ва уларга саволларни берами:

1. Синтактик алоқа нима?

2. Гап бўлақларининг ўзига хос услубий хусусиятлари нимада?

3. Эга билан боғлиқ услубият нималарда ифодаланади? Эганинг ифодаланишида синонимия.

4. От-кесим ва феъл-кесим ва уларнинг синонимик ҳолатларининг услубиятларини гапиринг.

5. Қолган гап бўлақларининг қўлланиши орқали услубиятдаги ўзгаришлар нимада?

Бу саволларга ҳар бир гуруҳ ўз жавобларини тайёрлайди ва кейин ўз жавобларини алоҳида алоҳида ҳимоя қиладилар. Энг ишонarli далилларга бой жавоб ажратилади.

Савол-жавоблар ўтказилгандан кейин ўқитувчи жавобларга изоҳ беради ва яқунлайди.

Машқларни бажаришга ўтилади ва доскага ҳар бир мисолни ёзиб, изоҳлаш учун талабалар чақирилади. Машқларни бажариб бўлгач, талабалар ушбу мавзу бўйича ўз фикрларини билдириб, муҳокама ўтказадилар.

Талабалар баҳоланиб, баҳолар эълон қилинади. Уйга вазифа берилади: 122-бетдаги 34-машқ.

4 – семинар машғулоти

Мавзу: Бадий асарлардан гап бўлақлари синонимиясига доир мисоллар топиш. Уюшиқ бўлақлар услубий хусусиятларига доир машқлар бажариш. Шу мавзуга оид услубий диктант ёздириш.

Режа:

1. Ҳар бир талаба кўлидаги бадий асардан гап бўлақлари синонимиясига доир мисоллар кўчириб ёзадилар.

2. 123-бетдаги 39-машқни бажариш.

3. Уюшиқ бўлақлар услубиятига оид диктант ёздириш (123-бетдаги 38-машқ).

Ўқитувчи “Уюшиқ бўлақлар услубияти”га оид кичик маъруза қилиб бергач, талабалар ўзлари билан олиб келган бадий асар намуналаридан бир матнни танлайдилар. Бу матндан гап бўлақлари синонимиясига мисоллар топиб, кўчириб ёзадилар. Уларни ўқиб, изоҳлаб берадилар.

123-бетдаги 39-машқни бажаришга киришадилар. Доскада бирин-кетин талабалар ушбу машқни бажарадилар. Ҳар бир гапдаги синонимик ҳолатни ва улар англатаётган услубиятни тушунтириб берадилар.

Шундан кейин кичик диктант ёздирилади. Диктантда уюшиқ бўлақлар синонимиясига доир топшириқ бажарилади.

Дарс охирида талабаларнинг жавоблари баҳоланади ва эълон қилинади. Уйга вазифа берилади: 123-бетдаги 41 – машқ.

5– семинар машғулоти

Мавзу: Публицистик услуб жанрлари. Бирор мавзуда публицистик матн тузиш.

Режа:

1. Ўқитувчининг публицистик услуб ҳақидаги кичик маърузаси.

2. Талабаларга публицистик услубда очерк, мақола, мулоқот ёзиш йўлларини тушунтириб бериш.

3. Талабалар ўз хошишларига қараб очерк, мақола ёки бирон-бир персонаж билан мулоқат намунасини ёзадилар.

Ўқитувчи нутқ услубларидан бири бўлган публицистик жанр ҳақида гапириб беради. Бу жанр ахборот воситалари бўлмиш радио, телевидение, газета ва журналларда фаол қўлланидиган

оммабоп жанр бўлиб, кўпинча журналистлар шу жанрда ижод қиладилар. Сиёсий, илмий ҳаёт жараёни, янгиликлар шу жанрда ёзилган матнларда ўз ифодасини топади.

Талабаларга шу жанрда бирор материал тайёрлаш топширилади. Режа тузишда, материал танлашда талаба ёрдам бериш.

Талабаларнинг мустақил ижодий жараёни.

Ҳар бир талабанинг ёзган мақола ёки очерки билан танишиб баҳолаш. Айрим хатоларни кўрсатиш ва изоҳлаш. Уйга вазифа: Нутқ услубларидан илмий услубда кичик реферат ёзиб келиш. Мавзуси ихтиёрий.

6 – семинар машғулоти

Мавзу: Бадиий услуб намуналари. Шеър, ҳикоя ёзиш, уларда синтактик фигура ва тропларни қўллаш.

Режа:

1. Бадиий услуб ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи, кичик маъруза.
2. Талабаларга шу услубда шеър, ҳикоя ёзишни топшириш ва тушунтириш.
3. Уларда синтактик фигура ва тропларни қўллаш.

Ўқитувчи барча бадиий асарларнинг услуби - бадиий услуб ҳақида гапириб беради. Бадиий услубга хос хусусиятлар тушунтирилиб, талабалар билан билан ҳам шу мавзуда савол-жавоб ўтказилади. Ўқитувчи барча бадиий асарларнинг услуби - бадиий услуб ҳақида гапириб беради. Бадиий услубга хос хусусиятлар тушунтирилиб, талабалар билан билан ҳам шу мавзуда савол-жавоб ўтказилади.

“Фикрлар хужуми” методи. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта микдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир. Бу методнинг асосий тамойили ва қондаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлоқ таъқиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил мутойибани рағбатлантиришидир. Талабаларга публицистик услубдан кетма-кет саволлар берилади. Ҳар бир талабадан саволларга турли вариантдаги жавоблар олинади. Уларни рағбатлантириш шарт бўлади.

1. Публицистик услуб услубшуносликнинг қайси бўлимига тааллуқли?
2. Публицистик услубнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
бу услубда нималар ёзилади? Сананг.
3. Публицистик услубнинг ютуғи нимада?

Талабаларнинг ҳар биридан олинган жавоб инобатга олинади. Жавоблар умумлаштириб тўғри жавоб шакллантириб кўрсатилади.

Талабалар бадиий услуб намуналаридан бирини танлайдилар, яъни ҳар бир талаба ё шеър ё ҳикоя ёзишга киришадилар. Ўқитувчи уларга бу ишда ёрдам беради. Ҳар бир талабанинг ишига яраша маслаҳатлар бериш орқали тўғри йўлга солади.

Талабалар ўз ишларида синтактик фигуралар ва троплардан фойдаланадилар. Бу ҳар бир ишнинг баҳоланиш рейтингда ҳисобга олинади.

Ишлар йиғиб олинган, бир нечтаси ўқиб эшиттирилади ва баҳоланади.

Қолганлари уйда текширилиб баҳолари эълон қилинади.

7- семинар машғулоти:

Мавзу: слубиятда нутқий санъатлар.

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

Талабаларда услубиятдаги нутқий санъатлар ва уларнинг матнни уюштиришдаги иштироки ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Асосан бадиий публицистик ва сўзлашув услубларида қўлланиладиган бадиий санъатлар такрор, нутқда инвесия ,тазод, кучайтириш, риторик сўроқ

гапларга изоҳ бера олиш.Синтактик кўчималарнинг матин уюштиришдаги ролини изоҳлаш, уларнинг услубий қўлланилишини ўрганиш, ўзига хос вазифаларига баҳо бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятларини ва ва турларини изоҳлайди
- 2.Уларнинг бадиий ва публицистик услубда қўлланиши ва услубий имкониятлари ҳақида тушунча бера олади.
- 3.Шоир ва ёзувчилар услубларида қўлланилаётган синтактик қўшимчаларнинг турларига баҳо бера олади.
- 4.Метафора, метанимия, синекдоха, ва вазифадошлик ҳақида тушунчаларини мустахкамлайди.
- 5.Ўхшатиш, муболаға, жонлантириш каби санъатларни қайси услубларда қўлланилишини изоҳлайди.
- 6.Бадиий тасвир воситалари илмий ва расмий услуб учун асосий хусусият эмаслигини ечиб беради.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.Бадиий адабиётдан нутқий санъатга мисоллар топиш.
- 2.Нутқий санъатларнинг кўпроқ қайси услубларда қўлланишига мисоллар келтиринг.
- 3.Синтактик санъатларнинг матин уюштиришдаги ролини мисоллар ёрдамида тушинтиринг.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ:

- 1.1.Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романидан нутқий санъатга намуналар олиб таҳлил қилиш.
- 1.2. Ёзувчи Ш Холмирзаевнинг ҳикояларидаги нутқий санъатларни аниқлаш.

2-топшириқ:

- 2.1.Юқоридаги асарлардан инверсия ҳодисасига мисоллар топиш.
- 2.2. Ушбу асарлардан риторик сўроқ гапларни шарҳлаш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи
2. Ш.Холмирзаев. ” Оғир тош кўчса” ҳикоялар тўплами.

Назорат саволлари:

1. Нутқий санъатларнинг умумий хусусиятлари ва турлари.
2. Инверсия. Унинг турлари ва вазифалари.
3. Такрор. Унинг турлари, услубий вазифалари.
4. Риторик сўроқ гап риторик ундаш ва мурожатларнинг қўлланиши.
5. Матн уюштириш усули ва нутқ санъатлари ўртасидаги боғлиқлик.
6. Бадиий ва публицистик услубда нутқ санъатларини қўлланилиши.
7. Синтактик кўчимлар ва уларнинг турлари.
8. Ўхшатиш ва уларнинг турлари.
9. Синтактик кўчимлар ва уларнинг турларини санаб бериш.
- 10.Синтактик кўчимлар ва уларнинг услубий табиатини изоҳлаш.
- 11.Синтактик кўчимларнинг бадиий, публицистик ва сўзлашув услубида қўлланилишига мисоллар ёзинг .
12. Маъно кўчиш йўллари ҳақида ўз фикрини билдириш.
13. Жонлантириш ва унинг турлари ҳақида тушинча беринг.
14. Ўхшатиш ва унинг турлари ҳақида фикрингизни айтиш.
15. Кўчимларни услубий тавсифирланг.
16. Сўз ички «киёфа»сини жонлантириш усули.
17. Синтаксиснинг услубий имкониятлари ва матин уюштириш усули ҳамда нутқ санъатлари ўртасидаги боғлиқликни илмий асосда кўриб чиқиш.

18. Нутқ санъатларининг матн услубини яратишдаги аҳамияти ҳақидаги илмий қарашларни изоҳлаш.

19. Бадиий ва публицистик нутқда бадиий санъатларнинг қўлланиши ва услубий имкониятларини илмий далиллаш.

8- семинар машғулоти:

Мавзу: Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар ва гап бўлақларининг услубияти

Ажратилган вақт-2 соат.

Дарс мақсади:

Талабаларда бўлақларга ажратилмайдиган гаплар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Бўлақларга ажратилмайдиган гапларни изоҳлай олади.
2. Таҳсин, буйруқ, тасдиқ каби модал муносабатларни англаб етади.
3. Буйруқ, ҳис-ҳаяжон англатувчи гапларни услубий қирраларини кашф этади.
4. Атов гапларни услубий хусусиятларини ўрганади.
5. Гап бўлақларининг сўзлашув услубида ишлатилиши
6. Гап бўлақларининг услубий қўлланилиши ҳақида тушунча ҳосил қилади.
7. Уларнинг нутқ услубларида қўлланилишини тасаввур қилади.
8. Нутқ услубларида гап бўлақларининг ишлатилишини қиёслайди.

Ишни бажариш тартиби:

1. Бадиий асарлардан намуналар танлаш.
2. Ушбу намуналардан бўлақларга ажратилмайдиган гапларга ҳос унсурларни аниқлаш.

Керакли адабиётлар:

1. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
3. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992 й.

В) Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ:

1. Ҳ. Олимон асарларидан намуналар олиб таҳлил қилиш.

2-топшириқ:

1. Ғ. Ғулом асарларидан намуналар олиб таҳлил қилиш.

Ушбу топшириқларни қуйидаги асарларга мурожаат қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Ҳ. Олимжон. Танланган асарлар. Т. 1995 й.
2. Қ. Самадов. Ғ. Ғуломнинг шеърятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й

Яқуний назорат саволлари

1. Услубшунослик фани нимани ўргатади?
2. «Стиль» сўзининг қандай маънолари бор?
3. Нутқ услуби нима? Унинг қандай маънолари бор?
4. Сўзлашув услубининг морфологик хусусиятлари қандай?
5. Сўзлашув услубининг лексик-фразеологик хусусиятлари ҳақида нима биласиз?
6. Расмий услубнинг морфологик, синтактик хусусиятлари қандай?
7. Услубшунослик фанининг предмети ҳақида нима биласиз?
8. Академик В.В. Виноградов услубшунослик фанининг объектларини неча аспектга бўлади ва улар қайсилар.
9. Эғалик кўшимчаларининг қандай услубий хусусиятларини биласиз?
10. Синтактик фигуралар нима?
11. «Осон» сўзининг синонимик қаторларини тузинг ва уларни изоҳланг.
12. Ирония қандай восита?
13. Эвфемизм нима?
14. Омонимлар, уларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
15. Функционал услуб турлари нимага асосан бўлинади ва улар қайсилар?
16. «Тузламок» сўзининг маъноларини изоҳланг, шу сўзнинг синонимларини кўрсатинг.

17. Субъектив баҳо шаклларининг услубий хусусиятлари хақида нималарни биласиз?
18. Эпитет, метафора, метанимия қандай ходиса?
19. «Мум тишламок» иборасининг сўз ва иборадаги синонимларини кўрсатинг.
20. Кишилиқ олмошларининг услубий хусусиятларини кўрсатинг.
21. Сарказм қандай ходиса?
22. «Бир» сонинг қандай лексик-семантик хусусиятлари бор?
23. Расмий услубнинг бошқа нутқ услубларидан фарқи нимада?
24. Синтактик фигуралар: эпифора, такрор, синтактик параллелизм хақида нималарни биласиз?
25. Кўрсатиш олмошларининг услубий хусусиятларини тушунтир
26. Адабий тил ва стилистика
27. Лексик стилистика (унинг вазифасидаги умумий характеристикаси)
28. Антонимларнинг услубий хусусиятлари.
29. Синонимларнинг услубий хусусиятлари.
30. Омонимларнинг услубий хусусиятлари.
31. Табу ва эвфемизмларнинг услубий хусусиятлари.
32. Архаизм ва историзмларнинг услубий хусусиятлари.
33. Эмоционал-экспрессив лексиканинг услубий хусусиятлари.
34. Фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари.
35. Фонетик услубият
36. Нутқ услубиятси
37. Тил услубиятси.
38. Сўзлашув услуби.
39. Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари.
40. Расмий услуб
41. Расмий услубнинг грамматик хусусиятлари.
42. Илмий услуб.
43. Илмий услубнинг грамматик хусусиятлари.
44. Бадий услуб
45. Публицистик услуб.
46. Публицистик услубнинг грамматик хусусиятлари.
47. Келишиқ шаклларнинг услубий хусусиятлари.
48. Кўплиқ шаклининг услубий хусусиятлари.
49. Эғалиқ шаклларининг услубий хусусиятлари.
50. От ясовчи аффиксларнинг услубий аҳамияти
51. От шакллари услубияти.
52. Сифат услубиятси.
53. Сифат даражалари синонимияси.
54. Субъектив баҳо шаклларининг услубий қўлланиши.
55. Сон услубиятси.
56. Олмошнинг услубий хусусиятлари.
57. Феълнинг услубий хусусиятлари.
58. Майл шаклларининг услубий хусусиятлари.
59. Бўлишсиз феълнинг услубий хусусиятлари.
60. Феъл замон шаклларининг услубий хусусиятлари.
61. Шахс-сон шаклларининг услубий хусусиятлари.
62. Феълнинг функционал шаклларининг услубий хусусиятлари
63. Ёрдамчи сўзларнинг услубий хусусиятлари.
64. Ундовларнинг услубий имкониятлари.
65. Синтактик омонимияга хос услубий хусусиятлари.
66. Синтактик синонимликка хос услубий хусусиятлари.
67. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг услубий хусусиятлари.

68. Гап бўлақларининг услубий хусусиятлари.
69. Уюшиқ бўлақларининг услубий хусусиятлари.
70. Гап бўлақлари тартибининг услубий хусусиятлари.
71. Бир бош бўлақли гапларнинг услубий хусусиятлари.
72. Тўлиқсиз гапнинг услубий хусусиятлари.
73. Гапдаги изоҳланма бўлақларнинг услубий хусусиятлари.
74. Ундалманинг услубий хусусиятлари.
75. Киришларнинг услубий хусусиятлари.
76. Қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари.
77. Кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг услубий хусусиятлари.
78. Абзац ва унинг услубий ўрни.
79. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси.
80. Синтактик фигуралар.
81. Троплар.
82. Неологизмларнинг услубий хусусиятлари.
83. Хужжат турларидан намуналар.
84. Услубият фанининг мақсад ва вазифалари.

Услубшунослик фанидан тест саволлари

Услубшунослик (стилистика) фани нимани ўргатади?

Тил ходисаларининг нутқда қўлланиши

Товуш ва уларнинг хусусиятларини, товуш ўзгариш ходисаларини

Сўз ва сўз бирикмаларини, уларнинг боғланишини

Фикр ва эмоцияларни нутқда қўланиши

Услубий бўёқ аниқ сезилиб турадиган сўз қайси?

Ҳамма жавоблар тўғри

Жирканч

Манфур

Разил

Услубий бетараф (нейтрал) сўз қайси?

Бахт

Толе

Иқбол

Омад

Сўзлашув услуби берилган қаторни аниқланг.

Худоё аямади дардига даво бергин

Бош омон бўлса, дўппи топилади

Сайрасам, яйрасам, кенг фазоларда

Қуёш уфққа бош қўйди

– ли, - сиз – аффиксларининг синонимлари қайси қаторда тўғри берилган.

–каш,-кор,-се,-бе

–дам,-сиз,-но,-ба

–соз,-бе,-каш,-ба

–каш,-дам,-бе,-ба

– «лар» аффикси олмошларига қўшилганда қандай услубий бўёқ хоил қилади?

Кўплик, маънони кучайтириш

Умулаштириш, жамлаш

Мавхумлик, кўплик

Ҳурмат, қариндошлик

Шунча қийинчиликлар устига хўжайиндан ҳеч яхши гап эшитмас, очик чехра кўрмас эдилар. Ажратилган сўз таркибидаги кўплик қўшимчасининг семантик услубий хусусиятини аниқланг.

Хурмат
Кўплик
Умумийлаштириш
Бўрттириш

Публистика сўзининг маъносини қайси қаторда тўғри берилган?

Ижтимоий, оммавий
Алоқа, коммуникация
Тарихийлик, оммавийлик
Ситуация, сўзлашув

Омоформалар таърифи тўғри белгиланган қаторни топинг.

Ёзилиши бир хил, айтилиши ва маъноси ҳар хил
Товуш томонидан бир хил, шакли тенг сўзлар
Айтилиши бир хил, ёзилиши ва маъноси ҳар хил
Талаффузи ва ёзилиши бир хил сўзлар

Семантик архаизм нима?

Сўз маъноларидан бирининг эскириши
Сўзнинг бутун ҳолда эскириши
Сўзнинг тарихий воқеа ҳодисалар номини билдириш
Сўз маъносининг бутунлай истеъмолдан чиқиши

Эффемизмнинг таръифи қайси қаторда тўғри берилган?

Айтиш ноқулай ва ноўрин сўз ва иборалар ўрнида ишлатиладиган «пардали» сўз ёки ибора
Сўзларни кўпол ва дағал формада ифодалаш
Номини айтиш мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларни бошқа ном билан айтиш
Салбий эмоционал бўёққа эга бўладиган сўзлар

«Қўли қалта» ибораси қуйидаги сўзларнинг қайси бири билан синоним бўла олади.

Камбағал
Қизғанчик
Ўғри
Кўрқоқ

Услубий нуқсонли гап берилган қаторни топинг.

Шўрва тайёр бўлиб сопол косаларга сузилди
Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жикқа ёшга тўлди
Электростанциямиз бетўхтов ишлаб турибди
Кўзлар мени этдилар хумор

Сизни меҳмонхонада бир киши сўради? Гапда «бир» сўзнинг семантик услубий маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

Ноаниқликни билдиради
Миқдорини билдиради
Кучайтирувчи сўз вазифасини
Белгининг ортиқлигини

«-да» келишиқ қўшимчаси қайси кўмакчи билан синоним бўла олади?

Орқали
Учун
Билан
Томон

Тасвирий ифода берилган қаторни топинг.

Ақл гимнастикаси – математика жону дилим
Бу ишнинг миси чиқди
Саиднинг юрагига қил сиғмайди
Бундай совуқ хабарни ким тарқатди

Синонимик қаторни аниқланг.

Белги, нишон, аломат
Ёз, ўт, кеч
Кумуш, майин, ўткир
Тур, уч, хайр

Ибора қўлланмаган қаторни топинг.

Ватандошларим билан қувонаман
Бу масала билан кўпчилик бош қотирди
Чолнинг дами ичига тушиб кетди
Эгри ишқ қирқ йилдан кейин ҳам билинар

Шевага хос сўзлар қайси қаторда берилган?

Мояк, ўжак, гавжум, сатил
Ўткир, мана, ҳўл, бевақт
Яхши, ёмон, лой, шакароп
Эшик, ҳовли, девол, чопон

Ибораларнинг қайси бири кенг тушунча ифодалайди?

Яхши кўрмоқ
Кўнгил бермоқ
Кўнгил бойламоқ
Муҳаббат қозонмоқ

Куйидаги ибораларнинг қайси бири боғловчи билан синоним бўла олади?

Шунга қарамай
Бўлса бордир
У ёқда турсин
Амманинг бузоғи

Куйидаги ибораларнинг қайси бири «узун» сўзининг антонимига синоним бўла олади?

Икки энлик
Икки одим
Бир чимдим
Икки қадам

Услубий нотўғри гапни аниқланг.

Аданглар бу ишнинг хурсанд бўладилар
Тошкентлик ўқувчилар кўрик ғолиби бўлишди
Дунёда Адибадан бахтлироқ қиз йўқ
Бу йил шоли экиш учун ҳосилдор ерлар танланди

Кўчирма гап қайси услубда кўпроқ қўлланади?

Сўзлашув услубда
Бадиий услубда
Илмий услубда
Публистик услубда

Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман. Мазкур мисрада сўз маъноси кўчишнинг қайси тури қўлланган?

Синекдоха
Метонимия
Метофора
Киноя

Услубий жиҳатдан бетараф сўзлар қаторини топинг.

Ажойиб, ажиб, душвор, удум
Илтижо, чехра, зурриёд, ҳозирланмоқ
Мушкул, башара, соҳиб, ҳаста
Айтмоқ, одат, одам, ёруғ

Руҳий ҳолат натижасини ифодаловчи ибора қайси қаторда белгиланган?

Жиғилдониға урмоқ
Қўли эгри
Кўзлари яшнамоқ
Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ

Тасвирий воситаларининг қайси бири замон жиҳатидан нисбатан кейин юзага келган?

Ҳайвонлар подшоҳи
Дехқоннинг қаноти
Ўрмон маликаси
Палаҳмон тоши

Таркибида кўчма маъноли сўз қатнашган гапни топинг.

Қишлоқ марказида самовор очилди
Деразанинг синган кўзини янгиладик
Кўшни далада ёрдамчилар пахта теришарди
Ҳамма гапда кўчма маъноли сўз қатнашган

Сарказм нима?

кишиларнинг отлари предметларнинг номини тўғридан – тўғри айтмай, турли сўз ёки тасвирий образларда баён қилиш
б)ихтехзоли таъна, пичинг
Ирониянинг бир кўриниши
Қочирик, кесатик

Мантиқан нотўғри гап берилган қаторни топинг.

беморга дорини ўз вақтида бериб турдим
қарасам қўлида бир тилим хандалак
дашт ўртасида бир тоғ чўққиси кўринди
сўз суякдан, таёк этдан ўтади

Услубий жиҳатдан энг мувофиқ сўзлар орқали шаклланган гапни белгиланг.

Она юртим, замин узра бахтинг кулсин
она юртим, ер узра толеинг кулсин
она юртим, ер узра бахтинг кулсин
она юртим, замин узра толеинг кулсин

Сўзларнинг қўчма маъноси қайси луғатда изоҳланади?

Энциклопедик луғатда
Имло луғатда
Фразеологик луғатда
Изоҳли луғатда

Феълнинг бош шакли берилган қаторни аниқланг.

Билиш
Интилмоқ
Ўқув
Борган

Дунёдаги халқаро тиллар қайси қатордаги жавобда акс этган.

Инглиз, француз, рус, испан, араб, хитой тиллари
Ўзбек, усмонли турк, қозок, қирғиз, рус тиллари
инглиз, немис, япон, италиян, паляк, рус тиллари
лотин, ҳинд, эрон, хитой, рус, инглиз

Қайси қатордаги жуфт сўзлардан маъно умумлашади ва кенгайди

қозон товоқ
кеча кундуз
паст баланд
қовун тарвуз

Қайси қўшимчалар сўзга янги луғавий маъно беради?

олд қўшимчалар
шакл хосил қилувчи қўшимчалар
турловчи қўшимчалар
тўғри жавоб берилмаган

Синоним сўзлардан ясалган жуфт отлар қаторини кўрсатинг

ор номус, бахт иқбол
шакл хосил қилувчи қўшимчалар
турловчи қўшимчалар
А ва Г жавоблар тўғри

Қайси сўз талаффуз қилинганда ундаги икки ўхшаш товушдан бири ноўхшаш товушга алмашилиши мумкин.

Тузсиз
Йигитча
Божхона
Зарур

Маъновий синонимлар берилмаган қаторни аниқланг.

Юз, бет, чеҳра: кўклам, баҳор: офтоб, қуёш
Кулди, илжайди, тиржайди, ишшайди, жилмайди
Қўлини ювиб қўлтиғига урмоқ - хафсаласи пир бўлмоқ; кайфи учиб

кетди-юраги ёрила ёзди
Тилшунослик, лингвистика, космос, фазо

Метофора усулида маъно кўчган қаторни топинг.

Фан чўққиларини эгаллаймиз
Ўрик кийғоз гуллади
Кўчаларимизда чироқ порлади
Зал гуруллаб кулиб юборди

42. Адабий талаффузнинг умумий меъёридан чекиниш бўлган сўзлар қаторини топинг.

Ушта, уссўм, бессўм, юссиз, қушди, инди, иссиз
Ошши, ишши, юззи, қорри, ўтга, аққа, баққа
Пас., гўш, хурсан, Самарқанд, дарт, баланг
Парчасида адабий талаффузнинг умумий меъёридан чекиниш ҳолатлари мавжуд.

Ясама сўз туб сўз билан ўзаро синоним ҳосил қилган қаторни топинг.

Куч - қудрат,
Хис – сезги, савол - сўроқ
Уятсиз – беномус, киши – кимса
Сулув – латофатли, дуруст – яхши

Антонимликнинг юза келтирувчи белгилар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

Тасдиқ ва инкор этиш
Шаклий жиҳатдан ҳар хиллик
Маънавий жиҳатдан ҳар хиллик
Маънодаги ўзаро зидлик

Келишик кўшимчаси ўрнида кўмакчи қўлланиши мумкин бўлган гапни аниқланг.

Бу китобни укамга олдим
Мен бу китобни ўқиб чиқдим
Укам билан телефонда гаплашдим
А, В ва Г

«Бир докладчининг бир соатлик нутқида «ўртоқлар» сўзи 101 марта, «яъни» сўзи 73 марта, «демак» сўзи 60 марта такрорланганини гувоҳи бўламиз».

«Ўртоқлар», «яъни», «демак» сўзлари қандай сўзлар ҳисобланади?

Жаргонлар
Вульгаризмлар
Паразит сўзлар
Варваризмлар

Нутқ таъсирчанлигини оширишда қайси тасвирий воситаларининг ўрни беқиёс?

Метафора
Метонимия
Синекдоха
Ҳамма жавоблар тўғри

«Энди куй рақслар тинглаб дам олинг» («Телевединия» дан). Ушбу гапда нутқнинг қайси коммуникатив сифати бузилган?

Нутқнинг софлиги
Нутқнинг ифодалиги
Нутқнинг аниқлиги
Нутқнинг мантикийлиги

**«Олиб мен тахти фармонимга осон
Черик чекмай хитодин то Хуросон» (А.Навоий)
Черик сўзининг маъноси қандай?**

Азоб – уқубат
Лашкар
Подшоҳ
Халқ

**Расмий, сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ишлатилиши қандай
холатларга олиб келади?**

Нутқнинг софлигини оширади
Нутқнинг имкониятларидан тўғри фойдаланганлигини билдиради
Нутқнинг бойлигини билдиради
Нутқнинг нотабийлигига, ишончсиз чиқишга олиб келади

Адабий тилнинг қандай шакллари бор?

Оғзаки
Оғзаки ва ёзма
Ёзма
Имло

«Николай замонида остонам туёқ кўрмаган эди» Юқоридаги гапда маъно кўчишининг қайси усули қўлланган?

Метонимия
Метофора
Синекдоха
Вазифадошлик

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида қандай вазифа бажаради?

Алоқа қуроли
Фикр ифодалаш қуроли
Ҳис - ҳаяжонни ифодалаш қуроли
Нутқ азоси

Адабий тил „„ „

Тўғри сўзлашдир
Тўғри таллаффуз қилишдир
Тилнинг муайян меъёрларига амал қилишдир
Тилнинг ифодалилиги

Нутқ услуби деб нимага айтилади?

Тил нутқларининг ҳаракатга олиниши, аниқ амалга ошиши
Тилнинг услубий тузилишини ўрганади
Услубиятнинг норматив саҳаси
Тўғри жавоб йўқ

Акт, гувоҳнома, қарор, баёнот, халқаро вазият каби атамалар қайси услубга тегишли?

Расмий иш қоғозлари

Сўзлашув

Бадиий

Илмий

Қайси услуб учун фразеологик бирликларнинг ишлатилиши мос эмас?

Илмий ва бадиий

Бадиий ва расмий

Илмий ва расмий

Сўзлашув ва илмий

Адабий тилнинг шакллари қайсилар?

Имло

Оғзаки

Талаффуз

Оғзаки ва ёзма

Нутқ услублари асосан неча кўринишга эга?

3

5

4

7

Расмий ҳужжатларни топинг.

Ариза

Далолатнома

Таржимаи ҳол

А, Б, В

Бармоғини тишлаб қолмоқ иборасининг синоними қайси қаторда берилган?

Ғазабланмоқ

Чидамоқ

Афсусланмоқ

Ҳайратланмоқ

Расмий услубга ҳос хусусиятни белгиланг?

Кўп маъноли сўзлар қўлланади

Терминлар қўлланади

Ибора ва жумлалар маълум қолипда бўлади

Шевага ҳос сўзлар фаол қўлланилади

Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

Расмий, илмий

Публистик, илмий

Бадиий, сўзлашув

Расмий, публистик

Келтирилган матннинг услубини топинг?

Ойижон, ойижон бошгинам оғрийдим-ё (қўшиқдан).

Сўзлашув
Расмий – идоравий
Илмий
Публистик

Бадий услубга хос гапни аниқланг?

Сен менга; «овқатинг ундоғ, овқатинг ундоғ» деган гапни қилаверма
Стаканларнинг иккиовида ҳам рангли эритма бор
Маълумотнома туман ҳокимиятига кўрсатилсин
Бутун осмонни булутларнинг оғир, қалин қорамтир намати қопланган

Луғавий синонимларнинг маъносига кўра бўлиниши қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

Тўлиқ маънавий синонимлар
Тўлиқ нотўлиқ синонимлар
Луғавий, фразеологик синонимлар
Икки ёки уч луғавий бирликдан иборат синонимлар

Маъновий синонимлар берилган қаторни топинг?

Достон, поэма
Республика, жумхурият
Хўл, шалабо
Тилшунослик лингвистика

Қуйидаги синонимик сўзларнинг қайси бири сўзлашув услубига хос?

Қадрдон
Ахил
Тотув
Қалин

Қуйидаги синонимлардан расмий услубга тегишли сўзни белгиланг.

Кетмоқ
Тушмоқ
Олинмоқ
Озод қилинмоқ

Сўзлашув услубида қўлланадиган сўзлар қаторини аниқланг.

Башар, мозор, яхши, касал
Адо этмоқ, беҳуда ёпик
Ростдан, бўлди, майли
Воқеа, барваста, чиройли

Қуйидаги синоним сўзларнинг кўпроқ сўзлашув услубига тегишлисини белгиланг.

Рохат
Хузур
Мазза
Лаззат

Қуйидаги ранг билдирган сўзларидан бадий услубга тегишлисини топинг.

Кўк
Зангор
Мовий
Ҳаво ранг

Қуйидаги сўзларнинг қайси бири фақат бадий услубга хос?

Каби
Янгилик
Мисоли
Ўхшаш

Образлар, образли тасвирлар билан эмас, аниқ маълумотларнинг холис, умумлашган хусусиятларини таърифлаш, тушунчаларга мос келадиган атамалар билан иш кўрадиган услубдир. Ушбу таъриф қайси услубга хос?

Бадий
Илмий
Илмий – иродавий
Публистик

Укамга олдим – укам учун олдим каби синонимлар қандай синонимлар юритилади?

Услубий синонимлар
Фразеологик синонимлар
Грамматик синонимлар
Маънавий синонимлар

Тил воситаларининг нутқда ишлатилиш имкониятлари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?

Лексикологияда
Грамматикада
Услубиятда
Диалектологияда

Расмий услубда кўпинча қандай гаплардан фойдаланилади?

Фақат дарак гаплардан
Дарак ва буйруқ гаплардан
Асосан буйруқ гаплардан
Асосан дарак, буйруқ ва хис - ҳаяжон гаплар

Қуйидаги матн қайси услубга хос? 17 – модда. Фуқораларнинг ҳуқуқ лаёқати. Барча фуқораларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқораларнинг ҳуқуқ лаёқати туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Бадий
Илмий
Расмий
Публистик

Қайси услуб турида тилнинг тасвирий воситалари ёрдами билан образлар воситасида кишига эстетик таъсир кўрсатилади?

Публистик услубда
Бадий услубда

Илмий услубда
Расмий услубда

Бадий асар тилини қайси фан текширади.

Адабиётшунослик
Қиёсий тилшунослик
Адабий танқидчилик
Тилшунослик

Асосан қандай услубда сўзлар кўчма маънода қўлланмайди?

Илмий услубда
Расмий иш услубда
Сўзлашув услубда
А ва Б

Жонли сўзлашув нутқида «ўзлари» олмоши келишик олмошларининг қай бири ўрнида қўлланиши мумкин?

2 – шахс кўплик ўрнида
2 ва 3 шахс ўрнида
2 – шахс бирлик ўрнида
1 – шахс бирлик ўрнида

Асосан бадий услубга хос бўлган изн (изн бермоқ) сўзининг синонимини топинг.

Ижозат
Ихтиёр
Эрк
Нишона

Қисқалик, аниқлик, соддалик, шунингдек ибора ва жумлаларининг бир қолипда бўлиши асосан қайси услубга хос?

Расмий услубга
Сўзлашув услубига
Илмий услубига
Оммабоп услубга

«Ўртоқ рафиқам! Рухсат берсангиз турмуш қурганимизга бир йил тўлганлиги муносабати билан сизни табрик қилишга!» Ушбу гап қайси услубга мисол бўла олади?

Расмий услубга
Илмий услубга
Оммабоп услубга
Бадий услубга

Услубан нотўғри қўлланган сўз қайси қаторда берилган?

Салоҳиятли кийим
Пахта гуллади
Шохона кийим
Баҳорни севасан

Қайси гапда сўз қўллаш билан боғлиқ хато мавжуд?

Берилган гапларнинг барчасида сўзлар тўғри қўлланган
Аҳмад Ҳусайн роса очикқан экан
Ёмон йўлдош ёв бўлур, равон йўлда гов бўлур

Пахта терими тез суратлар билан бормокда

Боринглар ва борингизлар сўзлари ўртасида қандай услубий фарқ бор?

Биринчиси хурматни, кўпликни билдиради, иккинчиси шевага хос
Услубий фарқ йўқ
Биринчи хурматни, иккинчиси соф кўпликни билдиради
Иккинчиси умуман ишлатилмайди

Ушбу гаплардан қай бирида сўз қўллашда услубий хатолик мавжуд?

Анвар уйдан чиқиб, тўғри томонга кетди
Чиройли ашулалар эшитиб дам олдик
Зумраднинг оқилалиги, зукколиги ва сулувлигига катта – кичик мафтун бўлди.
Бу ўринда сукут сақлаш инсофдан эмас

Фикр хиссий – таъсирий бўёқ билан ифодаланган қаторни аниқланг?

Болалар беҳад қувониб, Йўлчининг бўйнига осилишди
Бу ўйлардан Сайёранинг боши ғовлаб кетди
Ултармалик Асроркул Хайдар отанинг кадрдон ошнаси бўлади
Мен сизга айтсам одамнинг ёмони бўлмайди

Қайси қатордаги услубий жиҳатдан хато қўлланган?

Лўппи – лўппи кўсақлар кўзга очик ташланди
Ҳовлимизда олма ва помидорлар фарқ пишди
Катта кўчадан тинимсиз одамлар оқими ўтарди
Ҳаммаси

Қуйидаги бирликларининг қайси биридан нутқда ҳар гал тайёр материал сифатида фойдаланамиз?

1) Сўз; 2) Қўшма; 3) Сўз бирикмаси; 4) Ибора (фразеологик birlik)

1,2,4

1,2,3,4

1,3,4

1,4

Қуйидаги сўзларнинг қайси бири такрорланганда ғийбат маъносини юзага келтиради?

Деди

Бор

Йўқ

Очик

Қуйидаги сўзлардан фақат инсонга нисбатан қўлланадиганини белгиланг.

Таом

Овқат

Озиқ

Хўрак

Қуйидаги сўзлардан ҳар сўзи билан қўллана оладиганини белгиланг.

Гал

Марта

Карра

Топқир

Қуйидаги гаплардан қайси бири услуб жиҳатдан нотўғри шаклланган?

Жароҳати оғирлигидан касал тинмай ихрар эди
Кўзинг оғриси қўлингни тий, тишинг оғриси тилингни
Сотиболдининг хотини оғриб қолди
Спид касаллиги билан касалланганлар сони ортиб бормоқда

Қуйидаги гапда йўл қўйилган услубий хатонинг қайси нисбатга алоқадорлигини аниқланг.

Бу мақолда Туркистон бирлиги аниқ мисоллар билан асосланиб берилган.

Аниқлик нисбат билан ўзлик нисбатига
Ўзлик нисбат билан биргалик нисбатига
Аниқлик нисбат билан мажхул нисбатига
Мажхул нисбат билан ўзлик нисбатига

Қуйидаги гапларнинг қайси бири услуб жиҳатдан қўпол шаклланган?

Туғиши яқин бўғоз хотинлар ҳам ишга чиқмайдилар
Қайси бирингиз роҳат қилиб, меҳнатда ўсдингиз
Бутун ҳаётимни ўқитувчилик ишига бағишлайман
Бизнинг ҳаётимиз етти кун давом этиши керак

Қандай қаторларда ижобий бўёқдор сўзлар берилган?

Жамол, аломат, мириқмоқ, бежирим
Мазали, хусн, қонмоқ, кўкармоқ
Айб, айёр, камбағал, ўжар
Бургуттумшук, уккикўз, карнай бурун, кампирдахан

Қуйидаги гапларнинг қайси бирида мантиқий номунофиқлик бор?

Дашт ўртасида бир тоғ чўққиси кўринди
Беморга уч маҳал дори бериб турдим
Бир бурда нон бир – бирисиз томоғидан ўтмасди
Бир оғиз гапим бор, шуни айтмоқчи эдим

Бармоғини тишлаб қолмоқ иборасининг синоними қайси қаторда берилган?

Афсусланмоқ
Ғазабланмоқ
Чидамоқ
Ҳайратланмоқ

Расмий услубга ҳос хусусиятни белгиланг?

Ибора ва жумлалар маълум қолипда бўлади
Кўп маъноли сўзлар қўлланади
Терминлар қўлланади
Шевага ҳос сўзлар фаол қўлланилади

Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

Бадиий, сўзлашув
Расмий, илмий
Публистик, илмий
Расмий, публистик

Келтирилган матннинг услубини топинг?

Ойижон, ойижон бошгинам оғрийди-ё (кўшиқдан).

Сўзлашув
Расмий – идоравий
Илмий
Публистик

Бадий услубга хос гапни аниқланг?

Бутун осмонни булутларнинг оғир, қалин қорамтир намати қопланган
Сен менга; «овқатинг ундоғ, овқатинг ундоғ» деган гапни қилаверма
Стаканларнинг иккиовида ҳам рангли эритма бор
Маълумотнома туман ҳокимиятига кўрсатилсин

«Кўли калта» ибораси қуйидаги сўзларнинг қайси бири билан синоним бўла олади.

Камбағал
Қизғалдоқ
Ўғри
Кўркоқ

Эффемизмнинг таръифи қайси қаторда тўғри берилган?

Айтиш ноқулай ва ноўрин сўз ва иборалар ўрнида ишлатиладиган «пардали» сўз ёки ибора
Сўзларни қўпол ва дағал формада ифодалаш
Номини айтиш мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларни бошқа ном билан айтиш
Салбий эмоционал бўёққа эга бўладиган сўзлар

Публистика сўзининг маъносини қайси қаторда тўғри берилган?

Ижтимоий, оммавий
Алоқа, коммуникация
Тарихийлик, оммавийлик
Ситуация, сўзлашув

Омофоралар таърифи тўғри белгиланган қаторни топинг.

Ёзилиши бир хил, айтилиши ва маъноси ҳар хил
Товуш томонидан бир хил, шакли тенг сўзлар
Айтилиши бир хил, ёзилиши ва маъноси ҳар хил
Талаффузи ва ёзилиши бир хил сўзлар

Семантик архаизм нима?

Сўз маъноларидан бирининг эскириши
Сўзнинг бутун ҳолда эскириши
Сўзнинг тарихий воқеа ҳодисалар номини билдириш
Сўз маъносининг бутунлай истемолдан чиқиши

Услубий бўёқ аниқ сезилиб турадиган сўз қайси?

Қабих
Жирканч
Манфур
Разил

Услубий бетараф (нейтрал) сўз қайси?

Бахт
Толе
Иқбол
Саодат

Сўзлашув услуби берилган қаторни аниқланг.

Бош омон бўлса, дўппи топилади
Сайрасам, яйрасам, кенг фазоларда
Худоё аямади дардига даво бергин
Қуёш уфққа бош қўйди

Синоним сўзлардан ясалган жуфт отлар қаторини кўрсатинг

ор номус, бахт иқбол
Куч қувват, бахт саодат
шакл хосил қилувчи қўшимчалар
от ясовчи қўшимчалар

«Николай замонида остонам туёқ кўрмаган эди» Юқоридаги гапда маъно кўчишининг қайси усули қўлланган?

Синекдоха
Метонимия
Метофора
Вазифадошлик

Келишик қўшимчаси ўрнида кўмакчи қўлланиши мумкин бўлган гапни аниқланг.

ҳамма жавоблар тўғри
Бу китобни укамга олдим
Мен бу китобни ўқиб чикдим
Укам билан телефонда гаплашдим

Укамга олдим – укам учун олдим каби синонимлар қандай синонимлар юритилади?

Услубий синонимлар
Фразеологик синонимлар
Грамматик синонимлар
Маънавий синонимлар

Луғавий синонимларнинг маъносига кўра бўлиниши қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

Тўлиқ, маънавий синонимлар
Тўлиқ, нотўлиқ синонимлар
Луғавий, фразеологик синонимлар
Икки ёки уч луғавий бирликдан иборат синонимлар

Адабий тилнинг шакллари қайсилар?

Оғзаки ва ёзма
Имло
Оғзаки
Талаффуз

Қуйидаги сўзларнинг қайси бири фақат бадий услубга хос?

Янғлиғ
Каби
Мисоли
Ўхшаш

Луғавий синонимларнинг маъносига кўра бўлиниши қайси

қаторда тўғри кўрсатилган?

Луғавий, фразеологик синонимлар
Тўлиқ маънавий синонимлар
Тўлиқ нотўлиқ синонимлар
Икки ёки уч луғавий бирликдан иборат синонимлар

Таркибида кўчма маъноли сўз қатнашган гапни топинг.

У икки бор турмушга чикди, бироқ тирноқ юзини кўрмадим
Қишлоқ марказида самовор очилди
Деразанинг синган кўзини янгиладик
Кўшни далада ёрдамчилар пахта теришарди

Маъновий синонимлар берилмаган қаторни аниқланг.

Кўлини ювиб қўлтиғига урмоқ - хафсаласи пир бўлмоқ; кайфи учиб
кетди-юраги ёрила ёзди
Юз, бет, чеҳра: кўклам, баҳор: офтоб, қуёш
Кулди, илжайди, тиржайди, ишшайди, жилмайди
Тилшунослик, лингвистика, космос, фазо

Қуйидаги гапларнинг қайси бирида мантиқий номунофиқлик бор?

Дашт ўртасида бир тоғ чўққиси кўринди
Беморга уч маҳал дори бериб турдим
Бир бурда нон бир – бирисиз томоғидан ўтмасди
Бир оғиз гапим бор, шуни айтмоқчи эдим

Жонли сўзлашув нутқида «ўзлари» олмоши келишик олмошларининг қай бири ўрнида кўлланиши мумкин?

2 – шахс кўплик ўрнида
2 ва 3 шахс ўрнида
2 – шахс бирлик ўрнида
1 – шахс бирлик ўрнида

«Олиб мен тахти фармонимга осон

Черик чекмай хитодин то Хуросон» (А.Навоий)

Черик сўзининг маъноси қандай?

Лашкар
Азоб – уқубат
Подшоҳ
Халқ

Расмий, сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ишлатилиши қандай ҳолатларга олиб келади?

Нутқнинг нотабийлигига, ишончсиз чиқишга олиб келади
Нутқнинг софлигини оширади
Нутқнинг имкониятларидан тўғри фойдаланганлигини билдиради
Нутқнинг бойлигини билдиради

Сарказм нима?

Ирониянинг бир кўриниши
кишиларнинг отлари предметларнинг номини тўғридан – тўғри айтмай, турли сўз ёки тасвирий образларда баён қилиш
б)ихтеҳзоли таъна, пичинг

Қочирик, кесатик

Тасвирий воситаларининг қайси бири замон жиҳатидан нисбатан кейин юзага келган?

Дехқоннинг қаноти
Ҳайвонлар подшоҳи
Ўрмон маликаси
Палаҳмон тоши

Куйидаги ибораларнинг қайси бири «узун» сўзининг антонимига синоним бўла олади?

Икки энлик
Икки одим
Бир чимдим
Икки қадам

Услубий нотўғри гапни аниқланг.

Икки қаватли иморат рўпарасида тўхтаб қолди
Тошкентлик ўқувчилар кўрик ғолиби бўлишди
Дунёда Адибадан бахтлироқ киз йўқ
Бу йил шоли экиш учун ҳосилдор ерлар танланди

Услубшунослик (стилистика) фанини нимани ўргатади?

Тил ходисаларининг нутқда қўлланиши
Товуш ва уларнинг хусусиятларини, товуш ўзгариш ва ходисаларини
Сўз ва сўз бирикмаларини, уларнинг боғланишини
Фикр ва эмоцияларни нутқда қўлланиши

Сизни меҳмонхонада бир киши сўради? Гапда «бир» сўзнинг семантик услубий маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

Ноаниқликни билдиради
Микдорини билдиради
Кучайтирувчи сўз вазифасини
Белгининг ортиқлигини

Расмий ҳужжатларни топинг.

ҳамма жавоб тўғри
Ариза
Далолатнома
Таржимаи ҳол

Бармоғини тишлаб қолмоқ иборасининг синоними қайси қаторда берилган?

Афсусланмоқ
Ғазабланмоқ
Чидамоқ
Ҳайратланмоқ

Расмий услубга ҳос хусусиятни белгиланг?

Терминлар қўлланади
Ибора ва жумлалар маълум қолипда бўлади
Кўп маъноли сўзлар қўлланади

Шевага хос сўзлар фаол қўлланилади

Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

Бадиий, сўзлашув

Расмий, илмий

Публистик, илмий

Расмий, публистик

Келтирилган матннинг услубини топинг?

Ойижон, ойижон бошгинам оғрийди-ё (кўшиқдан).

Сўзлашув

Расмий – идоравий

Илмий

Публистик

Бадиий услубга хос гапни аниқланг?

Стаканларнинг иккиовида ҳам рангли эритма бор

Сен менга; «овқатинг ундоғ, овқатинг ундоғ» деган гапни қилаверма

Маълумотнома туман ҳокимиятига кўрсатилсин

Бутун осмонни булутларнинг оғир, қалин қорамтир намати қопланган .

Мантиқан нотўғри гап берилган қаторни топинг.

дашт ўртасида бир тоғ чўққиси кўринди

беморга дорини ўз вақтида бериб турдим

қарасам кўлида бир тилим хандалак

сўз суякдан, таёқ этдан ўтади

Услубий жиҳатдан энг мувофиқ сўзлар орқали шаклланган гапни белгиланг.

она юртим, ер узра толеинг кулсин

она юртим, ер узра бахтинг кулсин

она юртим, замин узра толеинг кулсин

Она юртим, замин узра бахтинг кулсин

Сўзларнинг кўчма маъноси қайси луғатда изоҳланади?

Фразеологик луғатда

Ўзлашма сўзлар луғатида

Энциклопедик луғатда

Имло луғатда

Феълнинг бош шакли берилган қаторни аниқланг.

Интилмоқ

Билиш

Ўқув

Борган

Дунёдаги халқаро тиллар қайси қатордаги жавобда акс этган.

Инглиз, француз, рус, испан, араб, хитой тиллари

Ўзбек, усмонли турк, қозок, қирғиз, рус тиллари

инглиз, немис, япон, италиян, паляк, рус тиллари

лотин, ҳинд, эрон, хитой, рус, инглиз

Қайси қатордаги жуфт сўзлардан маъно умумлашади ва кенгайди

қозон- товоқ
кеча кундуз
паст баланд
қовун тарвуз

Қайси қўшимчалар сўзга янги луғавий маъно беради?

турловчи қўшимчалар
олд қўшимчалар
шакл хосил қилувчи қўшимчалар
тусловчи қўшимчалар

Синоним сўзлардан ясалган жуфт отлар қаторини кўрсатинг

ор- номус, бахт- иқбол
ҳамма жавоблар тўғри
шакл хосил қилувчи қўшимчалар
турловчи қўшимчалар

Қайси сўз талаффуз қилинганда ундаги икки ўхшаш товушдан бири ноўхшаш товушга алмашилиши мумкин.

Зарур
Тузсиз
Йигитча
Божхона

Маъновий синонимлар берилмаган қаторни аниқланг.

Қўлини ювиб қўлтиғига урмоқ - хафсаласи пир бўлмоқ; кайфи учиб
Юз, бет, чеҳра: кўклам, баҳор: офтоб, қуёш
Кулди, илжайди, тиржайди, ишшайди, жилмайди
кетди-юраги ёрила ёзди

Тилшунослик, лингвистика, космос, фазо

Қайси сўз талаффуз қилинганда ундаги икки ўхшаш товушдан бири ноўхшаш товушга алмашилиши мумкин.

Зарур
Тузсиз
Йигитча
Божхона

УСЛУБШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 2.4.1.А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларидан шевага хос сўзларни аниқлаш.
- 2.4.2.Ш. Холмирзаевнинг «Олабўжи» романидан сўзлашув услубига хос ибораларни аниқлаш.
- 2.4.3.А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларидан бадиий услубга оид сўзларни ажратиб чиқиш ва шу мавзуда реферат тайёрлаш.
- 2.4.4.Ойбекнинг “Навоий” романидан бадиий услубга оид сўзларни ажратиб чиқиш.
- 2.4.5.Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги нутқий санъатга намуналарни олиб таҳлил қилиш.
- 2.4.6. Ёзувчи Ш Холмирзаевнинг ҳикояларидаги нутқий санъатларни аниқлаш.
- 2.4.7.Юқоридаги асарлардан инверсия ходисасига мисоллар топиш.
- 2.4.8. Ушбу асарлардаги риторик сўроқ гапларни шархлаш.
- 2.4.9. Навоий асарларидан намуналар олиб таҳлил қилиш.
- 2.4.10. Ғ. Ғуломнинг асарларидан намуналар олиб, таҳлил қилиш.
- 2.4.11. Ҳ.Олимжон асарларидан парчалар олиб таҳлил қилинг.
- 2.4.12. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги мақол, матал ва ибораларни таҳлил қилиш.

- 2.4.13. Мақол ва иборалар асосида реферат тайёрлаш.
- 2.4.14 Мақол, матал ва ибораларнинг услубий вазифаларини изоҳлаш.
- 2.4.15. Отларда шахс-сон ва келишиқ кўшимчаларини таҳлил қилиш. —лар кўплиқ кўшимчасининг кўшимча маъноларини аниқланг.
- 2.4.16. Отларда эғалиқ ва модаллиқ кўшимчаларига тавсиф бериш.
- 2.4.17.Кўплиқ ва келишиқ кўшимчаларининг қўлланишидаги нуқсонларга бадиий адабиёт ва матбуот саҳифаларидан мисол топиш.
- 2.4.18.Сифат ясовчи кўшимчаларининг услубий қўлланиши юзасидан мисоллар топиш.
- 2.4.19.Олмошларнинг услубий қўлланишидаги ўзига хосликни мисоллар ёрдамида тушунтиринг. Бадиий асарлардан олмош сўз туркумига оид сўзларни белгиланг, турларга ажратинг.
- 2.4.20. Сон сўз туркумидаги шакл ясовчи кўшимчалар иштирокида реферат тайёрлаш.

РЕФЕРАТНИ ТАЙЁРЛАШДА ФЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Х. Дониёров. А. Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976
2. Қ. Самадов. Ғ. Ғуломнинг шеърятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й.
3. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
4. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1992 й
5. Ғ. Ғулом. Асарлар. 10 жилдлик, 1-4-жилдлар.
6. Ш. Раҳматуллаев. Нутқимиз кўрки. Т.: Ған, 1970 й.
7. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т.: Ған, 1966 й.
8. М. Аъламова. Нутқда акс этар бир олам бойлиқ. Т.: Ўзбекистон, 1988 й.
9. А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: Ған, 1987 й.
- 10.Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. С.: СамДУ нашри, 1984 й.
- 11.А. Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 1974.
- 12.А. Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, 1974.
- 13.Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, 20 жилдлик. 1,2,5,6,7,8-жилдлар.
- 14.Ғ. Ғулом. Асарлар. 10 жилдлик, 1-4-жилдлар.
- 15.Х. Олимжон. Мукамал асарлар тўплами, 10 жилдлик. 1-2-жилдлар.

УСЛУБШУНОСЛИҚ ФАНИДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР:

- Ўзбек тилшунослиғи ва услубият фанининг ўзаро муносабатини илмий далиллаш.
- Сўзлашув услуби, шевалар адабий тилнинг бойишида асосий манба бўла оладиши боқичларини аниқлаш
- Радиопублицистик, телепублицистик, кинопублицистик, газета публицистик, нотиклик услублари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Матбуот, оммавий ахборот тилининг айна кунда адабий тилга мос эмаслиғи ва адабий тилга мослиғини илмий далиллаш
- Публицистик услуб турлари ва бу икки шаклни бирлаштириб турувчи хусусиятлари ҳақида нима дея оласиз?.
- Маънодош сўз ва ибораларнинг ранг-баранглиғи, услубий мақомли сўзларнинг, тимсолий-тасвирий воситалар, бадиий санъатларнинг нисбатан кенг қўлланиши.
- Матбуот, оммавий ахборот тилининг ўзбек миллатининг умумий мулоқот тили мақомини касб этаётганлиғи ҳақидаги фикрлар.
- Газетада нутқ қолипига қарши курашиш зарурлиғи ҳақида қандай фикрдасиз?
- Илмий услубдаги образлиқ билан бадиий услубдаги образлиқ орасида қандай фарқ бор?
- Илмий-оммабоп асарларда рақамлардан фойдаланса бўладими?
- Мантиқий боғлиқлик илмий услубда асосий рол ўйнайди бошқа услубларда-чи?.

- Аниқ ва ҳолис илмий ахборот бериш муаммоси.
- Терминологик лексика муаммолари.
- Илмий ахборотнинг исботланган, далилланган ва умумлаштирилганлиги ҳақидаги илмий фаразлар .
- Бадиий услуб ҳар бир ижодкорнинг мустақиллиги белгиси деган фикрга қандай қарайсиз?
- Бадиий тасвир воситаларидан тўлақонли фойдаланиш асар қимматини оширадими?
- Бадиий услубда адабий тил ва умухалқ тили воситалари ва уларга хос бор имкониятларнинг нисбатан кенг ва тўлиқ намоён бўлиши ҳақидаги фикрлар
- Бадиий нутқ услубияти бой тарихи ва анъаналари билан ўзбек тили услубиятнинг пойдеворини яратганлиги ҳақидаги фикрлар.
- Маънодошлик, шаклдошлик ва зид маъноли сўзлар –
- услубият асоси эканлигини илмий далиллаш.
- Луғавий синонимлар, маъновий синонимлар, услубий синонимлар, грамматик синонимлар орасидаги фарқни илмий далиллар асосида фарқлаш.
- Фразеологизмнинг услубий қўлланилиши ҳақида турли олимларнинг турлича қарашлар.
- Ҳикматли сўз ва ибораларнинг турли услубларда ишлатилиши мақсадга мувофиқми?
- Ўзбек тилининг бой фразеологик воситаларга эга эканлигини илмий асослаш.
- Ибораларнинг турлари ва мазмуний гуруҳларини илмий изоҳлаш.
- Иборалар орасида маънодошлик ҳодисасини шарҳлаш.
- Мақол ва маталларнинг турли услубларда ишлатилишини илмий асослаш.
- Бадиий асарларда ва халқ оғзаки ижодида мақол ва ибораларнинг ишлатилишини илмий далиллаш.
- Кўплик қўшимчасининг сўзлашув, илмий, публицистик услубларда қўлланиши натижасида қандай муаммолар юзага келади?
- Сизнингча эгалик қўшимчаларининг ноўрин қўлланиши адабий тил меъёрларининг бузилишига олиб келадими? Илмий далилланг.
- Нима олмошини нозик қирраларини очиш.
- Феъл замонларини баъзан алмаштириб ишлатиши.
- Бўлишсизлик шакллари ясовчи қўшимчаларнинг яна қандай модал маъноларда қўлланиши мумкинлигини илмий далилланг.
- Шахс-сон қўшимчаларини орасида синонимлик.
- Олмошларнинг ўзига хос турларини услубий қўлланишидаги айрим муаммолар.
- Нутқий санъатлар фақат адабиётшуносликка оидми ёки тилшуносликка ҳам алоқадорми ?
- Синтактик кўчимлар фақат бадиий ва публицистик услубга хосми ёки бошқа услубларда ҳам ишлатилиши мумкинми ?

ИНФОРМАЦИОН – УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

Асосий адабиётлар:

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижоноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови. Тошкент. Ўзбекистон, 2017.

5. М. Ҳамроев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломаова, Ш.Йўлдошева. Она тили. - Тошкент, 2007.
6. Э.Қиличев. “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма). Тошкент «Ўқитувчи», 1992.
7. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Тошкент-1992.
8. Тошалиев. «Ўзбек тили услубияти»Т.1996 йил.
9. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983.
10. Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов. Ўзбек тили функционал стиллари. СамДУ нашри, 1984 й.
11. Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). Т., 1994 й.
12. А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: Фан, 1987 й.

Қўшимча:

1. Ш. Раҳматуллаев. Нутқимиз кўрки. Т.: Фан, 1970 й.
2. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т.: Фан, 1966 й.
3. М. Аъламова. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т.: Ўзбекистон, 1988 й.
4. Х. Дониёров. А. Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976
5. Қ. Самадов. Ғ. Ғуломнинг шеърятда сўз қўллаш маҳорати. Тошкент, 1987 й.
6. Қ. Самадов. Ўзбек тили услубияти. Гулистон, 1991 й.
7. Ғ. Ғулом. Асарлар. 10 жилдлик, 1-4-жилдлар.
8. Тимофеев Л.Н. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1966. –480 с.
9. Arthur Hughes: Testing for Language Teachers (Cambridge Language Teaching Library), 2nd Edition. Cambridge University Press, 2002.
10. Tim McNamara: Language Testing (Oxford Introduction to Language Series), 1st Edition. Oxford University Press, 2000.

Услубиunosликка оид интернет ресурслари:

1. <http://www.edunet.tn>.
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. <http://www.google.uz>
4. <http://www.pedagog.uz>
5. <http://www.samarqanduz.com>
6. <http://www.uzbmaster.com>.

ГЛОССАРИЙ

Агноним - Билинмаган, тушунарсиз, номаълум бўлган ном.

Адабий меъёр – тилнинг энг юксак, ишланган, сайқалланган кўриниши.

Аллегория- Қочирим, кесатиш, пичингга асосланган маъно кўчиши

Аллитерация- Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши: Қаро қошинг, қалам қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз...

Анафора - Шеърин мисраларнинг бошида ёки насрий асардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз ва ибораларнинг такрорланиб келиши.

Антитеза – Бадиий асарда бир-бирига зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш, қаршилантириш санъати.

Арго- Ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифа вакиллари

Архаизм- Маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган

Ассонанс- Айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик.

Бадий матн -нарий ва назмий асарлар

Бадий услуб-сўз санъати, тимсолий фикрлаш соҳасига оид

Баёнот – дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу қабилар ҳақида манфаатдор томонлар ва умум ахбороти учун оғзаки ёки ёзма равишда эълон қилинган расмий билдириш ва шу ҳақдаги ҳужжат.

Барқарор бирикмалар -иборалар, мақол-маталлар ва хикматли сўзлар ҳисобланади. бошлаган тил бирлиги.

Варваризм- Она тилига ўзлашмаган, ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланган сўз ёки ибора: мадам, миссис, мерси...

Визит – расмий суратда бирор элда, биор шахс ҳузурида қисқа фурсатда бўлиш, ташриф буюриш, ташриф.

Вульгаризм- Адабий тилга кирмайдиган дағал сўз ва иборалар.

Геминация- Қўш ундошлик. Икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши: уччида, теппасида...

Гипербола- Нарса-ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлаш.

Градация- Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини кучайтириб боришидан иборат услубий жараён.

Декларация –бирор муҳим сиёсий масала юзасидан расмий суратда эълон қилинган баённома, ҳукумат ёки партия тантанали суръатда эълон қилган асосий қонун-қоидалар.

Диалект-лаҳжа ва шева тушунчалари биргаликда

Жаргон- Бирор гуруҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалар.

Жонлантириш- Жонсиз предмет, мавҳум нарсаларга инсонга хос хусусиятлар бериб тасвирлаш усули. Персонификация. Ташхис.

Иборалар- ўзига хос образли ифодалар.

Илмий матн -тезис, мақола, маъруза, аннотация, тақризлар

Илмий услуб –фан-техника услуги:

Инверсия – гапда сўзлар тартибининг ўзгариши

Канцеляризм- Расмий стилга хос сўз ва нутқ шакллари.

Киноя- Тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига нисбатан қарама-қарши маънода, кесатик, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим.

Контекст - нутқий вазият маҳсули

Кўчим-Бадий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги, рамз билан қўлланган сўз.

Лаҳжа-бир-бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси.

Литота-Нарса, ҳодиса ёки белгининг ҳажми, кучи қабиларни қамайтириб тасвирлаш.

Мажоз-Мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ образ орқали ифодалаш. Айёрлик белгисига эгалик-тулки.

Мақол-Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида ритмик- мелодик хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри.

Маталлар - тарбиявий, панд-насихат маъноларини ифодаловчи, грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклида бўлган, фақат ўз маъносида - тўғри маънода қўлландиган, қисқа, ихчам халқ ибораларидир.

Метатеза-Сўздаги товушларнинг ўрин алмашилиши: киприк-кирпик, тупроқ-турпоқ каби.

Метафора-Бир предметнинг номини бошқа предметга шакл, белги ва ҳаракат ўхшашлигини эътиборга олиб кўчириш.

Метонимия-Бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш.

Монолог-Сўзловчининг ўзига қаратилган, бошқа шахснинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ.

Муштрак – барча услуб учун умумий бўлган.

Неологизмлар- Янгилик бўёғига эга бўлган сўзлар

Нота – бир давлатнинг иккинчи бир давлатга юборадиган расмий хати

Нутқий штамп – қолиплашган ёки қолипга тушган жумлалар

Образлилик-бадийлик, тасвирийлик

Окказионализм - ҳар бир ижодкорнинг стилига хос бўлган, у яратган сўзлар.

Оксюморон (Катахреза)-Мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тушунчани қўшиб қўллаш. Бақирган сукунат, қизил қор, ширин ғам.

Оммабоп матн - мақола, суҳбат, табрик ва хитоб нутқи матнлари

Паралингвистик воситалар - имо – ишора ва қўл ҳаракатлари.

Паремалар- мақол-матал ва ҳикматли сўзлар

Профессионализм- Тилдаги касб-ҳунарга оид бўлган сўз ва иборалар.

Расмий матн -маълумотнома, қарор, буйруқ, тавсифнома, тавсияномалар

Риторик сўроқ гаплар- жавоби мазмунидан англашиниб турадиган гаплар

Сарказм- Аччиқ заҳарханда, истехзоли таъна, пичинг.

Синекдоха-Бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ёки аксинча бўлиб қолиши.

Стилистик бўёқ –қайси услубда қўлланишини кўрсатувчи маъно буёғи.

Стиль – Стил (ингичка ҳанжар ва стило-авторучка сўзлари келиб чиққан)

Структурал стилистика – тилнинг вазифадош услубларини ўрганувчи стилистика.

Субъектив баҳо – муаллифнинг муносабати.

Такрор- Айни бир сўз, ибора ёки синтактик шаклларнинг муайян мақсад билан қайтарилиши.

Такт- фразанинг бир қисми бўлиб ярим тўхтам билан ажраладиган бир ёки бир неча сўздан иборат бўлак.

Термин- илмий атама

Ўхшатиш-Икки нарсга ёки ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ бўрттириброқ кўрсатиб бериш.

Фраза- мазмунидан тугал фикр англатадиган гапга тенг бўлган фонетик бирлик

Функционал услублар-хосланган услублар

Ҳикматли сўзлар (афоризмлар)- маълум шахслар томонидан айтилган ёки асарларида ишлатилган ихчам, маънодор,ишлатишга қулай ва қуйма фикрлардир..

Шева-умумхалқ тилининг маълум худудига хос тармоғи,махаллий тил

Мундарижа

Кириш-----	3-12
Мультимедия воситалари ва тақдимотлар рўйхати-----	10
Услугунослик фани бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.-----	13
1- Мавзу: Услугуносликнинг умумий масалалари.-----	21-33
2-Мавзу: Сўзлашув услуги.-----	33-46
3- Мавзу: Расмий услуб-----	46-54
4- Мавзу: Илмий услуб.-----	54-63
5-Мавзу: Публицистик услуб-----	63-70
6-Мавзу: Бадиий услуб. -----	71-77
7- Мавзу: Лексик услубият..-----	77-91
8-Мавзу: Фразеологиянинг услубий имкониятлари-----	92-99
9- Мавзу: Отларнинг услубий хусусиятлари-----	100-115
10-Мавзу: Сифат,сон, олмош ва феъл услубияти-----	115-130
11-Мавзу: Синтаксиснинг услубий имкониятлари-----	130-142
Амалий машғулотлар бўйича дарс ишланмалари-----	142-154
Семинар машғулотлар бўйича дарс ишланмалари-----	154-161
Яқуний назорат саволлари-----	162-164
Услугунослик фанидан тест саволлари.-----	164-185
Услугунослик фанидан бўйича мустақил иш топшириқлари-----	185-186
Услугунослик фанидан ечимини кутаётган илмий муаммолар -----	187-188
Информацион – услубий таъминот-----	188-189
Глоссарий -----	189-190

Теришга 28.08.2017 йил берилди. Босишга 28.08.2017 йилда
рухсат қилинди. Бичими 60 x 84, 1/16. Буюртма № __.
Хажми 5 б.т. Нусхаси 300 дона. Баҳоси келишилган
нархда. ГулДУ босмахонасида чоп этилди.
7007012. Гулистон, 4-мавзе